

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# ГҰРҰҒЛИ ДОСТОНЛАРИ

Тўрт жилдлик

## I. ГҰРҰҒЛИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Тошкент  
«Ёзувчи» нашриёти

Айтувчи: *Раҳматулла Юсуф ўгли*  
Нашрга тайёрловчилар:  
*Тура Мирзаев ва Зубайда Ҳусайнова*

Гуруғли дostonлари. Тўрт жилдлик / Айтувчи: Р. Юсуф ўгли; Нашрга тайёрловчилар: Т. Мирзаев, З. Ҳусайнова/ Ж. I. Гуруғлининг туғилиши.— Т.: Ёзувчи, 1996.— 208 б.

Сар. олдиди: Ўзбекистон Республикаси ФА. А. Навоий номидаги адабиёт ин-ти.

«Гуруғли» туркуми дostonлари юзга яқин хилма-хил мазмундаги асарларни ўзида бирлаштирган улкан силсиладир. Ушбу жилдга киритилган дostonларда афсонавий халқ баҳодирининг туғилиши ва қаҳрамонона ёшлиги, озодлик улкаси - Чамбил шаҳрининг бунёд этилиши, Ҳасанхоннинг Чамбилга келтирилиши ва Қирқ йигитларнинг уйланиши воқеалари тасвирланади. Дostonлар қаҳрамон ва севимли ёр садоқати, ота-она ва фарзанд бурчи, биродарлик ва дустлик масалаларидан баҳе юритади. Сербуёқчилиги, жозибадорлиги билан китобхонни узига ром этади.

82.3Уз

Г 4702620105 — 03 — 37—1995  
М 362 [04]—96

ISBN 5—8255—0275—0

© Т. Мирзаев, З. Ҳусайнова,  
(нашрга тайёрловчилар).  
«Ёзувчи» нашриёти, 1996 й.

## ДОСТОНЛАР ЗУБДАСИ

Атоқли шоир-қиссахон Раҳматулла Юсуф угли «Гуруғли» туркуми достонларини шундай атаган эди. Мен буни эслар эканман, бу улкан достончининг заковатига, биргина ибора билан халқимиз эпик ижодиётидаги бундай буюк ва ноёб ҳодисага гоёта тугри ва шоирона баҳо бера олганлигига яна бир бор қойил қолдим. Чиндан ҳам «Гуруғли» достонлар гултожи, қўшиқлар сараси, халқимизнинг қалбидан қўйилиб ва қуюқланиб оққан шеърят қаймогидир.

«Гуруғли» достонлари купгина халқлар орасида жуда кенг тарқалган. Бу достонлар ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, турк, қозоқ, қорақалпоқ, арман, грузин, курд халқлари эпик ижодиётида узига хос туркумларни ташкил этадилар. Гуруғли Сибирь татарлари, Булғер туркларининг сеvimли эпик қаҳрамонларидан биридир. Туркумнинг айрим лавҳалари Урта Осиё (Бухоро) арабларидан ҳам ёзиб олинган. Бундай кенг ҳудудда, асосан, туркий элатлар ва қисман туркий булмаган халқлар орасида кенг тарқалган, туркумлашишнинг барча хилларини уз ичига олган бунчалик кўп тармоқли бирор бир эпик асарни дунё фольклорчилиги билмайди. Бундай уртоқ мерос орасида юзлаб халқ бахшилари иштирокида яратилган ўзбек «Гуруғли» достонлари алоҳида ўрин тутати.

«Гуруғли» туркуми достонлари Ўзбекистоннинг барча ерларида яшаган бахшилардан, шунингдек, жумҳуриятимиздан ташқарида яшовчи ўзбеклардан ҳам ёзиб олинган. Ўзбек «Гуруғли»си бошқа халқлар «Гуруғли»сидан узининг боқийлиги, достонлар хилма-хиллиги, туркумлашишнинг мураккаб жиҳатларига асосланганлиги, унда қаҳрамонона ўтмиш мислсиз романтик лавҳалар орқали кенг куламда тасвирланганлиги, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дунёқарашлари ҳаққоний, ҳайратомуз бадий ифодаланганлиги билан ажралиб туради.

«Гуруғли» достонларини куп билган ва гузал куйлай олган бахшилар уларнинг сонини «қирқ» рақами билан белгилайдилар. Аммо, уларнинг ҳаммасини тўла билган бахшилар аниқланган эмас. Фақат айрим бахшиларнинг «Гуруғли» достонларини куп билганлиги қайд этилган, холос. Бизнинг кузатишимизча, «қирқ» рақами анъанавий

булиб, у ҳақиқий ҳолни ифода этмайди. Аслида ўзбек элида тарқалган «Гуруғли» дostonларининг сони юздан ошади. Ҳозиргача фольклоршунослар томонидан ёзиб олинган ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти Фольклор архивида сақланаётган «Гуруғли» дostonларининг сони олтмишга борди. Туркумнинг вариантлари ва Хоразм «Гуруғли»си бу ҳисобга кирмайди. Хоразм дostonларини махсус урганган профессор С. Рўзимбоевнинг фикрича, воҳада тарқалган «Гуруғли» дostonларининг умумий сони йигирма тўрттадир. Шундан ун саккизтаси ёзиб олинган. Бунга ҳалигача ёзиб олинмаган, унутилиб кетган «Шодмонбек», «Дониёрхужа», «Ойдиной», «Холдор бувиш», «Бектош араб», «Аҳмад Сардорнинг суяги», «Аҳмад Сардор ва Ҳасаншоҳ», «Аҳмад Сардор ва Аваз», «Шерали» каби унлаб дostonларни қўшасак, юқорида айтилган юз рақамга яқинлашиб қоламиз. Ёзиб олинган дostonларнинг бахшилар уртасида булиниши ҳам бир хилда эмас. Масалан, атоқли бахши Эргаш Жуманбулбул углидан 5, Фозил Йулдош углидан 10, Ислоом шоирдан 3, Пулкан шоирдан 16, Бекмурод Журабой углидан 2, Саидмурод Паноҳ углидан 1, Умир Сафар углидан 3, Мардонақул Авлиёқул углидан 2, Раҳматулла Юсуф углидан 27 дoston ёзиб олинган.

«Гуруғли» туркуми дostonларини урганишда бош-қаҳрамоннинг эпик биографиясига мос равишда уларнинг бирин-кетинлик тартибни белгилаш ҳам муҳимдир. Атоқли фольклоршунос Ҳоди Зариф 1941 йилда нашр этилган «Равшан» дostonига ёзган сўзбошида 39 дostonнинг шундай бирин-кетинлигини белгилаган эди. Хоразм дostonларини киритмаган ҳолда ёзиб олинган «Гуруғли» туркуми дostonлари силсиласини биз қуйидагича белгиладик: 1. Гуруғлининг туғилиши. 2. Гуруғлининг болалиги. 3. Чортоқли Чамбил. 4. Зайдиной. 5. Юнус пари. 6. Миқол пари. 7. Гулнор пари. 8. Қирқ йигит билан қирқ киз. 9. Ҳасан кулбар. 10. Райҳон араб. 11. Шоҳдорхон. 12. Замонбек. 13. Хидирали олбегии. 14. Бердийёр оталик. 15. Эломон. 16. Холдорхон. 17. Гуруғлининг Қримга бориши. 18. Говдароз дев. 19. Беш подшонинг Чамбилга ёв булиб келиши. 20. Шоқаландар. 21. Рузахон. 22. Ёсқила. 23. Ҳасанхон. 24. Чамбил қамали. 25. Далли. 26. Авазхон. 27. Гулқизой. 28. Ойгулқизнинг вафоти. 29. Интизор. 30. Малика айёр. 31. Машиқо. 32. Зулфизар. 33. Бутакуз. 34. Қундуз билан Юлдуз. 35. Сарвиноз. 36. Балогардон. 37. Авазнинг арази. 38. Аҳмад Сардорнинг улимга буюрилиши. 39. Аваз уғлоннинг Румга қочиши. 40. Авазхоннинг улимга ҳукм этилиши. 41. Гирдоб. 42. Хонимой. 43. Хушкелди. 44. Олтин қовоқ. 45. Зайидқул. 46. Гулихиромон. 47. Зарнигор. 48. Ога Юнуснинг олиб қочилиши. 49. Равшан. 50. Нурали. 51. Нуралининг ёшлиги. 52. Балхивон. 53. Жорхон мастон. 54. Сумбулсоч бека. 55. Нурали ва Қари Аҳмад. 56. Нуралининг ютилиши. 57. Малла савдогар. 58. Жаҳонгир. 59. Эруғли (Шаҳиднома, Гуруғлининг улими, Гуруғлининг гойиб булиши).

Бир қарашда дostonларнинг бундай бирин-кетин қўйилиши, уларга муайян тартиб берилиши ортиқчадек туюлиши мумкин. Чунки, уларнинг ҳар бирини китобхон ёки тингловчи мустақил дostonлар сифатида қабул қила беради. Аммо улар яхлит олинганда, халқимизнинг бадиий анъаналари ва эпик қонуниятлар асосида қачонлардир

етакчи бахшилар ва дostonчилик мактаблари вакиллари томонидан бир қаҳрамон — Гурӯгли атрофига бирлаштирилган. Агар бу силсила дostonлар ўзбек халқи ҳаёти, турмуши ва маишатини, орзу-умидларини, ахлоқий-эстетик, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини, унинг қаҳрамонона утмишини кенг куламда тасвирловчи буюк бир эпопея сифатида бир жилд остига тупланса, қарийб бир миллионга яқин насрий ва шеърий сатрларни ташкил этардики, бундай беқиёс эпик ижодиёт халқимизнинг юксак ижодий салоҳиятини янада ёрқинроқ кўрсатган булар эди. Бундай вазифани уддалашга эса, ёзиб олинмаган дostonларни топиш ва уларни ёзиб олиш, уларга муайян тартиб бериш, туркумнинг узилган ҳалқаларини тиклаш орқалигина эришиш мумкин.

Ана шу улкан бойликнинг каттагина қисми бизга таниқли халқ шоири, ўзбек дostonларининг улкан билимдони, ажойиб қиссаҳон-дostonчи Раҳматулла Юсуф угли орқали етиб келди. Раҳматулла Юсуф угли 1917 йилда ҳозирги Самарқанд вилояти, Қўшрабoт тумани Эргаш Жуманбулбул угли номидаги давлат хўжалигининг Қоракиса қишлоғида овчи-деҳқон оиласида тугилди. Ешлигидан халқ ижодига қизиққан ва шу руҳда тарбияланган Раҳматулланинг бутун ҳаёти асосан шу қишлоқда ўтди. Туққиз ёшида бобоси қўлида эскича саводини чиқарган Раҳматулла араб ва форс тилларини ургана бошлади, бадиий ижод билан шугулланди.

Раҳматуллани ўзбек халқ дostonчилиги санъати бутунлай уз сеҳрига олди. У дostonчилик сирларини пухта урганиш мақсадида замонамизнинг атоқли дostonчиси Эргаш Жуманбулбул углига шоғирд тупди. Эргаш ота вафотидан кейин дostonчилик таълимини бошқа бир улкан халқ санъаткори — Пулкан шоир қўлида олишни давом эттирди. Натижада у 22—23 ёшларида мустақил дostonчи-қиссаҳон бўлиб етишди.

Раҳматулла Юсуф угли узоқ йиллар давомида Жўшдаги мактаблардан бирида кутубхоначилик қилиш билан бирга ўзи билган халқ дostonлари ва термаларини эл орасида айтиб юрди. У қирқдан ортиқ халқ дostonларини, жуда кўп эртақ ва термаларни ёд билар эди. Раҳматулла 1946 йилда Тошкентда ўтказилган халқ ижодкорлари олимпиадасида қатнашиб, катта муваффақиятларга эришди. Унинг дoston ва термалари шу йилдан бошлаб ёзиб олина бошланди. Уларнинг кўпларини шоирнинг ўзи ёзиб, фольклор архивига топширди. Чунки у араб, лотин, кирилл алфавитлари асосидаги ўзбек ёзувларини пухта билар эди.

Раҳматулла Юсуф угли халқ ижоди йўлида баракали ижод этган шоир ҳамдир. Унинг шеър ва термалари 1943 йилдан бошлаб вақтли матбуотда мунтазам босилиб турди. У айтган «Тоҳир ва Зухра», «Вомиқ билан Узро», «Варқа билан Гулшоҳ», «Зевархон», «Суманбар» каби дostonлар алоҳида китоб бўлиб нашр этилган, тупламларда бир неча эртақлари босилган.

Раҳматулла Юсуф угли халқ ижоди намуналарини туплашда ҳам фаол иштирок этди. У Самарқанд вилоятига уюштирилган барча фольклор экспедицияларининг доимий иштирокчиси ва йўл кўрсатувчиси эди. Шоир 1987 йилнинг 27 июлида уз қишлоғида вафот этди.

Раҳматулла Юсуф углидан жуда катта фольклор бойлиги мерос бўлиб қолди. Унинг каттагина қисмини 27 номдаги «Гуругли» туркуми дostonлари ташкил эгади. Бундан ташқари шоирдан «Алпомиш», «Қироихон», «Ёзи билан Зебо», «Заркокил» дostonлари, жуда кўп термалар, эртаклар, ривоятлар, нақллар, атамалар ёзиб олинган.

«Гуругли» туркуми дostonларининг шоир томонидан қаламга олиниши ва фольклор архивига топширилиши уз тарихига эга. Туркум дostonларининг ёзи билган намуналарини биринчисидан охиригисигача ёзиб чиқиш нияти шоирнинг узид пайдо бўлган эди. Аммо уз вақтида атоқли олим Ҳоди Зариф нима учундир бу ниятни қўллаб-қувватламаган. Бизнингча, Раҳматулла Юсуф углининг дўмбира журлигида дoston куйламаганлиги, балки уларни оғзаки айтганлиги олимни ўйлантриб қўйган бўлса керак. Аммо Ҳоди Зариф Раҳматулла Юсуф углини халқ ижодининг катта билимдони ва ўзига хос ижрочиси сифатида қадрлар ва унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлар эди. 1962 йилнинг июль-август ойларида Ҳоди Зариф бошчилигида камина, Малик Муродов, Зубайда Ҳусайновалар Самарқанд вилоятида фольклор экспедициясида булганимизда бу масала яна кўтарилди. Бу гал устоз Эргаш шоир ҳам дўмбира чертишни ташлаб, халқ дostonларини оғзаки айтиб юрган пайтларида ёзиб олиш ишлари бошланганлигини айтиб, рози булдилар. Аммо сунъийликка йўл қўймасликни, халқ ўртасида қандай куйланган булса, шундайлигича, устозлардан қай даражада урганилган булса, шундайлигича ёзиб чиқишни қатъий тайинладилар. Раҳматулла ака бу ишга 1964 йилнинг 8 октябрдан киришди ва қарийб бир ярим йил давомида уни аъло даражада бажарди.

Энди шоирнинг уз дастхатларида дostonлар орасида берган изоҳларига суяниб, «Гуругли» дostonларининг қаламга олиниш жарағини кузатайлик. Чунки, туркум дostonларининг кетма-кетлик тартибини халқ шоирининг ўзи белгилаши ва шундайлигича қаламга олиниши ўзбек фольклоршунослигида биринчи тажрибадир. Қўлёзма шундай бир муҳим тушунтириш хати билан бошланади: «Бахши ва шоирларнинг катта устозларидан бири: «Қариликнинг ҳадди қирқ беш ёшдан то охир умрга-ча», — дебдир. Лекин бу замонда барча ёшимсигари<sup>1</sup> каби мен ҳам ҳали анча бола феълман. «Хотин қаёқдан булади деса, шу овулнинг қизларидан булар экан», — деб биров айтган экан. Шунга ўхшаб чол бобойлар қандай қилиб чол булади деса, менга ухшаган болалардан булар экан-да. Мана бир қарасам, баъзи шамоли унг келган мендан уч-тўрт ёш кичкина йигитлар келинли, набирали булиб қолибди. Инсоф юзасидан шунга қараганда, мен ҳам бобойлар қаторига утибман-да. Тишлар тушиб, сочу соқоллар оқариб, бобойликнинг аломатлари ҳар кимда ҳам бошлангандан кейин, агар киши улмаса, бу ёғини ҳам муқаррар кўради-да!»

Шўйтиб, бу соғлом қувватларимни бекорга ўтказиб юбормасдан, бу ширин дамларни ғанимат билиб, замиримда озми-кўпми мавжуд бўлган

<sup>1</sup> Ёшлик даври.

<sup>2</sup> Болалик даври.

шоирлик таъбимни қадрлаб, улуғ бахши Эрган Жуманбулбул, Муҳаммадқул Пулкан ва бошқа бир неча бахшилардан эшитиб, қалбимда ҳифз айлаб<sup>1</sup> келаётган дostonларнинг зубдаси<sup>2</sup> ҳисобланмиш «Гуругли» дostonини қарийб уттиз йилда буен солиштириб, урганиб келаётганим натижасини ҳосилга элдирсам, албатта, ёмон иш бўлмас, деб уйлайман.

Маълумки, «Гуругли» дostonининг асли ҳолига жуда кўп бахшилар томонидан қушилиб, чалкашиб кетган. Бунга сабаб: кишиларнинг бахшиларга «Ҳеч эшитмаган дoston айтиб беринг», — деган талабига биноан гапга чечанроқ бахши дарҳол, масалан, Авазхон ундай қилди, бундай қилди, деб йўқдан бир ажойиб дostonни қотириб, ясаб айтган. Ана шундай қилиб, Жасоқ бахши Сангзор бетга бир борганида, «Кийик ва тошбақа» деган дostonни «Гуругли» дostonлари ҳисобидан айтган, деган гап бор.

Энди мен, Раҳматулла Юсуф угли, ана шундай туқима дoston ёзишларга товба қилиш билан бирликда, шу «Гуругли» дostonини ислоҳлаб, тузиб, туплашни уз зиммамда қарз ҳам фарз деб билдим. Негаки, шу утган устозларнинг сунгги давомчиси эканлигим намён бўлиши керак-да».

Шоирнинг бундай изоҳлари фан учун ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олиб, ҳар бир дostonга берган номи ва рақамини ҳам курсата борамиз:

«Биринчи дoston: «Гуруглининг тугилиб усиши».

Иккинчи дoston: «Гуруглининг болалиги».

Учинчи дoston: «Чортоқли Чамбил».

Туртинчи дoston: «Райҳон араб».

Бешинчи дoston: «Юнус билан Мисқол».

Олтинчи дoston: «Ҳасанхон».

Еттинчи дoston: «Қирқ йигит ва қирқ қиз».

Бу дostonчани 1946 йилнинг ёзида Мансур Афзаловнинг амри билан Ҳожияой менадан ёзиб олиб, уша вақтдаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-текшириш институтидаги фольклор секторида сақлашга олиб қолган эди. Шуйтиб, яна бу ерда ёзиб утиришга ҳожат бўлмади. Албатта, фольклор секторидаги қўлёмалар йўқолмас-йитмас. Мавзудор бу дostonчани уқийман деган уқувчиларга уша жойдан олиб уқишни ҳавола айлаб, бу ерда сўзимни мухтасар этдим».

Ҳақиқатдан ҳам мазкур дostonни 1946 йилда Фольклор бўлимининг уша пайтдаги ходимаси Ҳожия Шокирова ёзиб олиб, архивга топширган экан. Шоир узининг наздидаги олти дostonни уз ичига олган биринчи китобни тугаллар экан, қўлёмза сунггида яна бир неча изоҳлар ва бир туртлик терма илова қилади: «Шундай қилиб, «Гуругли» дostonлари мажмуасининг аввали биринчи китобини тугатдим. Лекин бу китобнинг баъзи дostonларида афсоналар ва фалсафий сўз уйдирмалари ҳам йўқ эмас, албатта. Агар шундай қилинмаса, яъни масалан, «Юнус ва Мисқол» дostonининг урни бўш қолдирилиши керак бўлиб қолар эди.

<sup>1</sup> Ёдда сақлаб.

<sup>2</sup> Сараси, қаймоғи.

Шунинг учун баъзи хатоларни уқувчилар ёлгонга жуймасдан, танқидий ёки фалсафий назария билан қараб утар, деган умиддаман. Шунинг билан иккинчи китобни ёзишга утаман. Кузимга, ўзимга ва тизимга кучу қувват ҳосил булгай, деб умид қиламан».

«Халққа бу китобни тўрт-беш марта уқиб бериб, аларнинг олдидан ўтганимда, баъзи кишилар: «Аҳмад Сардорга Гуруглибек мулла тишов қилиб берди», — деган жойини олиб ташлашни тавсия этдилар. Албатта, хулуси каломни<sup>1</sup> миридан сиригача айирувчи уртоқлар ундай жойларини узлари ислоҳга келтирурлар, вассалом».

«Раҳматулла, худой сенга тил берди,  
Осмондан, заминдан кенгиш дил берди,  
Орзу-дилинг кўчирмакка қўл берди,  
Шукрини адо қил, энди вақтидир».

Шоир «Гуругли» мажмуасининг иккинчи китоби қўлёзмасини шундай изоҳлар билан бошлайди: «Маълумки, «Гуруглибекнинг Авазхонни олиб келгани» деган дoston инқилобдан аввал Қозон ва Тошкентда савдогарлар томонидан нашр қилиниб, тезлик билан бутун ўзбеклар элатига тарқалган эди. Мазкур китобчанинг Тошкент босмаси булган «Гуругли ботасвир» бизнинг овулга ниҳоят, 1927 йилда етиб, ўша вақтдаги ҳамма дostonчи, бахшиларнинг, ҳатто «араб ҳарфида ёзилган китобнинг ҳаммаси рост», — деб тушунган улуг Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳам замирига сингиб, мазкур дostonни аввалдан ҳар бирлари турлича айтиб юрганлари ҳам йўқолиб, китобниқини айтмоқ керак, деган фикр пайдо булган. Шундай қилиб, барча бахшиларга ёйилиб, кейинчалик ўша нардан чиққанига ухшаган қилиб айтмоқ одат булиб кетди.

Ҳозир, масалан, бир кичикроқ бахшидан: «Мазкур дostonнинг бошқа хили ҳам илгари айтилармиди?» — деб сўралса, «Йўқ», деб қисқа жавоб беради. Аслида, яқингинада ҳам мазкур дostonнинг бир-икки хилда куйланишини унутиб юборишган. Мен шу аввалги ариқларни қазиб, мазкур дostonнинг бошқа бир хилини баёнга келтирмоқчиман. Албатта, эпитанларга раҳмат ва майда бахшилар учун кумилган ариқларни очиб берсам, шунинг ўзи менинг учун бир катта шарафдир».

«Эргаш Жуманбулбул ўгли билан Пулқандан бошқа мен сўҳбатидан баҳраманд булган бахшиларни номба-ном такрорлайман. Биринчи. Ўста Холқул — қоракисалик, Эргаш ота шогирди, қарийб Пулқанча бор эди. Иккинчи. Бута бахши — Ёнбошдан. Учинчи. Эгамбарди бахши. Туртинчи. Саримсоқ бахши — қоракисалик, 1938 йилда улган. Булар чиқиб бахшилиқ қилган. Бешинчи. Норқул қора, ҳозирги аёлимнинг отаси. Бу чиқиб бахшилиқ қилмаган. Кичикроқ бахшилардан: Абдулла бахши — чиноқлик. Хужа бахши — бурганлик. Жолғош бахши, Қўлдош устalar — қўргонлик. Ёнг майда бахшилардан: Фармон, Марди, Қўрбонқўл бахшилардир. Аммо Топғиёз бахши китобдан ёдлаб уқувчи бахши эди».

«Саккизинчи дoston: «Гуруглибекнинг Авазхонни олиб келгани».  
«Туққизинчи дoston: «Хон Далли». Бу дoston «Ҳасанхон» номи билан

<sup>1</sup> Самимий сўз.

Эргаш Жуманбулбул угли томонидан Тошкентга ёзиб берилган. Шунинг учун устоднинг юзини босмайин, деб бу дostonни қайтадан ёзиб утирмадим.

Унинчи дoston: «Авазхоннинг қочиши». Бу дoston ҳам инқилобдан илгари нашр этилган. «Авазхоннинг қочиши» дostonидан деяшлик фарқ қилмайди. Шунинг учун бу ерда яна қайтариб ёзиб юрмадим.

Ун биринчи дoston: «Авазхоннинг уйланиши».

Ун иккинчи дoston: «Говдароз дев».

Ун учинчи дoston: «Чамбилга беш подшонинг ёв булиб келиши».

Ун туртинчи дoston: «Сарвиноз».

Ун бешинчи дoston: «Ҳасан кулбар воқеаси».

Учинчи китоб қўлёзмаси шундай изоҳ билан бошланади: «Бу дostonлар, яъни мен «Аваз углон» деб атаган «Гуругли» китобларининг учинчисига киритилган дostonларнинг бироз қисмини 1933—1934 йилларда Эргаш ота ёзиб, чала қолдирган. Афсуски, уна вақтларнинг узида Тошкентга элтиб беролмай, йўқотиб юборган эди.

1935 йилда мен ҳам уша нотаом китобни ўқиб чиққан эдим. Уша вақтда ўқиб чиққан, бу «Аваз углон» китобига киритилган баъзи қисмларни Эргаш Жуманбулбул углининг сюжет тузиши асосида ёздим. Қолган бошқа қисмларини каттали-кичили бахшилардан эшитишим асосида ёзиб, ихчамлаштирдим, услубларини узим уз тилим буйича анча силликлаштирдим.

«Гуругли» дostonларини жовлик қилиб тўпласам, деб 1948 йилда улуг олим, бахшиларнинг бахшиси, Афлотун мининш Ҳоди Тиллаевич Зарифов акага хат ёзган эдим.

Менга толе ёрлик қилиб, 1965 йилда «Гуругли» дostonларини тўплаб, ҳозирча икки китобини ёзиб тамом қилиб, учинчи китобики, «Аваз углон»дир. Яна бахту иқбол менга ёр, толеим мададкорлик қилса, бу ёгини ҳам ёзиб тугатарман. Мендан шу китобимни ўқиган ва эшитганларга салом».

«Ун олтинчи дoston: «Гуруглининг Аҳмад Сардорни улимга буюриши».

Ун еттинчи дoston: «Аваз углоннинг Румга қочиши».

Ун саккизинчи дoston: «Балогардон».

Ун тўққизинчи дoston: «Чамбил қамали».

Бу дostonни Эргаш Жуманбулбул угли ва Пулкан билган, деб эшитганман. Лекин узим на Эргаш Жуманбулбулдан, на бирор бошқа бахшидан, ҳеч бўлмаса, қиссасини ҳам эшитмаган эдим. Фақат дарсликда кўрдим. Бу дostonни Эргаш отанинг Тошкентга ёзиб бердим деганини ҳам эшитмаган эдим. Бинобарин, бу ерда дostonнинг ўрнини куйиб кетдим.

Йигирманчи дoston: «Ойгулқизнинг вафоти».

Йигирма биринчи дoston: «Хушкелди».

Бу дostonни «Хушкелди» номи билан Эргаш Жуманбулбул угли уз вақтида Тошкентга ёзиб берган. Мен ҳам 1958—59 йилда поэма тариқасида қисқа қилиб Тошкентга ёзиб берган эдим. 1959 йилда профессор уртоқ Решитов лентага ҳам олган эди. Шуйтиб, бу ерда урни қолдирилди».

Ҳақиқатда ҳам Раҳматулла Юсуф углининг «Хушкелди» достонининг «Қатортол» номида шеърӣ йулда ёзиб чиққан нусхаси фольклор архивида сақланмоқда. Аммо унда халқ достонларига хос анъанавий услуб бузилган ва унга фольклор асари сифатида қарашга асос йўқ.

Йигирма иккинчи достон: «Қундуз билан Юлдуз». Бу достонни ҳам Эргаш Жуманбулбул угли Тошкентга уз вақтида ёзиб бериб, бир-икки марта нашр этилгандир. Шунинг учун яна қайтариб ёзиб утиришга ҳожат қолмагандир.

Шунинг билан «Гуругли» достонлари китобининг учинчи китобини ҳам ёзиб тугатдим. Бру биродарлардан китоб ичидаги баъзи нуқсонларни тузатиб, ислоҳга келтиришларини сурайман. Барча олим ўртоқларга салом ва эҳтиром билан: «Раҳматулла Юсупов».

Шоир достонлараро бериб бораётган изоҳларнинг изчиллигига қараганда, «Гуругли» мажмуасининг тўртинчи китоби қулъзмаси йигирма учинчи достондан бошланиши ёки ўрни буш қолдирилса, бирор изоҳ берилиши зарур эди. Аммо қулъзмадаги изчиллик йўқолади. Шоир бу ўринга қандай достонни мўлжаллаганлигини билмаймиз, ҳатто номи ҳам келтирилмайди. Тўртинчи китоб қулъзмаси туғридан-туғри изоҳсиз йигирма тўртинчи достондан бошланиб кета беради:

«Йигирма тўртинчи достон: «Шоқаландар».

Йигирма бешинчи достон: «Рузаҳон».

Йигирма олтинчи достон: «Ёсақила».

Йигирма еттинчи достон: «Хиромон дали».

Шоирнинг фикрича, йигирма саккизинчи достон «Равшанҳон» булиши керак. Бу ҳам Эргаш отадан ёзиб олинганлиги учун бу ерда қайта ёзилмаган.

«Йигирма туққизинчи достон: «Бозиргон араб».

Уттизинчи достон: «Шаҳиднома» («Гуруглининг улими»).

Шундай қилиб, шоир узи билган ва воқеалар жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ «Гуругли» достонларини уттизта, деб билади ва улардан йигирма учтасини ёзиб, тўрт китобга жамлаб, фольклор архивига топширади. Шу билан бирга унинг назарида воқеаси жиҳатидан узилиб қолган достонлар ҳам мавжуд. Шундайлардан бири «Зулфизар»дир. Шоир «Зулфизар» достонини қаламга олар экан, қулъзманинг бошланишида шундай муҳим бир тушунтириш беради: «Менга толеим ёрлик қилиб ва бахтим мададкорлик айлаб, 1964 йил 15 октябрдан бошлаб, 1966 йил 15 февралгача тўрт китобдан иборат «Гуругли» достонлари мажмуасини ёздим, яъни «Гуругли» достонлари мажмуасини ёзиб тугатганимча ун олти ой вақт сарф этдим. Аммо мен туپлаган «Гуругли» достонлари мажмуасига кирмаган, яъни воқеи жиҳатдан узилиб қолган узма достонлардан ҳам замиримда сақланганлардан «Сумбулсоч бека», «Малика айёр», «Зулфизар» каби достонлар бордир. Лекин шу маақур достонлардан «Малика айёр»ни мукаммал билмаганман. «Сумбулсоч бека»ни булса, 1947 йилда Тошкент Фанлар академиясининг Фольклор секторига ёзиб берган эдим. Шуйтиб, энди бу ерда дафтarga «Зулфизар» достонини ёзаман. Шунинг билан «Гуругли» достонларидан булган, менинг замиримда сақланаётгани тамом бўлади.

Агар фольклорист олимлар лозим топса, «Сумбулсоч бека» билан бу

«Зулфизар» дostonимни ҳам бир китоб қилиб, тўрт китоблик «Гуругли» дostonлари мажмуасининг ёнашига бешинчи китоб қилиб қўшиб қўяр. Шунинг билан умид қиламанки, мен билмаган «Гуругли» дostonларидан купларини бошқа бахши биродарларим туплаб берар. Мендан барча адабиёт мухлисларига кўндан-кўп саломлар бўлгай».

Дostonчи-қиссахон (бахши) — Раҳматулла Юсуф углининг ўзи билган дostonларни ўзи ёзиб топширган қўлёзмасидаги бундай тафсилотларга атрофлича эътибор бераётганлигимизнинг муайян сабаблари бор, албатта. Биринчидан, юқорида айтилганидек, «Гуругли» туркумини тула биладиган дostonчи ҳали аниқланган эмас. Бу уринда бир ижодкор репертуаридаги мавжуд дostonларнинг ижрочи-қиссахоннинг ўзи томонидан тартиб берилиши ва кетма-кет ёзилиши ўзбек фольклоршунослигида ўзига хос илк ноб ҳодисадир. Тугри, фольклоршунослик тарихида шунга ухшаш уринишлар бўлган. Масалан, 1927 йилда Пулкан шоирдан «Гуругли» дostonларини кетма-кет ёзиб олиш иши ташкил этилган. Аммо 4—5 дoston ёзиб олинishi билан бу иш тўхтаб қолган.

Иккинчидан, бундай тафсилотлар бир қарашда оддий, қандайдир аҳамиятсиз изоҳларга ухшаб кўринishi мумкин. Аслида эса, улар айтувчининг эпик репертуарга, дostonлардаги баъзи эпизодларга, тингловчи ва фольклоршуносларга муносабатини урганишда жуда аҳамиятлидир.

Учинчидан, биз фақат дoston матнини ёзиб оламиз. Матн орқасида эса (санъатишунослар таъбири билан айтганда, саҳна ортида), катта «ҳаёт» бор, дostonнинг ижроси ва кўйланиши билан боглиқ бўлган ижодий жараён бор. Фольклорчилик ишларимизда ана шу жараёни кузатиш борасидаги материаллар етишмаётир ёки улар фольклорчиларнинг кўндаликларида қолиб кетмоқда. Раҳматулла Юсуф углининг юқорида қисман биз келтирган изоҳ ва тушунтиришлари, бу ерда эслатиш имкони бўлмаган, аммо қўлёзма ҳошияларидаги яна аллақанча қайдлари, лугатлари, қистирма сатрлари матн орқасидаги ана шу ўзига хос «ҳаётни» урганишда шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам шоир дostonларини нашрга тайёрлашда шу ва шу каби бир қарашда иккинчи даражали кўринган қайдларга алоҳида эътибор қаратишни зарур, деб топдик.

«Гуругли» дostonларининг ушбу наشري тўрт китобдан иборат. Улар юқорида шоир қайдлари асосида маълум маънода тавсифи берилган ягона нусхалар асосида нашрга тайёрланди. Булардан бир дostonни, юқорида айтилганидек, «Қирқ йигит ва қирқ қиз» дostonини Ҳожия Шокирова ёзиб олган, қолган барча намуналарни шоирнинг ўзи ёзиб топширган. «Қирқ йигит ва қирқ қиз», «Нуралининг ёшлиги», «Сумбулсоч бека» дostonлари 1946—1947 йилларда, қолганлари эса, юқорида айтилганидек, 1964—66 йилларда қаламга олинган. Тула равишда ёзиб олинмаган «Авазхоннинг улимга ҳукм этилиши» дostonининг қаламга олинishi йили номаълум.

Тўрт жилдликка фольклор архивида сақланаётган ва Раҳматулла Юсуф углига мансуб «Гуругли» дostonларининг барча нусхалари қамраб олинди. Фақат «Қаторгол» («Хушкелди») дostonи киритилмади,

чунки у халқ дostonлари услубига мос эмас. Буни шоирнинг узи ҳам тан олган.

Бу уринда яна иккита истисно ҳақида сузлашга тўғри келади. Гап шундаки, «Рузахон», «Есақила» асарлари «Гуругли» туркуми дostonлари руҳига унча мос келмайди. Улар Қўргон дostonчилиқ мактаби вакилларининг кейинги даврлардаги «янгилиги» ёки Раҳматулла Юсуф ўғли репертуарида тула равишда «узлашмаган» намуналар бўлиши мумкин. Халқ дostonчилигининг барқарор жонли анъаналари суна бошлаган даврларда бахшилар репертуарида шу хилдаги намуналарнинг пайдо бўлиши табиийдир. Шунингдек, «Бозиргон», «Хиромон дали» каби Хоразм дostonларининг ушбу кўп жилдликка киритилишини ҳам Қўргон дostonчилари репертуари билан боғлиқ «якка ҳодисалар» сифатида қарамоқ зарур.

«Гуругли» туркуми дostonлари яхлит ҳолида биринчи марта нашрга тайёрланди. Бунинг устига, бир дostonчи, қиссахон-шоир репертуари асосида бундай нашрни амалга ошириш илк тажриба ҳисобланади. Умид қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг «Ёзувчи» нашриёти билан ҳамкорлигида юзага келган бу тажрибани диди баланд китобхонларимиз хушнудлик билан кутиб оладилар. Зеро, ушбу нашр халқимиз ижодининг яна бир ёрқин саҳифасини буй-басти билан намойиш этгусидир.

*Тура МИРЗАЕВ*  
*филология фанлари доктори,*  
*профессор.*

## ГҮРҮҒЛИНИНГ ТУГИЛИШИ

Бир вақтлар Туркман эли Урганчга қарар эди. Замонлар ағдарилиб Урганч подшолиги барҳам топиб, Урганчда бир подшо турадиган бўлиб қолди. Ундан кейин така, ёвмит, эрсари, кўкланг туркманларининг оқсоқоллари бир жойга йиғилиб, Оғалибек деганни подшо кўтариб, Ёвмитни урталиқ, деб Ёвмитда бир қулай жойни Оғалибекка ўрда қилиб бериб, бозор юргиздириб қўйдилар. Туркман чочув утирганлиги сабабли қизилбошлар ҳар доим туркманга ёв бўлиб келиб, бу ёғидан, у ёғидан талаб, мол, одам ўлжа қилиб кетар эди. Оғалибек ҳеч қизилбошнинг уддасидан чиқа билмас эди. Оғалибекнинг Гаждумбек, Ҳасанбек, Аҳмадбек деган уч угли бор эди. Гаждумбек билан Ҳасанбек, отаси Оғалибекнинг қирқ йигитлари эл қуриб юрар эди, Аҳмадбек бўлса, ҳали ёш эди.

Кунлардан бир кун қизилбош юртидан бир катта ёв келиб, туркманни кўп овора қилиб, Оғалибекни ўлдириб, туркмандан ўғил-қиз асир қилиб кетди. Шу талотупда Гаждумбек билан Ҳасанбек ҳам банди бўлиб кетган эди. Қизилбошларнинг подшоси Хунхоршоҳ Гаждумбек билан Ҳасанбекни текшириб, Оғалибекнинг угиллари эканини билиб: «Туркманнинг белгили ўғлонлари экан, буларнинг орқасидан элати оёққа турмасин», — деб хавф қилиб, Гаждумбек билан Ҳасанбекни озод қилиб, юртидаги бир тўда озод қилинган туркманларга Гаждумбекни бошлиқ қилиб, шаҳарнинг бир четдаги қуриқни буларга ер қилиб берди. Шу ерда Гаждумбек бир тўда туркманга бош бўлиб, бечорачилик билан тинч яшай берди. Ҳасанбек бўлса, бир тўда мол қилиб, бой

булиб, қуриқда туркманлар билан яшар эди. Гаждумбек булса, шаҳарда туриб, ҳар замонда қуриққа келиб-кетиб турар эди. Булар шу аҳволда қизилбош юртида яшай берсин. Энди туркман юртидан эшитинг.

Оғалибек ўлдирилгандан кейин туркман юрти яна беподшо қолиб, элат оқсоқоллари йигилиб, Жигалибек деган биттасини подшо кутардилар. Аммо Жигалибек жуда қари одам эди. Унинг Равшанбек деган бир ёш ўгли бор эди. Равшанбек каттариб йигит булиб, қирқ йигит билан элат қурийдиган бўлди. Энди гапни Хунхордан эшитинг.

«Туркманлар яна тикланиб, Жигалибек деганни подшо кутариб, яна қирқ йигит қилиб, элат қуритиб юрган эмиш, — деб эшитиб, — шу туркманларни тоза ўзимга қаратиб, бож-хирож тўлатиб қўймасам», — деб жуда кўп қушин қилиб, туркманга бостириб келиб, Равшанбекни ушлаб, банди қилиб, минг-минглаб молини улжа қилиб, ҳайдаб кета берди. Шунда Жигалибек қизилбошнинг саркардаларига қараб алжираб, довдираб: — Энди мени ҳам ўлдиринглар. Мен то тирикман, сизларга хирож бермайман, — деди. Қизилбошлар Жигалибекни ўлдириб, Оғалибекнинг ўгли Аҳмадбекни топтириб келиб: — Сен Хунхоршоҳ томонидан туркманга бек бўлиб, бож-хирожини Хунхоршоҳга вақтида етказиб турасан, — деб, Аҳмадбек қурққанидан рози бўлиб, туркман юртига сардор қилиб тайинланди. Аҳмад сардор туркманда сардор бўлиб турсин. Энди сўзни Равшанбекдан эшитинг.

Равшанбекни қизилбошлар ялангбош, ялангоёқ боғлаб, от ҳукмида ҳайдаб, юрак-бағрини доглаб, қамчи уриб, илинган жойини қонатиб бораётир. Шунда Равшан олдида бир мадад қилгудек кимса топмай, аввали худо, дуюми пирларга сизиниб, зор-зор йиглаб, бир сўз деди:

Барчани яратган худой,  
Банди қилди Хунхор мени,  
Оч офатдай балолардан,  
Золимлардан қутқар мени.

Бари чоғо қизилбошлар,  
Қамчи уриб кўзни ёшлар,  
Шафқати йўқ бағри тошлар,  
Жафосидан қутқар мени.

Сўз билмайин лолулашар,  
Кўзларин косаси тошар,

Илғорлашиб тогдан ошар,  
Бадбахтлардан қутқар мени.

Юрай дейман, юрак доғли,  
Урай десам, қўлим богли,  
Қонлар ютди бекнинг угли,  
Қизилбошдан қутқар мени.

Чорёрлар мадад қилинг,  
Комил пирлар қўлим олинг,  
Ожиз қулни йўлга солинг,  
Урганж пирим ҳозир булинг.

Қолдим офат уртасида,  
Бул ҳам кўнглим хатосида,  
Қўлим душман пўтасида,  
Бандилиқдан қутқар мени.

Равшан йиглаб, қилур нола,  
Ҳақ Расул, раҳм эт бу ҳола,  
Қамчи уқталар қадала,  
Ёмонлардан қутқар мени.

Равшанбекнинг қул-оёғи қонаб, от ҳукмида зор-зор йиглаб, пиеда банди бўлиб кетиб бораётибди. Хонаси қуйгур қизилбошлар Равшанбекнинг дод-войига қулоқ солмай, ундан баттар қамчилаб, боши демай, оёғи демай ясаб бораётир. Шунда Равшанбек уз ҳолига узи хурланиб, зор-зор йиглаб, бир сўз деб бораётир.

Не савдолар тушди менинг бошима,  
Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшима,  
Ҳасрат ути урди ичу ташима,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Кунайлашиб икки қўлим боглади,  
Лолулашиб бағри-дилим доғлади,  
Чалқайиб узларин баланд чоғлади,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Қизилбоши экан галча, тил билмас,  
Ғажир бойқуш экан, айтгани қилмас,  
Талтайиб туркманни кўзларга илмас,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Қизилбоши экан авбош, баччағар,  
Бир занги сифатли, кўзлари чоғар,

Бари бирдай ақли қалта энагар,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Қизилбоши экан ола кузлилар,  
Кимлигини билмас оша сузлилар,  
Тишлари оқчиган, қора юзлилар,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Яккалашса келар эди зўрлигим,  
Водариго, кўрсатмадим эрлигим,  
Асир қолиб, келди қаттиқ хурлигим,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Душманимдан оларманми оримни,  
Эшитмайди булар қилган зоримни,  
Бек Равшан дер етирмишам коримни,  
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

**Равшанбек бечора йиглаб бораётир. Сонсиз-саноқсиз қизилбош бошинг демай, оёгинг демай Равшанбекни ясаб уриб бораётир.**

Ташвиш тушар мард йигитнинг бошига,  
Лолулашиб душман тегра-душига,  
Қонлар оқиб тушиб қузу қошига,  
Ҳай, аттанг-эй, бекнинг угли боради.

Ситам қурган қўнғил мойдай қоради(р),  
Елғизликда дардин кимга ёради,  
Тез юргин, деб қизилбошлар уради,  
Равшан шўйтиб банди бўлиб боради.

Биёбонда ташна бўлиб боради,  
Хафалидан бағри тулиб боради,  
Ғазаб тортиб ранги сўлиб боради,  
Шўйтиб Равшан банди бўлиб боради.

Оёгидан қумлар ботиб боради,  
Айролиқ дардини тотиб боради,  
Пиёда танглайи қотиб боради,  
Шўйтиб Равшан банди бўлиб боради.

Елкасидан душман дуниб боради,  
Мисли гажир гуштга қуниб боради,  
Шўйтиб Равшан банди бўлиб боради.

Қизилбош олдида йуртиб изиллаб,  
Орқасига боқса душман бизиллаб,  
Бош-оёқдан қамчи зарби жазиллаб,  
Шуйтиб Равшан банди булиб боради.

Тош қаттими, бош қаттими, ёронлар,  
Юрагида чукиб ётар армонлар,  
Биага ҳам етарми яна давронлар,  
Дейиб Равшан банди булиб боради.

Бандаргоҳ-бандаргоҳ беллардан ошди,  
Ҳар нечук савдога куниккан бошди(р),  
Неча манзил шабгир тортиб, йул юриб,  
Асқар тоғнинг бағрига етишди.

Энди бек Равшаннинг бағри қон булди,  
Туркман чули жовлик намоён булди,  
Навбат келди, душман қахрамон булди,  
Озод булмоқ дарди даргумон булди.

Қулоқ солинг суханварнинг тилига,  
Ким чидайди айролиқнинг хилига,  
Бек Равшанни ҳайдаб жами қизилбош,  
Чиқиб борди Асқар тоғнинг белига.

Дардманд кимсанинг кунгли яради(р),  
Эронлик душманининг ичи қоради(р),  
Усган элинг энди қолди орқада,  
Ҳолинг қандай деб Равшандан суради.

Шунда қизилбошлар бек Равшанга қараб: — Энди усган элингдан айрилаётирсан, баччагар туркман. Шу тоғнинг устидан юртингга бир қараб ол. Иккинчи бу ёқларни кўрмайсан, тағи армонда кетма, — дедилар. Шунда бек Равшан қизилбошларга қараб: — Э, лолулашган ақли калталар, ҳали туркман тўпланар, элатларингга туман қопланар. «Араб ўчини қирқ йилда олибди», дегандай туркманга ҳам навбат келар. Бек Равшан қўлингга абадий қолмас, — деб дадил туриб, душманларга қараб, мўйловини бураб, бир сўз деди:

Бу тоғларнинг қалин экан тумани,  
Бизни тутмоқ доим душман гумони,  
Бу бахтга элтгани туркман полвони,  
Адо булмас бу даланинг сиртлони.

Nizomiy nomdagi TDPU  
KUTUBXONASI

915478

Дам бу дамдир, узга дамни дам дема,  
Ҳали туркман савлатини кам дема,  
Кучларимман бу элатни дим дема,  
Ҳали замон тугилар гучлар замони.

Ҳар туркманлар чиқар ёвнинг қасдида,  
Араби тулпорлар уйнаб остида,  
Пулат найза ярқиллашиб дастида,  
Уруш булар шу Бадбахтнинг устида.

Қизилбош деганга найза санчилар,  
Майдон ичида қолиб лоши янчилар,  
Уч олган сунг ҳа демайин устингдан,  
Оғиз кериб гинг дейишларинг тинчилар.

Гидинглаб кўпшитма оғиз ўртингни,  
Бурама, баччагар, ҳа деб муртингни,  
Эсон бўлсам элатингнинг, юртингнинг  
Тупрогини совурганим кўрасан.

Баҳор бўлса булбул қўнар гулига,  
Қушиқ айтар муқом ташлаб тилига,  
Қизларинг келтириб туркман элига,  
Чури қилиб қучганимни кўрасан.

Жанг куни қузгалар марднинг гайрати,  
Йигилиб жам булар туркман элати,  
Етиб келар қасос олмоқ навбати,  
Шунда қириб-жуйганимни кўрасан.

Какликлар чарх урар тоғу қияда,  
Ҳайдай бер, ҳайдай бер пою пиёда,  
Қачон бўлса туркман сендан зиёда,  
Катта қиргин қилганида кўрасан.

Мақтанма, қизилбош, чиркин гандасан,  
Гайридинсан, лот-манотга бандасан,  
Ҳа демасдан жонинг бўлса тандасан,  
Туркман човут солганини кўрасан.

Бек Равшан қурқмайди пишақ дўгидан,  
Номард паноҳ истар сенинг ойгингдан,  
Ҳали замон туркманлар ўраб согингдан,  
Ҳайдаб олиб кетганида кўрасан.

Ана энди бек Равшандан қизилбошлар бу сўзларни  
эшитиб: — Воҳ, энагарнинг дамнинг баландлигини-эй.

Ўзи ўлимга ҳукм бўлиб туриб, айтган йирик гапларига қаранг. Буни шу ерда чошиб ташласак, ўлжамизни бепул йўқ қилган буламиз, ҳам Хунхорнинг газабига қоламиз. Ундан кўра буни тезроқ Хунхорга топшириб, мукофотини олиш керак. Чўлда огзи беўлчов ўсиб, ҳар нимани гап деб ўтлаб юрган саҳройи туркман-да, — дейишиб, бек Равшанни уриб-ясаб, нар ёққа эндириб, ҳайдаб кета берди.

Аччиқ қамчи бериб Равшан сонига,  
Асло раҳм айламай йиглаганига,  
Учакишиб-учакишиб ҳайдади,  
Қулу оғини буяб қонига.

Қамчи урар боқмай кузу бошига,  
Шалҳа бўлиб, баданлари зирқираб,  
Иситма чиқади ичдан ташига.

Ҳай, аттанг-ай, алам тушиди бошига,  
Қизилбош айланиб тегра-душига,  
Тез юргин, эй, баччагар, деб ҳайдади,  
Раҳм айламай кўздан оққан ёшига.

Ариқ келса жуппай қилиб сакратди,  
Уват келса, юр, деб найзаман туртди,  
Кўр сичқондай бекнинг угли бечора,  
Сонсиз қизилбошнинг олдида йўртди.

Оғидан шувоқ боши қон булди,  
Кургуликни кўрган гариб жон булди,  
От ҳукмида юра-юра Равшанга  
Булдираб бир шаҳар намоён булди.

Қизилбош мақтаниб борар шанқайиб,  
Равшан кетар қараб огзи анқайиб,  
Бир шаҳар қуринди чанггиб узоқдан,  
Минорлари, пештоқлари қанқайиб.

Ким яхши, ким ёмон олло билади,  
Ғамлик, шодлик мард бошига келади,  
Минор, пештоқдан сўнг оли бинолар,  
Илгари борган сайин яқин бўлади.

Қизилбош кўнглини энди тиндирди,  
Нос чекиб туфлашиб кайфин қондирди,

Яланг оёқ, яланг бош қип Равшанни,  
Қамчи уриб берги бетдан эндирди.

Қараб булмас қизилбошнинг кўркига,  
Хина суйкаб сочу соқол, буркига,  
Бек Равшанни дарвозадан киргизиб,  
Ҳайдаб борди шаҳарининг аркига.

Ана энди қизилбошлар Равшанбекни шаҳар аркининг тубига ҳайдаб бордилар. Бу ерда банди бўлган бошқа кўп туркманлар ҳам бор экан. Уларга бир бошлиқ аркдан тушиб, битта-биттадан қўлларига озод хати тутқазиб: — Сизлар фалон қуриққа бориб, Гаждумбекнинг ихтиёрида деҳқончилик қиласизлар, — деб бир навкарга қўшиб юборди. Навбат Равшанбекка келиб: — Сен ҳам тавба қилиб, узр сўра. Сенга ҳам озод хати олиб бериб, қўриққа — оғайниларингнинг қошига юборайин, — деди. Шунда Равшанбек Хунхорнинг вакилига қараб, мен улсам ҳам душманга товба қилиб, ялинмайман, — деб бир сўз айтди:

Бадбахтнинг тоглари баланд қияма,  
Уламан деб мард сузидан тояма,  
Мен у айтган қўрқоингдан эмасман,  
Қўлингдан келганин қилгин, аяма,

Элатинга асир бўлиб келаман,  
Навбат келиб бир кун учим оламан,  
Қизилбошга ялингандан билиб қуй,  
Ажалимдан беш кун бурун уламан.

Имон борми сенинг асли дилингда,  
Гердайиб мақтанмоқ бордир тилингда,  
Мени буйин қўяди деб уйлама,  
Аяма, турибман мана қўлингда.

Қизилбошнинг кўнгли қаттиқ тош келар,  
Чин йигласа, суқир куздан ёш келар,  
Дуглаганинги қари-қартаги касалманд,  
Қартагларнинг юраги пук-буш келар,  
Хунхоринга эланмаклик хуш келар.

Бек Равшан сира ҳам ёнин бермайди,  
Улмаса, душманга қилич бермайди,  
Лолулашган эронликнинг барини,  
Ҳималашган чумолича кўрмайди.

Бу сүзни эшитиб, Хунхор шоҳнинг вакили: — Бу жуда бир ўр туркман экан, — деб аркка чиқиб, Равшанбекнинг қул қилиб сотилишига ҳукмнома олиб келиб, бек Равшанни тутиб борган қизилбошларга берди. Хунхоршоҳнинг расмида асирни ким келтирса, уша сотишга ҳақли эди. Ана энди бек Равшанни тутиб келтирган қизилбошлар қулнинг белгиси учун Равшанбекка чўчайма калапўш кийдириб, қул бозорига қараб ҳайдаб кета берди. Ана энди шуйтиб қизилбошлар Равшанбекни қул бозорига олиб бора берсин, бир-икки оғиз сүзни Ҳилолойдан эшитинг.

Ҳилолой Гаждумбекнинг ота бир, эна бошқа синглиси эди. Гаждумбеклар асир бўлиб Хунхорга келган вақтида беш яшар қизча бўлиб, туркманда бўлганини эсмаэс билар эди. Ҳозир Ҳилолой шипдай бўлиб, буй етиб қолган эди. Ўзидан ўзи дарвозанинг шанлогидан Ҳилолойнинг кўзи кўчага тушиб қолиб, бир тўда қизилбошларнинг бир туркман йигитини қул қилиб сотмоқ учун ҳайдаб утаётганини кўриб, Равшанбекни қизилбошларнинг ҳайдаб бораётганда, бир томондан, Ҳилолойнинг ичи ачиб, раҳми келса, бир томондан, асли туркман йигити кўзига иссиқ кўриниб кетди. Ҳилолой қандай, кўзлари чўлпондай, қошлари камондай, ўзи барно, ақли расо, ҳамма нарсага фаҳми етади. Шунда Ҳилолой: «Бу шўрлик туркман йигити қизилбошларга банди бўлган экан. У туркман йигити эмасми, Хунхорнинг аркида товба қилмай, дўнг бўйинлик қилган экан. Шуйтиб буни бозорга элтиб, қул қилиб сотишга буюрган экан. Энди бу бечора туркман йигитини қизилбош қул қилиб бозорда сотади. Бир золим қизилбош сотиб олиб, бўрбайига ёнтоқ билан уриб, азобини бериб ишлатади. Энди мен Гаждумбек акамга айтайин. Ҳовлида хизматкор йўқ, бугун бир қул сотиб олинг, деяйин. Акам бозорга бориб шу туркман йигитга кўзи тушар. Худо кўнглига бир раҳм солса, шу туркман йигитини сотиб олиб келтирса. Ҳовлимизда кўп азоб кўрмай, мусофир бўлмай юрар эди», — деб бундан ҳам бошқа бир қанча ширин уйларни уйлаб турган эди. Қараса, Гаждумбек белига малла пўтасини боглаб суфадан туриб, носини туфлаб, бозорга бормоққа рав бўла берди. Шунда Ҳилолой Гаждумбек акасига қараб, бир сўз деди:

Эрта туриб зар кокилим тарайман,  
Қиз бошимман молу ҳолга қарайман,

Катта ҳовли юмуши зўр, акажон,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайман.

Айвон-айвон байталинг бор, отинг бор,  
Жийрондан, самандан хоназодинг бор.  
Хунхорга ҳар чошка салом-додинг бор,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайман.

Сен чиқсанг кучага, бунда қоламан,  
Молу ҳолга беда-сомон соламан,  
Бушасам янгамнинг ишин оламан,  
Шундай қилиб, ака, жуда толаман,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайман.

Биламан қизилбош бунда келмайди,  
Келиб туриб бизга хизмат қилмайди.  
Улар биз туркманни кўзга илмайди.  
Бу ташвишлар хизматкорсиз булмайди.

Шу сабабдан бориб бир қул олсангиз,  
Олиб келиб бунда тамга солсангиз,  
Ғариб муштипарман, кўнглим олсангиз,  
Бу ҳовлига бир хизматкор сўрайин.

Йиглайди Ҳилолой, ғариб бечора,  
Ака, айланг бугун ҳолимга чора,  
Бир қул олинг, раҳм айлаб мен зора,  
Хизматдан толиқиб булдим овора.

Ғаждумбек уйласа, Ҳилолойнинг сўзи маъқул:  
«Ахир, Ҳилолой буй етган бир қиз булса, ҳовли тўла от,  
қора мол. Бу молларга қарасинми, янғасининг ишига  
ёрдам берсинми. Эй, ўзим ҳамиятсизман, биттадан битта  
ўғай синглим бор экан, буни шунчалик овора қилибман,  
уятини ташлаб, ўзи тилга келибди. Ҳай, аттанг, қизил-  
бошлар бизга хизмат қилмаса, бозордан қул сотиб олгани  
пулим йўқми», — деб Ҳилолойга қараб, Ғаждумбек бир  
сўз деди:

Майли бугун сенга бир қул келтирай,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой,  
Шикаста кўнглингни обод айлайин,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой.

Мусофир юртинда бошим туманда.  
Ғайри юрти қурсин оша ёмон-да,

Бу элларда бошинг булсин омонда,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой.

Ақлинг камолинда, тулиқ ёшингда,  
Гам-алам сақлама азиз бошингда,  
Гаждум, Ҳасан оғанг бордир қошингда,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой.

Камлигинг йуқ қадду қомат, кўриқда,  
Адашмайсан ҳар бир йули йуриқда,  
Калу кўр оғайнинг ишар қуриқда,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой.

Дам бу дамдир, узга дамни дам демас,  
Мард бошига қайғу тушса, гам емас,  
Бойлигим ҳам ҳеч кимсадан кам эмас,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой.

Сулув қизлар шойи кийиб шайлансин,  
Доимо ганимнинг қули бойлансин,  
Асло хафа булма, жоним Ҳилолой,  
Бир бошингдан ўттиз минг қул айлансин.

— Хафа булма, синглим. Сен айтдинг, мен қилмадимми? Ана энди бугун айтдинг, агар бозорда қул минг тилла булса ҳам сенга бир қул ё бир чури олиб келиб берганим булсин, — деб Гаждумбек уйига қайтиб кириб, минг тиллани санаб, бир қўш халтага солиб, қўш-халтани белдаги пўтасига қистириб, бозорга чиқиб, дарров бозордан майда-чуйда ишларини битириб, гўшт, гурч, сабзи, пиез, чой, қалампирларни хуржунига солиб, бир қоғоз носни бошига қистириб, катикдан айланиб қул бозорига ўтди. Ана шунда Равшанбекни қизилбошлар турт юз танга, харидорлар булса, уч юз танга, деб турибди. Гаждумбек шундай айланиб, бозордаги қулларга бирма-бир қараб ўтаётиб, кўзи Равшанбекка тушди. Қараса, бир тўда қизилбош бир туркман болани қул бозорга солиб ўтирибди. Ҳар замонда Хунхорга товба қилмаган битта-яримта қул қилиб сотилганини кўриб юрган Гаждумбек бу ишга таажжуб қилмади ҳам. Лекин қул оламан, деб келганлиги учун шу туркман йигитнинг қошидан нарёққа ўтиб кетгуси келмай қолиб, қизилбошларга қараб, Равшаннинг нархини сўраб, бир сўз деди:

Эшитинглар, бозордаги савдогар,  
Шу қулга булдим, дўстлар, талабгор.  
Оқ кўнгилман бул баччага харидор,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Ярашиққа заррин пута урайин,  
Амалим бор, шомуртимни бурайин,  
Шу баччанинг баҳосини сурайин,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Ўлмасам дунёда даврон сурайин,  
Кўп яшайин, кўп йилгача турайин,  
Мен ҳам энди қул ишлатиб курайин,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Ховли-ҳарам қилдим Хунхор элидан,  
Сўз олинглар бошчи даллол тилидан,  
Келган ўхшар ошиб Вадбахт белидан,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Эшитинг, ёронлар, айтган сузимни,  
Ғаждумбек жибачи дейди узимни,  
Шу туркман баччага тикдим қузимни,  
Айт нархини, пулинг санаб берайин.

Шунда даллолбоши келиб: — Ҳов, Ғаждумбек, бу қулнинг нархи тўрт юз танга бўлса ҳам, лекин сизга минг тиллага сотилади. Нега десангиз, туркман туркманни қул қилиб олгани учун, — деди. Ғаждумбек минг тиллани қизилбошларга санаб бериб, васиқасини ёздириб, қизилбош қозисига муҳр бостириб, қулни узиники қилиб олгандан кейин туркман баччани қизилбошларга таърифлаб, бир сўз деди:

Бугун кушод булди бахтим савдоси,  
Ғавҳарга арзийди туркман баҳоси,  
Ёронлар, йўқдир сўзимнинг хатоси,  
Шукур, булдим харидори бу қулнинг

Бу қулнинг бир туки арзир минг қулга,  
Туркманинг излари тенглашмас пулга,  
Эгам бошлаб мени шу тўғри йулга,  
Шукур, булдим харидори бу қулнинг.

Бу қулнинг ой билан тенгдир жамоли,  
Ё булмаса, кўкда офтоб мисоли.

Кунгил қулфинг урса жүра булали,  
Шукур, булдим харидори бу қулнинг.

Бу қулнинг иссиқдир ҳусн юлдузи  
Умидман чарақлар чақмоқдай кузи,  
Таками, ёвмитми, куклангми узи,  
Шукур, булдим харидори бу қулнинг.

Гаждумбек уйғонди бугун ўнгидан,  
Шодликлар келгайда ғамим сўнгидан,  
Айролиқ юртида тенги-тенгидан,  
Шукур, булдим харидори бу қулнинг.

Ана шуйтиб, Гаждумбек Равшанбекни етаклаб, қул бозоридан олиб чиқиб, йўлда исми-зотини сўради. Равшан: — Исми Равшан, ёвмитликман. Жигалибекнинг бел боласи буламан. Қирқ йигит билан эл қуриб юрар эдим. Хунхорнинг бир тўда аскарига асир тушиб, бунда келиб сизга қул қилиб сотилдим. Боя даллолдан эшитишимга қараганда, сиз ҳам туркман экансиз. Мени қизилбошга қул қилмай, ўз боврим туркманга қул қилганига шукур. Энди бу мусофир юрда мен сизга қул, сиз менга хўжа, — деб зор-зор йиглаб, Равшанбек Гаждумбекка қараб, бир сўз деди:

Худойимга шукур этайин, хўжайин,  
Ола кузли қизилбошга тушмадим,  
Кўз курмаган айролиқнинг хайлида,  
Банди булиб бағри тошга тушмадим.

Қисматим шу экан, йўлда сурилдим,  
Озми-кўпми аччиқ қамчи урилдим,  
Ўлган эдим, сиз сабабли тирилдим,  
Хунхор элда қизилбошга тушмадим.

Қизилбошлар билмаганим билдирди,  
Голиб келиб ўз бандига илдирди,  
Дустим ғамгин, душманамни кулдирди,  
Бунда келиб бағри тошга тушмадим.

Ғафлатда вақтимда тузоқ отдилар,  
Банди айлаб тирсагимдан чатдилар,  
Айланай бахтимдан сизга сотдилар,  
Шурум қисиб қизилбошга тушмадим.

Отам йиглаб қолди Ёвмит элида,  
Не азоблар курдим Асқар белида,  
Равшан қулнинг ҳамду сано тилида,  
Гайри юрда багри тошга тушмадим.

Бу сўзларни Гаждумбек эшитиб, Равшанбекка:

— Ука, хафа булма, мен ҳам Ёвмит туркманидан буламан. Сен Жигалибекнинг угли булсанг, мен Огалибекнинг угли буламан. Бир вақтлар Огалибекнинг икки угли — Гаждумбек, Ҳасанбек дегани уй-рузгори билан Хунхорга асир бўлиб кетган деб эшитгандирсан. Кейинчалик мен отамни қизилбошлар ўлдириб қайтганини, туркманга сенинг отанг Жигалибекнинг хон бўлганини эшитганман. Туркманда барча калу кўр огайнилар эсон-омонми? Ҳай, шуйтиб, ука, «улиб-улиб ким қолди, сенинг билан мен қолдим», дегандай, худо насиб қилиб менга дуч бўлиб сотилганинга қара. Майли, «сабабдан сабаб, балчиқдан иморат», албатта меникида хор бўлмайсан. Расми қулсан, ҳақиқатда озодсан. Мен туркман булиб, сени қул қилиб юрсам, туркман номимни буллаган буламан. Исмнинг Равшан экан. «Яхши ном — ярим давлат». Хонамга равшанлик бўлгай, — деб Равшанбекнинг кўнглини кўтариб, ҳовлисига эргаштириб олиб бориб, Равшанбекни меҳмонхонасига қўйиб, Гаждумбекнинг ўзи ичкари ҳовлисига ўтиб, бозордан келтирган нарсаларини хотинига бериб, ўзининг кўҳналарини чиқариб, Равшанбекка кийдириб, хотинига: — Мана бу қул, лекин ҳақиқатда қул эмас. Сабаб билан Ёвмитдан келтирилиб сотилган. Асли туркман, бу бизга худо берган хизматкор. Буни қул деб қайнимни ҳақорат қилма, — деб тайинлади. Ҳилолойга ҳам: — Бу қул асли қул эмас, туркман боласи. Ака деб юр, кўнглини оғритма, — деб тайинлади. Шуйтиб гапнинг қисқаси, Равшанбек Гаждумбекникида қул бўлиб, ҳовли хизматини қилиб юра берди. Ана шуйтиб, Гаждумбек бўлса, подшоликда амалдор, жебачи, кўп ишли одам, Равшанбекнинг нони, чойдан хабар олғувчи Ҳилолой. Ана энди Ҳилолойнинг кундан-кунга Равшанбекка шафқат ва муҳаббати ортар эди. Ўзидан-ўзи Равшанбекнинг сини-синбати Ҳилолойни кун сайин ўзига тортар эди. Равшанбекнинг ҳам Ҳилолойга ҳушлари оғиб юрар эдию, лекин олама-жомакор кийими билан, қуллик ҳоли билан ўзини Ҳилолойга тенг эмас, Ҳилолой ардисари мендай қулни кўзига илмас, деб маъюсона, ўгринча тешик ва шанлоғлардан қараб юрар эди. Ҳилолой бўлса,

Равшанбекни зимдан суйиб, бу гайри юртларда узига ҳамдам топмай, жуда буй етиб кетган қиз эмасми, асли туркман боласини узига тенг билиб, ичи куйиб, акам мени берганда ҳам шу Равшандай йигитга беради-да, деб қандай қилиб уз дарду ҳолини Равшанбекка баён қилишнинг ҳисобини топмай, иситмаси гурпиллаб юрар эди.

Кунлардан бир куни Ҳилолой меҳмонхонанинг суфасидан туриб, ҳовлини супириб юрган Равшанбекка қараб, баҳона қилиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Равшан, қара Бадбахтнинг белига,  
Қорлари эрибди, баҳор булибди,  
Алвон-алвон жовгошинлар баргига  
Шудиринг тушибди, чиқсув<sup>1</sup> тулибди.

Булбуллар қунибди дарахт гулига,  
Турли-турли сано олиб тилига,  
Қунгир салқин тушиб Хунхор элига,  
Кунгиллар баҳрига баҳор булибди.

Иссиқ қуёш камарларни кесибди,  
Шу еққа туркмандан шамол эсибди.  
Бир нимадан менинг бағрим исибди,  
Кунгиллар баҳрига баҳор булибди.

Шамол турса, бодомчалар шинкиллар,  
Меҳмон келмак булса, қулоқ чинкиллар,  
Қалдиргоч ҳижирлаб, тургай зинкиллар,  
Кунгиллар баҳрига баҳор булибди.

Бахши терма туқир юрак кучидан,  
Кунгил учар орзу-ҳавас лучидан,  
Тонг шамоли турар тоғнинг учидан,  
Кунгиллар баҳрига баҳор булибди.

Даштдан келар газалойнинг садоси,  
Ҳилолойнинг борми дардин давоси,  
Баҳоркарда экан улар маъвоси,  
Кунгиллар баҳрига баҳор булибди.

---

<sup>1</sup> Шудрингдан кейин дов-дарахтлар, ут-уланлар баргларида то-маётган томчиларни чиқсув дейилади.

Бу сўзни Равшанбек Ҳилолойдан эшитиб:

— Ҳа, куклам буларига булган, лекин мен бир қул булсам, табиб булмасам, билмасам, сенда қандай дард бор, унга қандай даво бор, — деб зор-зор йиғлаб, Ҳилолойга қараб, бир сўз деди:

Ҳилолой, қузгама ички дардимни,  
Касалингнинг давосини на билай,  
Уз бошимман узимдирман овора,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Қул деганнинг иши хизматда турмоқ,  
Нури курамоғу ҳовли суширмоқ,  
Ўзини чупдан ҳам, хасдан ҳам паст кўрмоқ,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Қул деган хужайин эркига банда,  
Оёгида чориқ, эғнида жанда,  
Шомгача ишламоқ туриб азонда,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Табиб куп, таккон кун Хунхор элида,  
Тахтаси олдида, мақтов тилида,  
Ғамдин булак на бор қулнинг дилида,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Табиблар дардингни билмайми ахир,  
Мен бир диёримдан айри мусофир,  
Равшан жанда кийган гариб бир фақир,  
Дардинг наю, давосини на билай.

Равшан асли сайисзода синчи эмасми, аллақачон Ҳилолойнинг ички дардини билиб қўйган эди. Шунда ҳам ўзининг қуллигини бўйнига олиб, бу воқеаларни ўзидан қочириб шундай деган эди. Аммо Ҳилолой Равшанбекни ҳали онгсиз, нодон, деб билиб, Равшанбекка қараб: — Менга бу қизилбош юртининг табиблари керак эмас, менга фақат сен табиблик қила оласан, — деб зор-зор йиғлаб, бир сўз деди:

Равшанжон, ўзингсан таккон, табибим,  
Дардимга даво қил бугун, чирогим,  
Қизилбош тутмасдан қордай танимни,  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Илоҳим очгайда банди йулимни,  
Душманлар тутмасин бунда қулимни,  
Сенга багишлайин жону дилимни,  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Суз сузлаган мендай нозик адоди,  
Танни танга қушган устоз доди,  
Боқишинг бағримга бир уқ қадади,  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Барча махлуқ жуфти билан боп булар,  
Гийбатчининг иши, эрмаги гап булар,  
Бир қиё боқмасанг, Ҳилол соп булар,  
Дардимга даво қил, Равшан чирогим.

Энди шарму ҳаёларни ташлайин,  
Сени яхши куриб кўзим ёшлайин,  
Узгани демайин, ўзинг ушлайин,  
Дардимга даво қил Равшан чирогим.

Бу сўзни эшитиб, Равшанбек бечора ўз соясидан  
ҳуркиб-қўрқиб, Ҳилолойга ялиниб, қулни қул ҳолига  
қўй, деб зор-зор йиғлаб, бир суз деди:

Бу ерларга қул бўп келган бечора,  
Қанча уртансанг ҳам нетай, на чора.  
Мени деб, жон бекач, бўлма овора,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой.

Тумаң дарёсидай тошиб тўлмагин,  
Бир ғариб қулингга кўнглинг бўлмагин,  
Мен-ку асли улган одам ҳисоби,  
Сен узинг бекорга ҳалак қилмагин,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой.

Баҳорда очилган боғда лолади(р),  
Шукур қинг барисини ҳар ким олади,  
Беҳудага жонинг нобуд бўлади,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой,

Бу ишинг акангман янганг билмайми,  
Биллиб туриб сени нобуд қилмайми,  
Яширинчи гуноҳ ошкор бўлмайми,  
Ўз ҳолимга қўйгин бунда, Ҳилолой.

Равшан қул йиғлайди сенга зор-зор,  
Қулингман, илгимда нима ихтиёр,  
Ҳолимни чоқламай булмай гуноҳкор,  
Уз ҳолимга қуйгин бунда, Ҳилолой.

Бу сўзни Ҳилолой Равшанбекдан эшитиб: — Равшан-жон, жонгинам, агар шу бугун кўнглимни олмасанг, ҳо-жатимни раво қилмасанг, ҳасратингда ҳалок буламан. Тонгла қиёматда қулим ёқангда булади, — деб зор-зор йиглаб, Равшанбекка ялиниб, имраниб, Ҳилолой бир сўз деди:

Мусофир юртида мен ҳам гарибман,  
Гарибликда мунглик бўлиб юрибман,  
Сени кўриб жону дилим берибман,  
Тоқатим тоқ бўлди, Равшан, раҳм айла.

Қизил гул очилар гунчадан гунча,  
Тоқатим йуқ таги гул очилгунча,  
Кузимдан оққан ёнг мисли таргунча,  
Сабрим тамом бўлди, Равшан, раҳм айла.

Хунхор элда кимга тенгу той бўлдим,  
Гамнинг ботқоғига ботдим, лой бўлдим,  
Ҳуснингга эрдим мисли мой бўлдим,  
Шу бугун агарда ҳолим сурмасанг,  
Ажалнинг отига миндим, шай бўлдим,  
Тоқатим тоқ бўлди, Равшан, раҳм айла.

Отинг Равшан, ўзинг равшан чирогим,  
Казбамсан, жонимсан, кўнглим қарогим,  
Сенсиз бу дунёда йўқдир турогим,  
Сабрим тамом бўлди, Равшан, раҳм айла.

Кулиб боқшинингга берай жонимни,  
Қўрқмай тут, бахш этдим сенга танимни,  
Бўлмаса, ол пичоқ, бошқа илож йуқ,  
Уз қулингман оқиз багир қонимни,  
Тоқатим тоқ бўлди, Равшан, раҳм айла.

Ҳилолой тоза беором, бетоқат бўлиб йиғлай берди. Равшанбекнинг назари Ҳилолойга тушиб, шундай гўзал, шундай барно нозаниннинг эланиб, имраниб йиғлаётганига раҳми келиб, худо билади, шундай ташнаи висол бўй етган кўнглини овламоқ балки савоб бўлса керак, деб

Ҳилолойга майил қилиб, сочларини силади. Ҳилолой ҳам узини Равшанбекнинг қучоғига ташлади. Шундай қилиб, Равшанбек билан Ҳилолой топишиб, овлоқ меҳмонхонада қучоқлашиб, оламдан беҳабар кунгил олишиб, барча ташвиш-меҳнатларни унутиб, меҳмонхонада ухлашиб қолдилар. Энди Гаждумбекдан эшитинг.

Гаждумбек жебачи қуриқда деҳқончилик қилаётган туркманларнинг олдига кетган эди. Бир-икки кун туркманларникида меҳмон булиб, бугун қайтиб ҳовлисига келса, ҳовлида моллар сув ичмаган, ҳовлининг ярми ҳали супирилмаган. Гаждумбек нега бундай экан. Бечора Равшан укам ҳориб меҳмонхонада ухлаб қолган бўлса керак, деб отдан тушиб, отини ўзи боғлаб, Равшанни уйғотайин, деб аста меҳмонхонага кирса, Ҳилолой билан Равшан маҳкам қучоқлашиб, оламдан беҳабар, ухлашиб ётибди. Шунда бирдан Гаждумбекнинг қони қайнаб, аччиги келиб, ханжарини ғилофидан суғириб, Ҳилолой билан Равшанбекнинг калласини қўшасига кесиб ташламоқчи булиб, бир чоқлади-ю, лекин шундай икки чивиқдай ёшларни нобуд қилиб ташлагани кўзи қиймай, агар индамай қўяқолса, яна гаюрлиги қўймай, орият — номус деган гап бор, қўлида шамшир Ҳилолой билан Равшанбекка қараб бир чирпиниб турган пилласида, бирдан Ҳилолойнинг кўзи очилиб кетиб, Гаждумбекка қараб, ялиниб: — Акажон, Равшанда гуноҳ йўқ, гуноҳ менда, ўлдирсанг мени ўлдир, Равшанга индама, — деб узини Равшанбекнинг устига ташлаб, зор-зор йиглаб, бир сўз деди:

Акажон, индама гуноҳсиз қулга,  
Шарманда синглингман, айиб узимда,  
Асли жувонмарг бун улмакка лойиқ,  
Шарманда синглингман, айиб узимда.

Одил қул, инсоф қил, Хунхор элида,  
Асирмиз ҳаммамиз шоҳнинг қўлида,  
Мунофиқлик йўқдир синглинг дилида,  
Шарманда шурлиман, айиб узимда.

Ким ёмон деб айтар уруғ-элини,  
Ёқтирмайман қизилбошнинг улини,  
Ғайри диннинг бекзодига текканча  
Мен узим хоҳладим туркман қулини,  
Шарманда синглингман, айиб узимда.

Таклиф қилдим, майхонага кир, дедим,  
Ўз қулингман менга шароб бер, дедим.  
Бу гуноҳ узимдан булди, акажон,  
Диним, элим, уругимни бир, дедим.  
Шарманда шўрлиман, айиб узимда.

Ўзлигимдан қора қилдим юзимни,  
Қон ёшга тўлдирдим шахло кўзимни,  
Гайри динлар босмасин деб изимни,  
Равшанга топширган эдим узимни,  
Шарманда синглингман, айиб узимда.

Муштипарман, раҳм айлагин ҳолима,  
Мусофир юртида, жисму жонима,  
Огам сен, отам сен, Асқар тоғимсен,  
Шафқат қилиб жиллов солма йўлима,  
Шарманда шўрлиман, айиб узимда.

Ҳилолой дер боққин арзу додима,  
Гугурт урма сийнамдаги утима.  
Ўлдирсанг, ўламан, кечсанг, қоламан,  
Кунгил бердим ўз қабилим-зотима,  
Шарманда синглингман, айиб узимда.

— Акажон, ҳам оғамсан, ҳам отам ўрнида мени тарбия қилиб, катта қилган отамсан. Бу мусофир юртида улдирсанг, улиб кетаман, кечирсанг, ўлмай қоламан. Равшанда гуноҳ йўқ, менда, — деб мўлт-мўлт йиглаганида Ҳилолойнинг кўзидан томган қатра-қатра ёшлари Равшанбекнинг юзига томиб, Равшанбек шундай уйғониб, кўзини очиб қараса, Ҳилолой акаси Гаждумбекка қараб, гуноҳ менда, деб йиглаб турибди. Гаждумбек ҳам шардан<sup>1</sup> тушиб, Ҳилолойнинг айтган сузларига қаноат ҳосил қилиб туриб эди, бирдан Равшанбекнинг уйғониб қолганини кўриб, Гаждумбек индамай, ташқарига чиқиб кетди. У ичкари ҳовлисига ўта солиб, бу гаплардан хотинини хабардор қилиб: — Тез бориб Ҳилолой билан Равшанга айт, мен Равшанни озод қилиб, ичкуёв қиламан. Тез бор, мабода шармандаликдан бир ҳодиса бўлиб қолмасин, — деб ўзи кучага чиқиб кетди. Гаждумбекнинг хотини дарров меҳмонхонага ўтиб, Ҳилолой билан Равшанбекка кулиб: — Ҳа, ёшлик-да, хафа бўлманглар, ҳаётда шундай-шундай бўлади-да. Равшан, хафа бўлма, Гаждумбек

---

<sup>1</sup> Жаҳлдан, ёмон феълдан.

сени озод қилиб, ичкуёв қилиб олар эмиш, — деди. Бу хабарни эшитиб, Равшанбек хунграб йиглаб юборди. Шунда Равшанбек нима деди:

Гайри юртга тушган эдим қул булиб,  
Шодмон этди кунглим олиб туркманим,  
Асли зотим, қабилам бир, элим бир,  
Меҳрибоним, жоним каъбам, туркманим.

Хунхор элнинг йули баланд-паст экан,  
Ғаждумбек якка бир забардаст экан,  
Зар қадрини зарғар билар дегани  
Ҳақ экан, ҳақ экан, ҳаққа рост экан,  
Ўлмасин, ҳар ерда бўлса туркманим.

Бир ожиз қулдирман, йуриқ-жуниим йуқ,  
Ёвмит элда бир ул эдим, миним йуқ.  
Ҳам акам, ҳам отам булсин Ғаждумбек,  
Шундан бошқа оғам ҳам йуқ, иним йуқ,  
Ҳар ерда ҳиммати баланд туркманим.

Мусофир бандалар иши надомат,  
Ҳар куни юз ҳасрат, юз бир қиёмат,  
Бандининг манглайин очди дуч келиб,  
Хунхор элда Ғаждумбекдай валламат.

Равшан қул мусулмон, худоға банда,  
Агарчи булса ҳам йуқсул, афтода,  
Вос-вос уриб булган эдим шарманда,  
Ғаждумбек бир валламат экан-да.  
Хизматин айлайин жон бўлса танда.

Ана энди Ғаждумбекнинг хотини Равшанбек билан Ҳилолойдга: — Нима, сизларнинг бу ишларингни Ғаждумбек билан мендан бошқа ҳеч ким билмаса, ҳали бу ёғи ўз-ўзимиз-ку, Ғаждумбек қулини ўз уругидан бўлгани учун озод қилиб, ўзига ичкуёв қилиб олибди, дейди-қўяди. Олам гулистон. Шунинг несига хафа бўлиб ўтирасизлар, — деб бир хил яхши гаплардан гапириб, кунгилларини очиб ўтирди. Ғаждумбек қўриқдаги туркманларга бир борувчи кишидан нома юбориб, ўзи қизилбош қозисидан Равшанбек билан Ҳилолойдга никоҳ кийдириб, кечқурун ҳовлисига қайтди. Шу кечқурун араз уришгандай бир-бирларига индашмай тонгни оттириб, Ғаждумбек эрта билан иккита гулими қўйни сўйиб, катта қозонга гўштни

солиб, шурвани пишира берди. Гаждумбекнинг хотини қўйруқ мойга сўлқиллатиб юмшоқ патирни пишира берди. Туш ога қуриқдаги туркманлар аёл, бола-чақалари билан етиб келишди. Гаждумбекнинг хотини билан Ҳасанбекнинг хотини Ҳилолойга жуфт янга бўлди, шуйтиб, гайри юртда расм-русмини ўтказиб, отам-энам қилиб, икки ёшни қўшиб қўйишди. Эртасига туркманлар қуриқдаги овулларига қайтиб кетаётганида, Ҳасанбек Гаждумбек акасига куёвни бизнинг овулга зиёфатга олиб бор, деб меҳмонлиққа таклиф қилиб кетди. Шуйтиб орадан ўн, ўн беш кунча утиб, Равшанбек Гаждумбекникида ичкуёв бўлиб, урганишиб кетгандан кейин Гаждумбек Ҳасанбекникига меҳмонликка олиб келди. Шуйтиб, Гаждумбек билан Равшанбек икки суворий йўрғага миниб, сувдай оқишиб, дала-даштарга боқишиб, туш-тушда қуриқда дехқончилик қилаётган туркманлар овулига етиб бордилар. Ҳасанбек меҳмонларни тушириб, катта бир боқма қўйни сўйиб, меҳмоннинг олдига, деб барча калу кўр оғайниларини чақирди. Туркманлар: — Ҳай, юринглар, Ҳасан оганикига Равшанбачча келибди, — дейишиб йигилиб, Ҳасанбекникига келишиб, меҳмонларни жуда сийлашиб, бу кунисига ҳар бири улоқсерка сўйиб, навбатма-навбат меҳмонларни чақираётибди. Овқат бости қилиб, кук чойни аччиқ-аччиқ дамлашяпти. Янга-келинлар оқ тамакидан чилимга солиб, бурқиллатиб тутатиб келаётир. Шундай пайтларда туркман иложини топса, агар эртан молсиз қолса ҳам, бир жонлиқ сўяди. Фақат йўқчилик одамнинг кўзини чимиллатиб, пичоқ санчгандай қилиб қўяди. Шуйтиб, гапнинг қисқаси, Гаждумбек билан Равшанбек туркманларга уч кун меҳмон бўлиб, тун кийиб, қўлрўмол олиб, жуда иззат-икром билан, учинчи куни эрталаб Хунхор шаҳрига қараб қайтдилар.

Ана энди Гаждумбек билан Равшанбек бир шаҳар бўлса кечга етармиз-да, дейишиб йулдан чиқиб, қир-саҳроларни айланиб-айланиб бир эски қўргоннинг устидан чиқиб қолиб, шу ерда иккови ҳам сувори йўргаларини ўтга қўйиб, қўргоннинг дўнглигига чиқиб дам олиб, томоша қилиб ўтирдилар. Шунда Равшанбекнинг кўзи бир отнинг катта сўягига тушиб қолиб: — Шу от ўз вақтида тулпор бўлган экан. Ахири шу ерда бир катта сўғиш бўлиб, бу тулпор ўлган экан. Қанча одам, қанча отнинг сўяги шу қўргоннинг атрофида кўмилиб ётибди. Ҳа, бу бевафо дунёнинг қиладиган иши охири шу экан, деб зор-зор йиглаб, Гаждумбекка қараб, бир сўз деди:

Ўтар дунё одим-одим,  
Ўз шавқида яшаб ҳар ким,  
Сарбозор юриб бетиним,  
Булган экан шу ерларда.

Ғазаб олиб алангалар,  
Тукилиб ақча-тангалар,  
Лаъл-жавоҳир, сангалар,  
Булган экан бу ерларда.

Баланд-баланд оқ равоқлар,  
Узуи минорлар, пештоқлар,  
Эрамга ухшаш чорбоқлар,  
Булган экан бу ерларда.

Шуйтиб, Равшан шу қўргонда Ғаждумбекка: — Ма-на бу ер жебахона, бу ер қўргон, бу ер тўпхона, бу ер фалон, бу ер пистон бўлган экан, — деб ҳаммасини кўрсатди. Шуйтиб кун оғиб, Ғаждумбек билан Равшанбек шаҳарга қайтиб кетдилар. Кечқурун Ғаждумбекнинг ҳовлисига етдилар. Энди гапни туркманлардан эшитинг.

Равшанбекнинг эски қўргонда айтган гаплари секин-секин туркманларнинг қулогига эшитилиб, игнадай гапни туядай қилиб юборишга туркман уста эмасми, қуриқдаги туркманлар орасида «Равшан синчи эмиш, асли Ғиғалибекнинг боласи-да. Одамлар Ғиғалибекни ҳам Ёвмитга хон булмасдан аввал жуда ҳам отбоз-синчи дер экан. Равшан тоза авлиётоб одам эмиш. Ҳатто бу-рунги замонда ўтиб кетган отнинг рангларигача билар эмиш», — деган гаплар гуруллаб, ҳангома бўлиб кетди. Бу гап бориб Хунхор подшонинг қулогига ҳам етди. Дарров вазирлари билан маслаҳатлашиб: — «Ғаждумбекнинг озод қилган қули Равшан шундай-шундай синчи эмиш. Унинг синчилигидан фойдаланайлик, ўз қўлимиздаги одам», — дейишиб, Хунхор шоҳнинг фармони билан Ғаждумбекка: «Озод қилган қули билан бизнинг олдимизга келиб кетсин», — деб одам юборди. Ғаждумбек амри подшо вожиб, деб Равшанбекни эргаштириб, Хунхоршоҳнинг хизматига борди. Шунда Хунхор шоҳ Ғаждумбекка қараб: — Биз Равшанни синчи деб эшитдик. Агар рухсат бўлса, бизнинг табладаги отлардан тулпор айириб берсин, — деди. Ғаждумбек: — Майли, бизлар бир фақирингизмиз, амри подшоҳ вожиб. Нима

десангиз, қилмай чорамиз йуқ, — деди. Хунхоршоҳ: — Булмаса, сайислар, Равшанни таблахонага олиб боринглар. Отлардан тулпор ажратиб берсин. Кейин қайтариб менинг олдимга олиб кириглар. Унгача Гаждумбек шунда туради», — деб фармон қилди. Хунхоршоҳнинг сайислари Равшанни эргаштириб, подшоликнинг таблахонасига олиб кирдилар. Хунхоршоҳнинг таблахонасида ўттиз минг от қатор боглоглик турар эди. Сайислар отларни бирма-бир курсатиб утаберди. Равшанбек шу ўттиз минг отнинг ичидан учта тулпор танлади. Бир қарача кар от. Агар бир тухтаса, қайтарилиб чопмай қоладиган. Бири ола от. Кунга қараб чопа олмайдиган. Бири оқ от, тошлоқда чопа олмайдиган. Булардан бошқа отларнинг ҳаммасини тулпор эмас, деб сайислар билан бирга Равшанбек Хунхоршоҳнинг хизматига қайтиб бориб: — Шоҳим, буюрган фармонингизни бажариб, отларингизни кўриб чиқдим. Ўттиз минг отингизнинг ичида учта тулпор бор экан. Улар ҳам булса айбдор, — деб Хунхоршоҳга қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Кўриб чиқдим отларингни бирма-бир,  
Ҳаммаси ҳам жоби экан, султоним,  
Учта тулпор, учови ҳам нуқсонли,  
Шулар жуйруктоби экан, султоним.

Учови ҳам чопқир отни тутолмас,  
Пойга булса, пилгасига<sup>1</sup> етолмас.  
Чин тулпор топилса, ундан утолмас.  
Шуйтиб бари бекор экан, султоним.

Бекорга боқибсан ўттиз минг отни,  
Шуларман кўрийиб бу мамлакатни,  
Бари ишин қилмас бир тулпор зотни,  
Шуйтиб ишинг бекор экан, султоним.

Одамларинг от яхшисин билолмас,  
Билганда ҳам уни тулпор қилолмас,  
Бу отларинг, ёв келса, дуч булолмас,  
Шоян шавкатинг бекор экан, султоним.

Бу сўзларни Равшан синчи сўзлади,  
Пастда туриб юқорини кўзлади.  
Ғижиним келгандан авжим кўзгади,  
Давлатинг бемадор экан, султоним.

---

<sup>1</sup> Нишонага.

Бу сўзларни эшитиб, Хунхоршоҳнинг ҳар мурти сихдай бўлиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб: — Воҳ, ҳали сен туркман, бизнинг отларни, шону шавкат, подшолигимизни камситадиган бўлдингми? Мирғазаблар, бу ҳаддидан ошган ур туркманни боғланглар. Бу озроқ қул бўлгани учун кўзи гилайлашибди, кўзини яхши бир доғланглар, — деб буюрди. Шунда Гаждумбек Хунхорга қараб: — Шоҳим, мен буни озод қилганимдан қўлимда қозингизнинг қоғози бор. Агар бунинг кўзини доғлатсангиз, хунини тўлайсиз, — деди. Шунда Хунхоршоҳ: — Майли, Равшаннинг кўзининг хунини тўлайман, — деб мирғазабларга буюриб, бир оташкуракни оловда қип-қизил қиздириб, Равшаннинг икки кўзига оташкуракнинг икки учини бостирди. Равшан бечоранинг икки кўзи оқиб тушиб қолди. Шунда Хунхоршоҳ Равшанга қараб: — Кўзингнинг хунига энди беш юз тилла бераман, — деди. Худди шу палла кўчадан бир йўловчи бир ўлай-ўлай деган ориқ чубир отни миниб, оҳиста-оҳиста утиб борар эди. Йўловчининг оти асли тулпор бўлиб, боқувини топмай, шундай ҳолга тушиб қолган эди. Равшан кўр бечора, подшонинг саройида утириб, кўчадан ўтаётган ҳолвачининг оти тулпор эканини отнинг юриш овозидан таниб, Хунхоршоҳга қараб: — Кўзимнинг хунига шу кўчадан ўтаётган ҳолвачининг отини олиб берсанг, розиман. Беш юз тиллангни олмайман, — деб Равшан кўр Хунхорга бир сўз деди:

Эшит, шоҳим, фақир арзу додини,  
Саҳарлар айтайин ҳақнинг ёдини,  
Ерга таппамасанг озгим бодини,  
Беш юз тиллангни нима қиламан,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Бир утар саройингнинг сиртидан,  
Алмашиб сотилган араб юртидан,  
Талаб қилдим, одам юбор ортидан,  
Беш юз тиллангни нима қиламан,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Девор орқасидан бир от ўтади,  
Шу чубирни кўнглим талаб этади,  
Беш юз тиллангни нима қиламан,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Кўр бўлдим, кўрликдан энди ўламан,  
Кўр булсамда отнинг турин биламан,

Ул чубирни беринг, рози буламан,  
Беш юз тиллангни нима қиламан,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Равшан кўр дер, берсанг кузим хунини,  
Сийлаб-сийлаб улай бир от танини.  
Сир кучадан эшитаман унини.  
Беш юз тиллангни нима қиламан,  
Олиб бергин ҳолвачининг отини.

Шунда Хунхоршоҳ Равшан кўрнинг бу сўзини эшитиб: — Ўзини сайиссинчи тутган туркман баччагар, менинг уттиз минг ариллаган аргумоқ отларимдан тулпор айира олмай, кўзидан айрилиб, энди ур ёгини бермай, туркманни синчи десин, деб кўчадан утган ҳолвачининг отини тулпор, деб жаврайди. Э, каллангдан туркман, ўлаётганда ҳам от, деб ўлади. Ақли булмаса, беш юз тиллага неча от олади. Оқ ёқмас аҳмоқ. Кел, ўзидан кўрсин, — деб амалдорларига: — Боринглар, ўша кўчадаги ҳолвачининг отини бир нима бериб, рози қилиб олиб келиб, шу Равшан курга беринглар, — деб буюрди. Амалдорлар айланиб кўчага чиқишса, бир ҳолвачи ориқ, гўшти-гўштига ёпишган, суяги-суягига қапишган, ҳиллангланган, чўпдай беярашиқ отни миниб, бир хуржун ҳолвани ортиб, куча билан ирғалдириб бораётир. Амалдорлар: — Ҳолвачи бобо, тўхтаг, — деса, ҳолвачи:

«Булар мени сўроқ қилгани, тошларимни текширгани келаётир», — деб қўрқиб қолиб: — Ҳа, болаларим, менга шафқат қилинглар. Жужабирдай жон, бир кун куришга шу касбни қилиб юрибман, ҳеч кимга хиёнат қилмайман, тошларим ҳам тўғри. Мана бу тошим — чойраки, бу — нимқурт, буниси — нимчаки, мана буниси — касир, бу — бир мисқоллик, — деб довдираб қолди. Амалдорлар ҳолвачига етиб бориб:— Тўхтаг, ҳолвачи бобо, бизларнинг тошингиз билан ишимиз йўқ. Бизлар подшоликка шу отингизни сўраймиз, — дедилар. Ҳолвачи қувониб: — Ҳе, ўзи бир ўласи от эди. Подшонинг бошидан садақа. Олиб кетинглар, болаларим. Иш қилиб мени гуноҳкор қилмасанглар, бўлгани, — деб отидан тушиб, ҳолвасини ҳам тушириб олиб, отини юган-абзали билан амалдорларга берди. Амалдорлар ҳолвачига эллик тилла санаб берди. Умрида эллик тиллани кўрмаган ҳолвачи нима бўлганини билмай, бошини эшикка уриб, тешикка уриб қолди. Амалдорлар ҳолвачининг отини олиб, Хунхоршоҳнинг ҳузурига қайтдилар. Ҳолвачининг кўркисиз

отини кўриб Хунхоршоҳ: — Гаждумбек, ол чубирни, тентагингни миндириб кет, — деб хитоб қилди. Гаждумбекнинг қаторидан бир мисқол ҳам қолмай, гинг демай утириб эди, қорабужининг олдидан қутулгандай дим индамай, ўрнидан туриб, чубирга Равшан кўрни мингизиб, ўзи чубирни етаклаб, ҳовлисига қайтди. Ҳовлисига келиб тушиб, Ҳилолоӣ ва Гаждумбекнинг аёли, болачақаси, бу мусофир юртида кўрган хўрликларига ҳасратлашиб, бир майдон йиғлашдилар. Тош қаттиқми, бош қаттиқ, дегандай кўнмай илож борми, кузда ёш булса, йиғлатади-да. Ёш ҳам, умид ҳам тугатилгандан кейин киши нимани йиғлайди. Шуйтиб, бу бечора туркманлар ҳам кўникиб, тинчлангандан кейин Гаждумбек Равшан курга: — Ардисари<sup>1</sup> кўзингдан айрилгандан кейин бекорга Хунхор золимнинг беш юз тилласини олмадинг-да. Бир умр рўзгорингга дастмоя булар эди, — деди. Равшан кўр: — Шу от Хунхор золимнинг беш юз тилласидан аъло, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, шундай деди:

Жуфт гахлаб<sup>2</sup> гапирмак сўзнинг нақшидир.

Буни айтган қанча шоир-бахшидир,

Золимнинг тилласин олиб еганча,

Ора чулда очдан улган яхшидир.

Бу элда хушомад қушма сўзингга,

Ҳа демай фарзи қайтар узингга,

Бу ориқ от асли тулпор жонивор,

Анчайин деб илмасангга кузингга.

Чопини бор учар қушдан зиёда,

Жимийганда қарчигайдай қиёда,

Шу от бор, қолмаймиз Хунхор орада,

Энди сира хафа бўлма, Гаждумбек.

Шу от бор етқирар Ёвмит элига,

Даҳ деганда чиқар Бадбахт белига,

Банди этмас қизилбошнинг қулига,

Энди асло хафа бўлма, Гаждумбек.

Шу от зиёд бунда ўттиз минг отдан,

Камлиги йўқ ҳаргиз сини синбатдан,

<sup>1</sup> Барибир.

<sup>2</sup> Жуфтлаштириб (иккилик қилиб) айтмоқчи.

Қочса, қутилади ҳар нечук зотдан,  
Энди сира хафа булма, Гаждумбек.

Шуни миниб бу ерлардан кетамиз,  
Балад-баланд белларидан утамиз,  
Улмасак, тугилган элга етамиз,  
Энди асло хафа булма, Гаждумбек.

Уй-кучимиз барин олиб кетамиз,  
Такали Евмитнинг йулин тутамиз,  
Бориб юртимизда маскан етамиз,  
Энди сира хафа булма, Гаждумбек.

Қозонга ёндошсанг, юқар куяси,  
Заҳар-заққум золимларнинг сояси,  
Шу тулпорни миниб қочиб кетамиз,  
Бу ер мисли аждаҳорнинг уяси.

Йиглайди Равшан кўр, гамгин йиглайди,  
Сенинг ҳам кузингни бир кун доғлайди,  
Шу от агар тарбиятлаб боқилса,  
Қанча булса берган еминг ҳақлайди,  
Равшан агар минса шунинг белига,  
Узини Евмитга етган чоғлайди.

— Агар шу отни мен айтгандай қилиб тарбия қилинса, қирқ кунда тайёрланган бир тулпор бўлиб етишади. Ҳолвачи бу отни боқишни билмай, хор қилиб юрган, — деди. Бу сўзларни Гаждумбек Равшан кўрдан эшитиб, узининг ҳам бола-чақаси билан туркманга бориб ватан этгуси, иложи булса, шу бадбахт қизилбош золимларнинг юридан қутилиб кетгуси келиб: — «Бўлса, бўлар экан, бўлмаса ҳамишаги Хунхорнинг ихтиёридалигим», — деб Равшан кўрга: — Майли, айтганинг булсин. Лекин сен бир кўр одамсан, менга бу отни тарбия қилишнинг тартибини ўргат, — деди. Равшан кўр: — Отни қирқ кун кун тегизмай, ҳар кун икки коса арпа, бир сатил туя айрони, ичганича сув, тартиби билан беда бериб боқ. Қирқ кундан кейин кўрамиз, — деди. Гаждумбек Равшан кўрнинг айтганидай қилиб отни боқа берди.

Бир кун Гаждумбекнинг шаккоклиги тутиб: «Қани, шу синчимикан, бир билайин», деб журттага таблахонасининг тепасидан бир кафтча жойини тешик қилиб қўйиб, отнинг сағрисиغا гартаккина кун текизиб қўйди. Қирқ кун тамом булди. От бинойингина тулишиб, от суро-

би бўлиб қолди. Отни Равшанга кўрсатди. Равшан кўр қули билан сийпалаб, отнинг сагрисидаги кун теккан жойини билиб: — Мана бу ерига қулнинг кафтича кун текизиб қўйибсан. Қирқ кунлик меҳнатинг куйибди. Энди отни бошқатдан қирқ кун кун текизмай боқма-санг, булмайди, — деди.

Ғаждумбек Равшан кўрнинг ҳақиқий синчи эканлигига қойил бўлиб, яна бошқатдан отни кун текизмай аввалги тартибда қирқ кун боқди. Қирқинчи куни отни табладан чиқариб, Равшан кўрга кўрсатди. Равшан кўр отни сийпаб кўриб: — Энди камлиги қолмабди. Энди ярим кечада бориб, подшонинг қасридан иргитиб кел, — деди. Ғаждумбек ярим кечада отни абзаллаб, устига миниб, куча билан подшонинг кўшкига бориб, шундай баландга, тепасига қараса, одам телпаги тушгудай. Ғаждумбек шунда таваккал, деб отга бир қамчи урган эди, от шарп этиб сакраб кўшкнинг нариги ёғига тушди. Ғаждумбек қувониб: — Ҳа-ҳа, баччағар, олтин от экансан, — деб отга яна бир қамчи урган эди, кўшкнинг бу ёғига дик этиб ошиб тушди. Ғаждумбек ҳовлисига қайтиб келиб, воқеадан Равшанни хабардор қилди. Шунгача Хунхор: «Бу туркманларнинг бошқача бир даъвоси борга ўхшайди», — деб ҳадик олиб, дарвозаларга махсус одамлар қўйган эди.

Шундай қилиб, Ғаждумбек билан Равшан кўр бу кечасига отни шаҳарнинг деворидан иргитиб ўтмоқчи, аввал Равшан кўрни Бадбахт тоғига элтиб, кейин Ҳилолойни, кейин аёлини элтиб, барчаси қутилиб кетмоқчи бўлдилар... Кеч кириб, ярим оқшомдан оққандан кейин Ғаждумбек отга миниб, Равшан кўр мингашиб олиб, Ҳилолой билан Ғаждумбекнинг хотинига: — Эртан оқшомгача хотири жам ўтира беринглар. Худо ўлдирмаса, уч оқшомда Хунхордан буткул қутиламиз. Отимиз ишонимли тулпор, — дейишиб, Ғаждумбек билан Равшан кўр мингашиб ҳовлидан чиқиб кетдилар. Ҳилолой меҳрли кўзи билан Ғаждумбек ва Равшан кўрга ялт этиб бир қараб, дарвозасини қамаб қола берди. Энди гапни Хунхор шоҳнинг айғоқчисидан эшитинг.

Айғоқчи айёр қоронғи кечада кучадан сувдай оқиб бир отга минганган иккита кишининг ўтганини кўриб, дарров миршаббошисига хабар берди. Миршаббоши дарров Хунхоршоҳга: «Бир илдам отга икки одам мингашиб, куча билан шамолдай утиб кетди», — деб хабар берди. Шунда Хунхоршоҳ ҳар мурти шопдай, ўрти кўх-

на қопдай бўлиб, қўшин бошлиғига: — Ҳаттиз минг аскарни олиб, ҳозирнинг узида шаҳарни ураб ол. Бундай бемаҳалда менинг шаҳрим кучасида мингашиб юрган ким. Мабодо Гаждумбек туркман билан ҳалиги синчиман деган ур-тик<sup>1</sup> бўлмасин, — деб фармон қилди. Қўшин бошлиғи Ҳаттиз минг аскар билан шаҳарни урашга отлана берсин. Энди Гаждумбек билан Равшан кўрга келсак, аллақачон шаҳарнинг тўққиз пахса деворидан отини иргитиб йўлга тушгандан кейин Равшан Гаждумбекка: — Энди отнинг жиловини ўз кетишига қилиб қўйинг, отни ўз ҳолига қўймай қистаманг, — деб шу сўзни айтиб бораётир:

Тарк этайлик Хунхор мамлакатини,  
Илоҳим, кўрмайлик душман зотини,  
Жиловин бушатгин энди, Гаждумбек,  
Кўрмак бўлсанг, кўринг тулпор отини.

Эшит, Гаждум ога, Равшан тилини,  
Шундан кўзла Бадбахт тоғнинг белини,  
Насиб қилса, кўчиб бориб кўрайлик,  
Лоладай яшнаган туркман элини.

Жундан ҳайда, асло тезлик истама,  
Ўз ҳолидан она отни қистама,  
Шундай дамда аё, ога Гаждумбек,  
Васваса уйларни ҳаргиз эслама.

Ишонгин Куктемир отнинг кучига,  
Юришин кўзлагин тоғнинг учига,  
Гайрат қилиб чоштгоҳ тушга етишиб,  
Беркинайлик бир чўнголнинг ичига.

Қулоқ сол, Гаждумбек, Равшан зорига,  
Илоҳим, қолмайлик ёвнинг орига,  
Қани бир кўр ҳолвачининг отини,  
Жундан ҳайдаб, қўйгин ихтиерига.

Шунда Гаждумбек Равшан кўрдан бу сўзни эшитиб, отнинг жиловини бўшатиб, Бадбахт бели томонга тўғри-лаб, ўз ҳолича қўйиб юборди. Жонивор от худди юлдуздай оқиб ҳайдаб кетди. Шундан ҳайдаб, Гаждумбек билан Равшан кўр тонг бўзарай деганда, Бадбахт тоғига

---

<sup>1</sup> Ўз сўзидан қайтмас.

яқинлашиб қолдилар. Шунда Равшан кўр Гаждумбекка:  
— Қани, бир Хунхор томонга назар ташлаб кўр-чи,  
тинчликмикан, — деб шу сўзни айтди:

Курман, кўринмайди ҳеч зот кузима,  
Тогдан ел урилар келиб юзима,  
Энди боқ, Гаждумбек, менинг сўзима,  
Хунхор элга қара, у ён тинчликми?

Баҳоркордан келар тургай садоси,  
Узоқлашган ухшар Хунхор ораси,  
Куринмайми ҳеч ниманинг қораси,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Юзга яхтай тегар тоғнинг шамоли,  
Йулиқсин бизларга бахтнинг жамоли.  
Замона булмайди офатдан холи.  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Суз айтаман, ҳар на келса тилимга,  
Гайрат камаримни бугдим белимга,  
Шу топда ваҳима тушди дилимга,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Ҳилолойман янгам қолди Хунхорда,  
Кечгача омонат гайри диёрда,  
Тоқат йуқ унғача сену мен зорда.  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Юрагим ҳавл олиб, дурсиллаб ёнар,  
Шу ёқмоқлик билан ажаб уртанар,  
Кўз ёшим дарё бун дурни қизганар,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Равшан шурли ожизликдан оҳ урар,  
Дустлар дийдорини маҳшарда кўрар,  
Юрагим узидан ўзи ҳавл урар,  
Хунхор элга боқ-чи, у ён тинчликми?

Шунда Гаждумбек отнинг жиловини тортиб, бури-  
либ Хунхор шаҳри томонга қараса, бир қора тўзанг  
босиб келаяптики, ҳеч қўйинг. Шунда Гаждумбек бу не  
деган сир бўлди, деб қўрқиб, Равшан кўрга қараб, бир  
сўз деди:

Қибла бетни босмиш қопқора тузон,  
Билмайман бердими маҳшардан нишон,  
Бир ёмон аломат кўрдим, Равшанжон,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Булутдай қорайиб уфқни тутди,  
Юқори урлади, дунгларга етди,  
Юрагим бир ажаб ҳавл олиб кетди,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Е булибди қиёматдан нишона,  
Худойим бергайди бизга омон-а,  
Кам-кам яқинлашиб келар бу ена,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Сўз айтаман турқимизга муносиб,  
Илоҳим, бизларга етмасин осиб,  
Кам-кам яқинлашиб келмақда босиб,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Булут келар чуққорилиб тиркашиб,  
Соат сайин қалинлашиб буркашиб,  
Кам-кам яқинлашар дунглардан ошиб,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Бу қандай ваҳима, бу қандай офат,  
Ишқилиб бир ёмон белги-аломат.  
Ғаждумбек дер магар бўлмиш қиёмат,  
Қибла бетдан келган туман не бўлди?

Шундай Равшан кўр Ғаждумбекдан бу сўзни эшитиб:  
— Бўлмаса, бизни арвоҳ урибди. Бирор баччагар бизни  
кўрибди. Дарҳол Хунхоршоҳга хабар берибди. Хунхор-  
шоҳ орқамиздан қўшин юборибди. Бу тузанг Хунхоршоҳ-  
нинг қўшинларининг от туёғидан чиққан чанг. Энди,  
Ғаждумбек ога, иш кўнглимиздагидай бўлмай, чапга ту-  
шибди. Ҳилолоий билан янгамга бора олмайсан. Тақдир  
шу экан. Ога, энди улар Хунхорда кўзидан осилиб қола-  
диган бўлди, — деса, Ғаждумбек қўрқиб кетиб: — Рав-  
шанжон, сен Ҳилолоий билан янгангнинг ҳасратини ей-  
сан, ҳали ўзимиз нима бўламиз, ҳализамон қўлга тушиб  
ўламиз, — деб қалтирай берди. Шунда Равшан кўр Ғаж-  
думбекка:— Ога, энди нима бўлса, бўлди, қўрқма, ўзи-  
мизни бу от қутқаради. Нима булса ҳам шундай индамай  
қочиб кетганча, шу ерда тухтаб турайлик. Хунхорнинг

қўшини келгандан кейин уларга мана турибмиз, отингга ишонсанг, қувиб етиб ол, деяйлик. Барибир етолмайди. Шуйтиб, нима бўлса ҳам қизилбошларни бир ҳасратда қолдириб кетайлик, — деди. Гаждумбек Равшан кўрнинг бу сўзини эшитиб, ноилож отнинг жиловини сақлаб турди. Бир пилла Хунхоршоҳнинг ўттиз минг қўшини от йурттиришиб, Гаждумбек билан Равшан кўрнинг яқинига етиб келди. Шунда қизилбошнинг саркардаси олдинга чиқиб: — Ҳа, туркманлар, қочиб қутилган жойларинг шу ерми? — деса, Равшан кўр қизилбошнинг саркардасига қараб, бир сўз деди:

Гайри дин қизилбош, қолма армонда,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни,  
Етолмадим дема, бўлма дармонда,  
Қувалаб тутта олсанг, ҳайда отингни.

Қойил эмасман баҳорингга, ёзингга,  
Туркман кўринами сенинг кузингга,  
Амр айла ҳар қандай чавандозингга,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.

Отларинг тўқол, ёл-думи кузами,  
Минг боққанман ҳаргиз ўзин тузами,  
Тулпордан ҳеч замон жоби узами,  
Қувалаб тутта олсанг, ҳайда отингни.

Кетганча йулларинг хатардан хатар,  
Отинг яхши бўлса, қувишиб етар,  
Қачон жоби чонса, тулпордан утар,  
Орқамдан ета олсанг, ҳайда отингни.

Булбул ошна булар боғнинг гулига,  
Ҳар бир сузлар келар Равшан тилига,  
Ана бизлар кетдик Евмит элига,  
Қувалаб тутта олсанг, ҳайда отингни.

Бу сўзни саркада анда эшитди,  
Гулдираб, қизариб, туташиб кетди:  
Баччагар туркманни дарров тутинг, деб  
Қўшинининг барчасига амир этди.

Лоловлашди қизилбошлар ҳайқириб,  
Қува кетди туркманларни от суриб,  
Бул қолди қиёмат, қий-чув, туполон,  
Бир хил тентакларнинг огзи кўпириб.

Гаждумбек ҳам энди қўйди жиловни,  
Нишонага олиб Бадбахт товни,  
Жонивор тулпордай оти диккиллаб,  
Орқада қолдирди қувлаган ёвни.

Жонивор Кўктемир елдай елади,  
Кам-кам чопган сайин илдам бўлади,  
Жами душман қолиб кетиб орқада,  
Лекин уч от ҳали қувиб келади.

Не ишларни курмас одам боласи,  
Шунда ҳам бузилмас кунгил қалъаси.  
Жимийиб яқинлаб қолди, ёронлар,  
Келаётган уч тулпорнинг оласи.

Шунда Равшан кўр Гаждумбекдан: — Орқамизда бир отнинг шобири келаётир, у не тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Ўзи ола, буйни тиккатоб, ўқдай бир бало, — деди. Равшан уни дарров эслаб: — Бўлмаса, қуёшга қараб ҳайда, — деди. Гаждумбек Кўктемирнинг жиловини дарров қуёшга буриб ҳайдаган эди, бля тулпор шафақ экан, қуёшга қараб чопа олмай, орқада қолиб кетди. Энди икки от қувиб келаяпти. Бу икки отнинг бирови оқбўз от эди. Шу оқ бўз от юлдуздай оқиб, Гаждумбек билан Равшанга етай-етай деб қолди. Равшан кўр яна Гаждумбекдан: — Орқамизда бир отнинг шобири чиқади. У қай тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Оқ бўз, бамисоли юлдуз, — деди. Равшан кўр бу отни ҳам эслаб: — Бўлмаса, тошлоққа қараб ҳайда, — деди. Гаждумбек Кўктемирни тошлоққа қараб ҳайдаган эди, Оқбўз отнинг оёғи тошга ярамас эди. Тошлоқда оёғини тош ирғаб оқсаб, у ҳам орқада қолиб кетди. Гаждумбек отни ҳайдаб, энди Бадбахт тогининг тубига келиб қолганда, ҳалиги орқада келаётган бир от қувиб етишиб қолди. Шунда Равшан кўр Гаждумбекдан яна: — Орқамизда бир отнинг шобири бор, у не тусли от? — деб сўради. Гаждумбек: — Қора човкар, товуши заҳар, узун бўгин, — деди. Равшан кўр: — Агар шу от қора кўкиш бўлганда, бизни қувиб етар эди. Бунга шу ерда Кўктемирни бир тўхтатиб, кейин ҳайдаб юборсанг, иложи шу, — деди. Гаждумбек Кўктемирнинг жиловини таққа тортиб тўхтаган эди, қора човкар етиб келиб, у ҳам таққа тўхтади. Гаждумбек отни ҳайдаб юборган эди, Қора човкар шу тўхтаганича тўхтаб, қолиб кетди. Шуйтиб, Гаждумбек билан Равшан кўр душманнинг қувгинидан қутилиб, Бадбахт тогига чиқиб кетди.

Бадбахт тогининг бу бетини Асқар тоғи дер эди. Шу тоғнинг бу ёғида туркманлар элати эди. Гаждумбек билан Равшан кўр тоғдан ошинқираб, бир яйпонга тушиб, Қуктемирни утга қушиб, дам олишиб, Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини Хунхорда қолиб кетганига ҳасрат ва надомат қилиб, йиғлашиб ётдилар. «Бош қаттиқми, тош қаттиқ», «Бошга тушганни кўз кўрар», деб Гаждумбек билан Равшан кўр кўникмакдан бошқа илож топмай, шу тоғда оқшомни ўтказдилар. Эрта билан Гаждумбекнинг ўзидан-ўзи бир оз ичидан санчиқ бўлиб чиқди. Дарров яна иккови мингашиб, тоғдан бериги бовурга тушиб, текисликда тулпор оёғида кечгача юриб, кўкланг деган туркманлар уругидан утиб, такани оралаб, Ёвмитга етдилар. Кечқурун бир ерга келиб тушмакчи бўлдилар. Шунда Гаждумбек мени отдан суяб ол, деб бир сўз айтди:

Қизил гуллар очилмайин сулибди,  
Ё билмайман поймонам ҳам тулибди,  
Тақдир ҳукми билан Ёвмит элига  
Гаждум оғанг тупроқ тортиб келибди,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Иситмалаб, қорним кўпчиб боради,  
Кўзимнинг зиёси учиб боради,  
Бошим оғиб, мазам қочиб боради,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Тиззамда қолмади кучим-мадорим,  
Ташна буп тугади сабрим-қарорим.  
Мазам қочиб ҳеч қолмади оҳорим,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Бошимни кутарсам, айланар ажаб,  
Пита, тошлар парак бўлиб булдираб,  
Тупроқ тортиб Ёвмит келган ухшайман,  
Тақдири баҳона сабабдан сабаб,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Албатта дунёга устун бўлмайман,  
Чирогим, рози бул, тирик қолмайман,  
Эсим оғиб, ақл-ҳушим билмайман,  
Аста мени суяб олгин, Равшанжон.

Улуг дедим остонага бош урдим,  
Сирим айтмай ганимлардан яширдим,

Ўзигимни, таслим бўлмай найлайн,  
Аввал худо, дуюм сенга топширдим.

Равшан ўзи кузи кўрмас мунгдак<sup>1</sup>,  
Ғаждумни туширди базўр, бўп ҳалак,  
Тушиб туриб мажол қолмай бечора,  
Ёта берди ерга дастингдан фалак.

Найласин, шу ерда юм-юм йиглади,  
Ҳасрат-армонларман багрин доғлади,  
Таслим бўлмай нетсин ночор бандаси,  
Энди узин улмакликка чоғлади.

Қора кўзли ёрим душман элида,  
Не армонлар бордир синглим дилида,  
Деб оғзини каппа очиб бечора,  
Ҳасанбек, деб тақрор айтиб тилида.

Узоқ-узоқларга кузи сузилди,  
Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди,  
Равшан кўрнинг тиззасига бош қўйиб,  
Шуйтиб Ғаждумбекнинг жони узилди.

Ҳай аттанг, Равшанга булди қиёмат,  
Дод айлаб чекади оҳу надомат,  
Қулликдан қутқарган Равшан шўрлини  
Қайёқдасан энди Ғаждум валлават.

Равшан ўзи кузи ожиз фидойи,  
Ҳам кўришнинг, ҳам ёрининг гадойи.  
Бу кимсасиз чўлда нима қилади,  
Не савдога дучор этди худойи.

Кишнайти Куктемир ақли-эси бор,  
Равшаннинг шу отдан бошқа неси бор,  
Кўзсиз сувори бўп қайга боради,  
Бу даланинг баланди бор, паси бор.

Кимсасиз бу чўлда нола қилади,  
Билмайди, оқибат нима бўлади,  
Яратганга айлаб Равшан муножот,  
Шунда биров келмаклигин тилади.

---

<sup>1</sup> Ожиз, бечора.

Шуйтиб, Равшан кўр Гаждумбекнинг жасади олдида ҳайрон бўлиб утирганида, учта бозорга бораётганлар шу ерга келиб қолиб, Равшан кўрга ёрлашиб, йўлнинг бошидан битта гўр ковлашиб, улай-булай қилишиб, Гаждумбекни расмлаштириб, шунда кўмдилар, Равшан кўр бозорчилардан ўзининг Жигалибекнинг ўгли ва Гаждумбекнинг Огалибек ўгли эканини яшириб, Қизилбошга асир тушиб кетган туркманларданмиз, қочиб кетаямиз, деб қўяқолди. Равшан кўрнинг кўнгли учун уч бозорчи шу ерда тунашиб, эрта билан Равшан кўрни ўз отига миндириб, отни етаклашиб, чошка вақтида Ёвмитнинг бозорига етиб келдилар. Равшан кўр уйлаб: «Ардисари ишим чапга сўққан бахтсиз йигит чиқдим. Энди туркманга келдим, нима бўлдим. Менга от энди нима керак», — деб ҳалиги бозорчилар билан от бозорига бориб, Куктемирни харидорнинг сўраганига сотиб юборди. «Гаждумбек нималар қилмаган, энди унинг йўлида худойи, хайрия қилиб, дастурхондан элга ош берман десам, кўзим йўқ, ўзим бир мунггадак бўлсам. Кел, худо кўрмас жой йўқ. Шу отнинг пулини бозорда сочиб юборай, буюрган кишилар олар», — деб тангаларини от бозорига сочиб юборди.

Туркманда бирор воқеани тезда унитиб юбориш одати бор. Шуйтиб, Равшан кўрни ҳеч ким Жигалибекнинг ўгли эканлигини билмай: «Бу бир ажойиб савдойи дарвиш экан», — дейишиб, Равшан кўрга: — Сен художўй бўлсанг, хонақога бор, —деб эргаштириб, бировлари хонақога келтириб қўйдилар. Ана шуйтиб, дарвишнинг бошқа ватани йўқ, Равшан кўр шу хонақода қолди. «Мен энди бу шайхларнинг овқатига текингина шерик бўлмайин», — деб, самоварда дамловчи бўлиб шу хонақода бир ўлмас кунини ўтказа берди. Энди Ҳилолойдан сўзни эшитинг.

Ҳилолой билан Гаждумбекнинг хотини бир неча кун Равшанбек билан Гаждумбекнинг йўлига қараб, охири шаҳарга келган баъзи туркманлардан воқеанинг анигини эшитиб, жуда ҳам гамгин бўлишиб утирганларида, Ҳасанбек кириб келди. Шунда Ҳилолой шўрли Ҳасанбекни кўриб, тўлиб утирган эмасми, бирдан дод, деб йиғлаб, Ҳасанбекка қараб бир сўз деди:

Қабо фалак жафо солди бошим,  
Душман огу қушди ичган ошим,  
Янгам йўлдош бўлди кўзда ёшим,  
Туганмас савдога қолдим, акажон.

Шумлигимдан қайгу келди бошима,  
Дард ути туташди ичу ташима,  
Ҳолим сўраб ҳеч ким келмас қошима,  
Шундай можарога қолдим, акажон.

Гайри юрда мойтарилдим, тайрилдим,  
Уча билмай қанотимдан қайрилдим.  
Ҳам оғамдан, ҳам тўрамдан айрилдим.  
Дарди бедавога қолдим, акажон.

Шаҳар ичида нелар утди, билмадинг,  
Е билсанг ҳам унда парво қилмадинг,  
Бури уясида улоқдай буп боғланиб,  
Синглинг қолди кузи турт буп, келмадинг,  
Ғам ютиб жафога қолдим, акажон,

Ҳилолоӣ зор йиғлар бунда нотавон,  
Бошимни қоплади айролик туман,  
Дунёда жудолик жуда бир ёмон.  
Ҳажр отли балога қолдим, акажон.

Ҳасанбек «Ғаждумбек билан Равшан қочиб, орқасидан ўттиз минг Хунхоршоҳнинг қўшини қувалаб, улардан қутилиб кетган эмиш. Равшанни Хунхоршоҳ кўр қилиб кўзининг хунига бир от берган экан, у от тулпор чиқибди. Шуйтиб, Ғаждумбек билан Равшан кўр Қизилбошларни тоза армонда қолдириб кетибди», — деб эшитиб ўтирганида, Хунхоршоҳдан Ҳасанбекка одам бориб, «Ғаждумбекнинг бола-чақасини олиб кетсин. Ҳовлиси, моли подшоликка олинди», — деган хабарни етказди. Ҳасанбек бундай ҳодиса-хабарни эшитиб, Ҳилолоӣни ва Ғаждумбекнинг аёлини қўриққа кучириб кетиш учун икки туя билан дарров жўнаб, Ғаждумбекнинг ҳовлисига етиб келган эди. Ҳилолоӣнинг бу нолишини эшитиб: — Ҳафа бўлма, бўлар иш бўлибди. Энди дод-вой қилганинг не фойда. Ғаждумбек бўлмаса, мен бор. Сенга Ғаждумбек ҳам, мен ҳам бирдаймиз. Балким ҳали бир сабаб бўлиб ўзимиз ҳам вақти-соати қелиб, Ёвмитга борармиз. Худо ўлдирмаса, ушанда бир-биримизни кўрармиз, — деб Ҳилолоӣ билан Ғаждумбекнинг хотинига дилдорлик бериб, туяга миндириб, қўриқдаги туркман овулига олиб кетди. Қўриқда Ҳасанбек бу икки муштипарни ҳам рўзгорига қўшиб, катта оила бўлиб яшай берди.

Ҳилолойнинг бўйида ҳомила бор эди. Туққиз ой, туққиз кун, туққиз соат, туққиз минут ўтиб, Ҳилолойга тулгоқ пайдо бўлиб, жуда тулгоғи қаттиқ бўлиб, қийналиб, гоҳ узини билиб, гоҳ узидан кетиб алаксиб, сандираб, Равшанни йўқлаб, Равшан қўлимдан тут, деб шу сўзни айтди:

Ҳар доим толиқдим, тутгин қўлимдан,  
Қувватим-мадорим кетди белимдан,  
Йироқлашмасдинг-ку менинг олдимдан,  
Куринмайсан, қаёқдасан, Равшанжон.

Вафо деган шундай-шундай бўлами,  
Ёридан узини йироқ қилами,  
Ё бунда киришни уят билами,  
Товушинг йўқ, қаёқда сен, Равшанжон.

Доимо айладим сенга вафони,  
Ўзинг билан кўрдим завқу сафони,  
Лозим курасанми менга жафони,  
Йўқса агар қиёматдасан, Равшанжон.

Ё кетган эдингми акамман овга,  
Томоша қилгани Бадбахтдай товга,  
Меҳрим айлар сенга битта ул совга,  
Ҳа демайсан, қаёқдасан, Равшанжон?

Мен эдим муштипар, мунглиқ, бечора,  
Тортқилаб айлади момо овора,  
Раҳм айласанг-чи бунда мен зора,  
Билмайсанми, қаёқдасан, Равшанжон.

Эшитгин Ҳилолойнинг оҳу зорини,  
Олдинда сарф этсин ҳарна борини,  
Одам шуйтиб ташлармикан ёрини,  
Билмай қолдим, қаёқдасан, Равшанжон.

Шу аҳволда Ҳилолой қийналиб, туғолмай, охири ҳалок бўлди. Ҳасанбекнинг кузи қоронгиллашиб, огир мусибатга қолди. Ҳилолойнинг таъзиясига қўриқдаги барча туркманлар йигилиб келди. Ҳаммасининг мусофир бу юртда мотами янги бўлиб, кечқурун Ҳилолойни тупроққа топшириб қайтдилар. Шундай қилиб, туркманлар Ҳасанбекникида Ҳилолойнинг ошу сувини қилиб, тарқалишдилар.

Туркман бир ёғи дарёобод, бир ёғи даштлик жойда утирар эди. Уларнинг гуристони дашт бетида эди. Ҳилолой кумилгандан кейин гурда тугди. Одамнинг одам бўлгуси келгандан кейин ҳар нима баҳона. Бир чимнинг орасидан гурнинг ичига оз-моз шонглох<sup>1</sup> тушар экан. Ҳасанбекнинг бир улоғи улиб, савдойи булиб қолган эчкиси қуй, эчкилар билан ёйилиб, Ҳилолойнинг қабрининг устидан бориб қолиб, оёғи чимни уйиб юбориб, узи қабрнинг ичига тушиб кетди. Ичкарида Ҳилолой туққан чақалоқ йиглаб ётар эди. Узидан узи эчки чақалоққа меҳрибон булиб эмиза бошлади. Шундан бошлаб эчки ҳар куни бориб чақалоқни эмизадиган булиб қолди. Шуйтиб, орадан не вақтлар ўтгандан кейин бола ўрмалаб, гурнинг тешигидан ташқарига чиқиб, эчкини эмадиган бўлди.

Кунлардан бир куни чўпон молларини ҳайдаса, ҳалиги эчки дим ҳайдовга юрмай, гуристонликка қараб қоча берди. Чўпон эчкини қайтараман, деб борса, гурдан бир бола чиқиб, эчкини эма берди. Чўпон яқинлаша бергандан кейин бола Ҳилолойнинг қабрининг тубига ўрмалаб бориб йуқ бўлди. Чўпон бориб кўрса, Ҳилолойнинг гурининг бир томонида бола сиққудай тешикчаси бор экан. Чўпон бу воқеани бориб Ҳасанбекка билдирди. Бу куни Ҳасанбек икки туркман билан бирга чўпонга эргашиб, гуристонликка бориб анғғиб ётдилар. Чўпон ҳалиги айтган эчкини қабристонга ҳайдаб юборди. Эчки югуриб, Ҳилолойнинг гурининг тубига бориб манграган эди. Қабрдан бир қип-ялонғоч бола чиқиб, эчкини эма берди. Ҳасанбек қошида бирга борган туркманлар билан болани ушлаб олмоқчи бўлган эди, бола ўрмалаб қочиб Ҳилолойнинг гурининг тубига бориб, бола сиққудек бир тешикдан кириб кетди. Ҳасанбек қувониб, шунда бир сўз деди:

Шукур ётайин учган қушим,  
Яна қайтиб қунар бўлди.  
Виздан қочиб кетган давлат  
Қайта бошдан дўнар бўлди.

Эгам ёндириб чирогим,  
Кўкарибди қуриқ боғим,  
Бузилган кўнгил чортоғим,  
Уз жойига қунар бўлди.

---

<sup>1</sup> Шуъла, ёруғлик.

Дунё утар карвон-карвон,  
Ҳилолой эди бенишон,  
Ўрни учмаса на армон,  
Энди кунглим тинар бўлди.

Бу гудак Ҳилол боласи,  
Олтиндай сочин толаси,  
Буталиб<sup>1</sup> кунглим қоласи,  
Бахт чирогим ёнар бўлди.

Ҳасанбек гамим қолмади,  
Ҳосил суяк ушалмади,  
Бахтли Ҳилолим улмади,  
Дарахтим пойдор бўлди.

Бу сўзни айтгандан кейин Ҳасанбек ўзи билан бирга борган туркманларга: — Энди бу болани билайлик. Эртага беш-олтита ошиқ билан иккита қўғирчоқ келтириб кўрмак керак, — деб қайтдилар. Бу кунисига Ҳасанбек қишлоғидаги барча туркманлар билан беш-олтита ошиқ ва иккита қўғирчоқ олиб, қўғирчоқни бўлак ерга, ошиқларни бўлак ерга қўйиб, кечагидай чўпон эчкини ҳайдабди. Ҳасанбек барча одамлари билан қабрларнинг панасида пусиниб ангиб ётдилар. Эчки бориб манграб, Ҳилолойнинг гўридан бола чиқиб, эчкини эмиб тўйиб олиб, урмалаб уйнаб юриб қўғирчоқларни куриб қолиб, қули билан тутиб чангаллаб, икки тарафга икковини отиб юбориб, кейин ошиқларнинг ёнига келиб, ошиқларни ушлаб, шу ерда жуда кўп вақт андармон бўлиб ўтирди. Ҳасанбек туркманлар билан болани: «Ўгил бола экан», — дейишдилар. Шуйтиб, Ҳасанбек ва барча туркманлар болани тутиб олмоқчи бўлиб ҳар томондан ёпирилишган эди. Болага Ҳилолойнинг қабри яқинлик қилиб, бола тешиқдан кириб кетди. Ҳасанбек туркманлар билан: — Эртага эгар олиб келиб қўяйлик. Бола эгарга андармон бўлиб қолган палла бировимиз писиниб бориб, тешиқка бир нима тиқиб қўяйлик. Ундан кейин болани очикда ушлаб оламиз, — дейишиб, маслаҳатлашиб қайтдилар. Бу кунисига бир яхши қизил эгарни олиб бориб, Ҳилолойнинг қабридан тўрт-беш қадам узоққа қўйиб, ўзлари яна кечагидай қилиб пусиб ангиб ётдилар. Чўпон молларини ҳайдаб келди. Ҳалиги эчки Ҳилолойнинг қабри ёнига бориб манграган эди, бола тешиқдан югуриб чиқиб эчкини

<sup>1</sup> Бут булиб.

эмиб, туйиб олиб, ундан кейин шу ерларда урмалаб уйнаб юриб, эгарни кўриб қолибди. Бола эгарга осилиб миниб, жуда мириқиб уйнаб қолди. Шу вақтда биров пусиб бориб, қабрнинг тешигига бир нима тиқиб қўйди. Ундан кейин туркманлар ўраб олиб, болани тутиб олдилар. Бола жуда ҳам тибирлаб йиглай берди. Шуйтиб, шунда туркманлар маслаҳатлашиб, қани нима қилар экан, деб тешикни очиб болани қўйиб юборишган эди, бола ичкарига кириб кетди. Бола шу киришида бу одамларни энасининг тусига ўхшатиб, энасини дим туртиб қўймади. Шунда Ҳилолой тилга кириб, боласига бир сўз деди:

Жоним болам, турткиладинг, қуймадинг,  
Мендан бошқа одамзодни суймадинг,  
Шунчалар ишорат қилдим, туймадинг,  
Тинчимга қуй, жоним роҳат уйқуда.

Мен бу ерда жуда сенга алағда,  
Бўлмаса, кетардим ҳур буп шу чоғда,  
Сайр этиб юардим яшнаб гул боғда,  
Тинчимга қуй, жоним роҳат уйқуда.

Сени излаб келган одам тоғангдир,  
Мени бунда ташлаб, болам, энди тур,  
Тириклар манзили бўлмас қора гур,  
Тинчимга қуй, жоним роҳат уйқуда.

Бор тоғангга, энди сендан тинайин,  
Ҳур буп беҳишт ичра бориб қўнайин,  
Маҳшарда отангга шарбат сузайин,  
Тинчимга қуй, жоним роҳат уйқуда.

Ҳилолой дер ҳали гудак боласан,  
Токайгача қора ерда қоласан,  
Тоғангга бор, шодланасан, куласан,  
Тинчимга қуй, жоним роҳат уйқуда.

Бу сўзни бола энасидан эшитиб, ўзидан-ўзи худди энасининг гапига тушунгандай тешикдан қайтиб ташқарига чиқди. Ҳасанбек болани ушлаб, кўтариб уйига олиб қайтди. Ана шуйтиб, Ҳасанбой ҳовлисига бориб, бир катта боқма қўйни сўйиб, туй қилиб, барча туркманларни чақириб, болага нима деб исм қўйишни сўради. Шунда туркманларнинг энг кекса бир бобойи: — Бу боланинг оти узи билан Гурўгли бўлсин, деган эди, барча маъқуллаб болага Гурўгли деб исм қўйдилар.

Айни шуйтиб, Гуруғлибек Ҳасанбекникида уса берди. Орадан бир йилча утди, Гуруғлибек иккига етди. Шу орада ҳалиги Гуруғлибекка сут берадиган эчкини бури еб кетди. Гуруғлибекнинг ўзи ҳам энди нон егудай, тога, янга дегудай бўлиб қолди. Ундан кейин Ҳасанбек бир ола байталнинг сутини Гуруғлига соғиб берадиган булди. Гуруғли ҳам кундан-кунга ушиб, етти ёшга кирди. Ундан кейин Ҳасанбек бир тобоқ қатлама билан Гуруғлибекни мактабга элтиб берди. Гуруғлибек етти яшарида ўн икки яшар болалардай бўлиб қолган, суяк-ли полвон бола эди. Мактабда аввал болаларни урди. Сунгроқ муллани ҳам урмоқчи бўла берди. Ҳасанбекка бориб жиянидан шикоят қилди. Ҳасанбек: «Булмаса, жияним мулла булмаёқ, тўйда табарак ўқимаёқ, ҳафтиякни ҳижжалаб чуқимаёқ қўя қолсин», — деб Гуруғлибекни мактабга юбормади. Бир халта ошиқ қилиб бериб, уйнагани қўйди. Гуруғлибек бир кун қизилбошларнинг овулидан келган бир бола билан ошиқ уйнаб, ошиқларининг ҳаммасини ютқазиб қўйиб: — Сен менинг ошиқларимни ўзидан-ўзи олиб кета берасанми, — деб ҳалиги қизилбош болани бир муштлаб ўлдириб қўйди.

Бу хабарни Ҳасанбек эшитиб, туркманлар билан кенгашиб, дарҳол қизилбош боланинг улигини бир жарга яширишди. Гуруғлибекни ўз урталарига чорлашиб: — Энди, жиян, билсанг, сенинг отанг ҳам бу қизилбошлар юртидан қочиб кетган эди. Агар сени ҳам билса, тирик қўйишмайди. Сен бу юртдан шу ола байталнингга миниб, Туркманга ёвмит уругига қоч. Эсон-омон Туркманда ёвмит уругига етсанг, отанг Равшан билан топишарсан. Туркманда Гаждумбек, Аҳмадбек деган тоғаларинг бор. Улар ҳам сенга худди Ҳасанбекдай. Бу ерда бизлар ўз соямиздан қўрққан одамлармиз. Сен бир қизилбош болани ўлдириб, бу ерда тураберсанг, бизларга ҳам жуда катта зараринг тегиб кетади, — деб Гуруғлибекка тушунтирган эди, Гуруғлибек ҳам Ёвмитга кетмакка мойил бўлиб, Ҳасанбек тоғасидан йўл-йўриқ сўрай берди. Ҳасанбек тоғаси ҳам:

— Ҳов, ана кўринган Бадбахт тоғи. Шундан нариси Туркман эли. Кейин сўрай берсанг, туркман оғайнилари сенга Ёвмит қаёқда эканлигини кўрсатиб юборадилар, — деб Гуруғлибекни йўлга сола берди. Етти яшар Гуруғлибекнинг хаёлида туркман юрти бир тушлик йўлдай эди. Ҳасанбекнинг хотини бир тўрва талқон қилиб: — Йўлда ерсан, — деб Гуруғлибекнинг бўйнига

тақиб, ола байталга миндирмоқчи булган эди, Гүруглибек:

— Бу менга сут берган энам, деб байтални минмай етаклаб, Ҳасанбек кўрсатган ёққа қараб кета берди. Ҳасанбек билан Гаждумбекнинг аёллари: — Майли, уз раъйига қуяйлик. Чарчагандан кейин узи байталга миниб олар, — дейишдилар. Шунда Ҳасанбекнинг кўнгли бузилиб, Гүруглибекка қараб, бир сўз деди:

Улуг дедим остонага бош урдим,  
Қисматимдан пешонага тош урдим,  
Ёвмитнинг элига кетсанг, омон бўл,  
Элим, халқим, уругимга тонширдим.

Улмасанг, дунёда даврон сурарсан,  
Борсанг, жон отангнинг юзин кўрарсан,  
Хунхор элда булган қанча гапларни  
Бориб туриб анда хабар берарсан.

Сузласам, туганмас дардим баёни,  
Тўсмасин йўлларни Бадбахт тумани,  
Узинг эдинг кўнгли боғи, бўстони,  
Бундан кетсанг, сўра Гаждум тоғангни  
Ёвмит элга етиб борган замони.

Баҳорда очилар гулшан лоласи,  
Вайроналар бўлмиш кўнглим қалъаси,  
Сен Равшаннинг асли елғиз боласи,  
Эсон-омон борсанг, анга салом де,  
Шодмон булгин, ҳеч қолмасин чаласи,

Ҳеч оча билмадим юрак дарчасин,  
Мингга кирар дерлар тоғнинг арчасин,  
Туркманларнинг ҳаммасига салом де,  
Менинг учун қучоқлагин барчасин.

Найлайин, кўнглимда кўпдир армонлар,  
Кетай десам, олдимда бор доvonлар,  
Бу юртда турганмиз неча замонлар,  
Насиб айлаб биз ҳам туркман борайлик,  
Дуода ёд этсин ёру ёронлар.

Ҳасанбекнинг дарди кўпдир дилида,  
Бандимиз, асирмиз Хунхор элида,  
Ёвмит юртин соғинганмал на чора,  
Ихтиёр-коримиз бирон қулида.

Ҳасанбек йиглаб қола берди. Энди Гуруғлибекдан эшитинг.

Гуруғлибек байталини етаклаб, шу юрганича ярим соатдан Ёвмитга етиб қуяман деган бола ҳали Бадбахт тоғи ҳамишагисидай булиб тура беради. Гуруғлибек шунча юради, ҳеч етолмайди. Ана етаман, мана етаман, деб эртадан тушгача юриб, оёқлари толиб, жуда ҳам чарчаб, охири ҳам Туркман юрти у ёқда турсин, Бадбахт тоғига ҳам етолмаслигига кўзи етиб, кейинга қайтай деса, келган йўлидан адашиб, ола байталнинг жиловидан ушлаб, одамсиз, бир текисликда йиглаб ўтирди. Бир пилла биров орқасидан келиб: — Ассалому алайкум, — деса, Гуруғлибекнинг кайфи учиб кетиб: — Ў, ассалому алайкум демай кет, мен узим нима қиларимни билмай, кайфим учиб ўтирсам, мени хафа қилмаган сен қолибминдинг, — деб жеркиб ташлади. Қараса бир қари бобой. — Эй, углим, ундай дема. Ёвмитга бораётган булсанг, у жуда яқин. Сен бир кузингни юмгин. Кейин узим сенга Ёвмитнинг йулини кўрсатиб юбораман, — деди. Гуруғлибек: «Бу чол менинг Ёвмитга бораётганимни қандай қилиб билди экан», — деб ҳайрон булиб ангиб қолди. Бобой Гуруғлибекка: — Анграйма, тез кузингни юм, — деб қистай бергандан кейин Гуруғлибек, мана, деб кўзини юмиб очган эди. Қараса, бобой йўқ. Ола байталини ушлаб бир бозор яқинида турибди. Бу Ёвмитнинг бозори эди. Худди шу бугун Ёвмитда бозор куни булиб, ҳозир бозорнинг қизиган куни эди. Гуруғлибек уз хаёлида: «Бадбахт тоғидан ошганим эсимдан чиқиб кетиб, Туркман элига келиб қўйдим-ов. Шу уймалашиб юрган одамларнинг олдига бориб, Ёвмитнинг йулини сўрайин. Шояд, бирови мени йулга солиб юборса, деб байталини етаклаб, аста-секин юриб Ёвмитнинг бозорига кириб бориб, кўчаларда шу сўзларни деб юрди:

Шу ерларда бир хабарчи бормикан,  
Ёвмит йулини менга кўрсатармикан,  
Билмай қолдим қибла қаёқ, қут қаёқ,  
Юрар йулим баяндмикан, жармикан?

Мусофирлар иши оҳу зормикан,  
Танимас жойларда мендай хормикан,  
Йул адашдим, йулга солинг, оғалар,  
Ёвмитга бошқарар одам бормикан?

Еш боламан, меҳрибоним йўқ менинг,  
Мусофирман, бир маконим йўқ менинг,  
Бу жойларда ошеним йўқ менинг,  
Ёвмитни кўрсатар одам бормикан?

Олисдан келаман оёғим тола,  
Ким раҳм этиб боқар, тушдим бу ҳола,  
Ҳали йўл билмаган узим ёш бола,  
Ёвмитга бошқарар одам бормикан?

Ёш гудакман унгу сулни билмаган,  
Бундан аввал бу жойларга келмаган,  
Бундай билмас юртда сарсон бўлмаган,  
Ёвмитни кўрсатар одам бормикан?

Йиглайман, йиглайман, бунда йиглайман,  
Куйганимдан гапни гапга улайман,  
Йўлини билмасам, нима қилайман,  
Ёвмитга бошқарар одам бормикан?

Бир сабабман келдим ўзга шаҳардан,  
Ҳабарим бўлмайин бундай булардан,  
Эланиб сўрайман, дўстлар, сизлардан,  
Ёвмитни кўрсатар одам бормикан?

Ҳеч ким боқмас, олд-ортима қарайман,  
Токайгача сарғардон буп юрайман,  
Ёвмит эли қаёқда деб сўрайман,  
Ёвмитга бошқарар одам бормикан?

Мусофирнинг боқинг дарду дилига,  
Солингиз борадиган йўлига,  
Раҳм айлаб Гурўглининг ҳолига,  
Ёвмитни кўрсатар одам бормикан?

Гурўгли йиглаб, шунча бозорнинг кучаларидан айла-  
ниб чиқса ҳам, ҳеч ким бир нима деб ҳолини сўрамади.  
Балки эътибор бериб ҳам қарамади. Лекин битта-ярим  
бобойтоб туркманлар Гурўглини девона, гадойбачча хаёл  
қилиб битта иккита қора чақа бермоқчи бўлди. Гурўгли-  
бек йиглаб, уларнинг узатган пулларини олмай: — Мен  
сизлардан Ёвмитни сўрайман. Пул сўраётганим йўқ, —  
деб байталини етаклаб, бошқа кўчага қараб кетди.

Шуйтиб, Гурўглибек бошини эшикка уриб, тешикка  
уриб, кўчаларда дадарбоқи бўлиб юриб, ранги оқариб,  
ҳориб, қорни очқаб, совқотиб говжираб қолиб, эй-эй,

фиқ-фиқ, деб ҳар замонда товушини узиб-узиб йиглаб, Ёвмитнинг бозори суйилиб қолган пилла аввалги келган йули билан шундай чошткаликка қараб кета берди. Бозордан олтмиш, етмиш қадам чошткалик бетида Ёвмитнинг хонақоси бўлиб, бозор куни хонақоҳда одам булмас эди. Равшан кўр шайхларнинг ўлчаб берган қаттиқ-қуттиқ нонларига тўймай, дунёда тирик юриш тоза жонига теккан эди. Равшан кўрнинг кечаю кундуз тилаги: «Ҳилолойдан ҳеч бўлмаса, бир хабар эшитсам, ундан кейин улсам ҳам майли», — деб ўтирар эди. Ҳамма шайхлар сар ҳафта учун уйларига кетиб қолиб, бозор куни Равшан кўрнинг бир узи хонақоҳда тунаб қолар эди. Бугун ҳам ҳамишагисидай супадан одамларнинг улов дубурига ва ўтаётгандаги ҳангамаларига қулоқ солиб ўтирса, кўчадан бир бола ҳар замонда ҳиққи-лаб йиглаб, бир уловни етаклаб ўтаётибди. Равшан кўр зеҳн солиб шу боланинг товушини Ҳилолойдга ўхшатиб, супадан туриб: — Ҳой, бола, бери кел, — деб чақирди. Ҳеч кимдан илиқ гап эшитмаган бола дарров бурилиб, супанинг тубига борди. Шунда Равшан кўр зор-зор йиглаб: — Ҳа, болам, сен ҳам менга ухшаган кимсасиз бечорага ўхшайсан. Жоним, меҳрибоним, мен сенинг товушингни ўзимга таниш билаянман, — деб кўзи йўқ-лигидан ёши ичига кетиб, увуз эти ув бўлиб, тўла бада-ни сув булиб, Гурўглибекка қараб, бир сўз деди:

Кузим оғма, кўролмаيمان юзингни,  
Элас-элас эшитаман сўзингни,  
Кимсан, қаерлардан келдинг, чирогим,  
Ҳилолойдга ўхшатаман ўзингни.

Ҳар замон, ҳар замон уксиб йиглайсан,  
Овозингдан бағри-дилим доғлайсан,  
Негадир меҳрингни менга боғлайсан,  
Ҳилолойдга менгзатаман узингни.

Нега куча узра нолон этасан,  
Бу бозордан чиқиб қаён кетасан,  
Кеч булганда қай овулга етасан,  
Ҳилолойдга ўхшатаман ўзингни.

Қулогимга ёқар йиғлоқ сўзларинг,  
Ўксиб-ўксиб овоз этган кезларинг,  
Тавоф этсам арзир сенинг изларинг,  
Ҳилолойдга менгзатаман узингни.

Нега уксиб-уксиб тошиб-туласан,  
Кимсасиз боладай музтар буласан,  
Айланай товушингдан, жоним оласан,  
Ҳилолойдга ухшатаман узингни.

Туман дарёсидай тулиб тошасан,  
Қаёққа умганлаб йулга тушасан,  
Байталиг етаклаб нега шошасан,  
Ҳилолойдга ухшатаман узингни.

Менга ухшаб ёки бирор кишинг йуқ,  
Касалсан нимага, асло ҳушинг йуқ,  
Ё булмаса бунда кунгил-хушинг йуқ,  
Ҳилолойдга ухшатаман узингни.

Қаерлардан калланг огиб келасан,  
Ота-энанг айт, кимнинг ули буласан,  
Зор инграганингда жоним оласан,  
Ҳилолойдга менгзатаман узингни.

Равшан айтур кимлигингни билайин,  
Билиб туриб сенга ёри қилайин,  
Етим булсанг, кел бошингни силайин,  
Ҳилолойдга ухшатаман узингни.

Шунда Гүрүглибек қараса, бир қирқ туқим жанда устида, тўрт тарки дўппи бошида, кўзи кўр, озгин чол, узингни танит, сени Ҳилолойдга ухшатаман, деганига: «Бу чол менинг энамни танийди экан. Ёвмитнинг йулидан нишона берса ҳам, менга шу чол берар экан», — деб ўз аҳволини айтиб, Равшан кўр отасига қараб, бир сўз деди:

Ўйнаб ўсган жойим Хунхор элати,  
Исемини сўрасанг дерлар Гуругли.  
Тоғам эрта оқшом чорлаб атаган,  
Номини сурасанг, дерлар Гуругли.  
Мард йигит майдонда булар яроқли,  
Менинг кимлигимни агар сўрасанг,  
Тоғам қуйган отим дерлар Гуругли.

Бу ерларнинг уйин-қирин билмайман,  
Ёвмитга етмайин қарор олмайман,  
Тоғам қуйган отим дерлар Гуругли,  
Узим туркман, қизилбошдан булмайман.

Тоғам йулга солди, келдим бу ерга,  
Сен назар ташладинг мендай фақирга,

Олдингга чақирдинг булай деб бирга,  
Тоғам қўйган отим дерлар Гуруғли,  
Сен ўзинг айт, қаер бу келган эрга.

Азоб чекдим, банди-бугним қақшатдим,  
Қизилбошнинг баландига тош отдим,  
Бугун йўлда салом берди бир бобой,  
Ул бобойни мен узингга ухшатдим,  
Исмимни сурасанг, дерлар Гуруғли.

Равшан кўр бир ёғи айролиқ, бир ёғи ожиз кўзлик,  
бечора беқувват, қариб қолган эди. Гуруғлибек: «Йўлда  
бир бобой кўрдим. Ул бобойни сизга ўхшатдим. Ўзим  
Хунхор юртлик туркманларданман», — деганига тоза  
ҳам гумонсираб, шунда Равшан кўр Гуруғлибекдан су-  
раб, Гуруғлибек жавоб бериб, бирни Равшан кўр, бирни  
Гуруғлибек айтиб, нима дейдилар:

Равшан кўр:

Тарзингни қарасам, нодон боласан,  
Гунчадайин очилмаган лоласан,  
Ёвмит дейсан, сураб нима қиласан,  
Аслинг айт, жон ўғлон, қайдан келасан?

Гуруғлибек:

Эрта чоштгоҳ чиқдим Хунхор элидан,  
Ўзим билмай ошдим Бадбахт белидан,  
Эшит аҳвол бу ўғлоннинг тилидан,  
Мени сурсанг, Хунхор элдан келаман.

Равшан кўр:

Улғайган сўнг уз элингга турасан,  
Туралик давринда даврон сурасан,  
Қайдан келиб яна қайга борасан,  
Қаддингдан, жон ўғлон, қайдан келасан?

Гуруғлибек:

Хунхордан келаман сою қир оша,  
Оша қирларини айлаб томоша,  
Ёвмит деган элда тоғам бор қўша,  
Мени сурсанг, Хунхор элдан келаман.

### Равшан кўр:

Ўвмит деб шу ерни айтар чирогим  
Каъбам, меҳрибоним, қалбим, чирогим.  
Ўзингни танит, кўнглимдан ҳам берагим,  
Меҳрингдан, жон углон, қайдан келасан?

### Гуруғлибек:

Хунхорлик тоғамни Ҳасан дейдилар,  
Ўвмитда отамни Равшан дейдилар,  
Изолаганим Гаждум полвон дейдилар,  
Мени сурсанг, Хунхор элдан келаман.

### Равшан кўр:

Гуруғли деб айтдинг узинг отингни,  
Энди аниқ билдим сенинг зотингни  
Изолаб кепсан, жоним асли юртингни,  
Ўзим қурбон бўлсам сенинг бўйингдан.

Шу сузларни айтиб, Равшан кўр супадан ерга ўзини ташлаб, сермаланиб, Гуруғлини топиб олибди. Шунда бечора Ҳилолойдни ёд қилиб бир сўз деди:

Бугун оқшом кирган эдинг тушимга,  
Келиб турган эдинг тўғри тушимга,  
Мана боланг етиб келди қошимга,  
Армоним йўқ энди улсам, Ҳилолой.

Якка деб янғидан тушдинг эсимга,  
Келмасанг-да, углим келди олдима,  
Аттанг кўрипмайди менга ҳеч нима,  
Армоним йўқ энди улсам, Ҳилолой.

Шу эди танграмдан ҳар кун тилагим,  
Шукрулилло, ҳосил бўлди истагим.  
Ўз бағрима суйкаб бағри кукрагим,  
Армоним йўқ энди улсам, Ҳилолой.

Куяр эдим ой жамолинг соғиниб,  
Кўнглим қиблага эмас, сенга оғиниб,  
Ўглинг босган изларига қоғиниб,  
Армоним йўқ энди улсам, Ҳилолой.

Бугун булдим дийдорингни кўрганча,  
Синбатингга тиклаб қараб турганча,  
Мунаққадан хору зор буп юрганча,  
Армоним йуқ энди улсам, Ҳилолоӣ.

Равшан кўрнинг ҳеч қолмади армони,  
Излаб келиб Гуруғлидай ўғлони,  
Узингсан яхшилар хилин султони,  
Армоним йуқ энди улсам, Ҳилолоӣ.

Ана шунда бундай ҳодисаларга оғзи очилиб анграйиб қолган Гуруғлибек Равшан кўрга: — Ахир, ўзингиз ким бўласиз, дам-бадам Ҳилолоӣ, деб энамни ёд қиласиз. Энам аллақачонлар ўлиб кетган-ку, — деса, Равшан кўр: — Мен сенинг гапингдан энангнинг ўлиб кетганини билиб турибман. Мени билсанг, мен сенинг Равшан кўр отангман, — деб беҳуш бўлиб қолди. Шунгача бу ерга келиб, бозордан қайтаётган одамлар уймаллашиб, қарашиб қолдилар. Бир оздан кейин Равшан кўр ўзига келиб, худога муножот қилиб, энди берган омонатингни олсанг ҳам розиман, деб зор-зор йиғлаб, бир сўз деди:

Қодир мавлон, қайғу солдинг бошим,  
Дардни насиб этдинг ичу ташим,  
Жоним болам излаб кепти қошим,  
Розидурман, энди олсанг жонимни.

Дардга чулғаштирдинг ожиз танимни,  
Нимсоз утказаман ҳар бир кунимни,  
Буйтганча йиртсанг ҳам майли танамни,  
Розидурман, энди олсанг жонимни.

Шу дамгача кўрдим қайғу аламни,  
Ҳеч кимса эшитмай оҳу ноламни,  
Шукрулилло, топиб қучдим боламни,  
Розидурман, энди олсанг жонимни.

Ўз элимда уз илгимдан хор булдим,  
Айролиқ йулида интизор булдим,  
Парчапуруш қаттиқ нонга зор булдим,  
Фарзандим васлига ахир ёр булдим,  
Розидурман, энди олсанг жонимни.

Менда эди берган жонинг омонат,  
Омонатга қилганим йуқ хиёнат,  
Уғлимнинг қучоги менга ганимат,  
Розидурман, энди олсанг жонимни.

Равшан кўр узингга таслим бир банда,  
Устимга кийганим қирқ туқим жанда,  
Тирик юринга ҳам тоқат йуқ менда,  
Розидирман, энди олсанг жонимни.

Бечора Равшан кўр калима қайтариб, жонини ҳаққа таслим қилиб қўйди. Бу ҳодисадан Гўрўглибек қаттиқ таъсирланиб, отасининг устига узини ташлаб, зор-зор йиғлади. Энди Аҳмад сардордан эшитинг.

Аҳмад сардор бир жийрон йўргада ортида кўп сипоҳиларни эргаштириб, бозордан қайтаётиб, одамларнинг хонақоҳнинг олдида уймалашиб туришганини кўриб, шунга бурилиб келиб, хонақоҳдаги Равшан дарвишнинг супанинг остида улиб ётганини, бир қули билан бир байталнинг нухтасидан ушлаб, бир қўли билан уни қучиб йиглаб ётган бир ёшгина болани кўриб қолиб, одамлардан воқеани сўраб, аслида Равшан дарвиш узининг баччаси, бу ёш бола жияни, Ҳилолой опасининг угли эканини билиб, отдан тушиб, хизматкорларига Равшан кўрнинг жасадини у ердан бир хужрага олдириб, Гўрўглибекни кўндириб, хонақоҳнинг айвонига киргизиб, бир қўйни келтириб шу ерда сўйдириб, овулдан бир хизматчисига буюриб, уч-тўрт тандир нон келтириб, Равшан кўрга узининг яқин эканини билдириб, теварак-овулларга хабар қилдириб, шу кеч шайхларни чақириб келтириб, қўйнинг гўштини осиб, одамлар тўпланиб, Аҳмад сардорнинг ўзи ҳам шу оқшом хонақоҳда тунаб, эртагисин чоштгоҳда Равшан кўр бечоранинг жанозасини утказиб, тупроққа топшириб, дуои фотиҳа қилибди. Асли суяк эгаси Аҳмад сардор бўлиб, ундан кейин Гўрўглибек жиянини уйига олиб қайтди.

## ГҮРҮГЛИНИНГ БОЛАЛИГИ

«Утган гапга саловат», деган экан. Энди Равшан кур бечора ўлиб, Гүрүглибекни етим қолдириб қуямизми. Гапнинг бу ёғини ҳам давом эттириб кета берайин, қани, Гүрүглибек нималар қилар экан.

Ана энди шуйтиб, Аҳмадбек сардор Гүрүглибек жиянининг суяк эгаси бўлиб, уйига олиб бориб, хотини Холжувонойга: — Мана бу менинг туққан жияним, Хунхорда туғилиб, энаси ўлиб, келган. Энди бу бизникида туради. Сенга тайинлаганим — шунинг асло-асло кўнглини қолдирмайсан, сира-сира майтарилмасин. Агар бунинг кўнглини қолдиргудай бўлсанг, иккимизнинг уртамиздаги дўстликка говга қўйган бўласан, — деб тайинлаб қўйди. Гүрүглибекка ҳам: — Жияним Гүрүгли, мен бу Туркман юртида Хунхорга вакил одамман. Жуда кўп ишлайман. Уйда бўларимдан бўлмаслигим кўп. Шу янгангнинг қошида бўласан. Лекин билиб қўйки, Райҳон араб деган бир саман бўз отли одам бор. У ҳар замон — ҳар замонда шу тўғарақларда кўриниб қолади. Уша одамга кўз-қулоқ бўлиб юр. Ҳеч ким йуқ вақтларда ҳовлига ёндашмасин. У бир ёмон одам, — деб тайинлаб қўйди.

Шуйтиб, Гүрүглибек Аҳмад сардорникида жуда эрка бола бўлиб ўса берди. «Айтгани ўрол, олгани ҳалол», эди. Бошқа туркманлар ҳам Гүрүглибекка Аҳмад сардорнинг жияни деб ҳурмат юзасидан қарар эди. Бошқанинг Гүрүглибек билан Гүрүглибекнинг бошқа билан иши йуқ. Ола байтали ҳалак, ўзи ҳалак, ҳар куни етаклаб юргани-юрган эди.

Кунлардан бир кун кўклам чоғи ола байталини етак-

лаб Ҳовдак қўлининг ёнида юрса, байтали дамга келган экан, кўлдан бир ёввойи от чиқиб, байталига чопиб, яна қайтиб сувга кириб кетди. Шуйтиб, Гўруглибекнинг байтали бугоз бўлиб қолди. Гўруглибек бўлса, қувониб: «Энди байталим менга от тугиб беради», — деб юрар эди. Кунлар, ойлар утиб, байталнинг қўлинлайдиган вақти бўлиб қолди. Гўруглибек ҳам: «Энди байталим от тугиб беради», — деб ҳар доим кўз-қулоқ бўлиб юрадиган бўлди. Бир кун бомдодда байтали қўлинлабди. Гўруглибек қараса, худди тозидай бир нарса, баданда битта ҳам туки йўқ, чақа, ўзи ҳам ургочи экан. Гўруглибекнинг бирдан кайфи қочиб, наъшаси учиб: «Мен сени қачонлардан бери бир от тугиб беради, деб юрсам, тугиб берган нарсанг шуми. Таги бу ҳам бўлса ургочи», — деб аччиг устида байталини калтак билан бир уриб ўлдириб қўйди. Бир пилла қараса, байтали ўлиб қолибди. Энди Гўруглибекнинг аччиги тарқаб: «Ҳе, жонивор тозигинам», — деб ҳалиги тозига ухшаган чақа тойни янгасидан сўраб олиб сут бериб, бир кигизгинанинг устида ётқазиб, тарбият қилаберди.

Орадан кўп вақтлар ўтиб, тойга тук чиқиб, юра оладиган бўлди-қолди. Ундан кейин Гўруглибекнинг иш эрмаги шу той бўлиб қолди. Той мискин ўсди. Гунондан дунон бўлди, ойлар, йиллар ўтиб бир саман бўз бўлиб етишди. Шу вақтгача Гўругли ҳам ун бешга кирди. Тоғаси айтган ҳалиги Райҳон араб деган одам ҳам ҳар замон, ҳар замонларда дунгдан бошмоқлаб Аҳмад сардорнинг ҳовлисига қараб-қараб, яна йўқ бўлиб кетар эди. Гўруглибек: «Энди байталим дамга келса, бир яхши отга чоптирсам, ундан кейин байталим менга бир эркак той тугиб берса, от қилиб олар эдим», — деб юрар эди. Шу кўклам Гўруглибекнинг айтгани бўлиб, байтали дамга келди. Лекин Гўруглибек ҳар қандай отни байталига чоптиришни хоҳламай, бир яхши от бўлса, деб юриб эди. Шу кунларда Аҳмад сардор бир ёққа кетган. Овулда ҳам ёлчитиб одам қолмаган эди. Энди сўзни Райҳон арабдан эшитинг.

Райҳон араб берги араблар элига подшо эди, ўзи жуда сайис отбоз эди. Бир яхши араби байталга дамга келган вақтида денгиз тулпорини чоптириб, бир хоназод тулпор туғдириб олган эди. Райҳон арабнинг ўзи ниҳоятда хотинбоз баччагар эди. «Шундай тулпорим бўлгандан кейин оламда тенги йўқ қизни излаб топиш менга осон», — деб бекор вақтлари дунёнинг тўрт тарафига саёҳат қилиб кетар эди. Шундай қилиб, бир мартаба туркман юртига

келиб қолиб, Холжувонойга кузи тушиб, жуда ёмон хуштор булган эди. Узи ҳам худди шу вақтларда ер юзида Холжувонойдай сулув қиз йуқ эди. Райҳон араб одамлардан: «Бу қизнинг боши бұшми?» деб сураганида, одамлар: «Яқинда бу қизнинг туйи булади. Бу қизни туркман элининг огаси Аҳмад сардор олади», — деган эди. Райҳон араб қизни саҳал олдин курмаганига минг-минглаб пушаймон қилиб, қулга киритишнинг иложини топмай, ҳар замонларда қирдан бир бошмоқлаб, Холжувонойни узоқдан бир кўриб кетар эди. Шуйтиб, Райҳон араб Холжувонойнинг ҳасратини еб юрар эди. Ана энди бугун Райҳон араб овулда ёлчители одам йўглигини билиб, отини ҳайдаб, Аҳмад сардор ҳовлисининг ёнбошига келиб қолганида Райҳон арабни Гўруғлибек кўриб қолиб: — Ҳа, ўғри, бу ерда нима қилиб юрибсан. Жўна бу ердан, энагар, — деб Райҳон арабга қараб, бир сўз деди:

Чеккасин жун бўлган қандай балосан,  
Бу ерларда кўриб нима қиласан,  
Ўғримисан, каззобмисан, энагар,  
Жўнаб кўл йўлингга, йуқса уласан.

Айратим келганда қайнаб жўшаман,  
Ҳар нечук тошингман кўксинг тешаман,  
Даҳ десам, тоғлардан ҳақлаб ошаман,  
Ким булсанг ҳам, дарров жўна бу ердан.

Дев ҳам тиклай олмас менинг кўзима,  
Оёқ ости қилгум, келсанг, ўзим-а,  
Жонинг керак булса, қайтгин изинга,  
Ким булсанг ҳам, дарров жўна бу ердан.

Кузга илмайсанми мени бола, деб,  
Алдамоқчидирсан ақли чала, деб,  
Талон солиб кетай биратула, деб,  
Ким булсанг ҳам, дарров жўна бу ердан.

Бу ерларнинг баланд ёғи жўнагар,  
Ханжар урса, оқ бадандан қон оқар,  
Чалқайма олдимда, ўғри, энагар,  
Ким булсанг ҳам, дарров жўна бу ердан.

Қулоқ сол, ҳароми, айтган сузима,  
Тушдингми, баччагар, менинг изима,

Безрайиб боқа берма юзима,  
Ким булсанг ҳам, дарров жуна бу ердан.

Ишонма, ҳароми, минган отингга,  
Қувалаб утказай мамлакатингга,  
Оббориб топширай улуг зотингга,  
Ким булсанг ҳам, дарров жуна юртингга.

Ҳар замонда бошмоқлайсан, кўраман,  
Кўпдан бери сени билиб юраман,  
Тура берсанг калтак билан ураман,  
Ким булсанг ҳам, дарров жуна бу ердан.

Гуруглибек нортуюдай гарқирар,  
Ханжар урсам қизил қонинг шарқирар,  
Сачираб ҳар ёққа оқиб тирқирар,  
Ким булсанг ҳам, дарров жуна бу ердан.

Шундай пиллада кўпни кўрган Райҳон арабнинг Гу-  
руглибекнинг бундай гапларига эччиги келиб утиради-  
ми? Қув баччагар Гуруглига сир бермай: — Ҳов, ука, у  
қирдан бошмоқлаб юрадиган одам меҳдан бошқа одам.  
Бир ёмон айёр, ҳар нарсага тайёр одам, мен булсам, бир  
йул уткинчиман. Индамасанг, утиб кетаман, индасанг,  
қайтиб кетаман, — деб ўзига сув югуртмай, Райҳон араб  
Гуруглибекка қараб, узангига оёгини тираб, муйлабини  
бураб, бир сўз деди:

Ғапирган гапларим уйқаш, улама,  
Тилла дойра чалган қўллар толама,  
Куча богдан уткинчиман, бек бачча,  
Бекбаччалар шундай золим булама?

Мени деб бошқани кузинг курганди[r],  
Бирор угри қирдан тиклаб турганди[r],  
Бекбаччалар шундай дуқлаб берама,  
Ўз тинчида куча богман юрганди.

Бекзодалар шойи кийсин, шайлансин,  
Ҳар ким ганим булса, қўли бойлансин,  
Урсанг агар бир фақирман, бекбачча,  
Сендай улдан азиз жоним айлансин.

Баҳор булса, қўлда ўрдак сузади,  
Уйлаб кўрсанг, деганинг менга иззади[r],

сув олдириб бергизсанг, кейин отимни байталинингга чоптираман, деди. Гурӯглибек булса, Райҳон арабнинг отига жуда ҳушлари огиб, нима булса ҳам байталига чоптириб қолмоқчи, яна «мабодо бу Райҳон араб булса, мени алдаб янгамни олиб қочиб кетами», — деб ҳам қўяди. Аммо Райҳон арабнинг отини байталига чоптира олмай қолишдан яна хавф қилади. Райҳон араб қув зангар ҳамма гапни билиб турибди. Шу аҳволда Райҳон араб билан Гурӯгли бир сулҳга келолмагандан кейин Гурӯглибекка Райҳон араб: — Булмаса, мен ҳам отимни байталинингга қўяберай, сен ҳам янгангга сув олдириб берабер. Ҳар иккимизнинг мақсадимиз бир вақтда ҳосил булсин, — деди. Гурӯглибек рози булиб, янгасига бир коса сув олиб бердирмакка ичкарига кириб кетди. Райҳон араб «энди бу болани арбовима туширдимов», — деб айланиб, ҳовлига кириб, супадан ичкарига рав бўлиб турди.

Гурӯглибек ичкарига кириб Холжувон янгасига: — Янгажон, шу келган одамга бир коса сув олиб бер, — деб илтимос қилса, янгаси: — У одам — душман. Агар мен сув олиб берсам, кейин мендан айрилиб қоласан, — деб кўнмай оёқ тираб олди. Гурӯглибек ҳам янгасига: — Йўқ, янга, у душман эмас, бир йул уткинчи. Мен унинг отига ишқибоз бўлиб, байталига чоптираман, деб уни ўзим қайтариб келдим. Янганг бир коса сув берса, отимни байталинингга чоптираман, деди. Янгажон, булмайди, бир коса сув олиб берасан. Ҳадди сенга индашга етмайди. У мендан қўрқади. Ҳозиргинанинг ўзида уни дуқлаб қўрқитдим. Бу ёғидан хотиржам бул, ўзим борку, — дей берди. Холжувоной Аҳмад сардорнинг «Бу боланинг раъйини ҳеч қайтарма», — деб тайинлаганини эслаб, ноилож бир коса сувни олиб, енгини тишлаб тортиниб, ташқарига чиқди. Райҳон арабнинг кўзи Холжувонойнинг қадду-қоматига тушиб, ичи шувиллаб, багри гувиллаб, кўзи чақчайиб, озги ақчайиб, тоза силаси қайтиб, озгининг сўлаги қуриб, нима булганини билмай қолиб, Гурӯглига: — Туг байталинингни, лекин мен ўзим отдан тушмайман, — деб юборди. Гурӯглибек байталини тутди. Райҳон араб отига миниб туриб, отини байталга қўйди. Гурӯглибек ваъдага мувофиқ: — Янга, ҳозир косани бу одамга узат, — деди. Холжувон косани тортиниб, Райҳон арабга тутди. Райҳон арабнинг кўзлари ўйнаб кетди. Дарров косани қамчиси билан бир уриб, Холжувонойнинг билагидан

маҳкам ушлаб, бир силкиб отининг сағрисига олиб: — Эй, аҳмоқ Гурӯғли, қойил булдингми энди, — деб ҳайдаб кетди. Гурӯғли дарров каллапушини турт буклаб: — «Нима бўлса ҳам, энди байталим тўхтамай қолмасин», — деб букланган каллапушини байталнинг кутига тиқиб, бир қулини каллапушдан қўймай, байталига миниб, бир қули билан ҳайдаб, Райҳон арабнинг орқасидан тушди. Бир пилла байтал жипиллаб Райҳон арабга яқинлашиб бориб қолди. Райҳон араб арқайин бўлиб кетаётган эди. Қараса, Гурӯғлининг байтали жуда ёмон жимийиб қувиб келаяпти. Райҳон араб ҳам энди арқайин булмай, катта бир жарга ҳайдаб, жардан отини динг эткизиб, сакратиб утиб кетди. Шу ерда Гурӯғлибекнинг байтали байталлик қилиб, жардан сакрай олмай қолди. Шунда Гурӯғлибек Райҳон арабнинг орқасидан қичқириб: — Укағар Райҳон араб, мени алдадинг. Арқайин булма, ҳар пилла сендан ўчимни оламан, деб шу сўзни айтди:

Алдаб кетдинг бугун мени, укағар,  
Шу марта юттирдим сенга, энағар,  
Алдадинг, арбадинг, ақлим олдиридинг,  
Кукраги жун босган, кўзлари чагир.

Кун қувонма, ҳали бир кун курасан,  
Арабда ҳалича даврон сурасан,  
Қошиқ бошингга теккан пилла, энағар,  
Кўзларинг милтиллаб навбат берасан.

Остингда бедовинг тулпор, ўйноқи,  
Хазинангда минглаб туя мўйноқи,  
Навбат келиб бир кун ўтар жонингдан,  
Тизиллаб туркманнинг берган қийноғи.

Отингга қаратиб кўзим чалдиридинг,  
Алдадинг, арбадинг, ақлим олдиридинг,  
Буз саманинг бедов экан, укағар,  
Ҳақлаб кетдинг, мени орқа қолдиридинг.

Сенинг Райҳон араблигинг билмадим,  
Янгам қайтарганин қабул қилмадим,  
Шу мартага ютдинг мени, укағар,  
Ҳай аттанг-а, сенга устун бўлмадим.

Шошма, жоним булса бунда омонда,  
Топарман маконинг булса қаёнда,

Гуруғлига навбат келса кўрасан,  
Хоҳ арманда бўлса, хоҳи эронда.

Гуруғлибек огзи чарчаганича Райҳон арабнинг орқасидан сўкиб-сўкиб, ночор жардан нарига ута олмай, орқага қайтди. Орадан бир-икки кун ўтиб, Аҳмад сардор келиб, Гуруғлидан янгасини суради. Шунда Гуруғлибекнинг кунгли бузилиб, Райҳон арабни сўкиб, йиглаб, бир сўз деди:

Билмай қолдим, илтирдиди дамига,  
Жуда ёмон айёр экан, энагар,  
Райҳон араб келиб кўзим чалғитди,  
Гул дебман у, ҳушёр экан энагар.

Янгамни ташлади отнинг сонига,  
Парво ҳам қилмади йиглаганига,  
Чангалин ботирди қордай танига,  
Бир хиззанг, кузи гар экан энагар.

Мингаштириб Холжувонни сиртига,  
Ҳайдаб кетди отин, боқмай ортига,  
Мен йиглайман ориятнинг дардига.  
Кузи ола чагир экан энагар.

Буз самани чопса, юлдуздай оқар,  
Сулувлик симбати одамга ёқар,  
Кузалари чақмоқдай аланглаб боқар,  
Минган оти тулпор экан энагар.

Гуруғли етолмай, қоп кетди доғда,  
Йўртанглаб аста-аста ундан йироқда,  
Айта берсам сузим турмас куракда,  
Ҳаддили ҳийлагар экан энагар.

Аҳмад сардор Гуруғли жиянидан бу сўзларни эшитиб, жуда кўп вақт индамай, ғамгин бўлиб қолиб, кейин Гуруғлибекка: — Жияним, бу гапларни эсингдан чиқариб юбориб, байталини боқиб, димоғингни чоқ қилиб юра бер. Менга Холжувон бўлмаса, бошқаси, пулга топиладиган хотин-да, деб дилдорлик берди. Гуруғлибек бўлса, пича каттариб: «Бир отли бўлиб олай, ундан кейин кўраман», — деб Райҳон арабни сиртидан сўкиб, байталини миниб, бузга чиқиб кетди.

Ана шуйтиб байтали ҳалак, Гуруғли ҳалак, шу аҳ-

волда ойлар утибди: Бир кун Гурӯғлибекнинг байтали бир тозидай чақа, модарзод нарсани тугиб ташлади. Гурӯғлибек буни кўриб кайфи қочиб, нашъаси учиб, жуда аччиғланиб: — Мен сени шундай нарса тугсин, деб асраб, азайишлаб юрибмидим, — деб буз саман байталини калтак билан бир уриб улдириб қўйди. Бир пилла аччиғи тарқалиб қараса, байтали улиб қолибди. «Ҳе, аттанг», — деб ҳалиги тозига ўхшаган жунсиз нарсанинг эркак эканига умид билан бир оз вақт сут бериб юрганидан кейин кўрса, аста-секин жун чиқиб, ҳалиги тозига ўхшаганликлари кетиб, оёқланиб, куккина той бўлиб қолди. Гурӯғлибек қувониб: «Энди буни от қилиб оламан», — деб тойга меҳр қўйиб, қуёндай илдам бўлсин, деб қуённинг сутини, эчкидай сакрасин, деб эчкининг сутини, бўридай олгир бўлсин, деб бурининг сутини, тулкидай айёр бўлсин, деб тулкининг сутини, туядай чидамли бўлсин, — деб туянинг сутини, ўз насли отдай сулув бўлсин, деб отнинг сутини бериб, тойини боқиб ўтириб, йил ошириб, катта той қилиб, гоҳ миниб, гоҳ тушиб, той новчатоб, баланд қомат бўлганлиги учун тойининг исмини Гирот қўйиб олган эди. Гирот уч ёшга тўлиб, гўнон бўлгандан кейин Гурӯғли Райҳон арабга бориш қасдида жардан иргиб ўтадиган қиламан, деб аввал ариқдан иргитиб, сўнг жарлардан иргитиб, ипақлардан арқон эшиб судратиб, машқ қилдириб юрар эди.

Шуйтиб, бир куни Гиротни миниб, Гурӯғлибек Ёвмитнинг хонақосининг олдидан утаётиб, ёшлигида шу ерда Равшан кўр билан топишиб, отасининг шу ерда вафот этганини эслаб ўтиб бораётса, хонақоҳга кўп қаландарлар қўнган экан. Улар Гурӯғлибекни кўриб қолиб: — Ҳой, Гурӯғлибек, бу ёққа келинг, бир гап бор, — деб чақиритиб қолдилар. Гурӯғлибек қаландарларнинг чақирганига аччиғланиб: — Гапларинг беш-олти чақа танга бер, деб айтиш-да, ундан бошқа нима гапларинг бўлар эди, — деди. Шунда қаландарларнинг бири Гурӯғлибекка қараб: — Йўқ, бошқа бир гап бор. Бизлар пул сўраб, гадойчилик қиладиган қаландарлардан эмасмиз. Фақат сенга айтадиган махсус бир гапимиз бор. Сен супадан бир баландга чиқ. Отдан туш. Отингни бировимиз ушлаб турамиз. Бизларнинг шарофатимиз билан сен ҳам хонақоҳга бир кир, — деб дим қўймагандан кейин Гурӯғлибек Гиротдан тушиб, Гиротнинг жиловидан ушлаб турган ҳолда супага чиқиб: — Мана, чиқдим. Нима гапларинг бўлса, айтинглар қани, — деса, қаландарлар: — Сени шу

туркман элига хон қилиб кутармоқчимиз. Сен бизларни қаландар, деб ўйлама. Бизлар эл оқсоқоллари бўламиз. Қани, ичкарига марҳамат қил. Отингни бировимиз ушлаб турамыз, — дей берди. Гурўглибек қаландарларга: — Мабода, сизлар угри булиб, мени алдаб ичкарига киргизиб, отимни ўгирлаб кетманглар, — деса, қаландарлар: — Йўқ, бизлар угри эмасмиз. Агар ишонмасанг, мана айвоннинг бурчагига юр, отинг куз олдинда. Фақат сенга подшоликнинг кўйлагини кийдириб қўямиз. Бошқа ҳеч гап йўқ. Шу кўйлакни кийдинг — туркман элига хон бўлдинг ҳисоб, деб Гурўглини қўярда қўймай, хонақоҳ айвонининг бурчагига олиб боришиб, ўша айтган кўйлакни кийдирмакчи бўла берди. Гурўглибек: — Отимнинг йулига қўндаланг бўла берманглар. Мен ҳали сизларга ишонгим келмаяпти, — деди. Қаландарлар Гирот билан Гурўглибекнинг орасини очиқ қилиб қўйиб: — Ана энди кўйлакни кийиб ол, — дейиша берди. Гурўглибек: — Булмаса, отимни ўша жойга боғлаб қўйинглар. Мен кўйлакни кийиб олгунча, отимнинг олдида ҳеч ким булмасин, — деди. Қаландарлар Гиротни жойига боғлаб, ўзлари Гиротдан йироқлашдилар. Гурўглибек отига жуда кашал бўлиб: — Кўйлакни беринглар, тез кийиб олай, — деб кўйлакни қаландарларнинг қулидан ола солиб, абил-ғубил қия солиб, кўйлакнинг еқасидан бошини чиқара солиб қараса, Гиркўк оти йўқ, қаландарлар ҳам йўқ. Жуда қайфи учиб кетганидан Гурўглибек кийган кўйлагини йиртиб, бўлак-бўлак қилиб ташлаб, отини излаб, энди сарсон бўлмоқни куринг.

Излайди-излайди, ҳар замонда келиб тоғасиникидан бир тандир, икки тандир нон олиб, яна излаб кетади. Аммо отнинг на изини ва на дарагини тополмай, қайфи учиб, яна тоғасиникига қайтади. Шу аҳволда Гурўглибекнинг изламаган ери қолмай, орадан бир йил ўтиб кетди. Гурўглибек энди ўн тўққизга кирган. Кун ҳам охир тирама<sup>1</sup> бўлиб келаётир. Гиротдан бўлса, ҳали ҳам дарак йўқ. Бир марта энг узоқликдаги бир тоғни Гурўглибек нишонга олиб, «Шу тоғни ҳам бир излай, ундан кейин ҳам топмасам, тоза умидимни узаман», — деб ўша тоққа қараб йўл олиб, пиёда юра-юра тоғнинг тубига етиб борди. Энди ога Юнус ва Мисқол парилардан эшитсангиз.

---

<sup>1</sup>Куз.

Гуруғлига хуштор булиб, уларнинг руҳи шу туркман элида айланиб юрар эди. Аммо Гуруғлибек ҳеч нимадан хабарсиз, Гиркўк отини изламакдан бошқа нарсани билмас эди. Шу тоғнинг бағрида, бир камарнинг булогида Юнус-Мисқол париларнинг руҳлари кир ювиб утирган суратда Гуруғлибекнинг кузига куринди, Гуруғлибек улардан: — Шу ерлардан гунондан дўнонга чиқма бир кўк той ўтдими? — деб сўраб, бир сўз деди:

Булоқнинг бошида турган аёллар,  
Шу ерлардан бир гунон той ўтдими,  
Ўтган бўлса, бизга хабар беринглар,  
Шу ерларда бирор кимса ўтдими?

Ўтган бўлса, суюнчисин бераман,  
Ёвмитга қайтариб олиб бораман,  
Билсанглар, айтинглар, турган аёллар,  
Қупдан бери йўқчи булиб юраман,  
Шу ерлардан бир гунон той ўтдими?

Бу тоғлар элат бор ердан канора<sup>1</sup>  
Бундан ошса қайси юртга энара,  
Айтинглар, кир ювиб турган аёллар,  
Отим излаб жуда булдим овора,  
Шу ерлардан бир гунон той ўтдими?

Кезиб келдим дашту саҳро, чулини,  
Ахтариб тонмадим денгиз, кўлини,  
Айтинглар, кир ювиб турган аёллар,  
Қисқа айланг изловчининг йулини,  
Шу ерлардан бир гунон той ўтдими?

Кук тусли, узун дум, бўйни ингичка,  
Зўр умган, буюри керишган ингичка,  
Эшитинглар, кир ювиб турган аёллар,  
Топсам Ёвмит қайтиб борай шу кеча,  
Шу ерлардан бир гунон той ўтдими?

Равшанкур боласи отим Гуруғли,  
Тоғам Аҳмад сардор туркманда тугли,  
Мен ўзим ҳеч кимдан қўрқмас қорувли,  
Айтинглар, кир ювиб турган аёллар,  
Шу ерлардан бир гунон той ўтдими?

---

<sup>1</sup> Чет, чегара.

Шунда Юнус, Мисқол париларнинг руҳи қоқиниб буралиб, Гуруглибекка қараб, биқинини тираб, қошини учириб, худди бир-бирига ўхшаб, бир кишини икки киши қилиб қўйгандай бўлиб, кулиб ноз қилиб: — От йўқотган яхши йигит, отингни эл бор жойдан сура-да. От бу одамсиз тоғларда нима қилсин,— деб Юнус, Мисқол париларнинг руҳи шу сўзни айтди:

Эй, от излаб юрган гузал буз бола,  
Жайнаган жамолнинг мисли гул-лөла,  
Ё магар ақлингдир ҳали куп чала,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Киши юртдан узоқлашса, ёт булар,  
Куп пиёда юрма, пойинг лат булар,  
Қаерда эл бўлса, шунда от булар,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Ё булмаса отинг қилиб баҳона,  
Уйнашай деб келгандирсан буёна,  
Булайин буйингдан мудом парвона,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Тушингда бизларни магар курдингми,  
Тушагингдан сермаланиб турдингми,  
Куриб туриб чиндан кўнгил бердингми,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Бизнинг булоқ чумилмоққа қулайми,  
Қулай булса сизни шумғиб солмайми,  
Мобода кўнглингиз бизни тилайми,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Ойнадан тиниқдир пари жамоли,  
Пари жамолининг булмас заволи,  
Бу сўзлар чинми ё магар хаёлми,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Аёл дема, бизлар ҳали гулгунча,  
Ҳеч кимни курмадик то сен келгунча,  
Хўп десанг, хўпдирмиз, боз яна шунча,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Юнус, Мисқол йул узра кир юварлар,  
Бир қара-чи, шавқинг яна қанча бор.  
Қанча сулув курсанг, биз ҳам шунча бор,  
Одамсиз жойларда отинг на қилсин?

Гүрүглибек булоқда кир ювган бўлиб кўринган Юнус, Мисқол париларнинг руҳидан бундай ҳазил сўзларни эшитиб, узидан-узи уларга Гуруглибекнинг ҳушлари оққандай бўлиб: — «Булар нега менга бундай деб ҳазил сўз қотади»,— деб аввалидан аёл жинсининг иси ёқмаган Гуруғлига бир марта париларнинг сўзи қулогига ёққандай бўлиб, у ердан утиб кетди. Шу кун и гашти пешинда тоғнинг устига чиқиб утириб, нарёқдаги камарларни бир-ма-бир кўздан кечириб қараб ўтирса, бир пилла бир камардан бир дўланага боғлоглик турган бир отни кўриб қолиб, рангига зехн солиб қараса, от кўк, яшил, гиркук, Гиркукка ўхшаган бир от. «Агар Гиркук бўлса, шунча меҳнатим куймаган булади. Қани бир бориб кўрай-чи»,— деб аста-аста ўша камарга бориб кўрса, ўзининг Гироти дўлонага боғлоглиқ турибди. Ҳеч одамзоднинг дараги йўқ. Лекин бир оз ўсибди. Отнинг устида эгар-абзал, бошида нўхта, юган.—«Э, жониворгина Гиркуким»,— деб дўлонадан ечиб олиб, миниб тоғдан тушиб қайтиб кела берди. Кун ҳам аср бўлай деб қолган бир пилла тоғнинг бошидан биров: — Ҳа, бола, тўхта. Отни қаёққа олиб кетаяпсан? — деди. Гүрүглибек: «Ким бўлса ҳам келсин қани»,— деб тўхтаб турди. Бир пилла қари чол бобой етиб кела солиб, Гиротнинг жиловидан ола кетди. Гүрүглибек чолга: — Номард ўғри, отда нима ҳақинг бор? Буни йўқотиб, бир йилдан бери излаб юрибман. Яна меники дейсан-а,— деса, чол бобой Гуруғлибекка қараб: — Номаъқулни ема, от меники. Мен буни сотиб олганман. Қани, дарров тушиб жўнаб қол,— деди. Гүрүглибек чол бобойга: — Сен номаъқулнинг нонини ебсан. Бўлмаса, эгар, абзали сеники чиқар, от меники, кўп тармашма. Энди каллангга бир муштлайман, ўласан — қоласан,— деди.— Шундайми ҳали, ҳали ҳам зўрликми, отни бер. Бўлмаса, қурашари қиламиз. Кимки йиқилса, отдан умидини узсин,— деб Гүрүглибекка қараб, чол бобой бир сўз деди:

Ҳақ бўлсанг, даъвонгда агар ҳақ бўлсанг,  
Майли ол шу отни мени йиқолсанг,  
Бордию йиқилсанг, кўргин ўзингдан,  
Ундан кейин от булади бизники,

Шу гапларинг, агар сенинг рост бўлса,  
Қураш тутсак, кучим сендан паст бўлса,  
Бордию йиқилсанг, кўргин ўзингдан,  
Ундан кейин от булади бизники.

Кунасанми бола шундай гаровга,  
Чикка айлаб мени, булолсанг товка,  
Бордию йиқилсанг, кўргин узингдан,  
Ундан кейин от булади бизники,

Билагинг шимариб, кучинг кетирсанг,  
Йиқитиб, елкамни ерга етқирсанг,  
Бордию йиқилсанг, кўргин узингдан,  
Ундан кейин от булади бизники,

Келгин, бола, қул ушлашиб кўрайлик,  
Ёнганимиз чолқа қилиб урайик,  
Бордию йиқилсанг, кўргин узингдан,  
Ундан кейин от булади бизники.

Бу ер Эр Хизирнинг тоғи булади,  
Ким йиқса, шу отни ютиб олади,  
Бордию йиқилсанг, кўргин узингдан,  
Ундан кейин от булади бизники.

Ана шунда Гўрўглибек чол бобойдан бу сўзни эшитиб: «Бу қулай бўлди, ардисари бу ўласи чолни йиқитаман, Гиротимни тоза ўзимники қилиб олиб кетаман»,— деб Гиротидан тушиб: — Мана бўлмаса, ёқама-ёқасига курашасанми ёки кўяма-кўлтигига курашасанми? — деди. Чол бобо: — Қандайига бўлса ҳам кураша бераман,— деди. Кўнглида: «Бир қисиб бу чолнинг қобирғасини синдириб юборай»,— деб қўйди.

Шуйтиб, Гўрўглибек бобой билан курашиб қолибди. Чол бобой ширп эткизиб Гўрўглини йиқитиб: — Қани, энди отни бизга берасан деса, — Гўрўглибек: — Йўқ, бобо, курашимиз ит йиқилиш бўлди, бошқавотдан курашамиз,— деди. Чол бобой: — Ҳа, йиқилган курашга тўймас, дейди. Майли, қанча курашсанг, кураша бераман,— деди. Гўрўглибек: «Шу марта бир чалим олиб кўраман», деб чол бобой билан яна курашиб қолди. Чол бобой яна Гўрўглибекни кўтариб ерга бир уриб: — Қандай, энди кўнасанми,— деди. Гўрўглибек яна тоқошовлик қилиб: — Сен бу марта ҳам гирром йиқдинг. Яна бошқавотдан курашаман,— деди. Шунда чол бобой: — Уч, учдан кейин пуч, деган. Бола, билиб қўй, шу мартаба ҳам йиқилсанг, отни олиб кетаман,— деди. Гўрўглибек: — Бу мартаба мен сени йиқитаман,— деб бор кучини тўплаб чол бобой билан яна курашди, чол бобой яна Гўрўглибекни кўтариб ерга бир уриб: — Ана энди

сени ҳалол йиққанамга кунарсан,— деб Гиротни етаклаб, тоққа қайтмоқчи була берди. Шунда Гуруғлибек бобойга кучи етмаслигини билиб: — Гиротимни бериб кетинг, — деб бобойга ялиниб, бир сўз деди:

Гуч билакли, Рустам сифат, бобожон,  
Олиб кетай, бергин менга отимни,  
Раҳм айла, ёлғиз эдим отадан,  
Олиб кетай, бергин менга отимни.

Бу от менга кўнгил қўйган хоназод,  
Шу булса ҳар нечук мен гамдан озод,  
Сени бир жумард деб доим қилай ёд,  
Олиб кетай, бергин менга отимни.

Бир йил булди саргардон буп изладим,  
Ойри вақтларда бағрим тузладим,  
Гоҳиларда бўтадай буп бўзладим,  
Олиб кетай, бергин менга отимни.

Баракалла, қойил булдим кучингга,  
Билмам нечук уйларинг бор ичингда,  
Бобо, қойил булдим сенинг кучингга,  
Олиб кетай, бергин менга отимни.

Гуруғлибек тоғма-тоғ сарсон булмасин,  
Бундай совуқларда кечга қолмасин,  
Кеч салқинга қолиб тумов чалмасин,  
Олиб кетай, бергин менга отимни.

Бобой Гуруғлибекка: — Ҳа, ҳали ҳам отга кашалсанми. Энди жўнаб кета бер. Барибир сенга энди от йўқ, — деди. Гуруғлибек жуда маъюс бўлиб ялтиллаб, гоҳ Гиротга, гоҳ чол бобога қарай берди. Кейин бобой Гуруғлибекка: — Ҳай бўлмаса, жуда шу отни меники дейбердинг. Энди менинг билан қозига юр. Қози отни кимга ҳукм қилса, отни ўша олсин,— деб Гиротни етаклаб, бир камарга бурила берди. Гуруғлибек кўнглида: — «Шу яқинда қозихона ҳам бор экан», — деб чол бобойнинг орқасидан эргашиб кета берди.

Чол бобой шундай бурилиб, бир горга кириб кетди. Гуруғли ҳам чол бобойнинг орқасидан «Ассалому алайкум», деб кириб борди. Қараса, ичкарида ўтинхона, обхона, бир ёғида борхона, бир ёғида оловхона. Нарёғида хонақоҳ, бери ёғида айвонча, айвончада Гирот боғлоглик

турибди. Бир қаландар сифат одам чиқиб, Гурӯглибек билан саломлашиб, кўришиб, оловхонага эргаштириб кирди. Қараса, уртада гулхан, энди учиб, чуқ бўлибди. Чуқдан олиб-солиб, тўрда сандалга исиниб туртга киши ўтирибди. Гулхан атрофида бўлса, қирқ киши, бир катта қозон темир учоқнинг устида биқтирилиб турибди. Гуруглибек шошиб қолди. Қирқ киши Гурӯглибекни сандалдаги турт кишининг олдига утиргизди. Шунда ҳалиги турт одамнинг бирови: — Қани, Гурӯгли, марҳамат қил. Аммо билгинки, бу ер чилтон, Говсул-Ғиёсларнинг жойи. Сен шу от сабаб бўлиб бу ерга келиб қолдинг. Энди бу ердан қуруқ кетма. Уч мартаба сўраймиз, қани айт. От тилайсанми, зот тилайсанми? — дедилар. Гурӯглибек: — От, — деди. Яна: — От тилайсанми, зот тилайсанми? — дедилар. Гурӯглибек: — От, — деди. Учинчи мартаба яна: — От тилайсанми, зот? — дедилар. Яна Гуруглибек: — От, — деди. Кейин Говсул-Ғиёс: — Булмаса, бизлар сенга уч нарса қўшиб берамиз. Биринчидан, ўз тилаганинг шу Ғиркўк отинг бўлсин, ўзинг билан тенг умрлик бўлсин. Иккинчидан, умринг зиёда бўлсин — ёшинг бир юз йигирмага етсин. Учинчидан, Юнус, Мисқол парилар ёринг, Чамбил шахринг бўлсин. Тўртинчидан, ҳар қандай ярадор бўлсанг, юлдузларни кўриб тузалиб кетадиган бўлгин, омин, — дедилар. Гурӯглибек: «Энди Ғиркўк отимни берса, бу ердан кетсам», — деб уйлаган эди. Говсул-Ғиёс: — Оқшом булиб қолди. Энди сен бу ерда меҳмон бўлиб ёт. Эрта билан кетасан. Энди ҳеч нарсани ўйлама, қўрқма. Ҳар пилла от ўзингники, — деб чилтонларга буюриб, Гурӯглибекнинг олдига бир тобоқ қовурдоқ қўйдилар. Гурӯглибек қовурдоқни еб олиб, шу кеч чилтон, Говсул-Ғиёсларга меҳмон бўлиб қолди. Оқшом тушида Говсул-Ғиёс Гурӯглибекка бир сийирма қилич берган эмиш. Энди худонинг беш вақт намоз қарзини сен ҳам ҳар куни бериб тур, дермиш. Эрта билан уйғониб қараса, қилич қўлида, Ғиркўк оти бир дўлонага боглоглик, ўзи шундай дўлонага суяниб ухлабди<sup>1</sup>. Дарров ўрнидан туриб, Гиротига миниб, Евмитга қайтди.

---

<sup>1</sup> Бахшининг айтишича, яна бир ривоятда горда ҳаммаси кук, бир тусли қирқ от бор эди. — Шуларнинг ичидан отингни таниб ол, — деди. Гурӯглибек Ғиркўкни таниб олди.

## ЧОРТОҚЛИ ЧАМБИЛ

Гурӯглибек ҳар замон тоғасиникига бир келиб, бошқа вақтлари ўз мастлик машғулотида Гиротини миниб юрар эди. Ўзига ўзи «Менинг Чамбил шаҳрим қаердан булар экан»,— деб маслаҳат қилиб юрар эди. Така билан Ёвмитнинг ўртасида ~~Хужатов~~ деган қирсимон тоғчанинг этагида бир чангиган бел бўлиб, бу ёғи Урганч, у ёғи Хунхоргача эди. Бир кун Гурӯглибек бир карвон йўли бор жойга бориб қолиб қараса, белнинг йўқорисида Хужатовдан бир озроқ сув оқиб, бир яйпонликдан ўтиб, қумга сингиб ётибди. Гурӯглибек: «Чамбил шаҳримни шу ердан қилиб олсам бўлар экан»,— деб шу ерда бир дулананинг тагини узича маскан қилиб, йўлнинг ёқасидан бир чортоқ қилдириб олиб, ҳар замонда келганида шу чортоқнинг тагида оти ва ўзи ёмғирдан, қордан сақланиб, йўлдан ўтган карвонларни, савдогарларни тутиб олиб: — Қани, туркман элининг хони Гурӯглибекка закотларингни тўланглар, — дейдиган бўлди. Агар савдогарлар закот бермаса, уриб, тортиб оладиган бўлди. Бир хил савдогарлар Гурӯглибекни ўғри, деб билса, яна бир хиллари Аҳмад сардорнинг бу эрка ўсган жияни эмиш, дейди, таги бир хил савдогарлар бир тентаколиш бола, дейди. Ишқилиб, ҳар нима бўлса ҳам, савдогарлар Гурӯглибекдан ҳазар қилиб: «Шу Чортоқли Чангли белдан ҳалиги ўғри кўрмай эсон-омон ўтиб кетсак, бўлар эди»,— дейишар эди. Шуйтиб; тез орада бу ер Чортоқли Чамбил деб аталди.

Аҳмад сардор Гурӯглининг бу ишларини эшитса ҳам, эшитмамишга солиб юрар эди. Нега десангиз, Аҳмад сардор қачон бўлса ҳам Гурӯглибек жиянини ўзининг ўрни

га туркманга сардор бўлади, деб уйлар эди. Куклам бўлгандан кейин Гўрўглибек Хўжатовдан тушиб яйпонликдан утиб қумга сингаётган сувга бир боғ қилмоқчи бўлиб, уткинчи савдогарларни ишлатиб, яйпоннинг атрофини девор қилдириб, Урганчдан, Хунхордан турли хил меваларнинг кўчатини буюриб келтиргизиби, ер юзидаги ҳар хил боғ гулларидан ҳам кўчат келтиргизибди. Бир ёгини дарахтзор чорбоғ, бир ёгини чаманзор гулбоғ қилдирибди. Ҳамма ниҳолларини пол тахлашиб, жой-жойига эктирди. Чорбоғнинг ўртасидан бир катта сарҳовуз ҳам қаздириб, атрофини шосупа қилдирди. Ундан кейин Чортоққа яқин йўлнинг лабидан чир айланиб келаман дегунча тўрт минг қадамлик қилиб Чамбил қўрғонини солдирди. Қўрғоннинг ичини ўзи учун ҳовли солдириб, ҳовлисининг ичидан тўшанчи жиҳозга тўлгиздирди. Буларнинг ҳаммасини савдогарлар закот ўрнига ё ўзлари, ё бўлмаса мардикор солиб қилиб берар эди. Аҳмад сардор ўзича, Гўрўглибек ўзича шу ердан ҳовли қилиб олаётир. «Энди бунини уйлантириш бўйнимга қарз. Қани сўраб кўрай, Гўрўглибек жияним нима дер экан»,— деб бир кун Аҳмад сардор Гўрўглибекни йўлда кўриб қолиб: — Жияним, энди жавоб берсанг, мен сени уйлантириб қўйсам,— деб Гўрўглибекка қараб, шу сўзни айтди:

Ҳали кўз очмаган бир буз боласан,  
 Тўлишмаган, ақл-эсдан чаласан,  
 Шу туркманда кимга майл қиласан,  
 Айтгин, қайси бойнинг қизин оласан?

Санамлар зулфини силаб тарайди,  
 Кимнинг қизи хоҳишинга ярайди,  
 Билайин деб сендан тоғанг сурайди,  
 Айт-чи, қайси бойнинг қизин оласан?

Сулув қизлар кўпдир туркман элида,  
 Бошида қасаба, пўта белида.  
 Олтин-кумуш узуклари қулида,  
 Мойдай эрир сендай йигит йулида,  
 Айт-чи, қайси бойнинг қизин оласан?

Шахло кўз, меҳрли така қизлари,  
 Болдан тотли оғиздаги сўзлари,  
 Ойга ухшар тўла-тўқис юзлари,  
 Кенг ягринли, зўр болдирли ўзлари,

Евмитнинг қизлари қийиқ қош булар,  
Зур билакли, қад-қоматли хуш булар,  
Бундайларга бахтли йигит дуч булар,  
Айт-чи, қайси бойнинг қизин олсан?

Куклангнинг қизлари баландбуй булар,  
Рафтори учқудай, сулув руй булар,  
Бахти равшан йигитларга туй булар,  
Айт-чи, қайси бойнинг қизин олсан?

Чошка бетда уч минг уйли эрсари,  
Беҳштнинг ҳуридай ҳар бир қизлари,  
Қирғийдай чаққондир, қоши рафтори,  
Айт-чи, қайси бойнинг қизин олсан?

Туркман элда куп булади элибой,  
Туркмanning қизлари уста, қўли бой,  
Жамоли барқ урар тулиб мисли ой,  
Айт-чи, қайси бойнинг қизин олсан?

Отим Аҳмад Туркман элнинг сардори,  
Қаёққа мойил этар кунглинг баҳори,  
Кимга ишқибозсан, кимнинг хуштори,  
Айт-чи, қайси бойнинг қизин олсан?

Ана шунда Ғуруғлибек Аҳмад сардор тоғасидан бу  
сўзларни эшитиб, озроқ қизишиб, тоғасига қараб, бир  
сўз деди:

Тоға, менга қиз танлама Туркмандан,  
Мен сайлаган жонон йуқдир элингда,  
Юнус, Мисқол пари дейди уларни,  
Олиб бергин, агар булса қулингда.

Узоқ тоғ тагида бир бор курганман,  
Кўриб туриб жону дилим берганман,  
Нариги ошувда бир кеч турганман,  
Олиб бер уларни, булса қулингда.

Ҳар бири ҳубликда жаннат лоласи,  
Олтиндан, кумушдан сочин толаси,  
Тенглашмас кўркига инсон боласи,  
Олиб бер уларни, булса қулингда.

Сочлари сумбулдир, тишлари гавҳар,  
Кузлари чулпондир, лаблари шакар,

Фаришта ё жаннат ҳуридир магар,  
Кунглим шундай қўша париваш истар,  
Олиб бер уларни, булса қўлингда.

Гуругли буйларин бир марта кўрди,  
Улардан Гиркукнинг дарагин сўрди,  
Менга шулар сўйиш сирни билдирди,  
Олиб бер уларни, булса қўлингда.

Гуруглибекнинг бу сўзини Аҳмад сардор эшитиб:  
«Жиянимнинг бу сўзлари худди арқам мор<sup>1</sup> ушлаган-  
ларнинг сузига ухшаб кетади. Мабода бу ҳар ерларда  
юриб, жин-ажинани кўриб, ақлини, ҳушини уларга бе-  
риб, қўшноч бўлай, деб қолдимикан. Муқаррар шундай  
булса керак. Мен бунга насиҳат қилиб, буни бу йўлдан  
қайтарай», — деб Гуруглибекка қараб, бир неча жойдан  
тимсол келтириб, бир сўз деди:

Хужа тоғдан карвон утар,  
Охир манзилига етар,  
Уйлариғнинг бари хатар,  
Беҳудага ақлинг элтар.

Пари дейсан, унинг нима,  
Курганнинг ҳасратин ема,  
Фаришта деб ҳар кимсага,  
Бу гапларинг ҳаргиз дема.

Юнус, Мисқол кимлар ўзи,  
Сузларингнинг борми тузи,  
Баъзи вақтлар галат кетиб,  
Чалкашар одамнинг кузи.

Тағи бирор морту кўриб,  
Ё кетдими ҳушинг уриб.  
Беклик аслигинг қани,  
Нима бўлдинг юриб-юриб.

Қўшночлик бастрларинг иши,  
Қўшноч булмас сендай киши,  
Бу сўзларни ҳеч ким айтмас,  
Булиб туриб ақли-ҳуши.

---

<sup>1</sup> Олачипор илон.

Сүз айтади Аҳмад Сардор,  
Пича қип юр узинг ҳушёр,  
Насихатим ол, Гурӯгли,  
Айтиб юрма яна такрор.

Аҳмад сардорнинг Гурӯғлибекка «Қушноч бўлиб қолибсан»,— деган сўзлари хуш келмаса ҳам, «катта одам»,— деб индамай тоғасининг олдидан тез ўтиб кетди. Шундан кейин Гурӯғлибек: «Чамбил шаҳрим бўлса, қошимда ўзимдан бошқа ҳеч ким бўлмаса, қандай қилиб Чамбил шаҳрим бўлар экан»,— деб ўйлайдиган бўлиб қолди. Савдогарлар Гурӯғлибек қурган Чамбил қургонининг номига Чортоқли Чангбелни алмаштириб, энди Чортоқли Чамбил дейдиган бўлдилар. Шундай қилиб, Гурӯғлибекнинг бу макони олти ойдан кейин Чортоқли Чамбил деб аталди. Бу ердаги ўзгариш, воқеалар туркман элларига ёйилган эди. Кунлардан бир кун Холдор деган йигит узи билан яна тўққиз йигитни олиб, Чортоқли Чамбилга келиб, Гурӯғлибек билан гаплашиб қолди. Шунда Гурӯғлибек Холдордан ҳол сўраб, бир сўз деди:

Турлинамо сўз келади тилимга,  
Сендай одам кам-кам тушар қулимга,  
Қай элатдан келдинг Чамбилбелимга,  
Парвоз айлаб бунда қайдан келасан?

Тарзингга қарайман лочин келбатли,  
Турхингга қарайман йулбарс сифатли,  
Сендайлар мен учун қадр-қимматли,  
Парвоз айлаб бунда қайдан келасан?

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, дим бўлар,  
Номардларинг сағ-мағасга <sup>1</sup> ем̄ бўлар,  
Бирга келган йулдошларинг ким бўлар,  
Парвоз айлаб бунда қайдан келасан?

Ўсган элинг Урганжими, Туркмандан,  
Нечун буён чиқиб келдинг ватандан,  
Парвоз уриб қандай боғу чамандан,  
Қанот қоқиб бунда қайдан келасан?

Ошибдирсан Хўжатовнинг белидан,  
Ё қочдингми мўғулларнинг қулидан,

---

<sup>1</sup> Ит ва пашшаларга.

Келдингми Ёмонгишловнинг элидан,  
Парвоз айлаб бунда қайдан келасан?

Гуруғли ҳолингни бир-бир сўрайди,  
Ҳар на булса ҳожатингга ярайди,  
Бу Чортоқли Чамбил менга қарайди,  
Парвоз айлаб бунда қайдан келасан?

Шунда Холдорбек Гуруғлибекка қараб, уз ҳолини билдириб, бир сўз деди:

Мен эмасман бир келгинди бегона,  
Бошимизга савдо солди замона,  
Дўстларимман кезиб-кезиб ҳар ёна,  
Овозанг эшитиб бунда келаман.

Индамаган бечорага тегмадим,  
Сабабсиз бировнинг қонин тўкмадим,  
Хунхор золим олди Туркман элини,  
Хоҳламадим, унга бўйин эгмадим,  
Овозанг эшитиб бунда келаман.

Ёронларим билан юрардим қочиб,  
Тағи саҳроларда кунгилни очиб,  
Шикорлар айлашиб, ҳар кеч май ичиб,  
Овозанг эшитиб, бунда келаман.

Бир кеча тушимда менга тур, деди,  
Туркманнинг хонига бундан бор, деди,  
Бориб туриб Гуруғлини кўр, деди,  
Овозанг эшитиб бунда келаман.

Холдорбек бир сенга тобе бўлади,  
Сени шу Туркманда подшо билади,  
Не буюрсанг, буюрганнинг қилади,  
Башорат орқали бунда келаман.

Гуруғлибек Холдорбекдан бу сўзни эшитиб, қайта бошдан қучоқлашиб кўришди. Холдорбек билан бирга келган тўққиз йигит билан ҳам кўришиб, шу ерда Гуруғлибек Холдорбек билан ака-ука киришиб, шуйтиб, булар ҳам чамбиллик бўлдилар. Аҳмад сардор «Гуруғлибек Чортоқли Чамбилда бир тўда ўғрилари ўзига жўра қилиб олибди», деб эшитибди. «Ана бу эрка ўсганнинг оқибати, охири жиянимнинг нималар қилишини билмай қолдим. Мен буни ўрнимга сардор бўлади, деб юр

сам, бу қипқизил угри булиб кетами дейман»,— деб кўп хафа булди. Энди Гуруглибекдан эшитинг.

Гуруглибек кўнглида: «Шу Чортоқли Чамбил шаҳрим бўлса»,— деб утган-кетганларга ҳовли-ҳарам солдирар эди. Ун йигитнинг хотини борлари Чамбилга кучиб келиб, солинган ҳовлиларнинг бирини эгаллаб олар эди. Буйдоқлари бўлса, Гуруглибекнинг меҳмонхонасида ётар эди. Гуруглибек кўнглида Чортоқли Чамбилда хонлик қилмоқчи эди. Шуйтиб, ҳали Гуруглибек учун жуда кўп одам керак эди. Чортоқли Чамбилда булса, Холдорбекнинг йигитларидан ва уларнинг баъзиларининг хотини, бола-чақаларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Бир кун Гуруглибек навкар излаб, Туркман атрофини айланиб келмакчи бўлиб, Чамбилдан чиқиб кетиш олди-дан Холдорбекка йигитлари билан шу Чамбилда Гуруглибекнинг урнида туришини тайинлаб, бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзларни айтди:

Йигитлик чоғимда хуррам булайин,  
Хуррамликда яйраб-яйраб кулайин,  
Мен қайтгунча, Чамбилда тур, Холдорбек,  
Туркман элатларин кўриб келайин.

Чамбилбелнинг чир атрофи эл булар,  
Туркманга ёв қизилбошдай қул булар,  
Холдор бегим, сенга сўзим шул булар,  
Мен келганча, қараб тургин Чамбилга.

Ҳар бегона одам бунда келмасин,  
Келиб сиру асроримиз билмасин,  
Гуруглибек Чамбилбелин қурди, деб  
Таги гайри юртга хабар қилмасин,  
Мен келганча, қараб тургин Чамбилга.

Чамбилбелга навкар керак, эл керак,  
Бир неча навқирон, гўччоқ ул керак,  
Майхонага соқи, косагул керак,  
Мен келганча, қараб тургин Чамбилга.

Ҳизр билан Бадбахт тогин кўзлайин,  
Узоқларга Гиркукимни хезлайин,  
Чамбилнинг хониман, навкар излайин,  
Мен келганча, қараб тургин Чамбилга.

Гуругли солланиб сайрона чиқсин,  
Боришинда буриларга йулиқсин,

Олгир бурилардан қизилбош қўрқсин,  
Мен келганча, қараб тургин Чамбилга.

Бу сузни айтиб, Чамбилни ва Чамбилда булаётган ташвишларни Гурўглибек Холдорбекка топшириб, Гиркукка миниб, Хужатовдан ошиб, узоқ йўлларга тушиб, отига қамчини босиб, ёвмитдан такага, такадан сарига, саридан кўклангга айланиб, Туркманнинг қанча эллари кўздан кечириб, юриб-юриб, охири Бадбахт тогининг кунчиқар тарафидаги бир шахобчасидан бориб қолиб, «қани, қизилбошнинг юртига ҳам бир қараб кўрайчи»,— деб тоққа чиқиб бора берсин. Энди гапни марҳум Жигалибекнинг ўгли Равшан кўрнинг Қирқ йигитларидан эшитинг.

Уша Равшан кўр қизилбошга асир бўлиб кетганда, Жигалибекни қизилбошлар улдирганда, қирқ йигитлари ҳар тарафга қочиб, тарқалиб кетган эди. Хунхоршонинг буйруғи билан Туркманга Аҳмадбек сардор қилиб тайинланиб, Аҳмадбек Ёвмитга ҳам бек бўлиб, Такага Оғабек Замон, Кўклангга Сафо ўғли Чаққон, Эрсарига Мамараҳим полвон бек бўлиб, ҳамма беклар зокот, ушурларини Аҳмад сардорга жамлаб бериб, Аҳмад сардор ва ўзига қарашли уч бекдан йигилган хирожни ҳар йили Хунхоршоҳга юбориб турадиган бўлгандан кейин қирқ йигит тупланиб, Хунхорга қарам бўлишни хоҳламай, тоғларда қочиб юрар эди. Буларнинг исмлари: Сафарбой, Даллибой, Соллибой, Толлибой, Серма, Қирма, Миртик, Сертик, Мутал, Бутал, эй, қайси бирини айтмай, бари зўр бирдай. Булар шу Бадбахт тогининг шахобчасида бир қавақда маишатларини қилиб, нашъасини еб, чилимини чекиб, икковини бир дўнгда қоровул қилиб қўйиб утирган эди. Буларнинг кору бори Хунхордан битта-ярим савдогар шу ерларга келиб қолса, талаб олар эди. Аммо уткинчи туркман бўлса, пусиниб қола берар эдилар. Бир пилла Туркман томондан тоққа тармашиб бир кўк отли чиқиб кела берди. Қирқ йигит қоровулларидан бири йигитнинг яқинлаб келаётганини эшитиб: «Бу йигит ўгримикан, тўгримикан. Агар ўгриқочқинчи бўлса, буни ўзларимизга қўшиб олишимиз керак», — деб маслаҳатлашиб, газадан Гурўглибекнинг олдини ураб чиқиб: — Тўхта, яхши йигит, айт, ўгримисан, тўгрисанми,— деб сўрадилар. Шунда Гурўглибек аччигланиб: — Мен ўгри ҳам эмасман, тўгри ҳам эмасман. Мен сизлар билан курашмакка талаб солиб келган

полвонман, — деб қирқ йигитга қараб, мўйловини бураб,  
узангига оёгини тираб, бир сўз деди:

Қизилбошми, туркмансанми билмайман,  
Ким бўлсанг ҳам писанд-назар қилмайман,  
Мен ул айтган қўрқоғингдан бўлмайман,  
Сизни билиб, курашай, деб келганман.

Биламан, сиздирсиз ола кўз каззоб,  
Угриликдан кун кўрган макони хароб,  
Нетасан, туркманман, кимлигим сўраб,  
Ҳаммангизман курашай, деб келганман.

Гиркукимни тоғу тошда елганман,  
Менман йигитларга талаб қилганман,  
Шу вақтлар бир ажаб тошиб тўлганман,  
Полвон бўлса, курашай, деб келганман.

Бадбахтингдай тоғ поримас кўзимга,  
Ҳеч ким тиклаб боқа билмас юзимга,  
Арслон тушса нобуд булар изимга,  
Талабгорман, курашай, деб келганман.

Қаттиқ тошлар талқон булар зўримга,  
Талашарман номусимга, оримга,  
Олиб кетай Чамбилбедай шаҳримга,  
Шундайларман танишай, деб келганман.

Гуруглининг Гиркук хоназоти бор,  
Манглайда қирқ чилтоннинг оти бор,  
Ҳужатовда Чамбил деган юрти бор,  
Шу юртга боргувчи излаб келганман.

Қирқ йигит Гўрўглибекнинг бу сўзларини эшитиб,  
Гўрўглибекнинг қай тусли йигит эканлигига ақллари  
етишмай, нима бўлса ҳам бир курашиб, куч синашиб,  
кўришмак керак бўлиб қолди, дейишиб, қирқ йигитнинг  
полвонтоб бирови Гўрўглибек билан курашиб, агар Гўр-  
ўглибек йиқилсаку яхши, агар йиқилмаса, Гўрўглибек-  
нинг оёгидан бошқалари чалиб солиб тортиб юбормоқчи  
бўлишиб, шибирлашиб, Сафарбой дегани майдонга чи-  
қиб: — Гўрўгли, курашсанг, отингдан туш, — деб  
майдонда қул кўтариб, айланиб турибди.

Шунда Гўрўглибекка қараб, бир сўз деди:

Гуч билакли ботир булсанг,  
Гуруғли, кел, олишали.  
Дарёдай буп тошиб турсанг,  
Гуруғли, кел, олишали.

Менам ўзим номдор полвон,  
Суз айтаман алвон-алвон,  
Булсанг агар марди майдон,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Курсатай сенга кучимни,  
Душмандан олдим учимни,  
Олмос билгин қулларимни,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Курганман туркман улларин,  
Барин тутганман қулларин.  
Майиб этганман белларин,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Йулбарс булсанг, шоширайин,  
Дарё булсанг тоширайин,  
Сени шардан<sup>1</sup> туширайин,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Туя булсанг, чуқтирайин,  
Бия булсанг, буктирайин,  
Сени йиқиб, тик турайин,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Булут булсанг, эндирайин,  
Дустуман қип дундирайин,  
Шуйтиб кўнглим тиндирайин,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Сафарбой дер, мисли Рустам,  
Тулиб-тошар, билгин, ҳардам,  
Кучинг тупла, булма беғам,  
Кел, Гуруғли, олишали.

Гуруғли Сафарбой полвоннинг бу сўзини эшитиб,  
Гиротидан иргиб тушиб, дарров Гирқўк отини бир бо-  
домчага илдириб, кела солиб Сафарбой полвонни тутиб,

---

<sup>1</sup> Шар, шарр -- ёмонлик, гуноҳ. Бу ерда манманлик маъносида.

ерга кутариб бир урди. Қирқ йигитлар чалим ҳам сола олмай қолиб, шаддалик қилиб, ҳар қайси ҳар ёқдан Гурӯғлибекка ҳужум қила берди. Гурӯғлибек ҳам келган қирқ йигитни силкиб отиб, сулатиб ташлай берди. Шуйтиб, қирқ йигит қаторига бирови чоққорта, бирови ёнбош, бирови дустуман айқашиб қолди. Шунда Сафарбой Гурӯғлига қараб, мўйловини бураб, урнидан туриб, қўлини биқинига тираб: — Эй, баракалла Гурӯғли, кучингга қойил булдим. Узим ҳам сендай ботир йигитдан бир йиқилсам, деб орзу қилиб юрар эдим. Энди кунглимда армоним қолмади, — деб бу сўзни айтди:

Баракалла, шер юракли гўч йигит,  
Сени кўрдим, ҳеч армоним қолмади,  
Бир умрга эди шу бир истагим,  
Юзинг кўрдим, ҳеч армоним қолмади.

Тилар эдим бир полвошти ҳудодан,  
Йиқилсам на армон сендай барнодан,  
Парвоз айлаб келдинг қандай хонадан,  
Сени кўрдим, ҳеч армоним қолмади.

Доим бир зурини курсам, дер эдим,  
Эрларнинг шерини курсам, дер эдим,  
Сендайларга жоним берсам, дер эдим,  
Юзинг кўрдим, ҳеч армоним қолмади.

Тизмадан тирковли тоғларнинг тоши,  
Ҳар жафога кунган одамнинг боши,  
Оғаннинг ошибди қирқ бешдан ёши,  
Сени кўрдим, ҳеч армоним қолмади.

Кураш тушиб менга кўрсатдинг зурни,  
Курашингдан кунглим олди ҳузурни,  
Учратмадим узинг каби жасурни,  
Юзинг кўрдим, ҳеч армоним қолмади.

Тилагим, доимо олдингда булсам,  
Қўлимдан келганча хизматинг қилсам,  
Сафарбой дер агар ул десанг, улсам,  
Сени кўрдим, ҳеч армоним қолмади.

— Баракалла ука, туркмандан сендай ботир ўғлон чиқса, келиб курашиб мени йиқса, деб юрар эдим. Кел, энди танишайин. Сен туркманнинг қайси уруғидан бўласан. Кимнинг авлодидансан, -- деб Сафарбой Гурӯғлибек-

ка қараб бир сүз деяетир. Бошқа қирқ йигитлар булса, қурқиб, уринларидан туриб, нарёқларда тайсаллаб юрибди. Сафарбой полвоннинг Гүруглибекка қараб айтаётган сузи:

Аслим туркман, элим туркман, укажон,  
Сен ҳам туркман булсанг, қайдин буласан,  
Ким яхши, ким ёмон — барин биламан,  
Айтгин, туркман булсанг, қайдин буласан?

Таками, Ёвмитми, Куклангми, Сари,  
Қай ерда усгандир кунглинг баҳори,  
Қирқ минг ўйли бизнинг туркман эллари,  
Айтгин, туркман булсанг, қайдин буласан?

Минган отим тоғу тошга еламан,  
Мен ҳам асли туркманлардан буламан,  
Кимни айтсанг, тусмол билан биламан,  
Айтгин, туркман булсанг, қайдин буласан?

Баҳорда очилган боннинг гулисан,  
Балки у сайроқи булбул тилисан,  
Туркман элда қайси бекнинг улисан,  
Айтгин, туркман булсанг, қайдин буласан?

Такаббурлар бино қўяр узига,  
Узидан бошқани илмас кузига,  
Жавоб бергин Сафарбойнинг сузига,  
Айтгин, туркман булсанг, қайдин буласан?

Бу сўзни Гүруглибек Сафарбойдан эшитиб, кунглида: «Қани, буларга бир асли-зотимни айтмай-чи, нима қилар экан. «Туси яхшидан тунқалма», деган. Булар бари туси яхши йигитлар экан. Менга фойдаси текса ҳам ажаб эмас», — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, Сафарбойга қараб, бир сўз деди:

Аслимни сўрасанг, ўзим хонзода,  
Туркманда авлодим асл-озода,  
Келдим бунда шикор айлаб орада,  
Шикордан булгай, деб бахтим кушода.

Сиздай гуччокларни излаб келаман,  
Мақсадим, муродим кузлаб келаман,  
Гиркукимни бунда гизлаб келаман,  
Қай ерда дўст булса сўзлаб келаман.

Ўвмитда Равшанбек, ўзи хон ўгли.  
Хон ўгли булса-да, сийнаси догли,  
Золимдан жафолар курган на чогли.  
Хунхорнинг жабридан кўзлари догли.

Баҳорда очилган богнинг лоласи,  
Айтай сенга ҳеч қолмасин чаласи,  
Мен бўламан шу Равшаннинг боласи,  
Юрагининг пайванди, кунгил қаласи.

Ғаждум, Ҳасанбеклар Хунхор элида.  
Қолиб кетган экан унинг қулида,  
Шулар тоғам, мен Равшан кўр ули-да,  
Қурбон бўлган озодликнинг йулида.

Ҳилол энам мени гўрда туққандир,  
Шуйтиб отим Гўруғлибек бўлгандир,  
Равшан отам Хунхор золим қулидан  
Ўвмит бозорига қочиб келгандир.

Бирга келиб Ғаждум тоғам ўлгандир,  
Отам ёлғиз дарвиш булиб қолгандир,  
Мен Хунхордан чиқиб Ўвмит келган сўнг,  
Бир қучоқлаб Равшан отам ўлгандир,  
Гўруғли ундан кай етим қолгандир.

Кейин бордим Аҳмад сардор қулига,  
Бекбачча бўп юрдим туркман элига,  
Тоғам ёрин Райҳон араб об қочиб,  
Аҳмад сардор тугун олди дилига.

Улуг дедим, остонага бош урдим,  
Қизилбошнинг кўкрагига тош урдим,  
Райҳон араб қочиб кетди баччагар,  
Уни қувлаб Қизилжардан оширдим.

Қаҳр айласам, душманларга заҳрим бор,  
Ким дўст булса, қувончим бор, баҳрим бор,  
Ёшим йигирмада, отим Гўруғли,  
Хужатовда Чамбил деган шаҳрим бор.

От чоптирсам, учар қушдан ўтаман,  
Осмонда лочинни қувиб етаман,  
Агар дўст бўп эргашсанглар, журалар,  
Барингни Чамбилга олиб кетаман.

' Асли Қирқ йигит туркманда бўлаётган барча воқеалардан хабардор эди. Бу сўзни Гурўглибекдан эшитиб: — Сен шу Равшанбек улгандан кейин Аҳмад сардорни-кида юрган, Райҳон арабни байтал миниб қувган, Хужатоғидан Чамбил қўргонини қурган Гурўглибекми-сан? — деб Гурўглибек билан Сафарбой қучоқлашиб куришиб қолиб, қирқ йигитларнинг ҳаммаси бирин-бирин Гурўглибек билан куришиб, Равшанбек бегимзининг ўғли экансан, деб танишиб, бари бир майдон тоғда чой ичиб, наша қилиб, чилим чекиб, гурунглашиб, ундан кейин бари маслаҳат қилиб: — Энди бир қизилбошнинг галасига дориб кетайлик, — дейишибди. Шунда туркманлар далжоқ, деб Бадбахт тоғидан нар ёққа эниб, Хунхорнинг бир қўргонига ҳужум қилиб, кўп қизилбошларни улдириб, қанча оту анжом, ёв-яроқ, молу мато улжа олиб, Чамбилга музаффар бўлиб қайтдилар, Холдорбек ун йигит билан пешвоз чиқиб, Гурўглибек ва Қирқ йигитлар билан куришиб, бари Гурўглибекнинг майхонасига тушиб, кайф-сафони қилибдилар. Қирқ йигитларнинг бари Чамбилга жойлашиб олгандан кейин Гурўглибек Аҳмад сардор тоғасига одам юборибди. «Энди божини Хунхорга тўламасин. Менга тўласин. Энди мен туркманнинг хонидирман», — деб хабар қилдириди.

Аҳмад сардор бу хабарни эшитиб, кайфи учиб: «Бу Гурўглибек жиянимнинг ўғри, каззоб билан ошно бўлиб, орттирган тентаклигига қаранг. Хунхордай зўр шаҳаншоҳга кўндаланг бўлар эмишу, ҳали Гурўглибек жияним Хунхорнинг мингдан бир бўлак қўшинини кўргани йўқ. Бунинг эндиги даъвосига қаранг. Худди инининг оғзидан туриб ҳурпайган қурқултойга ўхшайди», — деб хабарчига: — Гурўглибекка бориб айт. Гурўглибек менинг жигарим. Лекин мен Хунхоршоҳдан қўрқаман. Агар Гурўглибек элга хон бўлса, туркманга қалқон бўлса, ҳеч бўлмаса, оёгининг тағида Хунхорнинг мингдан бир бўлаги талқон бўлса, ундан кейин мен Гурўглибекни хон деб биламан. Бўлмаса, Гурўглибек ўзига Гурўглибек. Мен бўлса, Хунхорга вакил одамман. Аччигим келса, Хунхоршоҳга билдириб, кўп эсда йўқ ишларни қилдириб қўйишим ҳеч гап эмас. Ана Гурўглибекка жавоб, — деб келган хабарчини қайтариб юборди. Гурўглибек тоғасининг бу гапларига чивинча ҳам парво қилмай, ҳа, деб Чамбилни обод қилдирта берди. Чамбилнинг қибла тарафидан бултурги Чортоқ ўрнидан

шундай каштали гиштдан ишлатиб, қиблага қараган қилиб, узунлиги минг қадам айвон, айвоннинг кўтарма сүпаси ўн қадам баланд, пешайвондан Чамбилнинг ички ҳовлиларига ўтадиган эшиклар қилдирди. Чортоқ ўрнида шу пешайвонни Чортоқ деб қўйди, Чамбилга атрофдан фақир-пустақлар ҳам кучиб келди. Чамбилда Ёвмит бозорининг иккинчи куни бозор ҳам бўладиган бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Чортоқли Чамбил кундан-кунга ободлашиб борар эди. Лекин Гўруғлибекнинг ҳар кунги харажати кўп бўлиб кетди. Гўруғлибек Қирқ йигитлари билан гоҳида харажатдан зориқиб қолар эди. Кунлардан бир кун Қирқ йигит нашанинг устидан егани бир туюр қанд ҳам, бир бўлак гўшт ҳам топмай қолиб, охири маслаҳатлашиб, Аҳмад сардорнинг молларини закот ҳисобига, сиртидан юз эллик қўй, деб, юз эллик қўйдан ҳар куни биттадан олиб келиб ей бермакчи бўлибди. Қирма деганни қўйга юборибди.

— Агар Аҳмад сардорнинг чўпони «Қўй бермайман, деб тақашовлик қилса, жавобини Гўруғлибек беради», деб бир қўйни олиб кела бер, — деб тайинлаб юбордилар. Қирма бориб Аҳмад сардорнинг қўйларидан бир қўйни тутиб, отига унгариб, чўпонига жавобини Гўруғли беради, деб, олиб қайта берди. Чўпон бориб Аҳмад Сардорга: — Гўруғлининг одами келиб бир қўй олиб кетди, жавобини сизга ўзи берар эмиш, — деди. Аҳмад сардор кун сайин интизомлашиб, бирлашиб бораётган Гўруғлибекнинг йигитларининг авзогидан қўрқар эди. Чўпонига: — Гўруғлибекнинг одами келса, индама. Қанча қўй олиб кетганини ҳисоблаб юра бер. Ўзим бир кун бориб Гўруғлибек билан ҳисоблашарман, — деб қўйди.

## РАЙҲОН АРАБ

— Эй, чупон, сенга ҳам раҳмат, хужайинингга ҳам, боққан қўйларингдан, ўйлаган ўйларингдан сенинг, деган экан. Шуйтиб, Гўрўглибекнинг авжи келиб, ҳар куни закот ҳисобидан, деб Аҳмад сардорнинг қўйидан келтириб, қирқ йигит нашанинг устидан қовурдоқ, яхна, деб аввал-аввал бир қўйдан, кейинроқ ҳар куни уч қўйдан еб, бир юз эллик қўйни ебди. Энди Аҳмад сардор закотдан қутилди. «Энди хирож тўлаш керак», — деб яна тўртта қўйни Соллибой дегани «жавобини Гўрўглибек беради», — деб ҳайдаб кетди. Чупон кечқурун Аҳмад сардорнинг олдига борди: — Гўрўгли қўйингни камайтди. Бундай еса қиши билан қўйингдан қолмас, ҳалидан бир юз эллик тўрт қўй камайибди. Хужайин, агар олдини олмасанг, худонинг куни куп, молингдан битта қолмайди, — деди. Аҳмад сардор ҳам шу тўғрида ҳар хил ўйларни ўйлаб юрар эди. «Мол аччиги-жон аччиги». Аҳмад сардор бирдан қизиб, Чортоқли Чамбилга қараб жунаб қолди. Отига қамчини босиб уриб, Чортоқли Чамбилга кириб борди. Гўрўглибекнинг меҳмонхонасини сўраб, отидан тушиб, ўзи отини якка миҳга боғлаб, ичкарига аччиқ билан кириб борди. Гўрўглибек йигитлари билан гўштдан кейин урганжининг қовунидан еб утириб эди. Аҳмад сардор эшикдан кириб, ҳамманинг кайфини учириб, огзидан ошириб осмондан туширибди. Шунда Гўрўглибекка қараб, бир сўз деди:

Гўрўгли, ҳаддингдан тоза кетибсан,  
Ўзингни Хунхорга талаб этибсан,

Ўз бошингча қандай йуриқ тутибсан,  
Зур булсанг, зурингни курсат, Гуруғли.

Туюқсиз тоғларда ҳаддан ошибсан,  
Узалингни билмай туриб тошибсан,  
Одам туплаб эгри йулга тушибсан,  
Зур булсанг, зурингни курсат, Гуруғли.

Ҳеч била билмадим сенинг ишингни,  
Пайгамбар йурасин кўрган тушингни,  
Туплабсан Чамбилга тенггу тўшингни,  
Зур булсанг, зурингни курсат, Гуруғли.

Ботир булган йигит шундай булами,  
Ўз тоғасин молин тўртиб олами,  
Ҳеч бир бек сенигдай зулм қилами,  
Зур булсанг, зурингни курсат, Гуруғли.

Кўнглим илимайди сендай ботирга,  
Заррача боқмайсан юзу хотирга,  
Мултони ботир чопар чодирга,  
Зур булсанг, зурингни курсат, Гуруғли.

Зур булган йигит сендай булами,  
Буйтивингда<sup>1</sup> тоғангда мол қолами,  
Ё булмаса ҳали ақлинг чалами,  
Зур булсанг, зурингни курсат, Гуруғли.

Ёшлигингдан сени жондай асрадим,  
Кўнглинг қолдирмадим, ҳолинг сўрадим,  
Ёмон, қаттиқ кўнларингда ярадим,  
Зур булсанг, зўрлигинг курсат, Гуруғли.

Сен улгайиб туриб менга боқмадинг,  
Юрагимда қаҳр ўтин ёқмовдинг,  
Уйлаб юрган ваъдамданам чиқмадинг,  
Зур булсанг, зўрлигинг курсат, Гуруғли.

Тоғанга неча бир ситам утганди,  
Арабнинг қилмиши жуда ботганди.  
Холжувон янгангни олиб кетганди,  
Зур булсанг, зўрлигинг курсат, Гуруғли.

---

<sup>1</sup> Бундай қилишингда.

Ботир булсанг, намойиш эт кучингни,  
Арабдан ол оринг билан учингни,  
Райҳон олиб қочган эди чечангни,  
Зур булсанг, зурлигинг кўрсат, Гурўгли.

Ундан кейин гайратингни биламан,  
Арабдан уч олсанг, қойил қоламан,  
Шунда сени хон деб қабул қиламан,  
Зур булсанг, зурлигинг кўрсат, Гурўгли.

Аҳмад сардор тоғанг қурган аламини,  
Араб олиб кетган қоши қаламини,  
Мендан кўтар ундан келган ситамни,  
Зур булсанг, зурлигинг кўрсат, Гурўгли.

Аҳмад сардор Гурўглибекнинг дастурхонига ҳам утирмай, бошқа ҳеч нима демай, меҳмонхонадан чиқиб, отига миниб, Ёвмитга қараб, отига қамчини босиб, учини отидан олгандай булиб, чангитиб ҳайдаб кетди. Бу ёқда меҳмонхонада Гурўглибек, Холдорбек ва қирқ йигитларнинг нашасига сув кетиб, бари бирдай индамай қолди. Туриб-туриб Аҳмад сардор тоғасининг сўзлари Гурўглибекка ботди, ўзи ҳам: «энди отим от бўлди. Райҳон арабга бориб, Холжувон янгамни қайтариб олиб келадиган вақтим келди-ёв», — деб юрар эди. Гурўглибекнинг ўйлаб юрган ўйларига Аҳмад сардор тоғасининг бу аччиқ сўзлари қўшимча силтов бўлди. — Қани, тоғам бир фотиҳа берса, Райҳон арабдан орини олиб берсам, — деб ён-ёғига чирпинаётир. Шунда Холдорбек: — Аҳмад сардор тоғанг аллақачон кетиб, ҳозир Ёвмитга етган, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, шу сўзни айтди:

Қув тоғанг куп шумликларни уйлади,  
Ор олмоқни ораликка тайлади,  
Ундан кейин биламан, деб ўзингни,  
Шу мазмунда сени ипсиз бойлади.

Арабга бормасак, энди бўлмайди,  
Йўқса бизни тоғанг қабул қилмайди,  
Шу гапни ўртага ёмон ташлади,  
Закот ҳам бермайди, ўзи келмайди.

Қувлик билан куп шумликни қилганди,  
Хунхорни бир енгилмас, деб билганди.

Бир томондан ихлос, бир ёқдан қурқиб,  
Шуйтиб сени синамоқчи бўлганди.

Қирқ йигитга буюр, бари чоқ бўлсин,  
Саф тузасин, бирдай текис тах бўлсин,  
Арабдан уч олиб бунда келган сунг,  
Тоғангдаги ишончсизлик йуқ бўлсин.

Йул бошла, ор учун йулга тушайлик,  
Неча дарбанд, белларидан ошайик,  
Арабдан уч олиб бунда келган сунг,  
Холжувонни бек тоғанга қушайик.

Неча бир дарёю тоғлардан оша,  
Хунхордан ўтамыз нармон увлаша,  
Буюр, бек Ғуругли, йулга чиқайик,  
Кўрмаган элларни айлаб томоша.

Юриб-юриб арабига етамиз,  
Арабини тутиб банди етамиз,  
Тоғанг ҳозир етиб борди Ёвмитга,  
Тоғангдан фотиҳа олиб нетамиз.

Қулоқ солгин Холдорбекнинг сўзига,  
Тоғ кўринмас бир кесакча кўзига,  
Эринсанг, Чамбилда тургин дам олиб,  
Қирқ йигитни қуш дўстингнинг ўзига.

Шунда Ғуруглибек Холдорбекка қараб: — Ҳовлиқма,  
ҳали бу уйлаган уйларинг бўлмайди, — деб бир неча  
жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Холдор дустим, бу уйларинг бўлмайди,  
Уйларингнинг ҳаргиз эби келмайди,  
Араб ҳам биздайин мўмин-мусулмон,  
Ҳеч мўмин мўминга ҳарба қилмайди.

Фақат ундан бориб қасос оламан,  
Янгамни қайтариб олиб келаман,  
Бундай жойга қирқ йигитлар на даркор,  
Бу сафарга бир ўзим ҳам буламан.

Райҳон араб ёлғиз келиб кетгандир,  
Ёлғиз келиб мақсудига етгандир,  
Ёшлигимда қуваладим, етмадим,  
Шунда менга зўр алами ўтгандир.

Мен ҳам ёлғиз шу арабни кўраман,  
Кўзига кўриниб жавлон ураман,  
Чилтон бокқан Гиркукимни, Холдоржон,  
Омон булсам, қайтиб сизни кураман.

Гуруғли йигирма ёшга тўлгандир,  
Говсул-Ғиёс менга ханжар бергандир,  
Келганимча сизлар булинг Чамбилда.  
Бегингиз арабга талаб қилгандир.

**Гуруғлибек:** — Мен келганча, сизлар Чамбилда бўлинглар, кайфларингни қилинглар. Лекин ҳеч кимга зулм қилманглар. Режадан ташқари бировнинг молини тортиб олманглар, — деб йигитларга қараб, Гиркўк отини сўраб, бир сўз деди:

Мен келганча, Чамбилбелда булинглар,  
Ғамгин бўлмай, шодланинглар, кулинглар,  
Тоғам келиб, агар қаттиқ сўзласа,  
Раъйини қайтармай, шодмон қилинглар.

Анчайин гапларга хафа бўлманглар,  
Кўп яшанглар, кўп йилгача улманглар,  
Мен келгунча насиҳатим, Холдоржон,  
Ҳеч кимсага зулму ситам қилманглар.

Гулхан ёқиб, майхонада май ичинг,  
Қизил май кайфида оламдан кечинг,  
Аҳмад сардор тоғам келса индаманг,  
Бегингиз қани, деб урса ҳам пичинг.

Майдон-майдон Гиркукимни еламан,  
Омон булсам, тезда қайтиб келаман,  
Арабнинг юртига кетмак бўламан,  
Гиротимни энди талаб қиламан.

Душман тоб беролмас ботир дастига,  
Жунайман Чамбилдан Райҳон қасдига,  
Гиркукимни талаб қилдим, қирқ йигит,  
Ҳозир айланг шоҳсупанинг остига.

Гуруғли дарёдай тулиб оқади,  
Гиркукимга узоқ сафар ёқади,  
Сиз қолинг, мен кетай гайри юртига,  
Бахтим ёр булади, менга боқади.

Гуруғлибекнинг бу сузини эшитиб, дарров қирқ йигитнинг биттаси Гиркүкни абзаллаб, майхонанинг олдидаги шоҳсупанинг остига ҳозир қилди. Гуруғлибек ханжарини тақиб, қирқ йигитга боқиб, Гиркүк отга миниб, кунгли тиниб, арабнинг юртини талаб айлаб, жунаб бо-раётди. Холдорбек қирқ йигит билан Гуруғлибекни кузатиб қўймоқ учун бари бирдай, очилган гулдай бўлиб, уз отларига миниб олиб, добилни туйиб, бари от қўйиб, уч тошлик ерга Гуруғлибек билан бирга кетишибди. Ундан кейин бари Гуруғлибек билан хушлашиб, Чамбилга қайтдилар.

Ана энди Гуруғлибек араб юрти қайдасан, деб Гиркүкка қамчини босиб, шу ҳайдаганича ҳайдаб, Ҳазар денгизига дуч келиб қолди. Шундай вақтларда жонимга ора кирмасанг, қачон ора кирасан, — деб бир сўз деди:

Жоним Гирот, молим Гирот,  
Емён кунда ёв-ярогим,  
Баъзи жойда бул пирогим,  
Тубсиз денгиз қиргоғи йўқ,  
Поёнсиз сув сулим-согим.

Жоним Гирот, молим Гирот,  
Раҳбар бўлиб қулим тутгин,  
Оёқларинг жуфтлаб отгин,  
Кароматинг зоҳир этгин,  
Бу денгиздан олиб утгин.

Жоним Гирот, молим Гирот,  
Ҳиммат қуруни байладим,  
Сенга ялицдим, сўйладим,  
Кароматинг зоҳир этгин,  
Райҳонга талаб айладим.

Жоним Гирот, молим Гирот,  
Райҳондан олай учимни,  
Унга курсатай кучимни,  
Чир атрофим поёнсиз сув.  
Қисқа қилма қулочимни.

Жоним Гирот, молим Гирот,  
Гуруғлибек бунда ҳайрон,  
Поёни йўқ баҳр, уммон,  
Кароматинг зоҳир айла,  
Утказ мени нарги томон,  
Жоним Гирот, молим Гирот.

Гуруғлибек сузини тамом қилгандан кейин Гиркук бир пишқириб, ҳалқуми гариллаб, ерни тирнаб-тирнаб, денгиз юзидан қирқ газ юқори кўтарилиб, вариллаб учибди. Бир соатда денгизнинг нарғи ёғига учиб ўтиб бориб, ерга қуниб, яна нар ёққа қараб кета берди. Гуруғлибек Гиркук отининг бундай кароматини кўриб, ди-моғи чоғ булиб, арабнинг юртини кўрган-билгандан сўраб, даракма-дарак арабнинг юртига етиб бориб, Райҳон араб манзилини сўради. Билганлар: — Шу яқинда бир тоғ бор. Тоғнинг фалон дарасида Райҳон арабнинг манзили. Подшо ўзи утарчи одам. Шуйтиб у шаҳарда турмай, доим тоғни манзил қилишни яхши кўради, — дедилар. Гуруғлибек тоғни сўраб топиб, белгиланган дарага етиб борса, ҳеч қишлоқ йўқ. Бир кичкина йўлча билан Гуруғлибек бора берди. Шундай бир бурымдан бориб қолиб, Холжувон янгасининг сув олаётганини кўриб қолиб, дарров олдига бориб, янгаси билан кўришибди. — Энди, янга, Чамбилга кетамиз, — деб Гуруғлибек янгасига қараб, бир сўз деди:

Душманлар дунёда даврон сурмасин,  
Тез бўл, янга, Чамбилбелга кетамиз.  
Келганимни Райҳон араб курмасин,  
Тез бўл, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Сени излаб келдим туркман элидан,  
Холиснинг муроди чиқар йулидан,  
Олиб кетай Райҳон араб қулидан,  
Тез бўл, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Душман юрар мард йигитнинг қасдинда,  
Эзилма, янчилма араб остинда,  
Токайгача банд буласан дастинда,  
Тез бўл, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Арабнинг тоғлари яйлов жой экан,  
Ҳар ёққа буралган адир, сой экан,  
Утарчилар қуй, йилқига бой экан,  
Бой булса, ўзига бўлсин, янгажон.  
Сендайчангги бандиларга вой экан,  
Тез бўл, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Элингдан айрилиб булдинг бегона,  
Туркманнинг кўпи эди сенга дугона,  
Боз қуришса, бари булар парвона,  
Тез бўл, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Чамбилни қурдирдим Хужатовидан,  
Халос айлай сени одамовидан,  
Райҳон тугул, қурқмам жину девидан,  
Тез бул, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Банди булган эдинг Райҳон қулига,  
Чаққон мин, янгажон, Гиркук белига,  
Чури булма энди араб элига,  
Тез бул, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Гуруғли бир сени излаб келади,  
Душманидан бугун лотин олади,  
Узингни арабдан халос қилади.  
Тез бул, янга, Чамбилбелга кетамиз.

Холжувоной Гуруғлибекдан бу сўзни эшитиб, Гуруғлибекнинг отини ва ўзини имтиҳон қилмоқчи бўлиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, Гуруғлибекка қараб, биқинига қўлини тираб, бир сўз деди:

Арабнинг отидир чақмоқдай илдам,  
Жуйрук деса булар балки унданам,  
Қочса, қутулолмас ҳатто Буроқ<sup>1</sup> ҳам,  
Мард Гуруғли, қандай олиб кетасан?

Арабнинг жонидан иссиқ утмайми,  
Орқангдан шовуллаб қувиб етмайми,  
Уч-тўрт қирдан ошмай сени тутмайми,  
Мард Гуруғли, қандай олиб кетасан?

Хар замон ошиқиб қистов этасан,  
Мени олиб элга қайтиб етасан,  
Узингни Рустами Достон тутасан,  
Мард Гуруғли, қандай олиб кетасан?

Қамчи боссанг отинг чоқни олами,  
Е булмаса ора йулда қолами,  
Бул, дейсан, ҳали ҳам эсинг чалами,  
Мард Гуруғли, қандай олиб кетасан?

Райҳон араб оти тоғлардан ошар,  
Йўлни иссанд этмай орқангдан тушар,

---

<sup>1</sup> *Буроқ* — ривоятларга кўра, Мухаммад пайгамбар меърож кечаси кўкка мишиб чиққан учар от.

Қанча узоқлашсанг, етиб илгашар,  
Мард Гуругли, қандай олиб кетасан?

Арабнинг подшоси гаюр, куп ёмон,  
Кўзи тушса, тутар сени ногаҳон,  
Мард Гуругли, қандай олиб кетасан?

Бу сўзни Гуруглибек Холжувон янғасидан эшитиб,  
янғасига дилдорлик бериб, ўз ҳолини баён қилиб, янғасига қараб, узангига оёгини тираб, мўйловини бураб,  
бир сўз деди:

Ҳазил билма отим билан ўзимни,  
Душманлар босолмас ҳаргиз изимни,  
Чилтонлар силаган юзу кўзимни,  
Ғовсул-Ғиёс ханжар берган ботирман.

Даҳ десам, дарёдан учиб утарман,  
Ўзингни Ёвмитга олиб етарман,  
Сени деб Туркмандан келатирман,  
Ғовсул-Ғиёс илҳом берган ботирман.

Остимда Ғиркуким қирқ газлаб учар,  
Кўндаланг келганда, оловдан кечар,  
Тогдан тоққа сакраб эр Хизир кўчар,  
Эр Хизирман кураш тушган ботирман.

Орият йулида жоним қийнайман,  
Қабо фалак гардишинда ўйнайман.  
Қаҳримдан муз пуркаб, булут чайнайман,  
Булут чайнаб, муз пуркаган ботирман.

Писанд эмас Сардор тоғам тарафи,  
Йулайолмас олдимга Райҳон арави.  
Ғиркуким олдида отидир ёби,  
Мардонлардан дуо олган ботирман,

Дам бу дамдир, узга дамни дам дема,  
Арабнинг отидан отим кам дема,  
Бир чопсақ етамиз Така-Ёвмитга,  
Ора йулда қоламиз деб гам ема,  
Янға, ишон, назар топган ботирман.

Арабинг қувса ҳам қувиб етолмас,  
Қувганда ҳам Ғиркукимни тутолмас,  
Қирқ газ баланд учиб кечсак Ҳазардан,  
Райҳон анда лол бул қолиб ўтолмас.

Гуругли гуриллаб кучга тулгандир,  
Арабни бир бобласам деб келгандир,  
Тез чоқ бул, кетамиз, қурқма, Холжувон,  
Шунча юрдинг, қайтар вақтинг бўлгандир.

Бу сўзни Холжувоной Гуруглидан эшитиб, Гуруглибекнинг ўзига ва Гирқук отига ишонч ҳосил қилибди. Лекин Гуруглибекнинг ҳам шу вақти кучи, қуввати тулишган, Хизир билан олишган, Гирқуки назаркарда тулпор бўлса ҳам, арабнинг оти ҳаддили тулпор, тоза синамали от. Гуруглибек ҳеч шашти қайтмаган бола. Агар ҳозир Гуруглибекка: «Сен тажриба кўрмаган, анқов боласан. Бу араб кўп пурдонбачча, оти ҳам неча марталар синовдан ўтган, эҳтиёт яхши дейман», — деса, Гуруглибекнинг, биринчидан, шашти қайтади. Иккинчидан, ўз уруғдошига душманини кўтариб кўрсатган бўлади. Ахир кўп ўйлаб, шу нарсаларни кунглидан кечириб, Гуруглибекка қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, Холжувоной бир сўз деди:

Мени деб келгансан араб элига,  
Сўзимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Ниятман мингансан отинг белига,  
Сўзимга қулоқ сол, шошма, Гуругли.

Йилларнинг кетидан йиллар ўтгандир,  
Кексариб кўргимнинг<sup>1</sup> гали кетгандир,  
Араб шунча йилдан бери тутгандир,  
Зурлик қилиб мени олиб ётгандир,  
Сўзимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Ёшим энди ўттиз бешга етгандир.

Олиб борсанг, менга туркман кулмасми,  
Унда янганг маломатга қолмасми.  
Сўзимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Энди олиб кетишинг уят бўлмасми?

Ғуч йигитсан, кучларингни куч демас,  
Рустамча булсанг-да, сени ғуч демас,  
Сўзимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Араб бу учингни ҳаргиз ўч демас.

---

<sup>1</sup> Кўринишим, кўркамлигим.

Аҳмоқ деб ишингга араб қувонар,  
Душманларинг кулиб, дустинг уртанар,  
Сузимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Туркманинг номига қўйма қўша ор.

Тогларда бўтакуз гулгун лолади,  
Ёш углонсан, ҳали фикринг чалади,  
Сузимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Ўрнимга қизини олсанг, булади.

Оқ юзида бир нуқтача хати бор,  
Ошиқларга боқшининг ути бор,  
Зайдин араб деган исми, оти бор,  
Сузимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Ярашар шу бўлса сендайларга ёр,

Қулоққа ёқимли майин сузлари,  
Юракка жаз урар сайёд кузлари,  
Бамисоли қизил олма юзлари,  
Сузимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
На қилурсан кулги қилиб бизларди.

Шу қизни олиб кетсанг қулай булади,  
Шунда Райҳон араб тирик улади,  
Сузимга қулоқ сол, шошма, Гуругли,  
Холжувоной дуонгни қип қолади.

Гуруғлибек Холжувон янгасининг бу сўзларини тинглаб, уйласа, янгасининг сузлари маъқул. — Булмаса, янга, Зайдин арабни курсат, Райҳон арабнинг қизини олиб кета қолайин, — деди. Шунда Холжувоной Гуруғлибекка: — Сен бугун бориб, тоғнинг бир камарида пусиниб ёт. Эртага кир юваман, деб Зайдин арабни алдаб, шу булоқ бошига олиб чиқаман. Мен Зайдин арабни кирга олиб чиққанамни сен тутундан бил. Мен буриқситиб қўйиб, тутун чиқарган жойга кела бер. Ҳозирча бор. Лекин жуда эҳтиёт бўл, — деб уқтириб, Гуруғлибекни жунатиб юборди. Ана шуйтиб, Гуруғлибек Зайдин арабни олиб қочмоқни қасд қилиб қайтиб кетиб, бир камарга бориб, Фиркук отидан тушиб, отини хашакка қўйибди. Ўзи қачон Холжувон янгам тутун чиқаради, деб анғиб ёта берсин. Энди гапни Холжувонойдан эшитинг.

Холжувоной Гуруғлибекни жунатиб бориб, неча бир айёрлик, мастонликларни уйлаб, ширин, мулойим

суйлаб, Райхон арабнинг олдига бориб, қошини қоқиб солиб, узини ҳар наъмага олиб, буралиб, судралиб, журтагадан Райхон арабнинг олдидан ута ётиб, қошининг биттасини арабга қарата отиб, бир мункиб, лозимининг болагидан босиб, суриниб кетди. Холжувонийнинг Райхон арабнинг қулига келганига беш йил булиб, шу беш йил ичида Райхон араб билан бир марта ҳам кунглини очиб суҳбат қилмаган эди. Фақат зўрлик, зумлик билан ночордан Райхон арабга хотин булиб юрар эди. Улгудай хотинбоз Райхон араб, зангар шу Холжувонхон билан бир кунгил очиб, муҳаббатлашиб суҳбат қилсам, деб интиқ булиб юрар эди. Райхон араб Холжувонийнинг бугунги ҳаракатини куриб: «Энди бу туркман юртидан умидини узиб, менга кунгил қуяй дебди-ёв», — деб Холжувонийга қараб, кунгли очилиб, бир сўз деди:

Сира қия боқмас эдинг, Холжувон,  
Айт-чи, гул қобогинг қайдан очилди,  
Карашмалар жойида-ку, буйидан,  
Юраклар тугуни қайдан очилди?

Ё туркмандан эшитдингми бир хабар,  
Аҳмад сардор эринг улибми магар,  
Сузла қоматингдан сарву санобар,  
Қошларинг камондир, кипригинг ханжар,

Юзларинг жаннатдир, лабларинг шакар,  
Айт-чи, гул жамолинг қайдан очилди?

Нозлаиб гоҳида уздан кетасан,  
Бураласан, мени мафтун этасан,  
Қошингни қиёдан чоқлаб отасан,  
Айт-чи, гул ёногинг қайдан очилди?

Ноз ила шул кеча булай меҳмонинг,  
Оёқ босишингга булай қурбонинг,  
Ярашур зулфингга қунса райхонинг,  
Айт-чи, бул қобогинг қайдан очилди?

Райхон арабнинг улгудай хотинбозлигини билиб юрган Холжувон Райхон арабга: — Жуда усти-бошингиз кирлаб кетибди. Эргага бир кир ювсак дебмиз, — деди. Райхон араб: — Бурунгилар «Хотин суҳбат талаб булса, кир ювар эмиш», — деган. Холжувонхон, сен ҳам туркмандан умид узиб, бизга талабгор бўлдингми? А-ҳа, ҳим-

ҳим, — дейберди. Холжувоной Райҳон арабнинг гижинглай берганидан кейин минг бир айёрлик, мастонлигини уқиб: — Туркман келса, шу беш йилдан бери излаб келар эди. Энди туркманнинг бу ерларга ёндаша олмаслигига кўзим етиб, сизга тоза кўнгил бергим келаяпти. Энди шу кечасига сабр қилсангиз, эрта оқшом тоза кийимлар кийиб, икковимиз базму суҳбат қилсак, — дейберди.

Бурунгилар қишки мавсумда кирлаган кийимларини ечиб, туплаб қўя берар эди. Кир кийимлар кўп бўлиб кетганидан кейин қишнинг ярми ўтиб, қантар оққандан кейин аёллар булоққа чиқиб, тупланган кир кийимларини ювар эди, кўклам чиққандан кейин аёллар булоққа чиқиб, иккинчи марта кир ювар эдилар. Худди шу вақтлар қантар оғиб, аёлларнинг кир ювиш вақтларидан ҳам анча ўтиб кетса ҳам, Холжувоной ҳали кир ювганича йўқ эди. Шуйтиб, Райҳон араб Холжувонойнинг очилиб, сочилиб қолганини кўриб, тоқати тоқ, лаблари қоқ, ўзи ҳам жуда бир муштоқ була берди. Райҳон араб: «А-ҳа, ҳўй, бўйидан, ўйидан, туркман аёлининг феъл-хўйидан. Қачон оқшом ўтиб, тонг отади. Холжувоной ноз қилиб, қошини қоқиб, кулиб боқиб, биз билан ётади», — деб эртасингача муштоқ бўлиб чиқди.

Ана шуйтиб, гапнинг қисқаси, тонг отиб, Холжувоной Райҳон арабнинг кийимларини шилиб олиб, бир шоли олачанинг ўртасидан тешиб, Райҳон арабнинг бўйнидан ўтказиб: — Кийимлар қуриганча, шу олачада ўтира турунг, деб илми айёрликларни уқиб, кирларини кўтариб, Зайдин арабга: — Булоқ бошига юр, кирлар кўп, ёрдамлашасан. Мана бу тугунчакни кўтар, — деб хитоб қилиб, Зайдин арабни алдаб, кирга олиб чиқмоқчи була берди. Шунда Зайдин араб Холжувонойга: — Борсанг, ўзинг боравер. Мен кеча булоқда бир бегона отнинг изини кўрган эдим. Сен отамни аҳмоқ қилиб алдаб, бир бегона душманга эргаштирмакчисан. Мен кирга чиқмайман. Ана отамнинг оти ҳам қўлогини қайчи қилаётир, отамнинг оти душманнинг шарпасини билгандир, — деб Зайдин араб оёгини тираб тоқошовлик қила берди. Холжувоной Зайдин арабни алдаб: — Отангнинг шунча шону шавкати бўлса, душман қаёқдан келади. Кеча бир марта отангнинг оти қирдан бошмоқлаб кўринган асов бияларга қараб бўшалиб кетган эди. Сен булсанг, ўз отангнинг отининг изини душман-

нинг отининг изи деб, қулогини нарги бетдаги асов байталларга қайчи қилса, душманнинг шобирини билиб қайчи қилаяпти, дейсан. Эй, қургур-ей, тушмагур-ей. Буй етибсан, шекилли. Қачондан бери сен бундай чўпдан ҳадик оладиган бўлиб қолдинг, — деди. Зайдин араб: — Йўқ, алдама. Мен сенинг алдаганингга ишонмайман. Булоқдаги из отамнинг отининг изи эмас. Из ё турт, ё беш яшар отнинг изи. Қўриққа ботиб-ботиб кетган. Отамнинг отининг изи тобоқнинг ўрнидай бор. Бормайман, — деб жуда қаттиқ туриб тўхтаб қолди. Шунда Холжувонной бошқаватдан айёрлик ишлатмоқчи бўлиб, узича сузланиб: «Қургури, сен буй етиб, хаёлинг анча тарлон бўлиб қолибди-ёв. Баҳона қилиб уйда ёлғиз қолиб, бирор киши билан гаплашмакчисан. Мен ҳозир отангга бориб, бу гапларни айтаман», деб уйга яқин келиб Райҳон арабга: — Бу қизингиз анча ҳунар чиқариб қолганини билмайсиз. Кечадан бери жуда турланиб қолди. Кеча қирга қараб қўлини булғаётганини кўрдим. Бугун баҳона қилиб уйда ёлғиз қолиб, билмайман қандай номаъқулчилик қилмоқчи. Кирга бор, деб юбормасангиз, бу ёлғиз уйда қолиб, ким билади нималар қилади. Кирга менинг билан борса, ёрлашиб юборса, кирларни тезроқ ювиб келган булар эдик, — деб Райҳон арабга маъқуллатди. Райҳон араб ўрнида утириб қичқириб, Зайдин арабга: — Бор энди, аччигимни келтирмасдан бор! — деб хитоб қилди. Зайдин араб Райҳон арабдан қўрққанидан Холжувонной билан эргашиб кирга кетди. Шўйтиб, Холжувонной Зайдин арабни эргаштириб, дўнгликдан пастга тушиб, бурамдан айланиб, булоққа етиб, тошдан учоқ қилиб, овпалак ва итсийгакларни<sup>1</sup> ёқиб, бурқситиб тутун чиқариб, Зайдин араб билан кир юва берди. Гўрўгли камарда ётган жойидан туриб, тутунни кўриб, Гиркўкини бошқаватдан абзаллини маҳкам қилиб олиб, Гиркўк отининг устига миниб, тутун чиқаётган ёққа қараб, аста-аста отини ҳайдаб, булоқ бошига етиб борибди. Қараса, Холжувон янгаси Райҳон арабнинг қизини кирга олиб чиқибди. Шунда Гўрўглибек булоққа бурилиб, отини сугорган бўлиб, Холжувон янгасига қараб, мўйловини бураб, узангига оёгини тираб, баҳона қилиб: — Ҳов хола, бир коса сув олиб беринг, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

---

<sup>1</sup> Жарларда ўсадиган хашаки ўт хиллари.

Узоқдан келаман, қирлардан оша,  
Араб элларини айлаб томоша.  
Йулингдан ўтаман гузарим туша,  
Ташна бўлдим, сув олиб бер, холалар.

Араб водисида усган лолалар,  
Билмам бу кўринган қандай қалъалар,  
Бандаргоҳ бетлардан карвон келалар,  
Ташна бўлдим, сув олиб бер, холалар.

Давлатимдан қизил, яшил урайман,  
Савлатимдан шомуртимни бурайман,  
Чарчаб келдим, бир коса сув сўрайман,  
Ташна бўлдим, сув олиб бер, холалар.

Куп йул босиб ҳориганман, толганман,  
Ора йўлда сувсизликда қолганман,  
Хизмат ҳам бўлса, деб талаб қилганман,  
Ташна бўлдим, сув олиб бер, холалар.

Хуш ёқмас ўзимга отдан тушмакка,  
Ҳолим йуқ бир газ ҳам нармон ошмоққа.  
Мадорим йуқ ади-бади дейишмоққа,  
Ташна бўлдим, сув олиб бер, холалар.

Суэлайман сўзимни айлаб мақомдор,  
Мен ҳам уз элимда атоқли номдор,  
Равшан ўгли оқин сувга талабгор,  
Ташна бўлдим, сув олиб бер, холалар.

Шунда Холжувоной Зайдин арабга баҳона қилиб: —  
Менинг қўлим мағзава бўлиб ётибди. Сен у сув сўраган  
йигитга бир жом сув олиб бериб юбор. Одамга савоб ҳам  
керак, деб бир неча жойдан тимсол келтириб, Зайдин  
арабга қараб, бир сўз деди:

Йуловчилар катта йўлдан утади,  
Юриб-юриб манзилига этади,  
Эриниб мудираб ташна бўлганда,  
Биздайлардан хизмат талаб этади.  
Ана, сув, деб сўраб турган йигитга  
Бир коса сув олиб берсанг, нетади?

Йуловчи йўллардан ҳар кун келади,  
Йуловчига ҳар ким хизмат қилади,  
Шуларга сув бермак савоб бўлади,

Ана, сув, деб сўраб турган йигитга  
Бир коса сув олиб берсанг, нетади?

Эркакларга аёл халқи хизматкор,  
Ҳар нима амрига турарлар тайёр,  
Шулардан садага сендай гажақдор,  
Ана, сув, деб сўраб турган йигитга  
Бир коса сув олиб берсанг, нетади?

Юзингда холинг бор кўкиш бўяма,  
Қиз деганинг зеб-зийнатга тўяма,  
Шундайларга хизматингни аяма,  
Ана, сув, деб сўраб турган йигитга  
Бир коса сув олиб берсанг, нетади?

Уткинчи йигитни койиб бўлмайди,  
Бир хизматман киши майиб бўлмайди,  
Шундайчанги олий барно йигитга  
Қанча хизмат этсанг, айиб бўлмайди,  
Ана, сув, деб сўраб турган йигитга  
Бир коса сув олиб берсанг, нетади?

Арабнинг тоғларин чолмишдир туман,  
Айрилиги қурсин, жуда ҳам ёмон,  
Бошингдан парвона бўлсин, Холжувон,  
Ана, сув, деб сўраб турган йигитга  
Бир коса сув олиб берсанг, нетади?

Зайдин араб Холжувонийнинг бу сўзини эшитиб,  
қайта бадтар рўмолига ўраниб: — Номаҳрамга сув олиб  
бермайман. Ўзинг туркманда ким бўлса, шу билан очиқ  
гаплашиб, ўрганиб қолгансан. Қўлинг магзава бўлса,  
айт, арабда номаҳрамга аёллар сув бермайди, деб. Керак  
бўлса, булоқдан тушиб, ўзи қўш ҳовчини коса қилиб, сув  
ичиб кета берсин-да, — деди. Холжувоний қараса, Зайдин  
араб айтганига кўнмайдиганга ўхшайди. «Бунга яна  
айёрлик ишлатиб, бир пишак дўғи қилиб кўрмасам, бўл-  
мади», — деб Холжувоний бир неча жойдан тимсол кел-  
тириб, Зайдин арабга қараб, бир сўз деди:

Зайдин араб, энди кетма узингдан,  
Бузуқликнинг иси келар сўзингдан,  
Номаҳрамга ўгиринча қарайсан,  
Ёмонлик англайман айёр кўзингдан.

Оvloқ булса, қиқинглайсан, куласан,  
Эр талаб бўлибсан, тошиб-туласан,  
Уйнашингми, билмам йулдан ўткинчи,  
Бунда мени алдамоқчи буласан.

Тушиб сув ичсин дейсан булоққа,  
Мақсадинг, тортса-да сени овлоққа,  
Кир бошида менинг кузим мўлартиб,  
Шу йигитман кетмоқчисан бир ёққа.

Ундан кура у отидан тушмаса,  
Орага ҳар турли гапни қўшмаса,  
Кетади боради, олам гулистон,  
Кумушдай қўлингдан ичиб бир коса.

Холжувоний ҳамма гапни билади,  
Сен шод булсанг, хуррам булиб кулади,  
Сув беринг, деб ҳориб турган йигитга  
Бир жом сув узат, деб талаб қилади.

Бу сузни Зайдин араб Холжувонийдан эшитиб, кўнглида: «Қиз булмай улай, қандайга айланса, менга маломат ўралиб тушади. Бу қўрғур, билмайман, нега буйтиб ҳаддан ошади», — деб ноилож рўмоли билан юзини беркитинқираб, ийманиб бориб, булоқдан бир жом сув олиб, Гўрўглибекка тортиниб тута берди. Шунда Гўрўглибек имтилиб, косани қамчи билан уриб қоқиб, Зайдин арабнинг қўлидан тушириб юбориб, Зайдин арабнинг билагидан ушлаб, бир силтаб Гиркўкнинг сагрисига олмоқчи бўлди. Аммо-лекин Зайдин араб оғирлигини солиб, бир чираниб ўзини ҳалложи қилиб юборган эди, Гиркўк тиззасигача ерга ботиб кетди. Гўрўглибек қараса, иш қабоҳат бўладигандай. Шунда Гўрўглибек янғасини ёрдамга чақириб, бир суз деди:

Арабнинг қизи кўп полвон зур экан,  
Тез келиб ортидан кўтар, янғажон,  
Бир ботмон буксали, ҳаддин ўр экан,  
Дарров келиб бутидан кўтар, янғажон.

Гиркўким тизгача қўриққа ботди,  
Қўрғурнинг бадани мунча ҳам қатти,  
Зилдай буп билагим қаҳшатиб кетди,  
Тез келиб ортидан кўтар, янғажон.

Янги олган ўлжам қўлдан кетмасин,  
Дам ганимат, вақт-фурсат ўтмасин,  
Тағина сенгайм зиён етмасин,  
Дарров келиб бутидан кутар, янгажон.

Балиқдай типирлаб нетиб тулгонар,  
Белига интилсам, қўлим булганар.  
Бу араб қизининг кучи анча бор,  
Тез келиб ортидан кўтар, янгажон.

Ўлмасин яхшилар, асло ўлмасин,  
Ёмонлар йиғласин, ҳаргиз кулмасин,  
Шунча меҳнатларим зое кетмасин,  
Дарров келиб бутидан кутар, янгажон.

Энди ёнган умидларим учмасин,  
Таги бу қиз бир ситилиб қочмасин,  
Қўлингдан душманлар шароб ичмасин,  
Тез келиб ортидан кўтар, янгажон.

Гуругли тақдирнинг ишига ҳайрон,  
Ҳавллаб ўтирсам, келмасин Райҳон,  
Бу ғайри юртларда менга кумакдон,  
Йуқ турур ўзингдан бошқа, Холжувон,  
Дарров келиб бутидан кутар, янгажон.

Холжувонной Гуруглибекнинг бу сўзини эшитиб, дарров қўлидаги кир ювгич қўл огочини олиб, чопиб келиб, Зайдин арабнинг ортидан, балки икки бутидан қўл огочини утказиб, бир нуқиб итариб, кутариб юборган эди, Зайдин арабнинг бути ҳилланглаб, Гиротнинг сағрисидадан ошиб кетди. Шунда Гуруглибек ҳам бир қимтиб, Зайдин арабни эгарнинг сиртига олиб, омон бул Холжувон янга, деб Гиркук отни қайтариб, йўлга солиб, туркман эли қайдасан, деб ҳайдаб кетди. Энди Холжувонийдан эшитинг.

Холжувонной: «Ҳар нима бўлса ҳам, арабнинг оти ҳаддиди тулпор, Гуруглибек узайганича узаб кета берсин», — деб ошиқмай-нетмай кирларини ювиб-кўптириб, ундан кейин туплаб, журтагадан Райҳон арабнинг усти-бошини энг кейин ювиб, ҳўллиги ҳолида бир қўлида кўтариб, кеч бўлай деб қолганда, қайтиб келибди. Бир неча айёрликларни ўқиб, Райҳон арабнинг олдига шу сўзларни айтиб, чиқиб бораётир:

Эй, султоним, давлат қочди узингдан,  
Душман тушган экан босган изингдан,  
Айрилдинг, айрилдинг қурар кузингдан,  
Жудо бўлиб Зайдин араб қизингдан.

Қуксимон талғирдир тоғларнинг тоши,  
Не жафога кунмас одамнинг боши,  
Бор экан қургурнинг топган йўлдоши,  
Жудо булдинг Зайдин араб қизингдан.

Узоқдан бир одам қилди ишорат,  
Зайдин араб туриб чопди шу фурсат,  
Ушлашган сўнг гидирмади бир муддат,  
Жудо булдинг Зайдин араб қизингдан.

Мингаштирди ҳа демасдан ортига,  
Қамчи босди минган отин чотига,  
Мен чопганман етармидим отига,  
Қочиб кетди, шуйтиб, араб юртидан.  
Жудо булдинг Зайдин араб қизингдан.

Шуйтиб бузуқ экан билсанг авзойи,  
Кун чиқарга ботди осмоннинг ойи,  
Қаерга етарди Холжувон войи,  
Жудо булдинг Зайдин араб қизингдан.

Шунда Райҳон араб Холжувонойдан бу сўзни эши-  
тиб, ул одам мабода Ғуруғлимикан, деб ҳар мурти шоп-  
дай, оғзи кўҳна қопдай бўлиб, бир сўз деди:

Бу гапларинг сенинг агар рост бўлса,  
Лот олгали келган ҳукмин<sup>1</sup> Ғуруғли.  
Кўпдан бери шу ерларда кўринмай,  
Қизимни оздирган ҳукмин Ғуруғли.

Ешлигида билган эдим шаштини,  
Энди сураб йигитликнинг гаштини.  
Укагарни топсам ейман гуштани,  
Қизим олиб кетган ҳукмин Ғуруғли.

Укагар кўрмаган қўлим зарбини,  
Чоқлая билмаган кучу қурбини  
Дарров келтир менга биллур дурбини,  
Қизим олиб кетган ҳукмин Ғуруғли.

---

<sup>1</sup> Худбин маъносида.

Олдимга ҳозир эт ёв-ярогим,  
Холжувон жононим, кўзим қарогим,  
Аста-аста олиб менинг дарагим,  
Қизим олиб қочган ҳукмин Гуругли.

Бу ерларда дев ҳам қурқиб турмайди.  
Тирикмен, изимдан душман юрмайди.  
Ешлигида қурган эдим захрини,  
Магар туркман бир марта қул сермайди,  
Қизим олиб кетган ҳукмин Гуругли.

Арабнинг тоғларин чалмасин туман,  
Тезроқ кийимим бергин, Холжувон,  
Бу ерда орқайин қолмасин Райҳон,  
Қизим олиб қочган ҳукмин Гуругли.

— Дарров кийимларимни бер, анжом-аслаҳаларимни олиб келтир, қизимни олиб кетган ҳукмин Гуругли, бошқа ҳеч ким эмас. Бошқалар бу ерларга келмайди ҳам, — деб черпина берди. Холжувоной минг бир айёрликни ўқиб: — Шоҳим, ҳали кийимларинг ҳул, — дейберди. Райҳон араб Холжувонга: — Ҳул бўлса, шамолга елпит. Э, йуқ, тухта, кийимларни менга бер, ўзим елпитаман. Сабил кун читиқ экан. Кийимлар оз-моз музлабди, кун ҳам кечки салқинда. Сен дарров отни эгарла, — деб шошиб, такбиридан адашиб, чирпинаётир. Холжувоной чиқиб отни журтагадан имирсиланиб, тескари абзаллаб: — Отни абзаллаб қўйдим, — деб адаб сақлаб турди. Шунда Райҳон араб ҳали кийимлари кепмай<sup>1</sup> қолганидан зорланиб: — Сабил кун мунча читиқ бўлмаса. Энди кийимлар кепмабди-ку. Ма, ол, сен далага чиқариб, кийимларни шамолга серпиб тур. Мен аслаҳа-анжомларимни чоқ қилай. Эй сабил, анжом-аслаҳани кийимсиз тақиб буларми, — деб гоҳ Холжувонойни койиб, гоҳ суюб, шошиб-пишиб чирпиниб, далага чиқиб, ичкарига кириб юриб, кузи отига тушиб: «Холжувоной отни тескари эгарлаб қўйибди», — деди. — Эй, Холжувоной, мен сени ҳам билмай қолдим. Ҳа-ҳа, дарвоқе, аёлнинг иши тескари-да! Шуйтиб, булар гаж қабиргадан яратилган, дейди-да. Аёлга иш буюр, орқасидан ўзинг югур, — деб сўкиниб, Райҳон араб отни бошқатдан абзаллаб олиб келиб, Холжувон-ойнинг қўлидан кийимларини олиб кўрса, ҳали ҳам кеп-

---

<sup>1</sup> Ҳуллиги кетмай, қуримай.

мабди. Райҳон араб шошиб кийимларини ҳам киймай: — Ҳай, шу Гуруғли булса, кийимсиз ҳам ушлаб келаман. Имирсилаб кайфимни учирдинг. Ҳали Гуруғлини ушлаб келай, кейин сенга бир салом бераман, — деб яланғоч буйнига олача шол илингани ҳолда қўлидаги ҳул кийимларни ерга бир уриб ташлаб, анжом-аслаҳаларини олиб, отига миниб, жиловини бушатиб, Гуруғлибекнинг изидан тушиб, ҳайдаб кетди.

Гуруғлибек шу вақтгача йигирма тошлар чамаси йул босиб, ҳар замонда орқасига бир қараб келаяпти. Жонивор Гиркук ҳам юлдуздай булиб келаяпти. Бу кунни чоштгоҳ вақтигача жами юз эллик тош йул босиб қўйди. Бир пилла орқасига қараса, бир нима чангитиб келаяпти. Шунда Гуруғлибек: «Бу муқаррар Райҳон араб. Энди қизини бир синаб кўрай-чи, кунгли қаёқда экан», — деб Зайдин арабга қараб, бир сўз деб келаяпти:

Зайдин араб, отанг келур орқадан,  
Бунда келиб тутиб олса, нетасан,  
Уз элингга қилиб сени шарманда,  
Гарданингга чилбир солса, нетасан?

Отанг зўрдир ҳар иш келар қўлидан,  
Қайтмайди сира ҳам келган йулидан,  
Билмайман не кечар ҳозир дилидан,  
Орқамиздан етиб қолса, нетасан?

Менга ҳам жон керак, ташлаб қочаман,  
Зўр келгандан кейин сендан кечаман.  
Юлдуз оққанидай булиб учаман,  
Шуйтиб Райҳон етиб келса, нетасан?

Қулида ўқ-ёйи, отанг кўп гирром,  
Сени тутиб олмай топарми армон,  
Бекор об қочибман мен бир калла хом,  
Ҳа, қизим, деб суҳан қилса, нетасан?

Гуруғли дер, ҳали Чамбил узоқда,  
Ҳар замон қолармиз банди тузоқда  
Жон ширин кетаман, ташлайман доғда,  
Шамшир билан бағринг тилса, нетасан?

Зайдин араб Гуруғлибекнинг бу сўзини эшитиб: — Мен сенинг шариатингни билмайман. Аммо арабнинг

шариатида қиз биров билан бир лаҳза бирга бўлди деганча, айбга тангилди ҳисоб булади. Мен булсам, сенинг билан бир кеча-кундуздан бери бирга келаётирман. Энди отам мени тутиб олса, аввали улдиради. Агар ичи ачиб улдирмаганида ҳам, араблар энди мени қиз деб ҳисобламайдилар. Мени биров олганда ҳам ярим қалинга есир ҳисобида олиб кетади. Ундан кўра, энди мени ташлама. Отинг ёш, ўзи тулпорзод кўринади. Ўзинг ҳам ёшсан. Отам бўлса, кекса, дайдиб қолган одам. Оти ҳам анча кўҳнарган. Отамни бир тўхтатиб, кейин қочсанг, отамнинг оти қолиб кетади. Сенинг отинг ёш, қайтиш дегани билмайди, — деди. Гурўглибек Зайдин арабнинг бу сўзини эшитиб, қочишга кўнгил боғлаганини билди. Худди шу вақтда Райҳон араб отини қўйиб, бир қўлида ханжар, бир қўлида сифар, буйнидан олача ўтказилган ҳолда келаётир. От ҳар ҳапранг отганда, ун газ, ун беш газ ерга тушади. Шамолмас, ёмғирда ҳам отнинг кетиш зарбидан олача ёйилиб, Райҳон араб тоза шилдингдай бўлиб, бор аврати кўриниб, дабдала булиб келаётир. Шунда Гурўглибек Райҳон арабнинг шаънига бу сўзни айтиб келаётир:

Юқорида обжувоз,  
Обжувознинг суви оз,  
Олача кўйлак шилдирбоз.  
Орангдан Райҳон ўтдими?

Ёмғир ёғар шива-шива,  
Гулдир момом тива-тива,  
Олача кўйлак шилдирбоз,  
Орангдан Райҳон ўтдими?

Дайработнинг шамоли,  
Дарбандининг қамали,  
Олача кўйлак шилдирбоз  
Орангдан Райҳон ўтдими?

Дайработнинг тўлқини,  
Қор-ёмғирнинг салқини,  
Йийқтирдининг йилқини,  
Шу сўзимнинг талқини.  
Олача кўйлак шилдирбоз,  
Орангдан Райҳон ўтдими?

Зайдин қочиб кетдими,  
Қувган билан етдими,  
Гиркўкимдан ўтдими,

Олача куйлак шилдирбоз,  
Орангдан Райхон утдими?

Тог бетида куччорак,  
Тепасида варварак,  
Томошаси хуп керак,  
Олача куйлак шилдирбоз,  
Орангдан Райхон утдими?

Зайдин қизи дириллар,  
Кук каптардай пириллар,  
Олача қувиб шариллар,  
Остида от ориллар,  
Арелон мисол гориллар,  
Олача куйлак шилдирбоз,  
Орангдан Райхон утдими?

Гуруглибек уч олди,  
Араб аламда қолди,  
Ҳар дам сенга уролди,  
Олача куйлак шилдирбоз,  
Орангдан Райхон утдими?

От чопишга ҳаддили уста Райхон араб зангар қимтиб Гиркукка яқинлаб қолди. Шунда Гуруглибек Гиркук отини орқага буриб, Райхон арабга қаратиб: — Ҳа, араб, тўхта, отингни бир оз сақла, сенга бир-икки оғиз сузим бор, — деди. Райхон араб: «Қачон бўлса, барибир бунинг орқасидан етаман», — деб отини сақлаб: — Ма-на, тўхтадим. Нима сўзинг бўлса, дарров айт, — деди. Шунда Гуруглибек белидан созини қўлига олиб, Райхон арабга қараб, сенга сузим шу, деб созини чертиб, бир суз деди:

Сузим эшит, Райхон араб,  
Менинг билан бўлма тараф,  
Келма энди берман қараб,  
Ҳозир бул сени отаман.

Остимда ўйнайди отим,  
Чамбил менинг мамлакатим,  
Қайтиб кет қонингдан ўтдим,  
Булмаса, сени отаман.

Орқамда келар Зайдиной,  
Райхон араб ҳолингга вой,  
Қулимда тайёр парли ёй,  
Индашсанг, сени отаман.

Ошдим баланд товларингдан,  
Утиб келдим говларингдан.  
Қайтсанг утарман баҳрингдан,  
Булмаса, сени отаман.

Гиркукимга отинг қўшма,  
Бекорга орқамдан тушма,  
Жон ширин булса, индашма,  
Индашсанг, сени отаман.

Қайтгин арабнинг юртига,  
Жуна дайробод сиртига,  
Гуругли боқмас ортига,  
Индашсанг, сени отаман.

Гуруглибек думбирасини белига қистириб, Гиркук отининг бошини буриб, жиловини қўйиб юбориб, лукилла-латиб ҳайдаб кета берди. Райҳон арабнинг оти шу ерда қотиб қолди. Шунда араб қаттиқ азобланиб, отига бирикки қамчи берган эди, оти мункийиб, Райҳон араб отининг ёлидан уммага ошиб тушиб, калласи бир тошга тегиб, ёрилиб қонаб қолди. Райҳон араб этигидан гартак қиринди олиб, белбоғи билан бошига тортиб, отини секин ҳайдаб кела-кела яна қиздириб олиб, жиловини қўйиб юбориб, катта ҳапрак отдириб ҳайдаб кела берди. Унгача Гуруглибек Гургон дарёсига етай деб қолган эди. Бир пилла қараса, Райҳон араб бир қулида ханжар, бир қулида сифар, вангиллатиб отини қўйиб келаётир.

Ана шунда Гуруглибек яна орқага бурилиб, Райҳон арабга қараб: — Ҳой, Райҳон араб, тухта. Сенга яна бошқа бир гапим бор, — деди. Райҳон араб: «Яна бу туркманнинг нима гапи бор экан», — деб отининг жиловини сақлаб, тухтатиб турди. Гуруглибек белидан созини олиб, Райҳон арабга қараб, соз билан бир сўз деди:

Райҳон араб, эшит менинг сузимни,  
Чамбилбелга тўра дейди узимни,  
Жавоб бергин, босмай эди изимни,  
Бек тоғамга берайинми қизингни?

Янгамнинг ўрнига олдим учимни,  
Навбат келди, босим қилдим кучимни,  
Ўзингга ташладим қари чечамни,  
Бек тоғамга берайинми қизингни?

Райхон араб, отинг борда қайтагай,  
Ҳалолинг булсин, деб менга айтагай,  
Қутулдим, бизники булди Зайдиной,  
Бек тоғамга берайинми қизингни?

Билдир, гапир, неча белингдан ошдим,  
Навбат келди, мақсадимга улошдим,  
Ой Зайдиндай гулбаданга ёндошдим,  
Бек тоғамга берайинми қизингни?

Қизингни об қочдим отга ёншириб,  
Оқ тушини кук корсонга қопшириб,  
Эл огаси Аҳмадбекка топшириб,  
Бек тоғамга берайинми қизингни?

Жавобингни айтгин, йўқса кетайин,  
Гургон дарёсидан ҳақлаб утайин,  
Эрта тушга Чамбилбелга етайин,  
Бек тоғамга берайинми қизингни?

Райхон араб Гурӯғлибекдан бу сузни эшитиб: — Ҳали сени тутиб, шу гапни айтган оғзингни муздай қилиб, йиртиб ташламасам, — деб аччигланиб, отини жиловини қўйиб юборган эди, оти чопа олмай қолди. Гурӯғлибек булса, Гиротни буриб, жиловини бушатиб, Гургон дарёсига келиб, Гиркук дарёдан жимийиб сакраб ўтиб кета берди. Шундай булмай, Гурӯғлибекнинг гузари Ҳазар денгизидан келганда ҳам, Гироти қирқ газ кўтарилиб учиб ўтиб, Райхон араб денгизнинг нарёғида қолиб кетган булар эди. Негаки, Райхон арабнинг оти ҳар қанча жуйрук тулпор булса ҳам, Гиротнинг ҳали ёшлигини ҳисобга олмаса, Гирот назаркарда, Райхон арабнинг отидан юқори эди. Шуйтиб, бу мартаба Райхон арабнинг оти чала қотган экан. Бир-икки қамчини тортиб, Райхон араб отини ҳайдаб кела берди. Гурӯғлибек булса, Гургон дарёсидан ўтиб, бир қирга келиб, Гиркукни буриб, ўзини бир ёввойи жийданинг панасига олиб: «Қани, Райхон араб Гургон дарёсидан утиб, нима қилар экан», — деб кузатиб турди. Райхон араб Гургон дарёсининг нариги лабига келиб, отини дарёга туғрилаб, аччиқ қамчини берган эди, асли тулпор эмасми, жонивор шундай Гургон дарёсидан бир ҳатлаб ўтаман, деб қимтиниб сакраб юборган эди, отнинг чала қотгани сабаб бўлиб, дарёнинг берги ёғи мўлжалига ета олмай, Гургон дарёсининг ўртасига тушиб, яхдай

сув билан тоза шовшаб қолиб, ўзини унгара олмай, сувга гарқ бўлиб кета берди. Райҳон араб бу ҳолни куриб, сувга иргиниб тушиб, отини зўрга унгариб, ўзи ҳам олача-полачаси билан, сувдан чиққан пишакдай ивиб қолиб, отини етаклаб, дарёнинг нарёгига чиқарди. Шунда Гурўглибек ёввойи жийданинг панасидан чиқиб, Райҳон арабнинг кўзига куринди. Шунда Райҳон араб Гурўглибекка қараб: — Ҳалолнинг бўлсин, ука, энди нима бўлса ҳам, қизимни ўзинг ол. Тоғанга берма, сен мени ютдинг, баракалла, Гурўгли, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, бу сўзларни деди:

Бек Гурўгли, эшит энди сўзимни,  
Қон ёшга тўлдирма икки кўзимни,  
Ғам билан саргайтма қизил юзимни,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Ҳеч кишини қабо фалак урмасин,  
Бу кўргилигимни бошқа кўрмасин,  
Тоза гул барғига тикон урмасин,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Олтин коса лойқа сувга тўлмасин,  
Ҳасрат билан нурли юзлар сўлмасин,  
Новдалиқда қизим нобуд бўлмасин,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Бек Гурўгли, қойил бўлдим ўзингга,  
Чибин ултирмасин ойдай юзингга,  
Қизим ташлаб қайтиб кетай изимга,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Койил бўлдим, кўк отингни кездирдинг,  
Чақмоқдайин тулпоримдан ўздирдинг,  
Кўнглин топиб, қизим йўлдан оздирдинг,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар нар бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Така Ёвмит дерлар асли зотингни,  
Навбат келиб мenden олдинг лотингни,  
Лекин сенга насиҳатим, укажон,  
Ўюрга бермагин сира отингни,

Гул гулга қўшилсин, жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Бек Гуругли, омон боргин, мен қайтдим,  
Сенга ёв бўлмаслигимга гап айтдим,  
Сен ҳам ёв буп менга келмасинг лозим,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Гул лола ярашар тақса ёқанга,  
Ҳаргиз берма буй қизимни тоғанга,  
Кашал бўлмай, қайтиб кетай орқамга,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Мен ҳам уз юртимда қадрли султон,  
Ярашибон гулман уралса райҳон,  
Эрка усган қизим бўлсин беармон,  
Гул гулга қўшилсин жоним, чирогим,  
Ҳар на бўлса, ўзинг олгин қизимни.

Шунда Гуруглибек Райҳон арабга қараб: — Қизинг-  
ни узим сира ҳам олмайман, кашал бўлмай, кета бер.  
Зайдинойни тоғамга элтиб бераман, — деб бир сўз айт-  
ди:

Кашал бўлма, араб элнинг султони,  
Тоғамга қўшаман элтиб қизингни,  
Ҳолжувондай сулув янгам урнига  
Тоғамга бераман элтиб қизингни.

Зайдинойнинг тугунлари очилар,  
Никоҳ оқшомида бодом сочилар.  
Бугун-эрта қаллиқ булиб қучилар,  
Тоғамга бераман элтиб қизингни.

Юмуқ кузи чойдай бўлиб очилар,  
Шу кечаси банди тугун ечилар,  
Олтин пиёлада шароб ичилар,  
Тоғамга қўшаман элтиб қизингни.

Очилиб яйрайди гунча тугунчак,  
Бугун-эрта булар қизинг келинчак.  
Кашал бўлмай, кета бергин эртароқ,  
Тоғамга қўшаман элтиб қизингни.

Бирга юрсанг, уз кузингман курасан,  
Вакил булиб розилик сувин берасан,  
Арабга икки, уч кун кейин борасан,  
Тоғамга бераман элтиб қизингни.

Мард йигитман айтганимдан қолмайман,  
От чопмоқда ҳаргиз ҳориб-толмайман,  
Ниятим шу қизинг асло олмайман,  
Тоғамга қўшаман элтиб қизингни.

Гуругли душмандан лотин олганди,  
У етөлмай сувга шилиб қолганди,  
Кучим энди сенга маълум булганди,  
Тоғамга бераман элтиб қизингни.

Гуруглибек отининг бошини буриб қайта берди. Райҳон араб йиғламсираб: — Эй, Гуруглижон, қизимни нобуд қилма, узинг ол, узинг ол! — деб қола берди. Гуруглибек: — Қизингни ўзим сира олмайман, тоғамга элтиб бераман, — деб кета берди.

Шуйтиб, Гуруглибек бундай айланиб, бир дунгликнинг панасидан қараса, Райҳон араб гужиниб, елкасини қисиб, аста-аста орқасига қайтиб кетиб бораётир. Гуруглибек шуйтиб душманидан қутилиб, туркман юртига келиб кирди. Ҳазар денгизининг ёқасида мол боқиб юрган чўпонларнинг устидан тушиб, чўпонлар чайласига қуниб, бир қўйни сўйдириб, қовурдоқ қилдириб, чўпонларнинг бирини Чамбилга суюнчи учун юборди. Қирқ йигит билан Холдорбек Гуруглибекнинг арабининг қизини олиб келаётганини эшитиб, барчалари Гуруглибекнинг олдига пешвоз чиқдилар. Ҳаммалари Гуруглибек билан кўришиб, бари шоду хуррам Чамбилга келиб, майхонага тушиб, катта гулханни қалаб, Зайдин арабни булса, қирқ йигитларнинг хотинлари ичкарига туширибди. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам шоду хуррам бўлиб ўтиришдилар. Чамбилдаги одамларнинг ҳаммаси қутли булсинга келиб-кетаберди. Орадан бир-икки кун ўтса ҳам, ҳали Аҳмад сардордан дарак йўқ эди. Охири Гуруглибек қирқ йигитнинг бировини юбортиб, Аҳмад сардорни чақиртди. Хабарчи Ёвмитда Аҳмад сардорниқига бориб: — Гуруглибек сафардан қайтиб келиб, сизни бир келиб кетсин, деб чорлади, — деди. Шунда Аҳмад сардор: — Гуруглибек сафардан қайтиб келган булса, нима олиб келибди, — деб сўради. Хабарчи: — Бир қиз олиб келган, — деди. Аҳмад сардор: — Булмаса, Гуруглибек қизга тўй қилиб, узига

никоҳ қилдириб олар, — деб отланиб, хабарчи билан бирга Чамбилга келиб, отидан тушиб, сўрашиб бўлгандан кейин: — Қани, жияним, менга нима совға келтирддинг, — деб сураб турибди. Шунда Гўруғлибек тоғасига қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, сизга Райҳон арабнинг қизини келтирдим, деб шу сўзни айтди:

Курсатдим арабга қудрат-қучимни,  
Қойил айлаб Райҳон шоҳнинг қизини.  
Сенинг учун ундан олдим учимни,  
Ўзингга, деб олиб келдим қизини.

Ҳазардан учуриб отим оширдим,  
Арабнинг қизини қулга туширдим,  
Олиб кетинг, шуни сизга тонширдим,  
Ёр айлар, деб олиб келдим қизини.

Отимни уйнатиб қирлардан ошдим,  
Душманнинг элатига ёндашдим,  
Райҳон билан йул-йулакай от қўшдим,  
Ўзинг учун олиб келдим қизини.

Араб тоғларида сайил айладим,  
Зайдин қизини алдаб мойил айладим,  
Об қочдим, Райҳонни қойил айладим,  
Ўзингга, деб олиб келдим қизини.

Утказ ой Зайдиннинг бугун туйини,  
Бахшилар айтишсин терма, куйини,  
Салом солсин, барча курсин буйини,  
Ўзингга, деб олиб келдим қизини.

Гўруғли Такаман Ёвмитга султон,  
Райҳон қизин олиб кетгин, тоғажон,  
Қиз ана, кўнглингда қолмасин армон,  
Сени деб ол келдим араб қизини.

Бу сўзни Аҳмад сардор Гўруғли жиянидан эшитиб, қувониб: — Энди, Гўруғлибек жияним, қойилман сенга. Туркманга ўзинг хон, ўзинг султон. Хирож дейсанми, бож дейсанми, фақат биздан, қуллуқ-қуллуқ — деб додираб қолди. Қирқ йигит чақчақлашиб: — Энди туйни Аҳмад сардорникида қилдик, — деб Ёвмитга жунаб кетди. Ёвмитга етиб, Аҳмад сардорнинг қўйларидан сўйиб, учидан кабоб қилиб, туйни бошлаб юборибдилар. Бу ёқдан Гўруғлибек, Холдорбек, Аҳмад сардор қатор бу-

либ, Ёвмитга етишдилар. Қирқ йигитнинг хотинлари Зайдин арабни ясатиб, сочини қирқта қилиб урдириб, ёр-ёр айтишиб, булар ҳам Зайдинойни узатиб, Ёвмитга келдилар. Оқшом тўй булиб, қирқ йигит май ичиб кайф қилиб, Зайдин арабнинг никоҳини Аҳмад сардорга қийиб, Аҳмад сардорни чимилдиққа киргизиб, икковини қўшиб қўйдилар. Эртагисин Гурўглибек бошлиқ Холдорбек ва қирқ йигит Аҳмад сардорнинг сийлов тўнини кийишиб, Чамбилга қайтдилар.

Кунлар утиб, бир кун Гурўглибек туркман элининг катталарини чақириб, бир мажлис ўтказди. Шундан кейин Гурўглибек туркман элига султон, Холдорбек маҳрам вазир, Аҳмад сардор беклар беги сардор, Оғабеги Замон тақага, Сафо угли Чаққон кўклангга, Мамарайим полвон эрсарига бек қилиб белгиланибди. Бундан ташқари Туркман элатига тўқсон тўққиз бий тайинланиб, кейин Гурўгли султон майхонада кайфини қилиб, кўк чойни ичиб, қирқ йигити билан ҳангомасини гурунг қилиб ёта берди.

## ЮНУС БИЛАН МИСҚОЛ

Гуруғлибек майхонасида қирқ йигити билан қиш бўйи ҳар кечаси ҳангомани гурунг қилиб, май ичиб, наша кафлаб, чилим чекиб, нос отиб, кайфини қилиб, базмини қизитиб, катта гулхан теварагида кук чойни шарбат билан ичиб, кундан-кунга интизомлашиб утирди. Гуруғлибек бутун Туркман элатларига хонлик қилиб, овозаси атрофга кетиб, Чамбилда сарбозор юриб, атрофдан Чамбилга одамлар куп кучиб келиб, Евмитдан топилмаган нарсалар Чамбилдан топилиб ётди. Шуйтиб ҳут кириб, мушуклар миёв бўлиб, қозонлар сутга тулиб, битта-ярим эрта қочган қўйлар қўзилаб, қорлар қошоқ бўлиб эриб, кўзи гуллар очилиб, одамзод баҳрига оламга бир ажойиб эрта куклам иси сочилибди. Бундай ислар Гуруғлибекнинг ҳам думогига келиб қолди. Олма, ўрикнинг гулига ўхшаган кукламнинг оқ шапалоқли қори бир кун куп ёғиб, шу куни кеч қиш ойининг охири билан, кукламнинг олди билан, деб Гуруғлибек Холдор маҳрам ва Қирқ йигит билан нашани куп қилиб, ширакайф бўлишиб, майхонада ётишиб қолдилар. Бошқалар ўн олти-ўн етти ёшида эр етса, полвон одам йигирмадан ошиб эр етар экан. Гуруғлибек ҳам энди йигирма ёши тулиб, йигирма бир ёшга қадам қўймоқда бўлаётганида эр етибди. Шу кеча тушида бири ой бўлса, бири кун, бири гул бўлса, бири гунча, бири асал бўлса, бири шакар, осмон билан ернинг оралигида Юнус пари билан Мисқол парини кўрди. Бири ўнг ёғида эмиш, бири чап ёғида эмиш. Бировининг сочи буралиб, магрибга тушган эмиш, бировининг сочи буралиб машриққа тушган эмиш. Гуруғлибек қайсисини ав-

вал қучоқласам экан, деб ҳайрон эмиш. Гуруғлибек икки қўлини икки ёққа ҳа, деб сермар эмиш. Бир пилла қирқ йигитларнинг баъзилари уйғониб қараса, Гуруғлибек узидан ўзи юмалаб, ҳар ёққа сермаланиб юрган эмиш. Тонг отгандан кейин бир хил шўхтоб йигитлар Гуруғлибекнинг ҳаракатига кулади. Гуруғлибекнинг ўзи ҳам ўзининг уйғонганини билган эди. Шуйтиб, эртагисин чой ичиб утира туриб, Гуруғлибек Қирқ йигитларига қараб, шу кеча кўрган тушини айтиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Эй, ёронлар, қадрдонлар тушимда  
Нурга уролмишман ичу ташимда,  
Икки пари, иккови ҳам қошимда,  
Бири ҳуру, бири пайкар кўринди.

Бири эрмиш бу жаҳоннинг қуёши,  
Воз бири қамардай анинг тенгдоши  
Бир-бирига ухшар жимийиб кулиши,  
Бири ёқут, бири гавҳар кўринди.

Бирининг тушибдир сочи белига  
Бири райҳон тутиб келмиш қўлига,  
Олов ёқар боқиб одам дилига,  
Бири шамсу, бири қамар кўринди.

Бири қилур ҳар дам имо-ишорат,  
Тез етиб кел, дебон берар башорат,  
Бирининг биқини жонларга офат,  
Бири қанду, бири шакар кўринди.

Қучай деб интилдим, қўлим етмади,  
Ушлатмади, лекин йироқ кетмади,  
Қай ерданликларин менга айтмади,  
Бири атир, бири анбар кўринди.

Таъзим айлаб буён бўйин эйибдир,  
Кукиш-нопармондан қўйлак кийибдир,  
Жаллод кўзни сузиб, қошни қийибдир,  
Бири ҳулкар, бири қамар кўринди.

Бири Юнус эмиш, бириси Мисқол,  
Булибман уларни кўрганда беҳол,  
Тушим чинму экан, ё бир масал,  
Бири жоду, бири айёр кўринди.

Аввал бир бор курган эдим узларин,  
Эшитгандим ширин-шакар сўзларин,  
Шундан бери тополмайман изларин,  
Уларнинг жамоли магар куринди.

Гуруглибек париларни излайди,  
Қайда булса, нишонасин кузлайди,  
Тополмаса, зор инграйди, бузлайди,  
Тушда аввал икки дилбар куринди.

Гуруглининг хизматини қилинглар,  
Гиркуким эгарлаб олиб келинглар,  
Мен қайтгунча ҳамманг омон булинглар,  
Майхонада хуррам булиб кулинглар.

Ғанимлар дилига олов ёқилсин,  
Ғиротимга кумуш юган тақилсин,  
Туёгига тилла туға қоқилсин.  
Оёги остида душман чақилсин.

Отимни келтиринг, узим созлайин,  
Яқин эмас, йироқларни кузлайин,  
Гап келганда, қуша-қуша сўзлайин,  
Юнус, Мисқол қайда булса, излайин.

Таваккални ёлғиз қилай худога,  
Юнуснинг бошида олтин улага,  
Мисқол деб бораман ҳар бир тўдага,  
Булай барно бўйларидан садага.

Гуруглибек Қирқ йигитга хитоб қилаётир. Шунда Соқи мирохўр бўлган қирқ йигитнинг бирови дарров ўрнидан туриб, таблахонага кириб, Гирқук отни чиқариб, устахонага бориб, Гирқук отнинг оёгига тилла наҳал қоқтириб, кумуш юган тақдириб, майхонанинг олдига, шоҳсупанинг остига ҳозир қилди. Бир ёқдан хазиначи бўлган қирқ йигитнинг бири бир тилла эгар, зилча, айил, пуштанлар, тилла узангиларни ҳозир қилди. Гуруглибек Гирқук отнинг ўзи ва анжомлари майхонасининг олдига ҳозир бўлганини билиб, йўлбарсдай чирпиниб, арслондай ақириб, чилимини чекиб олиб, ўрнидан туриб, камарини маҳкамлаб, чалбарини кийиб, ханжарини кумуш гилофга солиб, тақиб олиб, бошқа керакли ёв-ярогини олиб, шоҳсупага чиқиб, Гирқук отини қашлаб, абзаллай берди. Шунда шоир нима дейди:

Қўшиқ чиқаради кўнгил черини,  
Адашган ёд этар устоз-пирини,  
Шоҳсупадан пастга тушиб Гўругли,  
Арта берди отнинг чангу терини.

Аста отнинг баданини ушлади,  
Жониворни силаб-сийпай бошлади,  
Сори мисдан, тутқачаси кумушдан,  
Эркалатиб Фиркукини қашлади.

Киши элида киши кўрар хўрликни.  
Эр йигит ҳар ерда қилар эрликни,  
Сийлаб-сийпаб солди отнинг устига  
Усти кимхоб, ости майин терликни.

Усталар ишлатар теша, қиргини,  
Дурбин кўрар ана тогдан бергини,  
Каш-каш, деб солди отнинг устига,  
Астари тибитдан зарли чиргини.

Чиргининг устидан қўйди белликни,  
Ғаним келса юртга қилмас элликни,  
Каш-каш деб қўйди шунда Гўругли,  
Уймалаб ташлаган жаҳалдирикни.

Муллалар уқийди зеру забарни,  
Усталар чопади теша-табарни,  
Ундан кейин қўйди отнинг устига,  
Тилла қошли, корсони кумуш эгарни,

Ботирнинг ишига барча қойилди(р),  
Адолатли хонга халқи мойилди(р),  
Қўл узатиб тортди отнинг белига,  
Усти олтин, ости ипак айилди.

Эл кўчириб Хўжатогдан оширди,  
Сирин айтмай ғанимлардан яширди,  
Икки узанги, иккови ҳам тилладан,  
Ярқиллатиб икки ёнга туширди.

Даҳ деса ўтади қанотли қушдан,  
Ҳеч камлиги йўқдир йўрга юришидан,  
Ундан кейин тортди отнинг белига,  
Ун саккиз қуббали чигатой пуштан.

Қайда бўлса ботир халқи уюшган,  
Пайти келса ғаним билан туюшган,

Каш-каш деб Гиркук отин Гүрүгли,  
Думидан илдирди карки қуюшқон.

Мард йигитлар бедов миниб қувонди,  
Сипатиб чоқлади тилсиз ҳайвонди,  
Каш-каш, деб ундан кейин Гүрүгли,  
От бошига солди кумуш юганди.

Булбул ошна булар богнинг гулига,  
Қулоқ солинг суханварнинг тилига,  
Йўлбаредай чирпиниб шунда Гүрүгли,  
Раббано, деб минди отнинг белига.

Мард яқиндан узоқларни кўради,  
От устида бек Гүрүгли туради,  
Қирқ йигитдан, Холдор маҳрам дустидан  
Ана шунда оқ фотиҳа сўради.

Давлатимдан қизил салла ўрайман,  
Курган тушни яхшиликка йўрайман,  
Холдор дўстим, оқ фотиҳа сўрайман,  
Икки паризоднинг бўбман хуштори,  
Энди қандай тоқат қилиб турайман.

Билмайман, қайдадир парилар жойи,  
Чамандан, чорбогдан булган маъвойи,  
Бу дардимга, дўстлар, борми давойи,  
Қирқ йигитим, оқ фотиҳа сўрайман.

Тушимга парилар бир тўй энди,  
Шул кеча файзнинг машъали қўнди,  
Осмондан офтобман ой қўша энди,  
Азиз дўстлар, оқ фотиҳа сўрайман.

Мен келгунча, Чамбилбелда туринглар,  
Майхонада кайфу даврон суринглар,  
Оқ кўнгилман оқ фотиҳа беринглар,  
Қирқ йигитим, оқ фотиҳа сўрайман.

Эшитинглар Гүрүглининг зорини,  
Излаб топсин Юнус, Мисқол парини,  
Ақлин олган ёру вафодорини,  
Азиз дўстлар, оқ фотиҳа сўрайман.

Гүрүглибек от устида қанқайиб турибди. Шунда  
Холдор маҳрам Гүрүглибекнинг бу сўзини эшитиб, фо-

тиха беришдан аввал Гүрүглибекка қараб, бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сүз деди:

Гуругли, хоҳишинг тумордей маҳкам,  
Парилар маконин билурсан қайдан,  
Сарилар элида бордир бир одам,  
Сурасанг, ул берар магар нишона.

Куп яшаган Хизир билан баробар,  
Мақсадинг учидан курсатар асар,  
Авлиё ҳаким, бахшидир магар,  
Сурасанг, ул берар ёрдан нишона.

Минг маънога тегишлидир ҳар сузи,  
Қулли махлуқотни текширар кўзи,  
Бир орада худо деб ётибди ўзи,  
Сурасанг, ул берар ёрдан нишона.

Эрсарида барча уни билади,  
Катта-кичик хизматини қилади,  
У туркманга улуг бобо бўлади,  
Сурасанг, ул берар ёрдан нишона.

Ўзи қаридир, лекин атоқли, номдор,  
Олдида бир коса ҳикмат суви бор,  
Ул сувида булур мақсад номудор.  
Сурасанг, ул берар ёрдан нишона.

Холдор маҳрам хизматингни қилади,  
Ғайрати балқ уриб тошиб туради.  
Келганингча Чамбилбелда бўлади,  
Буюрсанг, фотиҳа бериб қолади.

Шунда Гүрүглибек: — Ундай бўлса, мен ҳам, қирқ йигит ҳам Эрсаригача бирга бориб, уша азиз бобони кўриб, зиёрат қилиб, Юнус-Мисқол париларнинг дарагини ундан билиб, ундан кейин мен сизлар билан хўшлашиб, Юнус-Мисқол париларни излаб кетайин, — деб қирқ йигит билан Холдор маҳрамни ҳам отлантириб, Чамбилдан чиқиб, Сарилар элатига равона бўлди. Туркманнинг улуг бобоси Эрсари номига туркманнинг бир бўлагини Эрсари дер эди. Аслида туркманнинг эрсари бўлаги сарилар ҳар хил. Масалан, дўрман, жалойир, гармали ва сарилашиб кетган така уруғларининг йигиндиси эди. Ана шу ёққа қараб, Гүрүглибек бошлиқ Қирқ йигитлар билан жўнаб,

отларга қамчини босиб, текис қирлардан ошиб, бир қанча убаларга ёндашиб, шуйтиб, сарилар элатига етиб боришдилар. Кун бўлса, куклам, қуйлар қўзилаган, чупонлар яйраган, бойчечаклар очилиб ётган вақт. Шунда Гуруглибек Қирқ йигитлари билан белгиланган убага бориб, Сари бобонинг турар жойига бошқариб бор, деб бир чупонга йулиқдилар. Чупон бошини тошга уриб, ёғочга уриб Гуруглибек ва Қирқ йигитларнинг олдида йургалаб, Сарибобо ётган горга олиб борди. Ундан кейин Гуруглибек, Холдор маҳрам ва Қирқ йигитлар пиеда бўлиб, таъзим билан горга кириб, Сари бобога салом бериб турдилар. Шунда Гуруглибек Сари бобонинг олдида чуккалаб, Сари бобосига қараб, кўрган тушини айтиб, бир сўз деди:

Улуғлигинг осмондан ҳам зиёда,  
Манзилгоҳинг бургут мисол қияда,  
Хизматингда шоҳлар булар пиеда,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Ечилмас ишларни осон этар деб,  
Менга барча сирни баён этар деб,  
Қулим тутиб йулга равон этар деб,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Мушкулларим осон булар деб келдим,  
Жамолингни шамсу анвар деб келдим,  
Вали бўлса шулди рамағар деб келдим,  
Хизирдай илгимдан тутар деб келдим.  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Балки ўзинг Хизирдан ҳам зиёда,  
Етибсан бир ўзинг бу тоғ орада,  
Бу улуғ сафарга этдим ирода,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Қирқ йигитим хизматимда интизор,  
Барчасининг кўнглига бўлгай ихтиёр,  
Бир улуғ сафарга бўлдим талабгор,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Ўзимман Чамбилнинг хону султони,  
Кеча-кундуз ёд айларман худони,  
Тушимда курмишман қўш маликани,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Бирининг исми Юнус, бириси Мисқол,  
Маконин сўрмоққа топмадим мажол,  
Ҳушимдан айрилиб булдим ҳолма-ҳол,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Гуругли дер раҳм эт кўзда ёшимга,  
Ошиқлик савдоси тушди бошимга,  
Ҳайронман, бобо, узим ишимга,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Илгари чилтондан топдим башорат,  
Юнус билан Мисқолга келди ишорат,  
Яна тушда кўрдим, қолмади тоқат,  
Йулга сол, бир сени раҳбар деб келдим.

Шунда Сари бобо Гуруғлибекнинг бундай сўзларини эшитиб, шундай қўли билан ўсик қошларини кўтариб, Гуруғлибекка қараб: — Сенинг дардинг мушкул экан. Буни ҳикмат сувига боқиб билиб булмайди. Магар бу дардингнинг давосини Қора акамдан сўрасам, билса ҳам ажаб эмас, — деб Сари бобо бир неча жойдан тимсол келтириб, Гуруғлибекка қараб, бир сўз деди:

Сўзим эшит Чамбилбелнинг султони,  
Кўрган булсанг қўша моҳилиқони,  
Топилмайди менда билмак имкони,  
Магар билса, сўрай Қора акамдан.

Акам туркман элнинг қутби замони,  
Сенинг истаганинг магар у билар,  
Йул кўрсатиб, йулга раҳбарлик қилар,  
Пешонанг ёришиб, толеинг кулар.  
Ўғлим, берган маслаҳатим шу булар.

Қора акам гор турида ётади,  
Инс-жинс туридан азлат тутади,  
Магар ҳолинг сўрсам, баён этади,  
Парданинг сиртидан айтиб кетади.

Куп кун булди қилганим йўқ зиёрат,  
Энди сенинг кўнглинг айлай иморат,  
Қани қандай булур экан ишорат,  
Сен шу ерда қараб тургин бир фурсат.

Сенинг учун гор тўрига борайин,  
Ҳам акамнинг нур жамолин курайин,

Сари бобо Гуруғлибек ва унинг одамларини ўз маконига қўйиб, ўзи горнинг тўрига кириб кетди. Горнинг тўрига тутилган пардани қоқиб, ўзининг келганлигини Қора акасига билдирди. Шунда Қора бобо Сари бобога Гуруғлибекнинг ўзи олдига кириб, суҳбат қилишини буюрди. Қора бобонинг сўзини Сари бобо келиб, Гуруғлибекка айтиб, шу ерда бир офтоба сувга Гуруғлибекни гусил қилдириб, ундан кейин горнинг ичкарисига бир ўзини юборди. Гуруғлибек худога таваккал қилиб, Сари бободан фотиҳа олиб, бир неча қадам юриб, горнинг тўрида тутилган пардага етиб, Сари бобонинг ургатганини қилиб, пардани қўли билан қоқиб қимирлатди. Шунда Қора бобо пардани кўтариб, тоза ўзининг олдига киришга таклиф қилди. Гуруғлибек таваккал қилиб, пардани кўтарди. Бу қизил парданинг нарёгида яна битта оқ парда тутиғлик экан. Таваккал қилиб, у пардани кўтариб, ассалому алайкум, деб қараса, соқоли тиззасидан ошиб, қоши қобогига тушиб шундай нур бўлиб, балқиб Қора бобо ўтирибди, ўздан-ўзи қоронги горнинг тўри равшан бўлиб турибди. Қора бобо қошини қўли билан кўтариб, Гуруғлибекни кўриб: — Кел, ўғлим, Гуруғлибек. Мен сенинг Гиротинг йўқотиб излаб юганингни, тоғнинг тубида Юнус билан Мисқол париларнинг руҳини кўргангини, Чилтон, Говсил-Гийёслар билан учрашганингни, Хизир билан олишганингни, зот тиламай от тилаганингни, Чамбил кўргонини кўрдириб, Қирқ йигит тўлаганингни, Райҳон арабдан уч олганингни, тушингда яна ога Юнус пари билан Мисқол париларни кўриб, Қирқ йигитинг билан бу ерларга келганингни биламан. Энди билсанг, Ога Юнус парининг макони Ирамбогида, Мисқол парининг макони Кўҳи Қофда. Иккови бир-бири билан дўсту дугона. Ўзлари ҳам оламда тенги йўқ ягона. Аммо Ирамбогнинг қаерда эканлиги номаълум. Кўҳи Қоф булса, уч юз йиллик йўлда. Ога Юнус парини олган одам, Мисқол парини ҳам олади. Шуйтиб, аввал Ирамбогини топиб, ога Юнус парини олишинг керак. Ирамбогининг қаерда эканлигидан фақат Ҳазрати Хизир нишона бера олиши мумкин. Ҳазрати Хизирнинг бир макони Дайрабоднинг этагида. Сен Дайрабоднинг этагига, Хунхор юртининг кун чиқиш томони Нишопур орқали ўтиб, Исфиҳоннинг нар ёғи бо-

лан айланиб, Дайрабоднинг этагидан тушиб нарёққа  
этаклаб кета берсанг, Ҳазрати Хизирнинг маконига бориб  
қоласан. Ҳеч қўрқмай, бора берсанг, шамолинг унг, — деб  
Қора бобоси Гўруглибекка фотиҳа берди. Гўруглибек Қора  
бобоси билан хушлашиб, Сари бобоси олдига қайтиб, Са-  
ри бобоси билан ҳам хушлашиб, Қирқ йигитлари билан  
ташқарига чиқиб, Холдор маҳрамга: — Энди сен қирқ йи-  
гитни олиб, Чамбилга қайт, — деб бир неча жойдан тимсол  
келтириб, бир суз деди.

Мен кетарман Ирам боққа,  
Жоним дўстим, хуш қол энди.  
Оти бор, номаълум ёққа,  
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Мен кетарман ёрни излаб,  
Нишонсиз манзилни кўлаб,  
Кезарман чулу биёбон,  
Жоним дўстим, хуш қол энди.

Мен кетарман гузал ёрга,  
Нишопур, Сабзаворга,  
Гул жамолли гулузорга  
Ирам отли лолазорга,  
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Мен кетарман Исфиҳонга,  
Ундан ошиб нар томонга,  
Ирам деган бенишонга,  
Чор атрофи гулистонга,  
Жоним дўстим, хуш қол энди.

Излаганим Юнус нари,  
Мисқол сулувлар сарвари,  
Кўксимда ишқнинг ханжари,  
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Эр Хизир менга ёр бўлар,  
Бахт олдидан дучор бўлар,  
Қирқ кундан сунг йулга чиқинг,  
Бек Гўругли қайтиб келар,  
Жоним дўстим, хуш қол энди.

Париларни топиб олиб,  
Душманларим гамга солиб,  
Қайтиб келгум хуррам булиб,  
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Ҳукмрон бул Чамбил бориб,  
Қирқ йигитман мажлис қуриб,  
Мен қайтаман қирқ кун юриб,  
Жоним дустим, хуш қол энди.

Гуруғлибек Холдор маҳрам ва Қирқ йигитга фотиҳа бериб, Чамбилга қайтариб юбориб, ўзи бошқадан Гиротни абзалини маққамлаб олиб, Гиротига миниб, Нишопурнинг кун чиқиш ёғи қайдасан, деб жўнаб кетди.

Ўизилбош юртида ҳали ҳеч ким Гуруғлибекни таниади. Лекин Гуруғлибек усти-боши туркманча булганлиги учун: «Мабодо биров мени туркман деб тутиб олиб, қул қилиб сотиб юборса, нима бўлади. Оғир лашкар булмаса, ҳар қандай қизилбошнинг калласини сабчадай қилиб узиб кета бераман-ов», — деб ҳар хил ўйларни ўйлаб, бир оқшом Нишопурнинг қўрғонининг кун чиқиш томонидаги тубидан гузари тушиб, ёлғиз ўтиб бораётса, шаҳарнинг кун чиқарига қараган дарвозасининг тўғрисида турган бир қизилбош посбон узоқдан биров келаётганини билиб, «Пур-ай, ҳайт», деб қичқирди. Бу шаҳарнинг одатида миршаб боши посбонларга ҳар кеча бир махфий чақирӣқ ва унга берадиган посбоннинг жавобини тайинлар эди. Агар ўткинчи посбоннинг чақирӣғига жавоб бера олмаса, ушланар эди. Агар ўткинчи посбонлардан бўлиб, посбоннинг чақирӣғига жавоб берса, кейин у ўтиб кета беради. Бу кеч посбоннинг чақирӣғига бериладиган жавоб «Ҳа, пуруй» эди. Гуруғлибек бу гапларни нима билсин. Кўнглида «Бу қизилбош бақирӣб, мени барчага маълум қиладиёв», — деб Гиротини тезлатиб бориб, посбонни ўқ узганича қўймай, шартта ханжари билан бошини кесиб ташлаб, дарров Гиротидан ирғиб тушиб, посбоннинг кийимларини шилиб олиб, узининг кийимларини ечиб, тахлаб хуржунига солиб, посбоннинг кийимларини кийиб олиб, худди битта қизилбошнинг сипоҳига ўхшаб қолиб, Гиротига миниб, бораётган йўли билан кета берди. Подшоликнинг иши билан юрган сипоҳи кўп. Ким билан кимнинг иши бор. Шуйтиб, Гуруғлибек Исфиҳоннинг нарёғи билан айланиб, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охири Дайрабодга эниб, Дайрабод сувини ёқалаб, этаклаб, мақсадимга тезроқ етсам, деб шу сўзларни айтиб кетаяпти:

Қодир мавлон йулим очса шу замон,  
Учар қушдай учиб ёрга етишсам,  
Қанот қоқсам лочин булиб тоғларда,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Бадавлатлар суҳбат қураб сояда,  
Қурқултой қуш биқиб ётар уяда,  
От сакратиб ангдай кезиб қияда,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Мен билмайман сулим билан согимни,  
Англамайман борадиган ёгимни,  
Кимга дейман сийнамдаги догимни,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Тушимда кўриниб жилва айлаган,  
Карашмаю нозу ишва айлаган,  
Шундай қип бир мени телба айлаган,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Қодир мавлон қанот берса шу дамда,  
Ирам боққа етиб борсам бир дамда,  
Дайрабод кезаман дарду аламда,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Унгдан бориб эр Хизирга учрасам,  
Ирамга етгунча топмасам ором,  
Гуругли дер, мен бир каллаи хом,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Мақсадга интилган орқа боқмайди,  
Бекерак саллани бошга тақмайди,  
Хизир агар қайт деса ҳам, ёқмайди,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Юнус, Мисқол билмам қандай маконда,  
Борар тушимдами, қайси томонда,  
Қайси бир гулшанда, қайси бўстонда,  
Парвоз айлаб париларга етишсам.

Деб Гуругли нармон эниб боради,  
Оч туйгундай сузиб, дўниб боради,  
Йул азоби гур азоби дейишар,  
Ҳар жафога боши қуниб боради.

Дайрабод сойлари кум-кук бедазор,  
Бедазордан ичкарида чорбоғ бор,

Қаёққа қарасанг, яшил майсалар,  
Шундай жойда баҳра олар кунгиллар.

Беданалар йўлдан учар пириллаб,  
Жар бошида қўрқултойлар қуриллаб,  
Майсазорда тургай ўйнар зириллаб,  
Пита боши қимирласа дириллаб.

Шундай экан, дўстлар, фалакнинг иши,  
Бошига тушганин кўрар ҳар киши,  
Кунлар утиб, охир шуйтиб, ёронлар,  
Ода булди Дайработнинг оқиши.

Денгиз экан Дайработнинг нар ёғи,  
Поёнсиз сув булиб кетди ҳар ёғи,  
Гуруғлибек йўл йўқотган пиллада,  
Куринди чўнқайиб Хизир чорбоғи.

Ана шундай Гуруғлибек йўл йўқотиб, чир атрофи сув булиб, қаёққа борарини билмай турганда, бирден денгизнинг лабгинасида чўнқайган бир тепачанинг устида кичкинагина бир чорбоғчага кузи тушиб қолиб, дарров Гиротнинг жilовини шу чорбоғчага буриб бориб, пастаккина деворидан қараса, чорбоғнинг ичида, бир чорпоянинг устида бир бобой ўтирибди. «Муқаррар бу Хизир», — деб Гуруғлибек Гиротидан тушиб, Гиротининг юганини олиб, кукламга қўйиб юбориб, узи чорбоғчанинг эшигидан айланиб ўтиб, Ҳазрати Хизирнинг олдига бориб, икки қўлини алифлом қилиб салом бериб, адаб билан кўришиб, Ҳазрати Хизир бобосидан илтимос қилиб, Ирам боғининг қаерда эканлигини билдиришни сўраб, зор-зор йиглаб, бир сўз деди:

Тушибдир бошимга ишқнинг савдоси,  
Давосин сўрайман, осон айлагин,  
Юнус, Мисқол кирди бир кун тушимга,  
Уларнинг маконин баён айлагин.

Хизир деб ихлосман тутдим қўлингни,  
Дур тукиб гойибдан очгин тилингни,  
Ошиққа изҳор эт сирру ҳолингни,  
Парилар маконин баён айлагин.

Сузлай берсам ҳар суз келар тилимга,  
Муборак этагинг тутдим қўлимга,  
Қора бобо солди мени йулимга,  
Гузаллар маконин баён айлагин.

Сен айтмасанг, мушкулларим ечилмас,  
Парилар қулидан шароб ичилмас,  
Дармондаман, борар йулим очилмас,  
Жононлар маконин баён айлагин.

Сенинг илминг дарё каби равондир,  
Махфий сирлар замирингда аендир,  
Ирамбоғни излаб ақлим ҳайрондир,  
Ул боғнинг йулларин баён айлагин.

Гуруғли дер, чиқдим туркман элидан,  
Қирқ йигит олдидан, Чамбилбелидан,  
Кунглим баҳра олди баҳор гулидан,  
Гулжамоллар йулин баён айлагин.

Шунда Хизир бобо Гуруғлибекнинг сўзларини хўб майдалаб эшитиб олиб, ундан кейин Гуруғлибекка қараб: — Эй, Гуруғлибек, аввалдан сенга Юнус билан Мисқолни насиб қилган. Эсингда бўлса, чилтонлар горида Говсул-Гиёс узингга айтган эди. Энди қандай бўлса ҳам бир баҳона билан шу Юнус, Мисқол париларни сен олишинг керак. Шуйтиб, билсанг, Ирам боғи ҳам бир бўлак дунё. Ирамбоғининг ичида ҳам араб, ажам, фаранг, урус, чурчут, армани, тожик, ҳинду, хитой, хўтан, қизилбош, туркман, қозоқ, қалмоқ-баридан бор. Ҳозир Ирам боғида Шоҳжаҳон деган подшоси бор. Бутун Ирамга, яъни Ирам дунёсига бир ўзи шаҳаншоҳ. Ўзи туркман, уруги така. Ога Юнус пари шу Шоҳжаҳоннинг қизи. Мисқол пари Қуҳи Қоф подшосининг қизи. Ога Юнус пари билан дўст. Ҳар пилла Ога Юнус парини олсанг, Мисқол парини ҳам оласан. Ирам боғини излаганинг билан топа олмайсан. Фақат бир гордан борса, бўлади. У горнинг оғзида шайтоннинг набираси ётган бўлади. Исми Фарқис дев. Икки бошли аждарҳога ухшаган, шум баччагар. Ирам боғининг исини олиб, ўша горни уя қилиб олган. Лекин Ирам боғига ўтишга танаси сигмайди. Сен бориб ўша Фарқис девни ўлдирсанг, Ирам боғига шу гор билан ўтиб боришинг мумкин. Таваккал қилиб йўлга туш. Шу кетиб бораётган бир тўда каптардан кўзинг адашмасин. Лекин дев билан урушсанг, кўзидан ур, — деб Хизир бобоси Гуруғлибекка яна бир неча сипоҳилик ҳунарларидан ҳам ўргатиб, оқ фотиҳа бериб жўнатди.

Гуруғлибек чорбоқчадан чиқиб, Гиротини миниб, учиб бораётган бир тўда каптарларнинг орқасидан ҳайдаб кетди. Жонивор Гиркук ҳам энди таваккал йулига туш-

ганини билиб, ерни тирнаб-тирнаб, ҳалқуми гариллаб, шамолдай шариллаб, ердан қирқ газ баландга кўтарилиб, парвоз айлаб кета берди. У ёқларда жазирама иссиқ экан. Шунда Гўруғли ҳам, Гиркўк ҳам ёмон ташна бўлиб бораётир. Маякдай чўл, Гирот шунча учгани билан ҳеч бир ободлик ерга етмайди. Шунда узоқдан бир булут кўриниб, шу булутдан салқинлик сезиб, баҳра олган Гирот бурилиб, шу булут томонга ҳайдай берди. Бир пилла булут ҳам яқинлашиб, каптарлар ҳам шу булутнинг орасига кириб йўқолиб, шалдир-шулдир пуштагини қоқиб, булут ёмғир қўйиб, Гўруғлибек ҳам отини дарров бир тепанинг устида тўхтатиб, отдан тушиб, қумтепадан бир ҳовузча ясаб, ҳовузчага ёмғир суви тўлиб қолиб, шу ҳовузчадаги сувдан мис чойдишни тўлдириб олиб, қолганига Гиротни сугориб қондириб олди. Ҳа демай ёмғир ўтиб кетди. Энди Гўруғлибекнинг ҳам чойнак, ҳам чойдиш ҳисобида олиб юрган чумоқли мис чойдиши сувга тула эди. «Энди бир дам олиб, чой ичиб, чилим чекиб олмоқ керак», — деб Гўруғлибек ўтин териб келиб, уч дона тошдан ўчоқча қилиб, олов ёқиб, чой қайнатиб олиб, хуржиндан иккита сут кулча чиқариб, таркашдан чинни пиёлани олиб, кайф қилиб овқатланиб, чойга қониб олиб, ундан кейин халтасидан пичи оқ тамакини олиб, чилимнинг сархонасига солиб, қизил чўқлардан сархонага ташлаб, хилпиллатиб-хилпиллатиб чекиб олиб, кайфини қондириб, кўнглини тиндириб, чойнак ва чилимни қоқиб хуржинига солиб, Гиротини бошқадан қашлаб, абзаллаб олиб, Гиротига миниб, бир-икки сойдан ошиб, бир катта тепага чиқиб қараса, нар ёқда бир тоғ бор экан. Шу тоғнинг ўнгирида ётган Фарқис дев одамзоднинг исини олиб, чиқиб кела берди.

Ҳайбати дарёдай тошиб келади,  
Қирлардан қиялаб ошиб келади,  
Одамзоднинг исин олиб баччагар,  
Оғзин очиб, тоғдан тушиб келади.

Тўрт оёқли, икки бошли баччагар,  
Турқига қарасанг, мисли аждаҳор,  
Олов қип сочади оғзидан заҳар,  
Ҳар силтаниб етмиш қадам йўл босар,  
Ғариллаганига тоғу тош титрар.

Ҳар кузи тобоқдай, олов сочади,  
Наърасига тоғу тошлар кўчади,

Шамолидан куз-қулоқлар шариллаб,  
Ҳеч ерда тухтамай берман қочади.

Тирноқлари ер бетини тилади,  
Тупроғига жарлар тулиб қолади,  
Дарвозадай оғиз очиб баччагар,  
Оч офатдай берман қувиб келади.

Парқиллаб жонивор Гиркўк ҳурқади,  
Кузлари пир-пирлаб жуда қўрқади,  
Қараса, келади ёмон бир махлуқ,  
Гуруғлибек зангар дейиб боқади.

Садогидан дарров тўртга ўқ олди,  
Иккисин тайёрлаб панжага солди,  
Бирини тишлади, бирин ёронлар,  
Ўқ-ёйининг гирдишига жо қилди.

Бирин-бирин отди Фарқис кўзига,  
Девнинг қони оқиб тушди юзига,  
Кузидан айрилиб энди баччагар,  
Ҳоври паст бўп қайта берди изига.

Шунда Гирот ҳам, Гуруғлибек ҳам узини унгариб, юракларини босиб олиб, Гуруғлибек девнинг орқасидан етиб, ханжари билан уч-тўрт жойидан уриб, девнинг ишини тамом қилиб, унгирининг ичи билан Гиротни ҳайдаб, минг қадамча чамаси юриб, бир ёқда нимкалагина ёруғлик борлигини билиб, яна бир оз Гиркўкни ҳайдаб, горнинг у ёқдаги оғзидан чиқиб қолди. Гуруғлибек шундай қараса, нарироқда бир катта ариқ сув оқиб бораёпти. Ариқнинг нар ёғида бир кичкинагина ҳовлича. Ҳовличанинг ичида гулхайри ва қабоқлар ўсиб гуллаб ётибди экан. Гуруғлибек: «Эй, бу ерларда эл бор экан», — деб шундай Гиротнинг жиловини буриб ҳовличага ўтса, ҳовличанинг нарёғида бир катта кўча бор экан. Кучанинг нарғи тўғрисида бир катта дарвоза очиқ турган экан. Гуруғлибек шундай дарвозадан ичкарига кириб, оғзи очилиб ҳайрон бўлиб қолди. Қараса, тутлар пишиб, тағига тушиб, гуллар очилиб, тўкилиб, сочилиб ётибди. Деворларга қараса, бир гишти тилладан, бир гишти кумушдан, ерларига мушқу анбар сепилган, бир хил дарахтларнинг кундаси тилладан, шохаси кумушдан, барглари зағфирондан, чумак ниллардан бўлса, шираю шарбатлар чиқиб турибди. Гуруғлибек отидан тушиб, мевахўрлик қи-

ла берсин, энди гапни Юнус, Мисқол парилардан эшитинг.

Гуруғли Чамбилда туш кўрган кечаси Мисқол пари Кўҳи Қофдан Оға Юнус париникига қидириб келиб, оға Юнус билан иккови бир жойда ётиб, улар ҳам тушларида Гуруғлибекни кўриб, ошиқ бўлган эдилар. Шундан бери бир неча кун утиб: «Бизлар тушимизда кўриб, ошиқ бўлган одамзод Ирам богда сизлар билан топишаман, деган эди, нега энди у келмайди», — деб Юнус, Мисқол парилар шу сўзларни айтди:

Келаман, деб йулга илҳақ айлаган,  
Бир кун уйқумизда бизга сўйлаган,  
Созин чертиб, муқом ташлаб куйлаган,  
У савлатли Султон нега келмади?

Қиёдан қараши жуда ҳам қатти,  
Уқдайин санчилиб, диллардан утди,  
Ун олти кун балки зиёд буп кетди,  
Бунда бўлиб, меҳмон нега келмади?

Йигитни маст этар жонон адоси,  
Сувда чайқалгандай райҳон тудаси,  
Бугун эди анинг келар ваъдаси,  
Ул офатижон нега келмади?

Қора қошлар қалам бўлиб қийилмиш,  
Ярашиққа кўкиш холлар қушилмиш,  
Биздайларга алҳаваслар қойилмиш,  
Тушда кўрган уғлон нега келмади?

Раҳматулла бизни кўриб юрибди,  
Кўркимизга жило бериб юрибди,  
Муҳаббат нашъасин суриб юрибди,  
Ул куйлаган дoston нега келмади?

Раҳматулла бизни езиб юрибди,  
Қиссамиздан дoston тузиб юрибди,  
Таъриф айлаб ҳар бир деган сўзлари  
Эл устида учиб-кезиб юрибди.

Раҳматулла ака бизни билади,  
Шуйтиб қушиқ ичра таъриф қилади,  
Аввалдан ҳам гўзал эди кўркимиз,  
Мақтагансai яна гўзал бўлади.  
Шу қушиқдан кимки олса нишона,  
Ирам богни осон топиб олади.

Мисқолжон, дол бўйинг менгзайди гулга,  
Ул углон келмаса, тушармиз йўлга,  
Парвоз айлаб ўхшаб шайдо булбулга,  
Ваъда берган полвон нега келмади?

Юнусжон, булибман ажаб паришон,  
Кийибмиз хилладан қирмизи алвон,  
Келармикан, келмасмикан у углон,  
Суюкли меҳрибон нега келмади?

Худди шунда Гўрўглибек мевага тўйиб, Ирам богнинг деворининг тубига бориб, эшигининг қамоқли эканини куриб, Ирам богининг сирти шундай яхши, ичи қандай экан, деб турди. Ичкарида Ога Юнус пари билан Мисқол парининг қирқтадан саксонта канизаги сайил бог айлаб юрар эди. Гўрўглибек худди шунда бир дарахтнинг тагида жуда йигитлик авжига миниб, созини чертиб, шу сўзларни деб ўтирар эди:

Созу суҳбат айламакка  
Ҳамдам керакдир йигитга,  
Кеча-кундуз мунисликка  
Жонон керакдир йигитга.

Атвори мулойим хўйли,  
Жамоли қуёшли-ойли,  
Кенг қучоқли, баланд бўйли,  
Дилдор керакдир йигитга.

Боғу бўстон кунгил шоди,  
От бўлур одам муроди,  
Асли барно паризоди,  
Бир ёр керакдир йигитга.

Товус бўлиб товланмоққа,  
Қуша кунгил овланмоққа,  
Тирикликка бовланмоққа  
Рўзғор керакдир йигитга.

Гўрўглибек булди беҳол,  
Бир қуриниб Юнус, Мисқол,  
Канизлари, бир хабар ол,  
Меҳрибон керакдир йигитга.

Шунда Гўрўглибекнинг бу сўзини канизаклар эшитиб қолиб, барчаси қайтиб бориб, канизакларнинг тилидан

Оқчагул дегани бориб, Юнус парига қараб, кўрганларини айтиб, бир сўз деди:

Паризодим, эшит арзу сўзимни,  
Ирамнинг ортига биров келибди,  
Қушиқ айтиб, қилиб оҳу фигони,  
Магарам бир сенга шайдо бўлибди.

Булбул каби хушдир анинг овози,  
Овозига журдир қулида сози,  
Узоқдан келганга ўхшар парвози,  
Богчанинг сиртига биров келибди.

Уз шовқинда турфа-турфа сўзлайди,  
Магар шунда йўқотганин излайди.  
Қушиги мақолдор, баланд парвозли,  
Билмам қандай барно қизни кўзлайди,  
Деворинг сиртига биров келибди.

Овозин одамзод деса бўлади,  
Одам бўлса, бунда қандай келади,  
Ё билмайман, келиш йулин билади,  
Ирамнинг сиртига биров келибди.

Сенга арзин айтар мендай гажакдор,  
Мени қилма бу сўз учун гуноҳкор,  
Хабар бердим, энди ўзинг биласан,  
Иш қилиб далада бошқа бир гап бор,  
Богингнинг сиртига биров келибди.

Оқчагул дер айтмаган сўз қолдими,  
Ё билманам, менга бир гап бўлдими,  
Қулогимга бошқа сазо келдими,  
Богингнинг сиртига биров келибди.

Паризодим, сенинг ҳуснинг ягона,  
Ягона ҳуснингга Мисқол дугона,  
Иккингиздан узим булай парвона,  
Деворнинг сиртига биров келибди.

Ана шунда оға Юнус пари Мисқол парига қараб, табассум қилиб турганда, Мисқол пари оға Юнус парига қараб: — Мабодо тушимизда кўрган йигит бўлмасин. Юнусжон, Оқчагулни юбор, Ирам богнинг сиртидан бир хабар олсин, — деб шу сўзни айтди:

Оқчагулга амр этсанг-чи, Юнусжон,  
Даладаги меҳмон бизга бўлмасин,  
Қуриб келсин кимлигини билайлик,  
Бизнинг меҳмон булса хизмат қилайлик,  
Ирамбоғ ичига олиб келайик,  
Даладаги углон бизга бўлмасин.

Оқчанинг қуриydi оғиз сўлаги,  
Чайқалар гул билан Ирам йулаги,  
Меҳмонимиз булса кўнгил тилаги,  
Келиб турган меҳмон бизга бўлмасин.

Баҳрим очилади боғда лоладан,  
Мушку анбар анқиб келса қаладан,  
Оқча чиқиб хабар олеин даладан,  
Ташқа<sup>1</sup> келган меҳмон бизга бўлмасин.

Сенга сўзлаб турар мендайин пари,  
Ўзингсан Ирамда ҳўблар сарвари,  
Юзинг офтоб, Мисқол кўзинг миштари,  
Сиртга келган меҳмон бизга бўлмасин.

Сендан сураб турар мендай гажакдор,  
Кўҳи Қоф юртида ўзим номидор,  
Меҳмон жамолига Мисқол интизор,  
Қўшиқ айтган меҳмон бизга бўлмасин.

Бу сўзни ога Юнус пари Мисқол паридан эшитиб: —  
Ҳа, қургур, жуда буй етиб, энди айниб бораяпсан. Сенга  
қолса, куча-кўйда сангираган, ҳангираганларни чақириб,  
базму муҳаббат қила берса-да. Оқчанинг бемаза таърифи-  
га ишонмай ўл-да. Бир бу бўлса, ўзи бир ёр-гамгузор  
топмай, ўлиб юрган шаллақи-да, — деса, Мисқол пари  
аччиқланиб, ога Юнус парининг сўзини кесиб: — Ҳа,  
биламан сени. Сен мендан ўша тушимизда кўрган углон-  
ни рашк қилаяпсан. Ол эмаса, ўзинг ўша углонни чақир-  
иб ола бер. Мен энди сенинг билан дўст бўлмайман.  
Канизақларим, чоқ бўлинглар, энди Кўҳи Қоф кетайин,  
— дей берди. Шунда Ога Юнус пари: — Ҳе, кетсанг, кет.  
«Индамангиз калга, ўзи келар ҳалга», дегандай араз ур-  
ганингга ўзинг пушаймон еб қоласан, деяпти. Лекин  
Мисқол пари шаштидан тушмай, қирқ канизагини тўп-

---

<sup>1</sup> Ташқарига.

лаб, ўзи билан қирқ бир каптар бўлиб, Кўҳи Қофга қараб, фалакка парвоз қилиб учиб кетди. Аммо ога Юнус пари шордан тушиб, Оқчагулни олдига чақириб: — Қани, ташқаридан бир хабар ол-чи, келган одамзод ким экан, — деб Оқчагул канизига қараб, бир сўз деди:

Ташқаридан хабар ол-чи, Оқчагул,  
Ажойиб сўйлаган одам ким экан,  
Мақтайсан билгандай, тоза мақтайсан,  
Соз чалиб куйлаган одам ким экан?

Чиқиб билгин асли усган элини,  
Тилар экан Ирамнинг қандай гулини,  
Каззоб бўлса, тутиб кесгин тилини,  
Ажойиб сўйлаган одам ким экан?

Сўра аҳволини, баён айласин,  
Саргузаштин сенга дoston айласин,  
Кимлигин очиқча аён айласин,  
Соз чалиб куйлаган одам ким экан?

Кўриб келинг унинг қадди-бастини,  
Қандай билмиш йўлнинг баланд-пастини,  
Билса, келмиш кимнинг қилиб қасдини,  
Ажойиб куйлаган одам ким экан?

Доно бўлса, хуррам қилиб кулдиргин,  
Ширин сўзлар билан кўнглин тулдиргин,  
Кимлигини аввал менга билдиргин,  
Соз чалиб куйлаган одам ким экан?

Бидирмоқ толгирдир тоғларнинг тоши,  
Қийиқдир бир неча санамнинг қоши,  
Оқчагул, Юнуснинг бўлгин сирдоши,  
Бор қани, куйлаган одам ким экан?

Бу сўзни олға Юнусдан Оқчагул канизини эшитиб, қочиниб-нетиб, Ирам богнинг ички ҳалқасини тортиб, дарвозани очиб, ташқарига чиқиб қолди. Шунда Гўрўглибек қараса, Ирам богнинг дарвозасини очилиб, бир узун сочли, чикка бел, қалам қошли, оқ қовоқ, оқ камзулли, михчали кавушли, енгилнамо канизак чиқиб келаяпти. Гўрўглибек бу канизакни кўриб: «Воҳ Юнус, Мисқол париларнинг канизини шундай, ўзи ким қандай», — деб канизакка қараб, муртини тоблаб уч бураб, Юнус билан Мисқолни сўраб, бир сўз деди:

Жамоли ой, қадди барно канизак,  
Ирам ичра қуш парини кўрдингми,  
Бошдан оёқ тула, зебо келинчак,  
Шунда ҳублар сарварини кўрдингми?

Бирининг ноз ичра кўзлари тикка,  
Бирининг белидир толмали чикка,  
Ҳабар бер алардан мендайин бекка,  
Бог ичинда қуш парини кўрдингми?

Бирининг оёқдан-боши келбатли,  
Бирининг атвори малак сифатли,  
Ҳар кўнгилга меҳрин ёди ифбатли,  
Ичкарида қуш парини кўрдингми?

Бирининг боққанда кўзи сузилмиш,  
Бирининг ишқига жонлар узилмиш,  
Азалда ўзлари менга ёзилмиш,  
Ирам боғда қуш парини кўрдингми?

Бирининг оқ юзи ойдай балқийди,  
Бирининг оққули, қоши қалқийди.  
Тиниқлиги тиниқ сувдай чалқийди,  
Гул сайрида қуш парини кўрдингми?

Бирининг лабида қорача холи,  
Бирининг биридир худди мисоли,  
Қуша офтобдайин кўрки-жамоли,  
Ичкарида қуш парини кўрдингми?

Ҳар иккови уйқум ичра кўринди,  
Шу ёққа талпиниб кўнглим уринди,  
Нозли каниз, курсанг, хабар бер энди,  
Шу гулбоғда қуш парини кўрдингми?

Гўрўгли Хизирдан топди башорат,  
Ирамнинг йулига қилди ишорат,  
Эна қиз, дулта қиз, буйларинг жаннат,  
Хабар бергин, қуш парини кўрдингми?

Бу сўзларни Оқча каниз Гўрўглибекдан эшитиб, кўзи-ни сузиб, ўзини тузиб, чиккабел булиб, мийигида кулиб, дуррачасининг бир учини тишлаб, уялган бўлиб, бир дарахтнинг танасига ярим танасини тортиб, ерга қараб, маликам шу Ирам боғида, деб баён қилиб, бир сўз деди:

Мен буламан Юнус пари канизи,  
Хотиржам буп туринг, узи шу ерда,  
Бориб туриб сиздан хабар берайин,  
Рухсат берса, кейин олиб кирайин,  
Бу гапларни яхшиликка йурайин,  
Шунда тухтаб туринг, пари шу ерда.

Қиш чиллада нор туялар маст булар,  
Бунда келган сиздай найзадаст булар,  
Шаштингиздан мендай жонон паст булар,  
Бир оз тухтаб туринг, пари шу ерда.

Бир неча санамнинг қобоги дурдай,  
Сизга сузлаб турган мендаин ҳурдай,  
Сизни билай деди, маликам суради,  
Гартак тухтаб туринг, пари шу ерда.

Хизматига ҳаялламай қайтайин,  
Бориб туриб унга сизни айтиайин,  
Ҳар на деса, келиб баён этайин,  
Кутиб тухтаб туринг, пари шу ерда.

Сузин тамом этсин мендай гажакдор,  
Ҳар кун сайилгоҳим Ирамдай гулзор,  
Бош канизидирман, хизматга тайёр,  
Бир оз тухтаб туринг, пари шу ерда.

Паризод орқасига қайтиб кета берди. Гурӯғлибек бу чиройли, қадди расо, узи барно канизакнинг яна қайтиб дарвозадан ичкарига кириб кетганини, дарвозани ичидан қалқа утказиб беркитганини билиб, бу пари канизакнинг сүзидан Гурӯғлибекни билиб кетгани, кейин бориб маликасига айтгани кетганига тушиниб, дарвозага яқин бир дарахтнинг тубида ўтириб турди. Оқчагул ога Юнус парининг олдида бориб, Гурӯғлибекни таъриф қилиб, бир сўз деди:

Одамзод элидан биров келибди  
Ирам боғдан бир тоза гул узгани,  
Магар ҳам ўзингга шайдо булибди,  
Келмиш жамолингдан бўса узгани.

Жамолингни уйқусида курибди,  
Куриб туриб тоза кунгил берибди,  
Карам қилсанг, сиртда қараб турибди,  
Келибди ҳуснингдан бир бол узгани.

Хизир бобо раҳбар бубди йулларда,  
Сунадай кезибди ойдин кулларда,  
Қиё боқса, акси қолар дилларда,  
Келибди бир сенга қадаҳ сузгали.

Гуругли деб баён этди исмини.  
Мен билмайман одатини, расмини,  
Йулингга ошиқлик деди касбини,  
Келибди сениман боғда кезгали.

Оқчагулнинг ақли кетди, лол бўлди,  
Оқ юзга ярашган кичик хол бўлди,  
Чеккангга осилган райҳонгул бўлди.  
Келибди чеккангдан бир гул узгали.

Бу сўзни Оқчагулдан ога Юнус пари эшитиб: — Бул-маса, у одамзодни қошимга келтир. Қани, таърифлаганингча бормикан, — деб Оқчагул канизга қараб, марғулини бураб, зулфини тараб, биқинини тираб керилиб, ойнага қараб, лабини тишлаб, кўнглини хушлаб, бир сўз деди:

Ирамбоғда искамакка  
Кукатлар ялпизи яхши,  
Турли алвон ранг ичинда  
Нопармон қирмизи яхши.

Йигит кўнглин эритмакка,  
Айтганига юритмакка,  
Кайф-сафога доритмакка  
Бизнинг элнинг қизи яхши.

Оқчагул бор, келгин бошлаб,  
У меҳмоннинг дилин хушлаб,  
Ёрнинг сочин белга ташлаб  
Ишва қилган кези яхши.

Оқчагул, бор, бунда келсин,  
Барчамизни хуррам қилсин,  
Бизнинг билан ҳамдам бўлсин,  
Гаплашмакка ўзи яхши.

Юнус уни тушда курган,  
Ишқибози бўлиб юрган.  
Меҳмонининг келиб турган  
Туттиёдай изи яхши.

Бу сўзни Оқчагул Юнус паридан эшитиб, таъзим қилиб, йўргалаб орқасига қайтиб келиб, дарвозанинг ҳалқасини тортиб, дарвозани очиб, ташқарига чиқиб, дарров Ғуруғлибекни имлаб чақирди. Бетоқат бўлиб утирган Ғуруғлибек дарров Ғиркукка миниб, канизакнинг орқасидан тушди. Бир пилла Ғуруғлибек ичкарига кирса, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бир манзилгоҳ, ҳеч қўйинг, гуллар очилган, тути, булбул, қумрилар сайраган, товуслар таралган, бутун атроф кум-кўк, дарахтлар ва анвойи гуллар билан ўралган, ҳамма ёқдан ипор анқиб ётибди. Бундай жойларга келгандан кейин жонивор Ғиркўк адаб билан бир мақомга солиб юради. Канизак бўлса, поядан пояга, боғчадан равоқчага, равоқчадан токчага, токчадан чорбоғчага, ундан йўлкага, йўлкадан қўшқи айвонларга қараб, миҳчали ковушни тирсиллатиб, Ғуруғлибекни бошлаб бораётир. Бир катта кўлдай бир ерда бир олий айвон бор экан. Бу айвон Ога Юнус парининг утирган жойи эди. Ога Юнус парининг қирқин канизаклари Ғуруғлибекни бардор-бардор қилиб, отидан тушириб олиб, Ога Юнус парининг олдига ўтқаздилар. Ғуруғли ҳам қарчигай нопармон баргли дарахтнинг шохасига қўнгандай, Ога Юнус пари билан куришиб утирди. Шунда Ога Юнус пари кўзини сузиб, ўзини тузиб, гажак бел бўлиб, ойдай тўлиб, Ғуруғлибекка қараб, Ирам боққа нима сабабдан келганлигини сўраб, биқинига қўлини тираб, лабини буриб, қошини кериб, узини танимамишга солиб, бир сўз деди:

Қарчигай келбатли, эй, барно йигит,  
 Бу ерларга кимни излаб келасан,  
 Жавоб бер сўзимга, азиз меҳмоним,  
 Ирамбоққа кимни излаб келасан?

Тарзингга қарайман нодон боласан,  
 Ҳали очилмаган боғда лоласан,  
 Бу гулшанга келиб нима қиласан,  
 Бу ерларга кимни излаб келасан?

Бўз йигитсан, ҳар дам тошиб тўласан,  
 Мен билмайман қай элатдан буласан,  
 Аввалдан ҳам кўрибимидинг ўзимни,  
 Юнус дейсан, уни нима қиласан,  
 Ирам боққа кимни излаб келасан?

Бу ерларга келган нобуд бўлади,  
 То қиёмат шу манзилда қолади,

Бунга жондан умид узган келади,  
Бу ерларга кимни излаб келасан?

Ўизил гулнинг булар утқир тикани,  
Ўонатади агар тақса чакани,  
Бу ер булса париларнинг макони,  
Ирам боққа кимни излаб келасан?

Айтгин менга, ниятингни билайин,  
Ишласанг, хизматга қабул қилайин,  
Агар булсанг бир гизангар бемаза,  
Ҳалокатнинг зиндонига солайин,  
Бу ерларга кимни излаб келасан?

Мени билсанг, париларнинг подшоси,  
Жамъи ҳубларнинг бир бебаҳоси,  
Курким сулувлиқда фалакнинг моси,  
Бу ер эмас одамзоднинг маъвоси,  
Ирам боққа кимни излаб келасан?

Шунда Ғуруғлибек бу сўзни Оға Юнус паридан эшитиб, уз дарду ҳолини баён қилиб, оға Юнус парига қараб, бир сўз деди:

Жамолинг ухшаса осмонда ойга,  
Ўошларинг менгзаса тортишма ёйга,  
Қайрилиб боқсанг-чи мен каби бойга,  
Ўилмишинг ёқами сира худойга.

Ешлигимда отга кунгил берганман,  
Бир кун от йуқотиб излаб юрганман,  
Ой Юнусжон, Мисқол билан узингни,  
Кир ювган суратда шунда курганман.

Чамбилда бир кеча кўрдим тушимда,  
Мисқолман эдинглар анда қошимда,  
Кулиб гамаза айладинглар бошимда,  
Ҳали узим йигирма бир ешимда.

Буйларинг буйимга муносиб тушмиш,  
Сизларни узимга азалда қушмиш,  
Бир кеча бординглар, уйгонсам тушмиш,  
Оламда ошиқлик ажойиб ишмиш.

Мисқолингман чоқ бул Чамбилбелига,  
Шодлана қайтайлик Ёвмит элига,  
Туркман эли муштоқ Ирам гулига,  
Ҳамдам булгин энди Равшан улига.

Бу сўзни ога Юнус пари Гурўглибекдан эшителиб, бир неча жойдан тимсол келтириб, маргулини тараб, зулфини бураб, Гурўглибекка қараб, бир сўз деди:

Ошиқлик даъвосин қилма, одамзод,  
Одамзод тез этар вафосин барбод,  
Ирамбоғ қизлари барчаси озод,  
Вафоси йуқ, бевафога тегмайди.

Одамзод аёлин қиларлар банда,  
Бир хиллари заҳар солғич газанда,  
Ирамнинг қизлари яйрар чаманда,  
Вафоси йуқ, бевафога тегмайди.

Одамзод аёлин уриб хор этар,  
Беркитиб, шамолга, нурга зор этар,  
Ирам қизи севганини ёр этар,  
Вафоси йуқ, бевафога тегмайди.

Одамзод аёлга бермас ихтиёр,  
Аларнинг аёлга деса кунгли тор,  
Ирамнинг қизлари озод, бахтиёр,  
Вафоси йуқ, бевафога тегмайди.

Одамзод аёли эрига чўри,  
Суроқсиз иш қилса, узининг шури,  
Ирамнинг қизлари биҳиштнинг ҳури,  
Вафоси йуқ, бевафога тегмайди.

Одамзод аёлга қилади жанжал,  
Хотиннинг юргани гуноҳ ва увол,  
Одамзодни демас Юнусман Мисқол,  
Вафоси йуқ, бевафога тегмайди.

Гурўглибек ога Юнус парининг бу сўзига жавоб бериб, бир сўз деди:

Нозли, карашмали, созли паризод,  
Жонимдан ҳам ортиқ севганман сени,  
Чамбилга обориб узинг хон қилиб,  
Хизматинг қиламан деганман сени.

Чамбилбелга элтиб, узинг хон қилиб,  
Балки танам ичра азиз жон қилиб,  
Ўзимни ўзингга меҳрибон қилиб,  
Хизматинг қиламан деганман сени.

Чамбилбелга юргин, бирга буламан,  
Бундагингдан зиёд азиз қиламан,  
Ошиқман, ишқингда тошиб-туламан,  
Жонимдан ҳам ортиқ суйганман сени.

Бошингга кийганинг олтин удага,  
Сени олсам шуқур этаман худога,  
Дол буйингдан ҳар дам булиб садага,  
Хизматинг қиламан деганман сени.

Қиё боқмай банди-бугним бушатма,  
Сарсон айлаб суюгимни қақшатма,  
Суюшимни бул ҳавасга ухшатма,  
Жонимдан ҳам ортиқ суйганман сени.

Чамбил борсам, қирқ йигитим хизматда.  
Буладирсан оғалиқда иззатда,  
Қурбонинг буларман, жоним, албатта,  
Хизматинг қиламан деганман сени.

Бирга юргин, Гуруғлини зор этма,  
Ўлдим-булдим, мунча интизор этма,  
Ҳар алҳавас номардини ёр этма,  
Жонимдан ҳам ортиқ севганман сени.

Бу сўзни Гуруғлидан эшитиб, оға Юнус пари гулдай очилиб: — Баракалла, Гуруғлибек, мен сени синамоқ учун шунчаки ҳазиллашган эдим. Таги кўнглингга қаттиқ олиб юрма. Менинг отам Шоҳжаҳон ўз ихтиёримни узимга бериб қўйибди. Кимни хоҳласам, тега бераман. Билсанг, мен ҳам сени олдиндан тушимда кўриб, Мисқол дугонам билан бирга сенга ишқибоз бўлиб юрган эдик. Аммо Мисқол пари Кўҳи Қофга ҳозиргинанинг узида мендан араз уриб кетди. У девни юбориб сени мендан олиб қочиб кетмоқчи булдию, лекин Ирамбоққа дев келса, қаноти куйиб кетишдан қўрқиб, рашки ёмон, ўлгир ҳозир оёғи куйган товуқдай Кўҳи Қофда типирчилаб юрибди. Энди сен созингни олгинда, Мисқолойни чақириб, бир сўз дегин. Ўлгурнинг қулоғи жуда соқ. Кўҳи Қофда булса ҳам, эшитиб етиб келади, — деди. Шунда Гуруғлибек созини қўлига олиб, бир мақомга чалиб, Мисқол парини чақириб, бир сўз деди:

Кўҳи Қофлик Мисқол пари,  
Ирам боққа етиб келгин,

Шу фурсатда ёлгиз узинг,  
Ҳузуримга етиб келгин.

Жавоб бериб девларингга,  
Қуйиб юбор товларингга,  
Сайр айласин сувларингга,  
Ёлгиз узинг етиб келгин.

Ога Юнус бунда ёрим,  
Сен ҳам келгин кўз хуморим,  
Сени куйлаб чалар торим,  
Тезроқ бунда етиб келгин.

Висолингга харидорман,  
Дол буйингга талабгорман,  
Йўлгинангга интизорман,  
Дарҳол бунда етиб келгин.

Куҳи Қофда Мисқол пари,  
Узинг жононлар сарвари,  
Гуруглининг сен хуштори,  
Нозлар қилиб етиб келгин.

Ирам боғнинг кўшкида туриб Гўруғлибекнинг айтган сўзини Мисқол пари Куҳи Қофда туриб эшитиб, тўрт юз тўқсонга гобон девларни олдига чақириб, уларга Куҳи Қоф юртини топшириб, ўзи абил-ғубил кийиниб чоқ бўлиб, чақмоқдай оқиб, парвоз қилиб бир дақиқада Ирам боғига келиб қуниб, ога Юнус парининг орқасидаги дарчадан кириб, ога Юнус дугонасининг эғнидан ушлаб, лабини тишлаб, Гўруғлибекка салом бериб турди. Ундан кейин Гўруғлибек қанқайиб ўрнидан туриб, муроду мақсадига етиб, унғ қўли билан Ога Юнус парини, чап қўли билан Мисқол парини қўлтиқлаб, Ирам боғнинг гулларини оралаб кетди.

Шўйтиб, Гўруғлибек Ога Юнус пари билан Мисқол парини ёр қилиб, мурод-мақсадига етди. Энди Ога Юнус пари Ирам боғининг хил-хил мевалари билан, гулгун шароб, шаҳду шакар, қанту қандолатлари билан, қуш кабоблари билан зиёфатлар қилди. Шу орада Мисқол пари ҳам Гўруғлибекни Ирам боғидан ташқари чиқариб, девларини чақириб, Гўруғлибекни кутарғизиб, Куҳи Қофга олиб бориб, бу ҳам сих кабоблар, барра гуштлар ва турли хил Куҳи Қоф мевалари билан шароблар ичириб, меҳмон қилиб, яна қайтариб келтирди. Ога

Юнус пари Гуруғлибекка Ирам богида яшай берсак, деб курди. Аммо Гуруғлибек сира кунмаганидан кейин ога Юнус пари Шоҳжаҳондан розилик олиб, Шоҳжаҳон ҳам Гуруғлибек куёвини бир кун зиёфат қилиб, жавоб берди. Шуйтиб, ога Юнус пари канизаклари билан хушлашиб, Чамбилга Гуруғлибек билан қайтмоқчи була берди. Мисқол пари орқаларингдан ҳар пилла учиб етаман, деб Куҳи Қофга қайтиб кетди. Гуруғлибек Гиркукка ога Юнус парини мингаштириб, Чамбилга қайта берди. Йулда келаётиб, ога Юнус пари Гуруғлибекнинг жонига тегиб, пулинг купми, ёки камбагалсанми, деб шу сўзни айтди:

Куш парини олган йигит,  
Ҳамён тула пулинг борми,  
Бирин-бирин баён этгин,  
Бисотингда молинг борми?

Кунгилларни хушламоққа,  
Ҳар боватга бошламоққа.  
Хизматингда ишламоққа,  
Чуринг билан қулинг борми?

Тўти, булбул учирмоққа,  
Тоза даврон кечирмоққа,  
Баҳру дилни очирмоққа,  
Богча тула гулинг борми?

Давру даврон кечирмоққа,  
Эл кундириб кучирмоққа,  
Зиёфатга ичирмоққа,  
Қозон тула болинг борми?

Кайфу сафо кетирмоққа,  
Бадан терин қотирмоққа  
Юнус, Мисқол ўтирмоққа,  
Сув буйинда толинг борми?

Ога Юнус парининг бу сўзини эшитиб, Гуруғлибек аччиқланиб:— Одамнинг қадри пул билан, мол билан бўлмайди. Йигит гоҳида пулли бўлади, гоҳида бўлмайди,— деб ога Юнус парига бир сўз деди:

Йигит деган бирдай булмас,  
Пулли булар, пулсиз булар,  
Ҳамиша бирдай тошиб-тулмас,  
Молли булар, молсиз булар.

Давлат тириклик зийнати,  
Мол эмас инсон ҳурмати,  
Соғлик йигитлик қиймати,  
Ҳалол булса эр нияти,  
Пулли булар, пулсиз булар.

Ҳисоб эмас киши тоши,  
Соғ йигитнинг бахт йулдоши,  
Бут булса нон билан оши,  
Соғ булса одамнинг боши,  
Молли булар, молсиз булар.

Соғ булсин йигитнинг тани,  
Эсон булсин ширин жони,  
Тиркалиб утган замони,  
Киши ёнинда ҳамёни,  
Пулли булар, пулсиз булар.

Тақдирига қунар банда,  
Баланди паст ҳар маконда,  
Гуруғли булса омонда,  
Молли булар, молсиз булар.

Бу сузларни Гуруғлибекдан эшитиб, ога Юнус пари: — Ҳа, узингиздан қочира бердингиз. Сизда мол-қоллар йўқ шекилли, — деб Гуруғлибекка пичинг урмоқчи бўлди. Гуруғлибек ога Юнус парининг пичинг урмоқчи бўлаётганига тоза аччиги келиб: — Сенга фақат пулли, молли эр керак булса, ҳозир отдан туш. Менга сенга ўхшаган хотин керак эмас, — деди. Ога Юнус пари Гуруғлибекнинг бунчалик шашти қаттиқ эканини англаб, сўзини бошқа ёққа буриб: — Бу гап ҳазил, мен молу давлат десам, Ирамда қолмасмидим, — деб Гуруғлибекнинг кўнглини кутариб қўйди.

Шуйтиб, Гуруғлибек Сари бобонинг горининг оғзида Холдор маҳрам ва Қирқ йигитлари билан айрилишганига бир кам қирқ кун бўлиб, ваъдадан бир кун қолганда, туркман юртига келиб қолди. Шундай бир дўнгликка чиқса, Мисқол пари олдиндан келиб, шу дўнгда ўтирибди. Гуруғлибек ога Юнус парини ҳам шу ерга тушириб, Мисқол парига минмак учун шу оралиқдан бир от излаб кетди. Энди Гуруғлибекнинг отаси марҳум Равшан кўрнинг Куктемир отидан эшитинг.

Равшан кўр Куктемирни Ёвмитнинг бозорига сотиб юбориб, от бир такали туркманга тушган эди. Шу отдан

бир байтал булиб, фалакнинг гардиши билан, байтал бир туркман чўпонига тушиб, бир кук той туққан эди. Ҳали уч яшар гунон бўлса ҳам, ҳеч ким минги қила олмай, жуда асов-ҳуркак эди. Агар ҳуркса, том бўйи тошлардан ҳақириб кетар эди. Шуйтиб, чўпонлар тойни Мажнункук дер эди. Гуруғли чўпонларга: — Бир сувори от топиб беринглар, — деб мурожаат қилса, чўпонлар шу Мажнункукни кўрсатдилар. Бир майдон Гирот билан қувалаб, Мажнункукни хўб айлантириб чарчатди. Мажнункук ҳам асли-насли тулпорзод эмасми, Гиркук отнинг ўзидан босим эканлигини қуриб ром була бошлади. «Зурдан зур чиқса тибир-тибир» дегандай, Мажнункукни Гуруғлибек тузоққа илдириб, озроқ тилла бериб, чўпон эгасидан сотиб олиб, париларнинг олдига қайтиб келди. Мисқол пари бир лаҳза куздан гойиб булиб, Куҳи Қофдан Мажнункукка эгар-анжом келтирди. Унғача Гуруғлибек Гиркукни оға Юнус парига бериб, ўзи Мажнункукни яйдоқ миниб, бир икки чоптириб, тоза минги қилиб қўйди. Мажнункук ҳам қариб Райҳон арабнинг буз саманича бор эди. Гуруғли шамолнинг унғ келганига тоза қувониб, Мисқол парини Мажнункукка миндириб, оға Юнус парини ўзи Гиротга мингаштириб, бу куниси-қирқинчи кун Чамбилга қараб кела берди. Бу ёқда Холдор маҳрам, Қирқ йигитлар: — Гуруғлибекнинг келадиган вақти бўлай дедиёв, — деб отланишиб, Хўжатоғидан ошган эди. Такалар элати томонидан икки отли билдираб кўриниб, кам-кам яқинлаб кела берди. Қарашса, Гуруғлибек бировини мингаштириб, яна бир кук отга таги биров миниб келаяпти. Холдор маҳрам ва Қирқ йигит Гуруғлибекнинг музаффар бўлиб, Юнус, Мисқол париларни олиб келаётганини билиб, олдига пешвоз чиқишиб, бардор-бардор қилиб, Чамбилга олиб қайтдилар.

Ана шуйтиб, Гуруғлибек эсон-омон париларни олиб, Чамбилга қайтиб келиб, етти кеча-кундуз тўй қилиб, оға Юнус, Мисқол париларнинг никоҳини қийдириб, тездан тўшакни солиб, парилар билан кечаси хилват қилиб, кайфини суриб, паризод қучиб, уларнинг қўлидан май ичиб, мурод-мақсадига етди.

## ҲАСАНХОН

Чамбилда бир бева аёл бўлиб, Шодмон, Асом деган иккита жуда тегажоқ, бежогим болалари бор эди. Шодмон билан Асом авваллари шохмон билан чумчуқ, мусичаларни уриб, кейинроқ Чамбилнинг сарҳовузига келиб қўнган гуррак, сўналарни уриб, кейин милтиқ олиб, мерган бўлишиб қолган эдилар. Худди шу вақтларда «Исфиҳон шаҳрида тўрт уста бир ўқ-ёй ясаган эмиш. Кимда ким шу ўқ-ёйни торта олса, отиб, тўққиз филдан ўтказса, ёй ўша кишига берилади. Ёйни олган одамнинг доим ошиғи олчи, шамоли ўнг бўлади. Агар ҳар ким ёйни торта олмаса ёки тортса ҳам, отиб, ўқини тўққиз филдан утказа олмаса, тўрт юз тилла тўлайди», — деб Шодмон мерган билан Асом мерган эшитиб, энасининг борманг, деганига ҳам қарамай, Исфиҳонга жўнаб кетишдилар.

Бир куни Мисқол пари Гурўглибекка қараб:

— Ҳали давлатингда камчиликлар жуда кўп. Масалан, Исфиҳонда тўрт уста бирлигиб, бир катта ўқ-ёй ясаган. Ҳар ким шу ўқ-ёйга эга бўлса, ундан кейин ошиғи олчи, дегани деган бўлиб қолади. Ўқ-ёйнинг темири асли Рустам Достоннинг сари ёйининг темиридан. Мана, Шодмон мерган билан Асом мерган эшитиб, ўша ўқ-ёйни тортамиз, деб Исфиҳонга кетибди, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, Мисқол пари шу сўзларни айтди:

Эшит, сузим, туркман элин султони,  
Омонат оламда одамнинг жони,  
Арзимни тинглагин, йўқдир ёлғони,  
Ҳали камдир давлатингдан, Гурўгли.

Баҳор бўлса дала-даштлар нам булар,  
Зурдан зур топилса, қочиб гум булар,  
Дейдурсан баробар менга ким булар,  
Уйларинг пуч, кавакдирсан, Гурӯгли.

От-овозанг узоқларга кетмайми,  
Ҳар губонлар сенга талаб этмайми,  
Арабдан, Хунхордан, Румдан, Фарангдан  
Чамбилингга сонсиз қўшин етмайми,  
Қурқмас улар савлатингдан, Гурӯгли.

Хунхор подшоҳ божин талаб қилмайми,  
Бож бермасанг, қўшин тортиб келмайми,  
Уруш-жанжал, катта қиргин бўлмайми,  
Улар қурқмас ҳайбатингдан, Гурӯгли.

Биламан, таблада тулпор отинг бор,  
Мажнунқуман Гирқук хоназотинг бор,  
Туқсон туққиз бекман арзу-додинг бор,  
Шунда ҳам кам шавкатингдан, Гурӯгли.

Ханжаринг бор, найза билан ёйинг йўқ,  
Бепарвосан, ҳаргиз гаминг, уйинг йўқ,  
Олиб юрган анжомларинг дастури,  
Жанг қилмоққа асл-ҳосил шойинг<sup>1</sup> йўқ,  
Оқибатинг ўйлайсанми, Гурӯгли.

Исфиҳон шаҳрида устанинг кони,  
Бари комил хизматкорлар макони,  
Тўрттаси ясабмиш ажойиб ёйни,  
Ул уқ-ёй сенга лозим, Гурӯгли.

Шу ёйни ҳар кимса кутариб турса,  
Гиришин тугрилаб нишонга урса,  
Бир уқ отиб туққиз филдан утқарса,  
Шу ҳикматли ёйин ютиб олади,  
Булмаса кўп уятли буп қолади,  
Ҳам уялиб тўрт юз тилла беради,  
Усталар гарови шундай бўлади.

Мен эшитдим Шодмон, Асом кетибди,  
У ҳикматли ёйга талаб этибди.  
Ҳеч пилла жўнг туя нордан утмайди,  
Фил кучин топбақа бир жо этмайди,  
Шодмон, Асом борган билан, Гурӯгли,  
Ул ҳикматли ёйга кучи етмайди.

---

<sup>1</sup> «Ўзингга хос аниқ-ошқора уруш дастуринг йўқ», маъносида.

Гуч йигитсан, узинг дарёдай тошсанг,  
Гиркукингга миниб тоғлардан ошсанг,  
Исфиҳонга етиб бориб, Гуругли,  
Арзинг айтиб усталарга ёнашсанг.

Ҳиммат камарини маҳкам бойласанг,  
Ёйин отмоқни талаб айласанг,  
Туққиз филин қаторлатиб қуйган сунг,  
Ё, пирим, деб кузлаб уриб тайласанг.

Сенга сузлаб турган мендай гажакдор,  
Бу сўз учун қилма мени гуноҳкор,  
Мисқолой бор гапни айтди, Гуругли,  
Борсанг, бормасангда сенда ихтиёр.

Бу сўзни Мисқол паридан Гуругли эшитиб: — Рост айтасан, эй, паризодим. Ҳали менинг олдимда уруш кўп. Гиркўк ва Мажнункўк билан чилтон берган найзамдан булак асбобларим йўқ. Бу гапни Мисқол-жон, менга вақтида айтдинг. Булмаса, оға Юнус пари, Холдор дустим ва Қирқ йигитлар мени сўраса, шундай бекларнинг аҳволидан бир хабар олиб келай, деб туркман ўбаларига чиқиб кетди, дегин. Бир ўқ-ёй учун овора қилиб юрайинми, — деб Гуруглибек Мисқол парига қараб, бир сўз деди:

Мен кетарман Исфиҳонга,  
Паризодим, хуш қол энди,  
Танлаб олган меҳрибоним,  
Мисқол жоним, хуш қол энди.

Қатор-қатор турна утар,  
Кўк юзидан сузиб кетар,  
Йуллар туман, сонсиз диёр,  
Балки анда кунглим битар.  
Суяр ёрим, хуш қол энди.

Исфиҳоннинг йули узоқ,  
Йулларида кўпдир тузоқ,  
Ун, ун беш кун Юнус билан,  
Тушарман узингдан йироқ,  
Қора кузим, хуш қол энди.

Йуллар узоқ, тоғлар туман,  
Қизилбошнинг тури ёмон.  
Қайтар, қайтмасим даргумон,

Эй, гул юзим булгин омон,  
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Ғамгин хотир буп юрмагин,  
Бошинг солиб ўтирмагин,  
Душманларга сир бермагин,  
Шахло кюзим, хуш қол энди.

Биров сурса, келар, дегин,  
Эрта шунда булар, дегин.  
Гул очилиб кулар, дегин,  
Ширин сүзим, хуш қол энди.

Узоқ Исфиҳон дийри,  
Булсия йигитнинг барори,  
Гуруглининг суяғ ери,  
Куз хуморим, хуш қол энди.

Гуруглибек Мисқол парининг олдидан чиқиб, борхонасига кириб, керакли ёв-яроғини олиб, тақиниб, эҳтиётдан бир ҳамён тиллани ҳам олиб, хуржунига солиб, аста таблаҳонага бориб, Фиркукини абзаллаб, Фиркукка қараб, бир сүз деди:

Ешлигимдан ҳамдам булган Фиротим,  
Минг хирмон тиллага бермайман сени,  
Қулли одам йигилиб булса харидор,  
Бир олам дунёга бермайман сени.

Жоним билан ҳар бир торинг баробар,  
Изларинг баҳоси сурса, минг тулпор,  
Йулиқиб нархини сурса Хунҳор,  
Минг хирмон тиллага бермайман сени.

Сендай от дунёга бир бор келади,  
Сен билан хотирим яйраб кулади,  
Бир гардинга ким харидор бўлади,  
Бир олам дунёга бермайман сени.

Туёгинг тилладан, кюзинг гавҳардан,  
Хабаринг бор етмиш икки ҳунардан,  
Нархинг сурса, элчи келиб шоҳлардан,  
Минг хирмон тиллага бермайман сени.

Жоним Фирот, тушунаман ҳолингга,  
Қайси от тенг сенинг кўрку олингга,

Харидор булса душман бир тук ёлингга,  
Бир олам дунёга бермайман сени.

Кучи етармиди босган изингга,  
Ёш олдингми, жоним, қора кўзингга,  
Боққан билан кўзим тўймас юзингга,  
Бир олам тиллага бермайман сени.

Гуруглининг бир умрлик гамхури,  
Балки танда ҳам қуввати, мадори,  
Ҳайф Хунхор юртига изинг губори,  
Ким булар сендай отинг харидори,  
Минг хирмон тиллага бермайман сени.

Унда жонивор Гиркўк думини ўйнатиб, кўзидан мулт-мулт ёшини оқизиб турибди. Гуруглибек сўзини татом қилиб, Гиркўкни силаб-сийпаб, раббано, деб устига миниб, отининг ақл-заковатидан кўнгли тиниб, биров билиб, биров билмай, Чамбилдан чиқиб, Хужатогидан ошиб, бир неча туркман убаларига ёнашиб, Исфиҳоннинг йўлига тушиб, Асқар тоғига тармашиб бораётса, Шодмон мерган билан Асом мерган халталарини орқалаб, пиёда тогдан берги ёққа қараб тушиб, қайтиб келаяпти. Гуруглибек Шодмон мерган билан Асом мерганни таниб: — Қани, қизилбош юртида нима гаплар бор экан, — деб сўраб, мерганларга қараб, бир сўз деди:

Мерганлар билганинг баён айлангиз,  
Хунхорда кўрганинг барин сузлангиз,  
Яқин эмас, йироқларни кўзлангиз,  
Дуч бўлганинг туркман элнинг шерими?

Нелар бордир Исфиҳоннинг элида,  
Иш ҳал булар туркман халқи қулида,  
Сизлар ҳам туркманнинг гўччоқ ули-да,  
Ишлар қалай, тулкими ё бўрими?

Исфиҳон юртида, дустлар, нелар бор.  
Мен ҳам шу ёқларга бормогим даркор,  
Ул сеҳрли ёйга булдим талабгор,  
Сари ёйи майдами ё йирими?

Ютиб олган бўлсанг, менга сотинглар,  
Кўп йиллар чой пули қилиб ётинглар,  
Бир курай қулимга тақдим этинглар,  
Сиз ҳам йўқса кўп мерганнинг бирими?

Тақдир қилса булай душманга голиб,  
Қизилбош кунглига аламлар солиб,  
Исфиҳон бораман ёйга буп толиб,  
Курсинлар улар Чамбилбелнинг шерини.

Чамбилдан келаман чуллардан оша,  
Асқар тоғнинг бавирига улаша,  
Гуругли дер талаб қилдим шу иша,  
Кунгли қолмасин, деб Мисқол парининг.

Шунда Шодмон мерган билан Асом мерган Гурўглибекнинг бу саволини эшитиб, ёйни кутаргани юраги булмай, Исфиҳондай шаҳарга бориб, қуруқдан-қуруқ қайтиб келаётганига уялиб: — Энди, султоним, бир сарсон булдик-да. Сабил ҳавас деган нарса ёмон нарса-да. Ул уқ-ёйни кўрдик. Огирлиги тахминан ботмонча бор. Ушлаб кўтара олмай, қуруққа худойи тулак тулаб юрайикми, деб сийимизнинг борида астагина қайтиб қолдик. У уқ-ёйни магар тортсанг, сен тортасан, — деб Шодмон мерган Исфиҳондаги ёйни таърифлаб, Гурўглибекка қараб, бир сўз деди:

Бориб кўрдим усталарнинг ёйини,  
Тенги булмас ҳаргиз анинг, султоним,  
Курар кузга шинамгина кўринар,  
Узи огир ботмондан ҳам, султоним.

Исфиҳон дегани бир азим шаҳар,  
Атрофида кумкук усган богчалар.  
Пурушлар<sup>1</sup> кўргани чорлаб ундашар,  
Борганда курарсан барин, султоним.

Чорраҳада экан тўртта устаси,  
Барининг белида малла пўтаси,  
Ҳар бирининг шогирдлари олдида,  
Уқ-ёй осилган, йўқдир хатоси.

Ул уқ-ёйни ҳаддили безаб боблаган,  
Тутқисига олтин-кумуш қоплаган,  
Томошага қанча мерган тўпланган  
Ҳеч ким уни тутта билмас, султоним.

Шодмон, Асом ночор бўлиб қайтади,  
Ҳар на кўрганини ростдан айтади,

---

<sup>1</sup>Сотувчилар.

Ул ёйга бир сенинг кучинг етади,  
Талаб айлаб агар борсанг, султоним.

Шодмон мерган билан Асом мерган Гурӯглибекнинг тугрисидан ута берди. Гурӯглибек мерганлардан усталарнинг ясаган уқ-ёйининг таърифини эшитиб, яна бошқадан гойибона ёйга ишқибоз бўлиб, мерганлардан утиб нарироққа бориб, хуржунидан қизилбош кийимини олиб кийиб, қийим сигмай елка ва енглари тариллаб йиртилиб кетса, шордоз билан илдириб, Бадбахт белидан ошиб, қизилбош юртига тушиб, Исфиҳон шаҳри қайдасан, деб ўткинчи-кеткинчидан сўраб, биров: «Йўл булсин», — деса, «Худой берса, мўл булсин. Чортоқли Чамбилдан буламан. Аслим нишопурликман, туркманларга яқинда асирга тушиб кетган эдим. Гурӯглибекнинг қўлида бўлдим. Исми Равшан мерган. Гурӯгли мендан аввал Шодмон, Асом деган иккита мерганини Исфиҳонга сеҳрли уқ-ёйни тортиб, ютиб келмакликка юборган эди. Улар юрак сугиниб, ёйга ёндаша олмай қайтибди. Мен Нишопурда вақтимда анча уста мерган эдим. Гурӯглибекнинг олдига бориб, булар нимчаки мерган. Агар менга от-анжом берсанг, Исфиҳонга бориб, сеҳрли уқ-ёйни ютиб келтириб бераман, дедим. Ундан кейин Гурӯглибек менга оту анжом бериб, Исфиҳондан сеҳрли ёйни ютиб олиб келтирсанг, ўзингни озод қилиб, туркмандан хоҳлаган қизингни олиб бериб, ўзимга навкар қилиб оламан, — деб ваъда берди. Мен туркманда бир қизга хуштор бўлиб қолган эдим. Энди шу қизни оладиган бўлдим, — деб Гурӯглибекдан фотиҳа олиб, «бу ёққа жўнаб қолдим», — деб кета берди. Бир хил қизилбошлар: «Чамбил деган бир шаҳарча бино бўлибди. Гурӯглибек туркманларни қайтариб, шу Чортоқли Чамбилни ўзига макон қилиб олибди. Бир-икки йилдан бери Хунхорга хирож ҳам бермай, ҳар замонда навкарларини эргаштириб, шу ёқларга ҳам келиб, битта-яримта чеккатоб қўргонларни талаб кетар эмиш. Сен Гурӯглибекка навкар бўлган булсанг, унинг сифатларини айтиб бер», — деса, Гурӯглибек: «Эй, ука, бу ишлар Хунхорга тегишли гап. Биз бир фуқаро одамлармиз. Қўлимдан келса, Хунхорнинг бирорта бегига Гурӯглибекнинг баъзи аҳволдан шипшитиб кетарман. Қўлимдан келмаса, бир сафарга чиққан одамман-да», — дер эди. Қизилбошлар бундай жумбоқ гапларга анграйиб қола берар эди. Шуйтиб, Гурӯглибек йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл ориб, Исфиҳон шаҳрига яқин бир кулбага меҳмон бўлди.

Бу бир Бобо Қаландарнинг кулбаси эди. Бобо Қаландар  
Гуруғлибекни шомдан тонггача меҳмон қилиб, эртагисин  
чойдан кейин Гуруғлибекка қараб, қаёқдан келиб, қаёққа  
бораётганини сўраб, сутасини ерга тираб, бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,  
Узунли-қисқали тунинг мўл бўлсин,  
Узоқ йўлдан келиб бизнинг элларга,  
Боз бундан бу ёғи сенга йўл бўлсин?

Тарзинга қарасам, тарафсиз полвон,  
Бошингда қалпогинг тоблайти алвон,  
Остинга минганинг араби ҳайвон,  
Йўлбарсдай чирпиниб, сенга йўл бўлсин?

Парвоз айлаб бундан қайга борасан,  
Мен билувда уз элингда турасан,  
Туралик даврида даврон сурасан,  
Йўлбарсдай чирпиниб, сенга йўл бўлсин?

Билмайсан бу элнинг баланд-пастини,  
Бунда келдинг кимнинг қилиб қасдини.  
Яширмасдан сўзлай бергин ростини,  
Эй, савлатли полвон, сенга йўл бўлсин?

Зуваланг барчадан тушмиш зиёда,  
Савлатингдан шоҳлар булар пиёда.  
Келган бўлсанг, айтгин ҳар муддаода,  
Рустам сифат ўглон, сенга йўл бўлсин?

Сенга сузлаб турган Бобо Қаландар,  
Қанча гадойлариб бўлолмас навкар,  
Исфиҳон юртида ўзимман давкар,  
Ҳурматли меҳмоним, сенга йўл бўлсин?

Ана шунда бу сўзни Гуруғлибек Бобо Қаландардан  
эшитиб, ўйлаб нетиб: «Кел, шу Бобо Қаландарга ўзимни  
танитай. Агар кўнглида ёмонлик бўлганда, мени тутиб  
олармиди», — деб Бобо Қаландарга қараб, бир сўз деди:

Мени билсанг, Чамбилбелнинг тўраси,  
Сўраган элларим элнинг сараси,  
Бобо, айтсам гапларимнинг сираси,  
Уқ-ёйнинг қасдида бунда келаман.

Билсанг, бу ёғини баён айлагин,  
Исфиҳон йўлидан нишон айлагин,

Мушкулумни, бобо, осон айлагин,  
Усталарни излаб бунда келаман.

Такали Ёвмитга султон буламан,  
Туркманнинг баридан божим оламан,  
Охир ҳам Хунхорни яксон қиламан,  
Уқ-ёйнинг қасдида бунда келаман.

Исфиҳон шаҳрида турт уста бормиш,  
Чорраҳада ёйин осиб турармиш,  
Борган талабгорга ани берармиш,  
Кутара олса, тўққиз филдан урармиш,  
Шу ёйни тортгали бунда келаман.

Гуругли дер эрлигимда миним йуқ,  
Мен борида қизилбошга тиним йуқ,  
Олдимга кундаланг булар ганим йуқ,  
Кучимга ишониб бунда келаман.

Бу сўзни Бобо Қаландар Гуруглибекдан эшитиб: — Булмаса, Гуруглибек уғлим, менинг сўтамни ола кет. Агар кучинг етиб, ёйни тортиб, тўққиз филдан утказ олсанг, ундан кейин шундай темирчилар дўконини оралайсан. Бир кўкрагида киссаси бор, киссасидан сариқ қўл рўмолининг учи чиқиб турган темирчини кўрасан. Дўконида ҳамма керакли асбоблар бор. Уларга харидор бўласан. Темирчи: «Бу асбобларнинг пири зўр. Сен ола олмайсан», — дейди. Сен унда: «Мана бўлмаса, пири», — деб сўтани кўрсатасан. Темирчи сўтани кўриб, хоҳлаган асбобларингни бепул беради. Темирчининг исми Холдор, — деб Қаландар Гуруглибекка фотиҳа бериб, Исфиҳон йўлини кўрсатиб юборди. Гуруглибек чоштгоҳ пиллада Исфиҳон шаҳрига кириб бориб, Гиркўк отини уйнатиб, кўча билан сўраб, темирчилар кучасига бориб, чорраҳасида дўкон очиб утирган турт устанинг олдида тўхтаб, от устида туриб, узангига оёгини тираб, мўйловини бураб, темирчи усталарга қараб, қўлида сози, оғзида сўзи, чарақлаб кўзи, хўмрайиб ўзи, бир сўз деди:

Уқ-ёйин гаровга қўйган усталар,  
Куришайлик, келинг, менман талабгор,  
Таваккал айладим ёлғиз худога,  
Хар қандай гаровга турарман тайёр.

Талаб айлаб келдим Чамбилбелидан,  
Ўқ отиб утказай туққиз филидан,  
Ўзимман туркманнинг баркку<sup>1</sup> улидан,  
Ҳар иш келар бу туркманнинг қулидан,  
Шу ёйни отишга менман талабгор.

Курунгла, усталар, бугун қулимни,  
Гайрат этиб маҳкам боғлай белимни,  
Шу ёйни отишга узим талабгор,  
Аввал олинг тўрт юз тилла пулимни.  
Шу уқ-ёйни менга олиб берингла,

Туркманнинг мерганин бунда курунгла,  
Гирром қип отмайман боқиб турунгла,  
Шу ёйни отишга узим талабгор,  
Буюринг, Гурўгли хизматга тайёр.

Усталар қараса, бир кук отли навқирон йигит келиб,  
ёйни отишга талаб солаёпти. Усталар ўз тилларида:  
«Турклар ўр, баланд огиз бўлади, дер эди. Қани, энди бу  
турк баччанинг кучини кўрамизда», дейишиб, усталар-  
нинг бири Гурўглибекдан тўрт юз тиллани олиб: — Ҳўв,  
турки бачча, уқ-ёйга талаб солиб келган булсанг, отдан  
тушиб, ўзинг аввал ёйни бир кўтариб, тортиб кўр, — деб  
Гурўглибекка қараб, шу сўзни айтди:

Полвон халқи ўзин эркин тутади,  
Ҳеч кимга қарамай, турга утади.  
Айниқса, туркманлар шундай этади,  
Отдан тушиб, кучинг курсат, туркбачча.

Бу келган жойларинг растама-раста,  
Одамлар утади дастама-даста,  
От минсанг ҳам сен экансан нораста,  
Полвон булсанг, кучинг курсат, туркбачча.

Емгир ёғар тоғу тошга дўлана,  
Сўзларим ёлгошиб келар улана,  
Талаб тортиб келган булсанг бу ёна,  
Отдан тушиб, кучинг курсат, туркбачча.

Келибсан неча бир тоғлардан оша,  
Зуруннга ишониб, юрагинг тоша,  
Аввал кўриш келиб, отингдан туша,  
Полвон булсанг, кучинг курсат, туркбачча.

---

<sup>1</sup>Яшиндай тез.

Осмондан турналар қатор буб утар,  
Орқан соб, гилам соб қайларга кетар,  
Бирдан тортмоқ булма ёйни, туркбачча,  
Зур булсанг, аввал кеп учини кутар,  
Ақлинг булса сенга шу гап ҳам етар,  
Отдан тушиб, кучинг кўрсат, туркбачча.

Сўз айтаман бир-бирига улама,  
Сўз устига васса бўлса қолама,  
Рустам тутган ўқ-ёйдир бу, билиб қўй,  
Чоқлаб кўр ўзингни, кучинг келама.  
Рустам, Сухроб утиб кетган, эй, лоппи,  
Эндигилар ҳаргиз ундай бўлама.  
Мард булсанг, кучингни кўрсат, туркбачча.  
Отдан тушиб, кучинг кўрсат, туркбачча.

Бу сўзни темирчидан эшитиб, Гўруғлибек Гиркўкдан тушиб, Гиркўкни дўконнинг қаламасига боғлаб: — Ҳўв, уста, кўп катта кетма. Рустамдай зур битта эмас, мабодо туркманлардан ҳам Рустамдай полвон чиққан бўлса, — деб Гўруғлибек бир неча жойдан тимсол келтириб, темирчи усталарга қараб, бир сўз деди:

Кенг дунё кенглик-да, йўқдир чекаси,  
Рустамнинг тегмаса ерга елкаси,  
Поёнсиздир бу жаҳоннинг улкаси,  
Ҳар бир зўр, шаҳбозлар булса, нетасан?

Румда, Фарангда, Хитой элида,  
Туркман чўлларида, Бадбахт белида,  
Сичқондай қиб, арслон уйнаб қулида,  
Ҳар бир зўр шаввоzлар булса, нетасан?

Туркманнинг ҳар бири тарафсиз полвон,  
Қулида буб кетар бу ёйлар яксон,  
Ўйлаганинг фақат сенинг Исфиҳон,  
Билиб қўйгин, кенгдир бу рўйи жаҳон,  
Рустамдан зўр топилар булса, нетасан?

Туркман лоппи эмас, ўзларинг лоппи,  
Элларинг чопчақа, қизилбош гуппи,  
Рустамни ҳам аёл туққан, энагар,  
Кўпшитма оғзингга шибайман таппи.

Тогдан нари Така-Ёвмит элим бор,  
Ҳўжатоғда Чортоқ Чамбилбелим бор,

Сузлайман, сузлайман, шоир тилим бор  
Пулатдай танам бор, темир қулим бор,  
Агар тутсам, пойинг синса, нетасан?

Гуругли дер айтмаган сўз қолдими,  
Айтган сўзим сизга огир келдими,  
Е булмаса гартак маъқул бўлдими,  
Ёйинг менга тоб бермаса, нетасан?

Бу сўзни усталар Гўрўглибекдан эшитиб: «Бизлар соҳибқироннинг охири амир Або Муслим деб юрар эдик. Яна ҳам бундан зўр соҳибқирон полвон чиқар экан-да», дейишиб: — Қани булмаса, кўнглинг узингдан қолсин, ўглим. Ана ёй, кўтариб кўр. Лекин Хунхорнинг юртини сен жовлик қизилбош дема. Бу бетларда оз-моз мусулмонлар ҳам бор, — дейишиб, Гўрўглибекни дўконнинг турига утқаздилар. Асида бу тўрт уста Бобо Қаландар бачаси, мусулмон бўлиб, қизилбошларни жуда ёмон кўриб юрар эди. Лекин ўзлари Исфиҳонда ҳаддили ҳунарманд уста гирлардан эди. Бир қалъадан Рустами Достоннинг қолиб кетган ўқ-ёйини топиб олиб: «Шуни кўтарган одам тўққиз филдан ҳам уқини отиб утказа олади. Шундай одам топилса, шу ёйга эга бўлса, қизилбошнинг додини берса, булмаса, биз учун бир пул топар эрмак бўлса», деб бошқадан янгилатиб, ўқ-ёйни ясаган эдилар. Гўрўглибек ўқ-ёйни ушлаб курди. «Усталар мақтаганича бор экан», — деб ёйни қўлига олиб тортиб кўрди. Усталар Гўрўглибекнинг кучига қойил бўлиб, дўконни қамаб, филлар турган ҳовлига Гўрўглибекни бошлаб олиб бордилар. Исфиҳон бир катта шаҳар эди. Ҳа демай: «Бир туркман йигит келиб, ҳеч ким кўтара олмаган Рустамнинг ўқ-ёйини кўтарибди. Энди тўққиз филни отмоққа талаб айлабди», — деган овоза шаҳарга тарқалиб, қўртқумурсқадай одам кўп йигилиб, кучани томошабин тутиб кетди. Бир хиллари: «Баччагарнинг оти ҳам узига ярашиб тушган экан», — дер эдилар. Усталар гаровга жуда кўп ҳаваскор мерганларни ютиб, жуда бой бўлиб кетган эди. Шуйтиб, бир неча филбонлар усталардан ойлик олиб, тўққиз филга қараб ётар эдилар. Ана энди усталарнинг амри билан филбонлар филларни қатор қилиб қўйдилар. Шунда Гўрўглибек ўқ-ёйни қўлига олиб, барчани қойил қилиб, ёйни сошлаб тутқизибди. Қўзлаб отган эди, марднинг ишига қойил бўлмоқ керак, ўқ тўққиз филдан ўтиб кетди. Усталар бу воқеани ўнгида кўргани-

ни ҳам, тушида кўрганини ҳам билмай, бармоқ тишлаб, кукрак ушлаб қолиб: — Э, баракалла, туркбачча, ҳалолнинг бўлсин энди, — деб бирови Гурӯғлибекнинг олмайман, деганига ҳам қарамай, ҳамёнидаги тўрт юз тиллани Гурӯғлибекнинг қўйнига тиқиб қўйди.

Шуйтиб, Гурӯғлибек ўқ-ёйни олиб, усталар билан хўшлашиб, темирчилар бозорини оралаб юриб, Бобо Қаландар айтган сариқ қўл рўмолли устанинг бир дуконда ҳар хил асбоб-аслаҳаларни сотиб утирганини куриб, Гурӯғлибек от устида туриб, тўрт юз тиллани ҳамёни билан устага узатиб: — Мана шу тиллаларга яраша ҳар хил асбоб-аслаҳаларингдан бер, — деб турди. Уста бундай олий ҳиммат йигитни куриб, ҳайрон бўлиб тиллани олмай, Гурӯғлибекка қараб, бу асбобларнинг пири зур, деб бир неча жойдан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Олий ҳиммат, олий барно, гўч йигит,  
Бу асбоблар ҳар кимсага сотилмас,  
Текинга ҳам текин тақдим этилмас,  
Мен бир комил пирга мурид-хизматкор,  
Бу уста пиридан ҳаргиз ўтолмас.

Олий ҳиммат, олий барно, гўч йигит,  
Олиб кел пиримдан бунда ижозат,  
Бериб юборадим белги ишорат,  
Бўлмаса, бўламан, жон ука, муртад,  
Пулга сотилмайди бунда асбоблар,  
Эртага об келай бирор маслаҳат.

Сабр қилсанг, ундан кейин оларсан,  
Сабр этмасанг, жўнаб кетиб қоларсан,  
Олий ҳиммат, олий барно, гўч йигит,  
Ё бўлмаса, бизникида буларсан.

Сабр этсанг, эртага пирим келмоқчи,  
Келибон қулбама меҳмон бўлмоқчи,  
Арвоҳ пир утказаман олдида,  
Шунда мени комил устод қилмоқчи.

Эшитгин, жон ўғлон, айтган сузимни,  
Бир кеча меҳмон бўп, егин тузимни,  
Эртага пиримдан олсам фотиҳа,  
Уста Холдор деб атайман узимни.

Гурӯғлибек бу сўзларни уста Холдордан эшитиб: — Бўлмаса, пиринг эртага эмас, бугун келди, — деб Бобо

Қаландар берган сўтани дуконнинг эшигига бир урган эдики, бирдан Гурўглибек Бобо Қаландарнинг суратига кириб қолди. Уста Холдор бу сирни куриб: — «Бу пиримнинг кароматларидан бўлса керак. Менинг ясаган асбобларимни биттадан олиб кетиб текшириб, синаб кўрмоқчи бўлса керак», — деб довдираб: — Э, пирим, пойқадамингиздан ургилай, тасаддугингиз бўлай. Мен бир тупроқ, балки ундан баттарроқман, тақсир, — деб Гурўглининг қўлини ўпиб, бошини деворга уриб, Гурўглибек хоҳлаган асбоблардан, яна бир пистоқи найза, бир совут, бир қалқон, бир сипор, шунга ўхшаган анжом-аслаҳаларни бердики, тошга урса қайтмас, тош тегса ботмас, қимматбаҳо анжом-аслаҳалар эди. Уста Холдор шошиб, такбирдан адашиб, нима бўлганини билмай, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганда, Гурўглибек тўрт юз тиллани уста Холдорнинг дуконида қолдириб, устанинг кўзини чолдириб, анжом-аслаҳаларни олиб, Исфиҳон шаҳридан чиқиб, йулда Бобо Қаландарникига бурилиб, сўтасини бериб кетмоқчи бўлди. Шунда Бобо Қаландар: — Бу сўтани сенга берганман. Бу доим сенга керак бўлади, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, сўтанинг хосиятларини айтиб, Гурўглибекка қараб, бир сўз деди:

Авал ҳам яратди Одам Атони,  
Бу дунёда ҳеч қилмадим хатони,  
Дуч келдинг, сенга бахш этдим сўтани,  
Бу ҳам сеникидир энди, Гурўгли.

Ҳазрати Довуднинг қирқ угли улди,  
Товба қилди, қирқ кун мотамда бўлди,  
Товбасини қабул айлаб худойим,  
Сулаймон пайгамбар дунёга келди.

Шамоли келди, ер юзин олди,  
Деву пари бандида хизматин қилди,  
Бу сўта ушандан едигор қолди.  
Бул ҳам сеникидир энди, Гурўгли.

Эҳтиёт қип бун маҳкам сақлагин,  
Шоҳ Сулаймон хизматини ҳақлагин,  
Бошингга тушганда жуда қаттиқ иш,  
Эгасининг исмин айтиб йуқлагин,  
Бул ҳам сеникидир энди, Гурўгли.

Сўтани, ё ҳув, деб ерга урасан,  
Хоҳлаган сирингни анда кўрасан,

Борай десанг, Куҳи Қофга борасан,  
Нима десанг, шуни қилиб юрасан,  
Бу ҳам сеникидир энди, Гуругли.

Бобонг бутун ер юзида юргандир,  
Ажойибнинг ҳаммасини кургандир,  
Сўтасини бугун сенга бергандир,  
Бул ҳам сеникидир энди, Гуругли.

Бобо Қаландар Гуруглибекка қараб уста Холдорнинг  
ҳолидан баён қилиб, яна бир сўз деди:

Булутли кун кўлга сўна қунади,  
Чурраклар ҳам, лойчилар ҳам энади,  
Анжомларни килган уста Холдордир,  
Шунга шир бўл, ҳар амрингга қунади.

Сени мен деб қилар ўзи гумона,  
Бир йил бўлди келган бул Исфиҳона.  
Ҳа, шундай Гуругли, шундай замона,  
Ияртсанг қунади ҳар бир томона.

Чаманнинг тозадан тоза гули бор,  
Гул булганда, гулнинг минг бир хили бор,  
Заргарликка шоғирд берган Холдорнинг  
Ваянганда Ҳасан деган ули бор.

Бошқа углонлардан келбати бошқа,  
Қуралай кузалари ярашган қошга,  
Шундай сулув, қирқ кокилли Ҳасанхон  
Янги кирган ўзи ўн икки ёшга.

Жамоли дастагул, қобоги гунча,  
Жаҳонда курмадим сулув ул бунча,  
Юзда холи мушку анбар тугунча,  
Ҳубликда мақтасам яна бор шунча.

Мен берган сўтани ерга урасан,  
Ваянганга Холдор бўлиб кирасан,  
Заргарликнинг дўқонида Ҳасаннинг  
Олмадай бўб утирганин кўрасан,  
Шунда отдан тушмай боқиб дўқонга,  
Чоқ бул, Чамбил кетамиз, деб турасан.

Тикка боқиб дўқ ур уста юзига,  
Ёш олса қарама онинг кўзига,

Оёқ тираб навбат берма сузига,  
Ҳасанхонни об кет сенга ул булар.

Майхонангда соқи-косагул булар,  
Эй Гуругли, сенга сузим шул булар,  
Орқасидан излаб бориб отаси,  
Чамбилбелда дукон очиб эл булар.

Бобо Қаландар бу сўзларни айтиб булгандан кейин Гуруглибекка фотиҳа бериб, Ваянган йўлини кўрсатиб, уз кулбасида қолди. Гуруглибек энди Бобо Қаландардан фотиҳа олиб, Ваянганнинг йўлига тушиб равона булди. Ваянган шахри Исфиҳонга унчалик узоқ эмас эди. Гуруглибек Ваянган шахрига етиб бориб, куча-боғларини оралаб-оралаб, заргарлар дуконига етиб бориб, сир солиб қараса, бир кичикроқ дуконда ўрта яшар заргар ҳар хил безакларни кўрсатиб, бир ойдай, кун деса кундай, бенуқсон, ёшгина чиройлик болага курсатиб, буни ундай қил, бундай қил, деб турибди. Шунда Гуруглибек ёнидан сўтани олиб, Холдор тусига кирдим, деб сўтани эгарнинг қошига бир уриб, уста Холдор булиб қолиб, заргарнинг дуконининг олдига бориб, отдан тушмай, уста Заргарга қараб, узангига оёгини тираб, жўртагадан уста Заргарни дуқлаб, бир сўз деди:

Уста Заргар кўп ҳаддингдан ошибсан,  
Ношукурлик айлаб тўлиб-тошибсан,  
Болани ёнингга олиб, баччагар,  
Жувонбозлик йулларига тушибсан.

Сени одам дедим, углим тайладим,  
Ишониб узингга шогирд айладим,  
Болани ёнингга олиб, баччагар,  
Қанча шумлик, песликларни ўйладинг.

Ханжар билан кесайинми бошингни,  
Қузгунларга емтик қилиб дошингни,  
Болабоз буб юргандирсан, баччагар,  
Тамом қилиб ташлай энди ишингни.

Ҳозир бул, ҳароми, сени сўяман,  
Мулдиратиб икки кузинг уяман,  
Болабозлик жазоси шу, баччагар,  
Бошингни дуконга осиб қўяман.

Уста Холдор айтур, кўргин жазонгни,  
Ўзинг учун узинг тутгин азангни,

Ибрат учун дуконингга осаман,  
Осилган жойингда тонгин қазонгни.

Гуруғлибекнинг бу сўзини уста Заргар эшитиб, нима булганини билмай, Гуруғлибекдан қўрққанидан кўзлари мулатиб, силаси қотиб: «Товба, мен ҳеч беаза одам эмас эдим-ку», деб ўйлаб, ўйи йитиб, калаванинг учини йўқотиб, огзидаги носи қўрққанидан ичига кетиб, ҳеч нима дея олмаганидан «қул-қул, қуллик», деб қолди. Гуруғлибек шунда Ҳасанхонга қараб:— Бул, ўғлим, Чамбилга кетамиз, — деб бир сўз деди:

Остимда уйнайди араби ҳайвон,  
Энди йуқ кўнглимда заррача армон,  
Шоҳдан ёрлик теғди менга Ҳасанжон,  
Чоқ бул энди, Чамбилбелга кетамиз.

Устимда совут бор, қўлимда шобим<sup>1</sup>,  
Шикорда ҳосил бўлди матлабим,  
Йуқ ўғлим, булардан бошқа ҳеч ганим,  
Чоқ бул энди, Чамбилбелга кетамиз.

Бундан кейин ошиқ олчи ол булиб,  
Мурод-мақсад Чамбил бориб ҳал булиб,  
Уста Заргар бунда қолсин, лол булиб,  
Чоқ бул энди, Чамбилбелга кетамиз.

Бедовим тепсиниб бир ерда турмас,  
Чақмоқдай чопқиллаб ҳеч тутқи бермас,  
Қўлимда аслида исфиҳон олмос,  
Чоқ бул энди, Чамбилбелга кетамиз.

Холдор отанг ажаб қайнаб-жушади,  
Така-Евмит йулларига тушади,  
Даҳ деганда, неча белдан ошади,  
Чоқ бул энди, Чамбилбелга кетамиз.

Ҳасанхон бу сўзларни эшитиб: «Тавба, отам асло отга минмаган эди. Дунёда бировга қаттиқ гапирмаган эди. Нега бугун бунчалик бўлиб кетди. Ё булмаса, ёрлик олган одам шундай бўлиб қоламикан», — деб галати ҳолга тушиб қолиб, дарров жомакорини ечиб ташлаб, илмақдан кийимларини кийиб, уста Заргарнинг юзига ҳам қарамай, Гиркўкка мингашиб олди. Гуруғли-

<sup>1</sup> Шоф.

бекнинг мақсади ҳал бўлиб, Гиркүк отнинг жиловини буриб, Ваянган шаҳридан чиқиб, туркман эли қайдасан, деб отини ҳайдаб кета берди. Йулда Ҳасанхон: «Бу Чамбил дегани қаёқда бўлса экан», — деб Гуруғлибекка қараб: — Ота, Чамбил деган шаҳар қаёқда? — деб келаётир. Гуруғлибек бўлса: — Уғлим, Чамбил деган шаҳар туркманлар элатида янгидан бино бўлган шаҳар. Подшо кўп косибларга Чамбилга кучиб бориш учун буйруқ ва ёрлиқ берган. Шошмасанг, у ёгини борганда кўрасан, — деб бораётир.

Бир қишлоққа келса, катта бир семиз қизилбошнинг тўйи бўлиб ётиб, бир нонвой шаппати нонларни тандирга ёпиб, шогирдлари тахлаб ётган экан. Гуруғлибек шундай бориб, от устидан энкайиб бир даста нонни илинтириб олиб, хуржунига сола берди. Бу ҳолни нонвой кўриб: — Ҳа, амаки, ҳов йўқ, дов йўқ, бу нима қилганингиз. Ана тўйхона, боринг, марҳамат қилиб нонми, қирмичми олиб кетарсиз, — деса, Гуруғлибек нонвойнинг гапига қулоқ ҳам солмай, шаппати нонларга хуржунини тўлдириб олиб кета берди. Нонвой Гуруғлибекнинг бундай ҳаракатини кўриб, аччиқланиб, нон узгич капкирини ола югурган эди. Гуруғлибек нонвойнинг юзига кузини бир олартириб юбориб эди, нонвойнинг юраги ёрилиб, тап тортмай, гуппа тушиб ўлиб қолди. Ҳасанхон ҳайрон қолиб: «Нега отам бундай бўлиб қолган экан», — деб бораяпти. Шу бу йил кўклам ёмғиргарчилик кўп бўлиб, йўлларда бир хил кулбалар қийшайиб-мийшайиб ётар эди. Ҳасанхон кўнглида: «Хунхор юртида битта ҳам хароба йўқ, деб эшитар эдик. Шаҳарда косиблик қилиб юриб, билмас эканмизда», — деб юра-юра, гоҳ қўниб, гоҳ юриб, Бадбахт тоғининг устига чиқиб, Гуруғлибек сўтани эгарнинг қошига бир уриб, қадимги Гуруғлибек бўлиб, Ҳасанхонга қараб: — Энди туркман элига борасанми, уғлим, — деб шу сўзни айтди:

Сабаб бўлдим, келдинг Бадбахт белига,  
Туркманларнинг тушар булдинг қўлига.  
Отанг бўлиб қирқ йигитга бош бўлсам,  
Борасанми, болам, Чамбил элига?

Улуг дедим, улуг жойга бош урдим,  
Шу вақтгача кимлигимни яширдим.

---

<sup>1</sup> Ҳар мовруdda.

Уста Холдор булиб сенинг кузингга,  
Мингаштириб неча белдан оширдим,  
Борасанми энди Чамбилбелига?

Болам дейин, эрка қилиб ўстириб,  
Турарсан бош бўлиб дурбин дўстириб,  
Тура булиб Така-Евмит элларга,  
Ёқмаган одамнинг бошин кестириб,  
Борасанми энди Чамбил элига?

Ўгил қилиб олиб кунглинг тулдирай,  
Ҳар бовутда<sup>1</sup> хурсанд қилиб кулдирай,  
Нима десанг барин тайёр қилдирай,  
Болам, деб узингни халққа билдирай,  
Борасанми энди Чамбил элига?

Қирқ йигитим хизматингни айласин,  
Таърифингда суханварлар сўйласин,  
Дол бўйингга боқиб булбул қуйласин,  
Борасанми энди Чамбил элига?

Гуругли дер, ўзим Чамбил султони,  
Тенг булмас шаънимга Хунхордай хони,  
Фарзанд қилиб олай дейман Ҳасанхон,  
Шунда қолмас ҳаргиз кунгил армони,  
Борасанми, болам, Чамбил элига?

Бу сўзни Ҳасанхон Гуруғлибекдан эшитиб, аччиги келиб, ҳар туки наштардай булиб кетиб:— Ҳов, жодугар, номард, мени ҳийла қилиб бу ерларга келтириб, сен агар мард бўлсанг, мардлигингни кўрсатиб, менинг билан курашга туш. Менда ҳам шу от-анжомлар булса, ҳар ишлар қилишим мумкин. Сен пиёда булиб, анжомларингни ташлаб майдонга чиқ, — деб бир неча жойдан тимсол келтириб, Гуруғлибекка қараб, бир сўз деди:

Чамбилбелдан келган номард, жодугар,  
Борми замирингда мардликдан асар,  
Мени ҳеч билмагич дейдирсан магар,  
Ҳали ҳам келади ҳар иш қўлимдан.

Айирдинг, баччагар, усган элимдан,  
Отангман, деб тутдинг менинг қўлимдан,  
Мен ҳам хабардорман ундай билимдан,  
Ҳали ҳам келади ҳар иш қўлимдан.

Қанча белдан бир ҳақлашда ўтаман,  
Аср бўлмай Ваянганга етаман,  
Мард бўлсанг, майдонга тушгин, Гурўгли,  
Номард бўлсанг, бундан қайтиб кетаман,  
Ҳали ҳам келади ҳар иш қўлимдан.

Анжомингни ташлаб тушгин отингдан,  
Менинг учун келган бўлсанг юртингдан,  
Бир тортиб ағдариб ташлай муртингдан,  
Ҳали ҳам келади ҳар иш қўлимдан.  
Ҳасанхон дер, мард сенингдай бўлами,  
Ўзини ўзгартиб отам қилами,  
Ҳийла-тадбир қилиб менга келами,  
Шуйтиб ҳам мард номин одам олами?

Бу сўзни Гурўглибек Ҳасанхондан эшитиб: «Ҳе, атанг, ноқулай жойда ўзимни бу болага танитиб қўйганимни. Мен бу болани ёвошгина десам, бу ҳам Бобо Қаландардан бир-икки таълим олганга ухшайди. Энди нима бўлса ҳам мардлик билан майдонга чиқиб, бу бола билан курашмак керак бўлиб қолди», — деб Гиркўкни бир бодомчага илдириб қўйиб, анжом-аслаҳаларини ташлаб, мана бўлмаса, — деб майдонга чиқиб айлана берди. Ҳасанхон ҳам чирпиниб турибди. Гурўглибек кўнглида: — «Агар бу болани аччиқланиб ерга урсам, етти қобиргаси синиб, пачоқ бўлиб, балки ҳалок бўлар. Ундан кўра, бу углонни қўлим билан бир қоқиб ўтай. Балки курашаман деганига пушаймон бўлар», — деб уйлади. Шундай бир сира полвон айланиш қилиб келиб, Ҳасанхонни бир уриб, яна нар ёққа отланиб кетди. Шунда Ҳасанхоннинг кўзи қоронғилашиб кетиб, пича вақтдан кейин ўзини унглаб, чоқ бўлиб, Гурўглибекнинг шундай яқинлаганини қулайлаб, бирдан Гурўглибекни ёнбошига олиб ташлаб қўймоқчи бўлдию, лекин Гурўглибек кучлилиқ қилиб, йиқилмай чўккалаб қолиб, яна бир гайрат қилиб ўрнидан туриб кетиб, чаққонлик билан Ҳасанхонни ёнбошига олиб, шундай ташлаб қўймоқчи бўлдию, лекин Ҳасанхон ҳам куч тўплаб чаққонлик билан чўккалаб қолди. Шунда Ҳасанхон Гурўглибекка таъзим қилиб: — Энди мен йиқилдим ҳисоб бўлди. Ота, энди сенинг мардлигинг жойига тушиб, мени қойил қилди. Майли энди сени отам деб Чамбилга бирга кетаман, — деб Гурўглибекка қараб, бир сўз деди:

Мард экансан, мардлигингни билдирдинг,  
Отдан тушдинг бодомчага илдирдинг,  
Кураш тушдинг, мени қойил қолдирдинг,  
Шарт айладим, отам булдинг, Гуруғли.

Гуч экансан, гучлигингни курсатдинг,  
Мен талаб этган сунг борингни отдинг,  
Беанжом, беулов қора куч билан  
Мардларча келибон қўлимдан тутдинг,  
Шарт айладим, отам булдинг, Гуруғли.

Жодугар деб гумон этдим узингни,  
Қочганимда топмас эдинг изимни,  
Эшит энди сизга айтар сўзимни,  
Мард экансан, отам булдинг, Гуруғли.

Ваянганни тарк айладим бугундан,  
Чиқдим косиб деган банду тугундан,  
Аввалдан ҳам эмас эдим қизилбош,  
Бир фуқаро эдим пастки бугундан,  
Шарт айладим, отам булдинг, Гуруғли.

Сенинг билан Чамбилбелга борайин,  
Туркманларнинг элу халқин кўрайин,  
Ҳар доимо узинг билан турайин,  
Ҳасанхон дер, энди кўнгил берайин,  
Мард экансан, отам булдинг, Гуруғли.

Бу сўзни Ҳасанхондан Гуруғли эшитиб, қайнаб-то-  
шиб, баракалла ўғлим, деб туркман юртини таъриф қи-  
либ, бир сўз деди.

Чир атрофи очиқ, кенгиш, яйловли,  
Тогларидан оқар суви туркманнинг,  
Бир ёғида кўмкук Ҳазар денгизи,  
Бир ёғида Асқар тови туркманнинг.

Баҳор чоғи гарам-гарам гули бор,  
Бир ёғида Така-Ёвмит эли бор,  
Наматчи, гиламчи уста қули бор,  
Хужатог устида Чамбилбели бор.  
Кукламлари қизирови туркманнинг.

Йигитлари гулгун шароб ичади,  
Баҳор, кузда яйлов оша кучади,  
Утирганда баҳр-дилни очади,  
Жангирлаган оқ ўтови туркманнинг.

Қизилбошнинг элларини бузади,  
Ҳовдагида оққуш, суқор сузади,  
Қошида йигитлар мажлис тузади,  
Шу вақтлари келган дови туркманнинг.

Бир ажаб қизиқдир созу суҳбати,  
Қиз-жувонлар доим булар улфати,  
Тулиб-тошган Гуруглининг давлати.  
Гаштаги, гурунги, гави туркманнинг.

Гуруглибек бошқадан анжом-аслаҳаларини тақиб,  
Гиркўкка миниб, Ҳасанхон ўлини мингаштириб, тоғни-  
нг Асқар қисмидан ўтиб, Туркман юртига юзланиб кела  
берди. Шунда Ҳасанхон кўнглида: «Бу Гуруглибекни  
отам деб мингашиб келаяпману, лекин уз отамдан бир  
умрга жудо бўлдимов», — деб жуда хафа булиб, индамай  
келаётир. Шунда Гуруглибек Ҳасанхонга қараб: — Ўг-  
лим, хафа бўлма, уста Холдор отанг ҳам яқинда Чамбил-  
белга етиб келади, — деб бир неча жойдан тимсол келти-  
риб, бир сўз деди:

Жон болам, гамгин булмагин,  
Кўнглингдаги бари булар,  
Чамбил деган жойга борсанг,  
Алам сендан нари булар.

Урганчдан, Самарқанддан, Шошдан,  
Бухородан, Авгондан, Жушдан,  
Чамбил қараб қизилбошдан  
Келар қарвонлари булар.

Булгор, Ўрус, Нугайликдан,  
Мангишловлик, Саройликдан,  
Чамбил шундай тушама жой,  
Уч ойлик йул Олтойликдан  
Келган одамлари булар.

Растада кўп заргарлар ҳам,  
Темирчиман мискарлар ҳам.  
Кашал булма, жоним болам,  
Келар уста Холдорлар ҳам,  
Бошинг ғамдан пори булар.

Қирқ йигит хизматинг қилиб,  
Ҳар бовутдан кўнглинг тулиб,  
Хон Гуругли отанг булиб,  
Энанг Мисқол пари булар.

Бу сўзни эшитиб, Ҳасанхоннинг бир оз кўнгли очилгандай бўлди. Гўруғлибек Гиркук отини уйнатиб, сувлигини чайнатиб, тогдан текисликка тушиб, неча бир газа, беллардан ошиб, элатма-элат ўтиб, Чамбилбелнинг йўлини тутиб, охири Хўжатоғнинг чуққисига чиқиб, отнинг жиловини тортиб, қайқайиб, Чамбилга кўриниш бериб турди. Қирқ йигитлар дарров отланишиб, Гўруғлибек ва Ҳасанхоннинг қулидан тутиб, бирин-бирин кўришиб, бардор-бардор қилиб, Чамбилга бошлаб келиб, Гўруғлибек билан Ҳасанхонни меҳмонхонага туширдилар. Ана энди Гўруғлибек катта бир зиёфат қилиб, Ҳасанхонга илик ушлатиб, ўғил қилиб, Мисқол парининг ёқасидан солиб, этагидан олиб, Ҳасанхон меҳмонхонада қирқ йигитга косагул бўлиб, шароб сузиб бера берди. Шўйтиб, Гўруғлибек, Холдор маҳрам, Аҳмад Сардор ва қирқ йигит, Ҳасанхонни қирқ йигитга бошчи қилиб сайлаб, йигит оғаси қилиб қўйдилар. Энди уста Холдордан эшитинг.

Уста Холдор Бобо Қаландар пирини келади, деб бирикки кун кутди. Аммо ҳеч ким келмади. Охири уста Холдор ҳайрон қолиб, Бобо Қаландарнинг қулбасига йўл олди. Келса, Бобо Қаландар қулбасини бузиб, бир ёққа кўчмоқчи бўлаётир. Уста Холдор: — Ҳа, тақсир мендан нима хатолик ўтган бўлса, афув қилинг, — деб Бобо Қаландар пирининг оёғига бош қўймоқчи бўла берди. Шунда Бобо Қаландар: — Энди мени десанг, Чортоқли Чамбилга борасан, ўглингни ҳам ўша Чамбилда кўрасан, — деб кўздан ғойиб бўлиб кетди. Аслида Бобо Қаландар дунёда уч одамга кўринган эди. Бири уста Холдор бўлиб, ниҳоятда комил усталикни таълим берган эди. Бири унинг ўгли Ҳасанхон бўлиб, узоқ йўлни бир минутда осон қилиш йўлини ўргатган эди. Учинчиси Гўруғлибек бўлиб, ўзининг Сулаймон подшодан қолган сутасини бериб, ўз нисбатини ҳам Гўруғлибекда қолдирган эди. Шўйтиб, уста Холдор сўраб-сўраб, охири Чамбил шаҳрига етиб келиб, Гўруғлибекни таниб, ўзига пир деб билиб, Ҳасанхон билан ҳам кўришиб, Чамбилда бош уста бўлиб, қирқ йигитларга асбоб ясаб, уста Холдор ҳам, Ҳасанхон ҳам, Гўруғлибек ҳам — барчалари муроду мақсадларига етдилар.

Раҳматулла худой сенга тил берди,  
Осмондан, заминдан кенгиш дил берди,  
Арзи дилинг кучирмоққа қул берди,  
Шукрини адо қил, энди вақтидир.

## ҶИРҚ ЙИГИТ БИЛАН ҶИРҚ ҚИЗ

Гуруғлибек ёшлик пилласида бир белнинг увтида чортоқ қилиб, Гиркүк отини шу чортоқнинг тубига бойлаб, узи чортоқ устида утириб, йулдан ўтган савдогарлардан закот олар эди. У ёқдан, бу ёқдан йигитлар келиб Гуруғлига қушилар эди, бора-бора қирқ йигит бўлди. Савдогарлар: «Чортоқли чангиб ўтган белда Гуруғли закот баҳонаси билан бизларни талайди. Шу Чортоқли чанг белдан утамиз», — дейишар эди. Куп йил, куп ойлар ўтиб, Гуруғли шу белда бир қўрғон бино қилди. Бора-бора шу ер обод бўлиб, Чортоқли чанг бел, Чангбел, Чамбил деб аталди. Совут туннинг ёқаси, туркманнинг оғаси, Гуруғлибекнинг тоғаси Аҳмад сардор ҳам Гуруғлидан қўрқиб, туркман юрти, элатининг ихтиёрини Гуруғлига топширди.

Ана энди Гуруғли туркман элига, Қизилоёқ чулига, Чамбил белига хон бўлди. Така-Ёвмит юртини жуда обод қилди, ҳамма халқнинг кунглини шод қилди. Кунлардан бир куни Гуруғлибек Қирқ йигитлари билан суҳбат қилиб ўтиришганда, Қирқ йигитларига қараб, мўйловини бураб, соқолини тараб: — Эй, йигитларим, шу вақтгача мен билан юриб, кайфу сафо қилиб, кунгилларингда ҳеч черларинг қолдими? — деб бир суз айтиб турган экан:

Эй, ёронлар, бу сузимни эшитинг,  
Кунгилда армонинг борми, Қирқ йигит,  
Бу ширин гапларга қулоқлар тутинг,  
Юракда армонинг борми, Қирқ йигит?

Сизларга чин билан қилдим вафони,  
Қурмадинглар бунда жабру жафони,

Қилдинглар қанча бир кайфу сафони,  
Ҳали ҳам армонинг борми, Қирқ йигит?

Бир тоғим Асқардир, бири Болқонди(р),  
Кийдингизлар совут тунман қалқонди,  
Сув урнига чайнаб ичиб талқонди,  
Ҳали ҳам армонинг борми, Қирқ йигит?

Едингизлар доим қанду навотди,  
Минганга миндинглар тулпор отди,  
Сизга топширганман Ёвмит элатди,  
Ҳали ҳам армонинг борми, Қирқ йигит?

Овламоққа кўлда шунқор қушингиз,  
Бердим сизга ҳар не булса ҳушингиз,  
Кайфу сафо қилмоқ сизнинг ишингиз,  
Ҳали ҳам армонинг борми, Қирқ йигит?

Бу сўзларни айтган Ғуруғлихонди(р),  
Сизларга сарф этдим озиқ-талқонди,  
Айтинг менга ичлардаги армонди,  
Ҳали ҳам армонинг борми, Қирқ йигит?

Ана энди Қирқ йигит Ғуруғлига қараб, барилари бирданига: — Бизлар кайфу сафони жуда кўп қилиб, армонимиз қолмади, лекин Қирқ йигитда бир армон қолди, — деб бир сўз деган экан:

Сўзлаган гапларда ширин тил булар,  
Баҳорда очилган боғда гул булар,  
Бизлар ҳам паризод қиздан олмадик,  
Қирқ йигитнинг бир армони шул булар.

Наранги ёр қучиб уйқу туймадик,  
Сайлаб-сайлаб сулув қизлар суймадик,  
Дунёда фарзанддан нишон қуймадик,  
Қирқ йигитнинг бир армони шул булар.

Сулув суйиб суйинига қул солмадик,  
Яхши ёрдан сайлаб-сайлаб олмадик,  
Бул ўтар дунёда жуфтлик қилмадик,  
Қирқ йигитнинг бир армони шул булар.

Беш кунлик дунёда даврон сурмадик,  
Бизлар ҳам бир ватан қилиб турмадик,  
Хотин олиб рўзгор қилиб курмадик,  
Қирқ йигитнинг бир армони шул булар.

Гуруғли минганда тилла тахтига,  
Мингизган-да йигитларни рахтига,  
Қарамади биздай дуслар бахтига,  
Қирқ йигитнинг бир армони шул булар.

Шунда Гуруғлибек: — Э, гуноҳ биздан ўтган экан-да. Ҳай, кечиринглар, кўнгилларингдаги доғларнинг ўтини учиринглар. Энди сизларнинг бахтларингиз учун алоҳида бир сафар қилайик, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жойларга бориб, меҳмон булайлик. Ҳой, Соқи, Гиркўкни абзалла. Қирқ йигитларнинг отларини ҳам чоппа-чоқ қилиб тайёрла, — деб сўзлаб турган экан:

Устинга кийганинг заррин банотди(р),  
Йигитларим бари пулат қанотди(р),  
Қирқ йигитим бедовини тайёрлаб,  
Соқиё, абзаллаб келгин Гиротди.

Улуг дебон остонангга бош урай,  
Душманларнинг сийнасига тош урай,  
Рақиблардан ҳар на сирим яширай,  
Соқиё, абзаллаб келгин Гиротди.

Сафар қилиб, бахт ахтариб жунайик,  
Ҳар манзилда роҳатланиб қунайик,  
Қирқ йигитга шодлик-шароб сунайик,  
Соқиё, абзаллаб келгин Гиротди.

Сафар қилиб узоқ йўлга тушайин,  
Ғайрат қилиб Асқар тоғдан ошайин,  
Туман дарёсидай тулиб-тошайин,  
Соқиё, абзаллаб келгин Гиротди.

Ғайрат қилиб, жушадирман саҳарлар,  
Гуруғлининг сўзлар сўзи шакарлар,  
Қирқ йигитга топиб келай дилбарлар,  
Соқиё, абзаллаб келгин Гиротди.

Ана энди Соқи мирохўр қирқ йигитнинг отларини, Гиркўкни абзаллаб тайёрлади. Гуруғлибек қирқ йигити билан отларига қараб қўзгалаётир:

Гуруғлибек шердай булиб,  
Полвонликда эрдай булиб,  
Олдинма-кейин саф тортиди,  
Ҳаммалари бирдай булиб,

Ғайратлари келди гуркираб,  
Қатордаги нордай булиб.

Бари бирдай отга минди,  
Жунамоқчи булиб энди,  
Кунгилни қилиб хурсанди,  
Жунай берди ғайрат қилиб,  
Куча юзи сафга тулиб,

Отга минди алвон-алвон,  
Гуруглибек қилди жавлон,  
Барилари йулга тушди,  
Куча юзин қилиб ларзон.

Мард Гуруғли отга миниб,  
Йигитларин кунгли тиниб,  
Буларни отга миндирди,  
Соқи созлаб, шароб суниб.

Шаҳарга овоза солиб,  
Олмос исфиҳонлар олиб,  
Қатор буп кучага тушди,  
Добулларин бирдай чалиб.

Жунай берди сатта шерлар,  
Ботир бўлиб юрган эрлар,  
Кунглида қолмайин черлар,  
Қатор-қатор қизил норлар.

Чамбил шаҳрин гуруллатиб,  
Йигитларин гуруллатиб,  
Қирқ паҳлавон жунай берди,  
Отлар суриб шириллатиб,  
Байроқларин пириллатиб,  
Бедовларин ариллатиб,  
Йулга тушиб жунай берди,  
Тулпорларин зириллатиб.

Кулиб-кулиб Қирқ йигитлар,  
Бир-бирига сўзлар қотиб,  
Жунай берди бирдай булиб,  
Отларига қамчи чатиб,  
Шамолдай буп кетиб борар,  
Жониворлар жонин сотиб,  
Ўзларининг томошасига  
Чамбил халқини қаратиб.

Ана энди Чамбил шахрига овоза тушди, «Гуруглибек Қирқ йигитига хотин излаб, добул созини созлаб, сафарга бораётган эмиш», — деб Чамбилнинг туқсон яшаридан туққиз яшаригача, саксон яшаридан саккиз яшаригача, етмиш яшаридан етти яшаригача томларнинг устига томошага чиқди. «Гуруглибек қандай қилиб йигитлари билан саф тортиб бораётган экан», — деб буйи калталар буйи узунларнинг устидан осилиб, қараб турибди.

Шунда Гуруглибек Холдор маҳрамни орқага қайтариб, бизлар келгунча Чамбилни сақлаб тургин, деб Холдор маҳрамга қараб, сўзлаб турган экан:

Душман келса, аямасдан ургайсан,  
Одилликман ҳукми даврон сургайсан,  
Холдор, узинг бир ишонган маҳрамим,  
Чамбилбелга ҳоким булиб тургайсан.

Чамбил эшигига кумуш япширдим,  
Уткир исфиҳоним қинга қопширдим,  
Чамбилбелни обод қилиб тургайсан,  
Ҳокимликни, Холдор, сенга топширдим.

Қара, Холдор, Гуруглибек тарзига,  
Ҳайбатим дуч келар чўқмор гурзига,  
Чамбилбелга ҳоким булиб, Холдорхон,  
Одилман қулоқ сол эллар арзига.

Гуруглибек минмиш Гиркук отига,  
Бормоқ учун душманлар элатига,  
Чамбилимни, Холдор, сенга топширдим,  
Кетарман мен Кошон вилоятига.

Ана энди Гуруглибек: — Мен энди Кошон вилоятига бораман. У шаҳарда қирқ паҳлавон қиз ҳокимлик қилар эмиш, кўркемликда овозаси оламга кетган эмиш, шуларга талаб солиб келиб, кўп полвон йигитлар курашиб, дунёдан утган эмиш. Қирқ йигитим билан бориб, шул қиз-жувонларни кўриб, ё жон бериб, ё олиб қайтаман. Сизлар кета беринглар, мен орқаларингдан етаман, — деб Қирқ йигитни жўнатиб юборди. Ўзи Холдорхонга қараб, қайтиб келгунча омон бўл, — деб сўзлаб турган экан:

Бузуқ суҳбатларман кўнгил овутма,  
Асло бебош бўлиб узингдан кетма,  
То курганча омон бўлгин, Холдорхон,  
Душман кеп қолмасин, гофил буп ётма.

Ҳар нечук подонга сирингни айтма,  
Ғаним келса, кес бошини, қут айтма,  
Ғофил қолиб Чамбил ичра, Холдорхон,  
Тагин номард бебошларни купайтма.

Мард йигитлар номард сүзин ютарми,  
Эсли одам бекоранги ётарми,  
Чамбилбелга ҳоқим бўлиб, Холдорхон,  
Олифта буп, тумшуғингни кутарма.

Ҳаргиз биров сўзларига кирмагин,  
Хабардор бул, элда бекор турмагин.  
Тагин гафлат босиб қолиб, Холдорхон,  
Чамбилдай элатни қулдан бермагин.

Бу сўзларни айтар Чамбилнинг хони,  
Товлатайин қирқ йигитдай сипони,  
Омонда бул бизлар қайтиб келганча,  
Бўлиб тургин Така-Ёвмит султони.

Ана энди Ғуруғлибек Ғирқўк отининг жиловини бу-  
риб, қирқ йигитнинг орқасидан кетиб бораётир:

Мард отини суради,  
Юрмаганда уради,  
Қирқ йигитнинг ортидан  
Ғуруғлибек боради.

Парвардигор паноди(р),  
Ҳолин билган доноди(р),  
Қирқ йигитнинг кетидан  
Мард Ғуруғли жунади.

Кулда елгиз сунади,  
Сувга шўнғиб қунади,  
Қирқ йигитнинг кетидан  
Ғуруғли қув жунади.

Оладиё, олади,  
Отга қамчи чалади,  
Ғуруғлибек тузанглар  
Ўртасида қолади.

Қўлига қилич олиб,  
Булди сафарга толиб,  
Ғуруғли қув жунади,  
Отига қамчи солиб.

Йўл келса, йургалатди,  
Текис келса, бўшатди,  
Қир келса, қиялатди,  
Нишаб келса, тухтатди,

Гуруғли қип ғайратди,  
Гиротга қамчи чотди,  
Қирқ йигитнинг ортидан  
Етайин, деб йўл тортди.

Гуруғли кузлагани  
Кошондай вилоятди,  
Хом эканди Гиркўк от,  
Оппоқ купикка ботди.

Гуруғли қип ғайратди,  
Гиркўкка қамчи чотди,  
От ҳам қилиб ғайратди,  
Кам-кам ўзин тузатди.

Катта йўл чангиб кетди,  
Атрофни тўзон тутди,  
Оти билан Гуруғли,  
Тўрт энли чанга ботди.

От уйратиб Гуруғли,  
Олисларни кузлайди,  
Қузига дурбин тутиб,  
Қирқ йигитни излайди.

Гирот борар гориллаб,  
Ўқдай булиб зириллаб,  
Гуруғли ҳайбатига  
Тоғу тошлар дириллаб.

Гиркўк от гарқирайди,  
Ўқталиб пирқирайди.  
Олисни кўзлаб бедов,  
Чопмоққа зирқирайди.  
Қичамоқда Гиркўк от  
Сувдайин шарқирайди.

Гуруғли от устида  
Ўнгу сулларга боқди,  
Остидаги бедов от  
Сувдайин булиб оқди,

Туёғи теккан тошни  
Ёнгоқдай қилиб чақди.

Ҳа, деб отини сурди,  
Қистовлар қилиб юрди,  
Олди нишаб келганда,  
Гиркук от тухтаб турди.

Ҳеч тинмайин юради,  
Отга қамчи уради,  
Гуруғли Қирқ йигитни  
Излаб кетиб боради.

Ана энди гапни Қирқ йигитдан эшитинг. Қирқ йигит Асқар тоғининг белига чиқиб қараса, белнинг яйловида бир қаландар битта ола чўмпич<sup>1</sup> отни утлатиб ултирибди. Узи ялангоч, орқаси дунграйган, кўзлари чунграйган, қулида камони, узидан-узи эрмак қилиб, қўшиқ айтиб ўлтирибди. Ана бу қаландарнинг айтиб ўлтирган қўшиғи экан:

Ҳар эшикка хайр қил, деб  
Алдабон мен бораман,  
Кучаларда югуриб,  
Бир парча нон ахтараман.

Гуруғлибек утса агар,  
Шунда курашиб кўраман,  
Мен Кошоннинг қизларига  
Ошиқ бўлибон юраман,  
Гуруғли шундан утганда,  
Йўлда уни улдираман.  
Ё, обло, дўст, ё обло,  
Илолло, дўст, илолло.

Пайгамбардан қолганман,  
Чилтондан дуо олганман,  
Гуруғлидай қуп полвонни  
Шу йўлда банди қилганман,  
Қирқ қизга ошиқ бўлганман.  
Ё, обло, дўст, ё обло,  
Илолло, дўст, илолло.

---

<sup>1</sup> Кейинги икки оёғи калта бўлиб қолган от (Бахши изоҳи).

Шу қаландар ҳам Қошон вилоятига ҳоким бўлган қирқ қизга ошиқ эди. «Гуруғли шу қизларга шу тоғдан утади. Шунда Гуруғлини улдириб, кунглимни тиндириб, ундан кейин ўзим Қошон вилоятининг қирқ қизини бо-риб оламан»,— деб ола чўмпич отини шу тоғда боқиб, семиртириб ётар эди.

Қирқ йигит бу қаландарни кўриб, ҳеч қайсиси ўзини билдирмай тоғнинг панасида писиниб туриб эди. Гуруғлибек Гиротни шамолдай суриб етиб борди. Қирқ йигитлардан гапнинг маъносини сўрди. Шунда қирқ йигитлар қаландарни баён қилиб, бир сўз деб турган экан:

Чўктарма чўққили Асқар товидир,  
Олқар, кийик мард йигитнинг овидир,  
Бу тоғда юрган бир одаманвидир,  
Айиқми, бўрими, ё бир давидир.

Қулоқ солинг қирқ йигитнинг сўзига,  
Гул ярашар жонон қизлар юзига,  
Шу панада бир қаландар турибди,  
Тиқиб юборса, товоқ сигар кўзига.

Қулоқлари, кўрсанг, мисли қалқондай,  
Бўйи онинг узунликда Болқондай,  
Чунқайиб дустамон бўлиб ётибди,  
Утириши кўрсанг унинг чўрлондай<sup>1</sup>

Шунда Гуруғли: — Қани, ўзим бир томоша қилайин,— деб қараса, мурти шопдай, оғзи кўҳна қопдай. Соқолларини узиб олса, битта арқон бўлади. Қулогини узиб олса, битта супра бўлади. Агар қошининг ичига одам ораласа, адашиб кетади. Ҳар бир панжаси теракдай, унга Гуруғлининг курашмоқлиги керакдай. Гуруғли Гиротини ўйнатиб, сувлигини чайнатиб, қаландарга қараб бора берди. Қаландар ҳам Гуруғлини кўриб: — Қаёқдан келаяпсан, менинг олдимга ким дуч келса, ўлади, — деб Гуруғлига қараб, бир сўз деяётир:

Олдимга, номард, жўлашма<sup>2</sup>  
Ўз-ўзидан ҳадингдан ошма,  
Келсанг, барибир уласан,  
Улимингга дарров шошма.

<sup>1</sup> Чўрлон — шайтоннинг эркаги (Бахши изоҳи).

<sup>2</sup> Жўлашма — яқинлашма (Бахши изоҳи).

Қиёмат сенга яқинди(р),  
Йулама қошима энди.  
Каллангни олиб кесарман,  
Ханжарим билан ўсарман,  
Агар келсанг қабатимга,  
Келган йулингни тўсарман.

Менинг отим Шайдуллодир,  
Юрган йулим тоғман адир,  
Туришимнинг сабабини,  
Агар сўрсанг, менга ганим  
Булгани Гурўглишодир.

Гурўглини кўрсам агар,  
Ичирайин унга заҳар,  
Кошоннинг вилоятида  
Ошиқларим қирқта дилбар.

— Шу айтган Гурўглинг мен бўламан, сендай қаландарнинг нечовини нобуд қиламан,— деб Гурўглибек қаландарга қараб, бир сўз деган экан:

Тулиб-тошмаган гайратга,  
Талаб қилсанг, мингин отга,  
Каллангни сапчадай узиб,  
Юборайин қиёматга.

Гурўгли деган мендирман,  
Тарафсиз полвондирман.  
Кесайми сенинг бошингни,  
Заҳар қип ичган ошингни,  
Загизгонга қолдириб,  
Кетайин гавда-лошингни.

Олиб бул чўмпич отингни,  
Қуритай сенинг зотингни,  
Мақсад сенга қирқ қиз булса,  
Тила мендан ҳожатингни.

Ана энди қаландар: — Сен Гурўгли бўлсанг, сен билан бир олишай, агар йиқсам, сени нобуд қилай, йиқилсам сенинг динингга кирай,— деб отига дап бериб кела берди. Гурўгли султон қаландарнинг белидан ўхшатиб ушлаб, иягининг тагига беш-олти муштлаб, оёғидан кўтариб, калласидан итариб, ерга бир урди, Шайдулло Қаландар ўзини Гурўглининг остида кўрди.

Гуруглининг полвонлигига тан берди, унинг ихтиёрига кирди, ола чумгич отини ҳам Гуруглига берди.— Э, Гуругли, энди мени ҳам Кошонга ияртиб бор. Қирқ қизнинг Жондорпуч деган энаси бор, шунини менга олиб берсанг, булгани. Қизларини қирқ йигитингга олиб бера бер. Мен сенинг зўрлигингга тан бердим, улганимча сенга хизматкор бўлай,— деб Шайдулло қаландарнинг Гуруглига айтган сўзи экан:

Гуруглибек, ҳар на борим сеники,  
Бисотида йўқу борим сеники.  
Улганимча хизматингни қилайин,  
Дарвозингда посибонинг бўлайин,  
Жондорпуч кампирни берсанг бўлади,  
Қаноат қил мен шу ёрни олайин.

Шунда Гуругли: — Энди сенинг отинг Шайдулло бўлмасин, Ҳасан чопсан<sup>1</sup> бўлсин. Сени қўрбоши қилдим. Сен ҳам бизлар билан бирга юр, шу Жондорпуч кампирни сенга олиб бераман,— дегандан кейин Ҳасан чопсон ҳам қирқ йигит билан қўшилиб, бари Кошон вилоятига қараб жўнаб кетди. Ана энди жўнаб бораётир:

Қирқ йигит шовқин солиб,  
Булди йўлларга толиб,  
Отларга қамчи чатди,  
Катта гайратлар қилиб,  
Ҳаммаси от қистади.

Қатор-қатор булишиб,  
Йўлда даста-дастади(р),  
Буларнинг от чопиши  
Баландда ҳам пастдади(р).

Отларга қамчи чатиб,  
Тез етсак, деб қистади,  
Ҳаммаси от чопмоққа  
Гуруглидан устади(р).

Йўл юрди кеча-кундуз,  
Оқломлар санар юлдуз,  
Қаторлашиб боради  
Бир-бириман изма-из.

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада сапон. Бахши «Сап тузатгич» деб изоҳ берган. «Гуругли» дostonлари анъанасига кўра, «чопсон», деб бердик.

Йулда ёзади қулоч,  
Овқат емай, қорин оч,  
Оч қоб, оч қоб қолганда,  
Кулга кумиб еб кумоч.

Йулларда бўлади шод,  
Дилларин қилиб обод,  
Яқин қолди макон, деб  
Кошондайин вилоят.

Шуйтиб кетиб боради,  
От уйнатиб боради,  
Минган отлари тулпор,  
Жонлар сотиб боради,  
Бир-бирига ҳазилманд,  
Сузлар қотиб боради.

Неча тоғлардан утди,  
Куриб куп вилоятди,  
Бир ой тинмай йул юриб,  
Кошон элига етди.

Бедов отлар ёл-қуйруғи ёнади,  
Ҳар куни кеч булса, отдан қўнади,  
Кеча ётиб, кундузлари бариси  
Қаторлашиб, саф тортишиб жунади.

Қирқ йигитнинг очилибди кўнгили,  
Яқин қолти энди Кошоннинг эли,  
Олислардан кўринади булдираб,  
Минора, пештоқлар ҳам товин бели.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,  
Қулоқ солинг сўзимнинг пайвастига,  
Бир ойгача ҳеч тинмайин йул юриб,  
Етишиб бордилар Кошон устига.

Ана энди Кошон дарвозасининг тубига шундай бо-  
риб қолди. Дарвозабон кўриб, Жондорпуч кампирга ха-  
бар қилди. Жондорпуч ҳам қизларига билдириб, бир  
сўз деб турган экан:

Ажали етганнинг умри тўлибди,  
Хазон етса қизил гуллар сўлибди.  
Гуруғлини ҳазил билманг, қизларим,  
Қирқ йигити билан бунда келибди.

Дунёда сиқатлик катта бир давлат,  
Илоҳим оламда кўрайлик роҳат,  
Гуруғли қув ёв буп бизга келибди,  
Қизларим. беринглар энди маслаҳат.

Қулоқ солинг Жондорпучнинг сузига,  
Оловдай чақнаган икки кўзига,  
Энангнинг аччиги жуда келибди,  
Сизларга ҳам бир насиҳат қилибди,  
Энди Гуруғлиман курашинг, қизлар,  
Қарамай уларнинг бети-юзига.

— Ана энди қирқ қиз ҳам аслаҳаларини кия берди. Кат-тасининг оти Гулдона, ундан кейингисининг оти Холдона, ундан кейингисининг оти Турсунтош, ундан кейингисининг оти Ялпоқбош, кичкинасининг оти Қаламқош эди. Ҳаммаси тайёр бўлиб, дарвозанинг олдида саф тортиб турибди. Шунда Гуруғлибек қизларга қараб, бир сўз деб турган экан:

Келинг, қизлар, даста-даста,  
Уруш булсин аста-аста,  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
Солишайлик чаппа-роста.  
Келингизлар даста-даста,  
Қирқ йигит жонларим билан  
Сизман бўлайик пайваста.

Тулишгандир жамолларинг,  
Етишгандир камолларинг,  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
Урушайлик кечиб жондан,  
Ханжар олма исфиҳондан,  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
Урушлар қилайик чандон,  
Кечишибон жону тандан.

Майдонга жонлар сотилсин,  
Жазойил<sup>1</sup> милтиқ отилсин,  
Келинг урушга тайёр буп,  
Ботир бир-бирига қотилсин,

---

<sup>1</sup> Жазойил — туяга ортиб юриладиган катта милтиқ. (Бахшининг изоҳи).

Қурқоқлар қочиб қутилсин,  
Майдонга қонлар тўкилсин,  
Урушда тизлар букилсин,  
Қайси бири мағлуб бўлса,  
Чулоқ туядай чуқилсин.

Келинг, қизлар, урушайлик,  
Марди майдон булишайлик,  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
Талаб солиб олишайлик.

Ана энди қизу жувонлар: — Сизларнинг келишларингнинг асл сабаби нима? Бизларга кўп кишилар келиб улиб кетган, кўп одамларнинг шу ерда ажали етган. Ростини айтинглар, ё бизларга толиб бўлиб келдингларми? Ё жанг учун келдингларми? Агар жанг учун келган бўлсанглар, ханжарма-ханжар уруш қилайлик. Агарда толиб бўлиб келган бўлсанглар, қўлма-қўл кураш тутайлик. Йигитларингнинг биттаси бизларни йиқса, тан бериб, қирқ йигитингга тегайлик, — деганда, Гўрўглибек қизларга қараб, бир сўз деб турган экан:

Йигитларим, белларингни боғланглар,  
Ўзларингни уруш учун чоғланглар,  
Қирқ қизларни ҳазил билманг, ёронлар,  
Қалқон кийиб ўзларингни сақланглар.

Йигитларим, майдонни рост қуринглар,  
Ўзларингни дадил қилиб туринглар,  
Қиз-жувонни ҳазил билманг, ёронлар,  
Ғайрат қилиб ерга бошлаб уринглар.

Қирқ йигитим, қулоқ солинг сўзима,  
Сизларга қараган қора кўзима,  
Қиз-жувонни ҳазил билманг, ёронлар,  
Бирови тенг келар менинг ўзима.

Булбуллар қунади боғнинг гулига,  
Бахт келиб улашсин толиб қўлига,  
Қиз-жувонни ҳазил билманг, ёронлар,  
Буларнинг тенги йўқ Копон элига.

Ана энди Ҳасан чопсон ола чўмпич отини йўргалатиб, калласини иргалатиб, Гўрўглига қараб, қирқ қизга курашмоққа мени буюр, деб сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Бўқтарилган Асқар товман Болқонди(р),  
Йигитлар кийгани совут-қалқонди(р),  
Жавоб бер, қирқ қизман кураш тушайин,  
Ҳазил билма Ҳасандайин чопсонди.

Сен-чун фидо қилай жон билан танди,  
Шодмон қилай қирқ йигитдай полвонди,  
Ҳазил билма Ҳасан чопсон зўрлигин,  
Хотинлик қилайин қирқта жононди.

Қизил гул очилса, булбул қунади,  
Хазон бўлса, барги анинг сулади,  
Қиз-жувонни қирқ йигитга олиб бер,  
Жондорпучни менга берсанг булади.

Шунда Гўрўгли: — Эса, майли сенга Жондорпуч керак бўлса, олиб бера қолай. Икковинг боб келиб, бир-биринг билан ҳазил-пазил қилиб юрасан, дунёда даврон сурасан. Энди курашга туш. Қани, ишингни курсат,— деди. Ҳасан чопсон Гўрўглидан оқ фотиҳа сўраб, бир сўз деб турган экан:

Қаҳрим келса, қизил куло кияман,  
Аччиқлансам қиз-жувонни суюман,  
Кошоннинг шаҳрини вайрона қилиб,  
Жондорпучни ўзим олиб қуяман.

Қаҳрланиб қизил салла ўрайман,  
Сиёсатга шомуртимни бурайман,  
Қиз-жувонман энди кураш қилай, деб  
Гўрўглибек оқ фотиҳа сўрайман.

Жондорпуч ишқиди келмасди хобим<sup>1</sup>  
Ёд этиб оқарди кўзимдан обим<sup>2</sup>  
Аслим тожик, шуйтиб сўзга қушаман,  
Қизларман курашай, бергин жавобим.

Ана энди Гўрўглибек Ҳасан чопсонга оқ фотиҳа бериб юборди. Ҳасан чопсон майдонга кираётир, қизларга қараб чақираётир:

Курашайлик чикка-пикка,  
Қул тутиниб, булиб тикка,

<sup>1</sup> *Хоб* — уйқу.

<sup>2</sup> *Об* — сув. Бу ерда кўз ёши маъносиди.

Сизлар чаққон, дикка-дикка,  
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан,  
Кел-ҳо, қизлар, якка-якка.

Қулма-қулди ушлашайлик,  
Аччиқ келса, мушлашайлик,  
Худди отнинг талашидай,  
Чаппа-роста тиллашайлик,  
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан,  
Кел-ҳо, қизлар, якка-якка.

Баринг билан олишайин,  
Қулма-қуллар солишайин,  
Тенг бўлишиб сизлар билан  
Зури-бози қилишайин.  
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан,  
Кел-ҳо, қизлар, якка-якка.

Майдон юзи бўлсин шудгор,  
Эшитиб олинг полвон қизлар,  
Сизга толиб булган бизлар,  
Сиз бир ёндан, мен бир ёндан  
Кел-ҳо, қизлар, якка-якка.

Ана энди қизлар бирин-бирин келиб, Ҳасан чопсон билан олиша берди, зури-бози қилиша берди, қизлар олдин-кейин йиқилиша берди. Қирқтасини ҳам бирин-кетин йиқитиб бойлаб олди. Қизлар банди булгандан кейин Жондорпуч кампирнинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, лашкарларига буюриб, бир сўз деб турган экан:

Лашкарларим, ҳеч қолмасдан боринглар,  
Гуруғлининг қирқ йигитин қиринглар,  
Қирқта қизим бари банди булибди,  
Қизларим айриб олиб беринглар.  
Тезроқ борибон урушга кириб,  
Қирқ йигитнинг ҳаммасини суринглар,  
Гурзи, калтак аямасдан уринглар,  
Ё ўлдилинг, ё жонларни беринглар.

Жондорпуч кампирнинг қирқ минг лашкари бор эди. Ҳаммаси чувиллашиб, бирданига Қирқ йигитнинг устига тўкилди. Ана, Гурўглибек ҳам тилла дубулни қоқиб юборди. Қирқ йигитнинг ҳаммаси ҳам урушга тушиб кетди.

От чоңар аста-аста,  
Туп-түп булиб, даста-даста,  
Уруш булди чаппа-роста,  
Ботир урушга ҳаваста,  
Қурқсқларнинг кунгли хаста,  
Қиргин булди балад-ласта,  
От қўйди майдон ичинда.

Отлар келар оғзин очиб,  
Номад кетар андан қочиб,  
Гуруғлибек қонлар кечиб,  
Душманларнинг қонин ичиб,  
От қўйди майдон ичинда.

Гуруғли қув шердай булиб,  
Душманларман бирдай булиб,  
Ҳар ёқдан ботирлар келар,  
Ҳар овзига купик тулиб,  
Сури шар майдон ичинда.

Қилич, найза ширқиллашиб,  
Милтиқлар ҳам пирқиллашиб,  
Қурқоқ қочар зирқиллашиб,  
Кийикдайин дирқиллашиб,  
Ботирнинг ғайрати тошиб,  
От қўйди майдон ичинда.

Узангилар шарқиллашиб,  
Қонлар оқар гарқиллашиб.  
Мардлар қулида ханжари,  
Ой туққандай ярқиллашиб,  
От қўйди майдон ичинда.

Душман ўлди түп-түп булиб,  
Улик хирмони кўп булиб,  
Янчилди хирмон ҳўп булиб,  
Қирилди майдон ичинда.

Бедов отлар оғзин очди,  
Қирқ йигитлар олов сочди,  
Бундайин зурликни куриб,  
Душман бу ишга тан бериб,  
Ортига қарамай қочди.

Бир тарафдан Гуруғлихон,  
Бир тарафдан Ҳасан чопсон,

Бир тарафдан қирқта жонон,  
От қўйди майдон ичинда.

Ана энди душманлар тўп-тўп бўлиб, ҳаммаси ҳар ерга қочиб кетди. Бу ишга Жондорпуч кампир ҳайрон бўлиб, Гуруғлибекнинг олдига келиб: — Энди сизларнинг зўрликларингизга тан бердим, қизларимни ҳам сизларга топширдим, — деди.

Гуруғлибек қирқ йигитга қирқ қизни никоҳлаб берди. Жондорпуч кампирни Ҳасан чопсонга берди. Жондорпучнинг қулоғи тескари битган, айёрлиги ҳаддан утган, икки бетидан гўшти қочган, манглайдан тарлон очган кампир эди. Қирқ йигит қирқ қизни отларига мингантириб олди. Жондорпуч кампир ҳам эшагига тескари миниб, Ҳасан чопсоннинг орқасидан кета берди. Ҳаммаси Чамбилга қараб равона бўлди. Йул юриб, озгина эмас, мул юриб, ҳаммалари Чамбилбелига, Така-Евмит элига етиб борди. Ҳасан чопсонни дарвозабон қилиб қўйди, Жондорпучни айёрбоши қилиб қўйди. Қирқ йигитлар ҳам хотинлик бўлди, олачўмпич от Гуруғлиники бўлди.

Гуруғлининг тўртта тулпор оти бор эди. Бирови Гиркук, бирови Жийронқуш, яна бирови Мажнункук, олачўмпич билан тўртта бўлди. Қирқ йигитлар Гуруғли қув билан давр суриб юра берди. Шу билан Гуруғлининг Қирқ йигити қирқ қизларни олиб, муроду мақсадига етди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Достон 1946 йилнинг 24 июлида шоир оғзидан Ҳожия Шокирова томонидан ёзиб олинган.

## ҲАСАН КЎЛБАР

Чингистон мамлакатада Ҳасан бўлғор, Ҳасан кўлбар деган акали-укалиллар бор эди. Аммо Ҳасан бўлгорнинг бўйи шу одамларнинг бўйидай бўлиб, кўп қатори тирикчилик қилиб кетди. Ҳасан кўлбар тўрт яшаридаёқ катта одамлардай бўлиб, кундан-кунга ўсиб кета берди. Унинг ота-энаси кийим ва овқат топиб бера олмай: «Фақат подшоликка кераксан», — деб элтиб подшога бердилар. Подшо уни: «Уруш бўлса, урушга соламан», — деб кийимини, нонини бериб боқа берди. Унча-мунча овқатга қорни тўймагани учун подшо кўлбар деб лақаб қўйди. Орадан кўп йиллар ўтиб, уруш бўлмади. Чингистон подшоси ҳисоблаб кўрса, ун йилда уч минг олти юз йиллик йилқини ебди. «Уруш қиламан, деб қилган фойдангдан ўргилай», — деб Ҳасан кўлбарни Чингистон подшоси қувалаб юборди. Ундан кейин Ҳасан кўлбар Ҳаштархон подшосига келиб, хизмат қилишини айтиб арз қилди. Ҳаштархон подшоси: «Чингистон катта мамлакатнинг подшоси боқа олмаганда мен боқа олармидим», — деб қувалаб юборди.

Шўйтиб, Ҳасан кўлбар Ҳафдархон, Гуржистон, Фаранг, Рум, хулласи, ер юзидаги подшоларнинг барига ҳам борди. Жуда ҳиммати баландлари бир йил, бўлмаса, бир ой, ярим ой боқиб: «Сен фойдасидан зарари кўпроқ тегадиган одам экансан», — деб қувиб юбора бердилар. Шу аҳволда Ҳасан кўлбарнинг хизмат қилмаган подшоси ва паноҳ истамаган беги қолмай, қартайиб қолиб, охири Хунхоршоҳнинг шаҳрига келиб, ўзининг бошидан ўтганларини, агар кийимдан, овқатдан ёрдам бериб турса, ҳар қандай душмани бўлса, урушиб, ўч олиб беришини айтиб, Хунхоршоҳга арз қилди. Хунхоршоҳ Ҳасан кўлбар

ни бир-икки ҳафта боқиб кўрди. Қараса, кўйлагига уч юз қарич бўз, иштонига яна шунча, телпагига юз қўйнинг териси, ковушига камида юз туянинг териси, овқатига бўлса, ҳар куни бир туя, бўлмаса бир йилқи кетар экан. Ҳзи бир иссиқ нонга хасилик қилиб, қаттиқ нонни ивитиб еб юрган Хунхор: «Бир балоси бўлмаса, шунча жасади билан бирор подшоҳнинг қўлида қолар эдида. Ҳзи ландахуртоб, букри, лапашанг, қуруқ овқат билан кийимга тобони бобой экан. Бу ўзимни еб кетишдан ҳам тоймайди», — деб қувалаб юборди. Ундан кейин бечора Ҳасан кўлбар Хуросонга Ҳаришоҳ олдига борди. Ҳаришоҳ унга Гурўгли султон ва Чамбилнинг хабарини берди.

Бир кун Ҳасан кўлбар Гурўгли султоннинг майхонасига кириб келиб, Гурўгли султонга бошидан ўтган кунларини айтиб, энди Гурўгли султонга хизмат қилмоқчи бўлиб келганини арз қилди. Гурўгли султоннинг Ҳасан кўлбарга раҳми келиб, майхонасидан жой берди. Ҳасан кўлбар бир-икки кун майхонада бўлди. Пойгакни олди. Эшикдан келган қанча таом бўлса, тўрга юбормай, бир отим қилиб, табоқни қайтариб юбора берди. Тўрга таом ўтмай, қирқ йигитнинг иштаҳалари карнай бўлиб, мазаси қоча берди. Буни Гурўгли султон билиб, Ҳасан кўлбарни туркман чўлига чиқариб: «Ҳар куни инсоф билан Хунхор бетдан келаётган савдогарларнинг туя-йилқиларидан битта тутиб олиб, ей бер. Битта-яримта жосусни курсанг ҳам, тутиб е. Чамбилдан бирор бесар чиқса, Гурўгли султонга тутиб келтириб бер. Оёгинга чориқ, устинга пўстин қилиб берилади», — деб қўйди. Шунда Ҳасан кўлбар Чамбил атрофидаги чўлларда, жарларнинг соясини макон қилиб юрадиган бўлди. Шуйтиб, Ҳасан кўлбарнинг сўнгги қарилик кунлари туркман чўлида ўтди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Шоирнинг таъкидлашича, бошқа бир ривоятда, Ҳасан кўлбар аввал дев эди. Хужай Хизирнинг каромати билан одам бўлиб, туркман чўлида қолди, дейилган.

## ЛУГАТ ВА ИЗОҲЛАР

Абрий — обру.

Адра — ордона.

Ажалим етса, хоким гужо — улсам, тупрогим хоҳланган жойда булади. Бу иборат дostonларда энди менга барибир маъносида ишлатилади.

Ажнос — жинслар. Дostonларда узгалар маъносида қўлланилади.

Айқич-уйқич — айғаш-уйғаш. Телба-тескари ҳаракат.

Алақ — алағда.

Ангнимоқ — пойламоқ, кузатмоқ.

Ардисари — барибир.

Арқам мор — олачи пор илон.

Балхи — ҳарир.

Барак — чучвара.

Барку — яшиндай тез.

Бароқ (буроқ) — афсонавий от. Ривоятларга кўра, Муҳаммад пайгамбар меърож кечаси кўкка миниб чиққан учқур от.

Бол — 1. Асал. 2. Куч, қудрат. Бол Аваз — ботир Аваз.

Бор — куп маъноли сўз. Бу ерда мева.

Буйир — биқин.

Бут — санам. Дostonда севгили, маъшуқа маъносида.

Бурбой — болдир.

Гамбик — эплигида дардга учраб, ўсмай қолган одам.

Гапчинозлик — сўзчан, бошқаларнинг сўзини тўсмоқ; гап ташувчилик.

Гуппи — лофчи, мақтанчоқ.

Дави-даска — дostonларда тантанавор, кўрсатмали, намоишкор маъноларида келади.

Дадоғ (дадақ, додан) — чўри, қул.

Даста бувдоқ гуллар — дасталанган гуллар.

Деву гуллар — девлар. «Гул» арабча сўз булиб, дев демакдир.

Денги-тенги. Денги-душ — тенги-туш.

Дим — мутлақо.

Димжит — жимжит

Добир — туёқ (оёқ) дан чиқадиган товуш.  
Дол — баланд бўйли.  
Дустаман — чалқанча йиқилмоқ.  
Дунмоқ — чарх урмоқ, айланмоқ.  
Емтик — парча гушт.  
Ёби — хашаки от, оддий от тури  
Жазойил — кичик туп. Туяга ортиб юриладиган катта милтиқ.  
Жайнамоқ — яшнамоқ.  
Жайрагур — ашамагур.  
Жана — қия.  
Жаналамоқ — қияламоқ.  
Жапсар — қора уй керагасига увуқларнинг боғланган жойи.  
Жапсар ёриб қарамоқ — увуқларни суриб кузатмоқ. Достонларда туйнук маъносида ҳам келади.  
Жарм — гуноҳ, ёзиқ.  
Жеба — зирҳли кийим, қалқон.  
Жебахона — қурол-аслаҳа омбори.  
Жебачи (жевачи) — қўрхона бошлиғи.  
Жизоқ (жизақ) — тузоқ.  
Жилпитмоқ — отни секин иргитмоқ.  
Жовлик — ёппасига.  
Жулкурс — пати ўсиқ қилиб тўқилган гилам тури.  
Жўймоқ — йўймоқ, тушнинг таъбирини айтмоқ.  
Журоб — супурги.  
Занги — ҳабаш.  
Зиён-суд — фойда-зарар.  
Зойил — йўқ бўлувчи, йўқоладиган, учадиган.  
Иркилламоқ — отнинг тулғониб юриши, у ёққа, бу ёққа ташлаб юрмоқ.  
Ирқилжим — иккиланмоқ; ҳушни йўқотмоқ.  
Исфиҳон — кескир тиг, қилич. Урта асрларда Исфиҳон усталари ишлаган кескир тигларга нисбатан айтилган. Қиличнинг сифати.  
Итсийгак — жарларда ўсадиган хашаки ўт тури.  
Иҳонат — камситиш, хўрлаш, таҳқирлаш.  
Йўртмоқ бўлиб — атак-чечак қилиб.  
Каж — тескари, эгри.  
Кажрайтмоқ — қийшайтирмоқ.  
Кайвони — иш боши; дастурхончи.  
Канора — қиргоқ, чет, чегара.  
Кас — киши, одам; биров.  
Кашал — гамгин, паришон; ўзга юрт.  
Келбат — қомат.  
Кен — кейин, орқа.  
Кенамоқ — сочи орқага ташламоқ.  
Киравка — жангда тигдан сақланиш учун кийиладиган нимча.  
Кучкиёв (кўчкиёв) — ичкуёв, қизнинг отасиникига кўчиб ўтган кўёв.  
Кузлари чўнграйган — кўзлари чақчайган.

Кукай — дил.  
 Курикча — кўра; заргарларнинг металл эритадиган оташдони.  
 Лайлу наҳор — кеча о кундуз.  
 Лот — исломдан илгариги маъбудлардан бири.  
 Маазанг — айер.  
 Майшайган — қийшайган.  
 Маназ маназин — феъл-атвор.  
 Манот — исломгача бўлган маъбудлардан бири.  
 Мана — мана бу.  
 Марқа — қузичоқ; кенжатоё. Достонларда кўзга кўринган йигит маъносида ишлатилади.  
 Маргул (маргула) — жингалак соч, зулф.  
 Маткатаг — устини ялпоқ тош билан ёпилган чупонлар чайласи.  
 Меърож — юсак даража. Йигитнинг меърожи — сара йигит.  
 Мин — камчилик, нуқсон. Мини йўқ — камчилиги, нуқсони йўқ, бевуқсон.  
 Михлож бермоқ — муштумини қисиб, бош бармоқ учини туғрилади, оч биқинга туширмоқ.  
 Мойтармоқ — руҳан эзмоқ.  
 Муртув — вайроналарда яшовчи ургочи ажина.  
 Мурасса — қимматли тошлар билан безатилган.  
 Мурик — сулиган.  
 Муханнас — хунаса.  
 Мушавваш — ташвишли.  
 Муқайяд — боғлаган, уланган, банд этилган. Муқайяд бўлмоқ — банд бўлмоқ.  
 Мўкки — пошнасиз ковуш.  
 Мўнгадак — ожиз, бечора.  
 Мўнкимоқ — букчайиб-сакраб елмоқ.  
 Мўнтоқ — чўлтоқ.  
 Нимча — ярим. Достонларда янги очилган гулнинг сифати.  
 Об — сув. Достонда кўз ёши маъносида.  
 Овпалак — жарларда ўсадиган хашаки ўт тури.  
 Оз — ўт, олов.  
 Олангасарроқ — камфаҳмроқ, ишонувчан.  
 Онгсизда — қўққисдан, тасодифан, тўсатдан.  
 Оч газа — икки чўққи ораси.  
 Огзивон — соябон. Достонларда от етакловчи, жиловдор.  
 Парқин — от қўлтўғи. Афсонавий от қанотининг жойлашган ўрни.  
 Пилга — нишона. Пойгада қўйилган нишона.  
 Пироқ — учқур от.  
 Пулчин — солиқчи, пул йиғувчи.  
 Пуруш (фуруш) — сотувчи.  
 Роз — сир.  
 Сагмагас — итпашша. Сак — ит. Магас — пашша.  
 Сайсманд — билагон, уста отбоқар.  
 Сандирамоқ — валдирамоқ.  
 Саража — икки от орасига ўрнатилган замбил, кажава.  
 Сарандоз — аёллар бошига солиб кўчага чиқадиган яктак.

Сарбоз — аскаp.  
Сарбон — туячи. Қарвонда туя етакловчи.  
Саргалдоқ — заргалдоқ.  
Седдаланг отмоқ — саланглаб юрмоқ.  
Сендайчакин (сендайчанги) — сенга ўхшаш.  
Сеп — тортиқ, аталган совға.  
Сермамоқ — силтамоқ.  
Син — хислат, фазилат.  
Синчи — отнинг хислат ва фазилатларини биладиган киши.  
Совутмоқ (совулмоқ) — отни боқувдан кейин аста-аста тез юриш ва чопишга ўргатмоқ.  
Сугилмоқ — чок-чокидан сўкилиб кетмоқ.  
Таккон — табиб.  
Тараққос бойламоқ — зеб бериб керилмоқ.  
Тарлон — ола-була. Тарлон очмоқ — баданда оқ доғларнинг пайдо бўлиши.  
Тарлон — овчи қуш.  
Тарроp — ўгри.  
Тарсо — насроний.  
Терскай — терс, қуёшга тескари.  
Тимкил-тимкил (тамкил-тамкил) — парча-парча.  
Тингилмоқ — қаттиқ тикилмоқ.  
Тирама — куз.  
Тирдай (дирдай) — ялонғоч.  
Тоза — янги.  
Том — уй; уйнинг тепаси.  
Тонг қолмоқ — ҳайратда қолмоқ.  
Туймум — тузқоқ қилиб қовурилган гушт.  
Туйгун — қарчигай.  
Турфа — ҳар хил; ажойиб.  
Тут босмоқ — зангламоқ.  
Туг — байроқ.  
Тубалашмоқ — савалашмоқ.  
Тугарак — теваpак.  
Туталаб — урталаб, йулни калта қилиб кесиб чиқмоқ.  
Ув — заҳар.  
Увуз эти ув бўлиб — ўрганмоқ, юрак-багри эзилиб.  
Улги — намуна, нусха.  
Улоқмоқ — тентирамоқ.  
Уммон — денгиз; тошқин дарё.  
Ғоиқ — юксак.  
Ғост — бузуқ. «Ғосид» сўзининг бузилган шакли.  
Хардуст — эшак ўгриси.  
Хасим — душман.  
Хоб — уйқу.  
Хукмин — дostonларда худбин маъносида қўлланилади.  
Чер — ғам, алам.  
Чиқсув — шудрингдан кейин дов-дарахтлар ва ўт-уланлар барглари-дан томадиган томчилар.

- Чотмоқ — отга кетма-кет қамчи урмоқ.  
Чувламоқ — чувулламоқ.  
Чумпич — кейинги икки оёғи калта от тури.  
Чунгол — тошлар тўдалашиб қолган тоғ қисми.  
Чуртлон — бахши тасавурида шайтоннинг эркағи.  
Шар, шарр — жаҳл, ёмон феъл, гуноҳ, ёмонлик. Достонларда ман-манлик маъносида ҳам келади.  
Шонглох — шуъла, ёруғлик.  
Шопар — қанот.  
Юртмоқ — узи юрадиган бўлган, оёқ чиқарган.  
Ўмган — кўкрак.  
Ўмганлатмоқ — отғи кўкраклатиб сакратмоқ.  
Ўр — юқориликка кўтарилган борган йўл: Ўр келса ўмганлатди.  
Ўр — ужар. Ўр-тик — ўз суздан қайтмовчи.  
Ўрол — бош, бошланғич, бошланиши.  
Ўқранмоқ — отнинг жазава билан олдинга интилиш ҳолати.  
Қайчилатмоқ — тикрайтмоқ.  
Қамсамоқ — қистамоқ.  
Қарқара — тикка, бош кийимига ўрнатилган тик турадиган пат.  
Қасаба — тикка қилиб уралган рўмол. Аёллар бош кийими.  
Қизилбош — эпик душман.  
Қилич байзо — қиличнинг қўлда қуёшдай ялтираши.  
Қирғи — ранда.  
Қулотуз — кенг дала.  
Ғабон — қобон, ёввойи тўнғиз.  
Ғуччақ — мард йигит.  
Ҳавл — қўрқув, безовталиқ.  
Ҳамойил — елка ёки қўлтиқ орқали ўтказилиб тақиладиган қилич ёки китоб жилдининг богичи.  
Ҳараж — қийинчилик, мушкуллик.  
Ҳарос — қўрқув; ҳазар қилмоқ.  
Ҳевагар (ҳийвогар) — жилвагар.  
Ҳовли абоғи — уй қамоғи маъносиди.

## МУНДАРИЖА

Достонлар зубдаси.....	3
Гуруғлининг тугилиши.....	13
Гуруғлининг болалиги.....	65
Чортоқли Чамбил.....	82
Райҳон араб.....	97
Юнус билан Мисқол.....	127
Ҳасанхон.....	159
Қирқ йигит билан Қирқ қиз.....	182
Ҳасан кулбар.....	200

*Адабий-бадиий нашр*

## ГҶРҶҒЛИ ДОСТОНЛАРИ

### 1. ГҶРҶҒЛИНИНГ ТҶҒИЛИШИ

Мусаввир *Юлай Габзалилов*  
Муҳаррир *Еқут Раҳимова*  
Расмлар муҳаррири *Ю.Габзалилов*  
Техник муҳаррир *У.Ким.*

Босмаконага берилди 5.12.95. Босишга рухсат этилди 25.01.96. Формати 84x108 1/32. Рузнома қогози. Мактаб гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 10,92. Шартли ранг-оттиск 11,34. Нашр л. 11,13. Нухаси 12.000. Буюртма 4577. Баҳоси шартнома асосида. Шартнома 46-95.

«Ёзувчи» нашриёти, 700129, Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
700083 Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.